

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси  
Ўрозбой Абдурахмонов  
Эркин Воҳидов  
Тўра Мирзаев  
Иқбол Мирзо  
Минҳожиддин Мирзо  
Абдуваҳоб Нурматов

Абдулла Орипов  
Тўра Саидов  
Сирожиддин Саййид  
Йўлдош Солижонов  
Хайриддин Султонов  
Шарап Уснатдинов  
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир в.б. — Улуғбек Ҳамдам  
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод  
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов  
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод



## МУНДАРИЖА

<b>ДОЛЗАРБ МАСАЛА</b>	
Сирожиддин Сайид. Оққан дарё оқадими?.....	3
<b>НАЗМ</b>	
Тошпўлат Аҳмад. Шабнам қатрасида кўёш ёлқини. Шеърлар.....	11
Тўлан Низом. Умр қасидаси.....	68
Зиёвиддин Мансур. Шахмат қаъридаги ҳикматлар.....	72
Хосият Рустомова. Бир манзара бахш этди чирой. Шеърлар.....	83
Гўзал Бегим. Келаётган сабо. Шеърлар.....	86
Абдумажид Азим. Истиқлолдан ёнган чироғим. Шеърлар.....	99
Шойим Шерназар. Майсалар тинглайди дилимни. Шеърлар.....	102
<b>Бир дарахт новдалари</b>	
Қорақалпоқ қизлари дафтарида. Шеърлар.....	112
<b>Булоқ кўз очди</b>	
Насрулло Эргаш. Юракнинг садоси юракка қайтар. Шеърлар.....	131
<b>Болалар дунёси</b>	
Иброҳим Дониш. Деразамни очибсан. Шеърлар.....	137
<b>Унутмас мени боғим</b>	
Маъруф Жалил. Соғинч нафаси. Шеърлар.....	142
<b>НАСР</b>	
Исажон Султон. Боқий дарбадар. Роман.....	15
Дилмурод Қуронов. Ўйлашга ундовчи асар.....	15
Дурбек Қўлдошев. Шикор. Ҳикоя.....	120
<b>Жаҳон ҳикоялар хазинасидан</b>	
Томас Манн. Тазарру. Ҳикоя.....	133
<b>Қўлёзмаларни арақлаганда</b>	
Мирмуҳсин Шермуҳамедов. Бефарзанд Очилдибой. Роман.....	76
Адиба Давлатова. Дастлабки дадил қадам.....	76
<b>ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ</b>	
Ҳақиқат оғриқлар заминиди туғилур. Ёзувчи Асад Дилмурод билан суҳбат.....	89
<b>ЭҲТИРОМ</b>	
Саъдулла Сиёев. Пайваста диллар меъмори. Эссе.....	105
<b>САНЪАТ</b>	
Зокиржон Орипов. Соҳибқирон раҳномолигида бўлган олим ва санъаткор.....	139
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Раҳматулла Баракаев. Ёш қахрамон қандай бўлиши керак?.....	145
Маҳкам Маҳмудов. “Катарсис” сўзининг маънолари тавсифи.....	150
Шухрат Ризо. “Қийноқ, сенга бўлсин шараф!”.....	154
Зухра Мамадалиева. “Лисон ут-тайр” дostonидаги тасаввуфий образлар талқини.....	163
<b>БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР</b>	
Наим Каримов. Устоз.....	167
<b>МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА</b>	
Қўлдош Пардаев. Ўтган аср мунозаралари.....	173
<b>ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР</b>	
Обиджон Маҳмудов. Бор этайлик Мингтепани... ..	176
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Муҳаммад Очил. Серкаев сим қоқди. Ҳажвий ҳикоя.....	182
2010 йилнинг умумий мундарижаси.....	186

## ШАРҚ ҚУЛДУЗИ

2010  
6-сон

Муассис:

### ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри тахририят фикри деб қабул қилинмасин.  
Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

\* Обунага монъелик кўрсатилса  
Тошкент — 100000,  
Амир Темура тоғ кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.  
Обуна индекси — 911, 932

**Манзилимиз:**  
100127, Тошкент шаҳри,  
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.  
Телефонлар:  
227-00-81, 245-22-99  
E-mail. sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди  
01.12.2010 йил.  
Қоғоз бичими 70x108 1/16.  
Офсет босма усулида тип.  
№ 1-қоғозга босилди.  
Босма тобоғи 12.  
Шартли босма тобоғи 16,8.  
Нашириёт ҳисоб тобоғи 18,4.  
Адади  
Буюртма № 1183-10

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562—рақам билан рўйхатга олинган.  
«Ўқитувчи» НМИУ босмахонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янги шаҳар кўчаси, 1-уй.

Саҳифаловчи:  
Акбарали Мамасолиев

Мусаҳҳиҳ:  
Дилфуза Маҳмудова



Сирожиддин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАДИМИ?..

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом КАРИМОВнинг БМТ саммити минг-  
йиллик ривожланиш мақсадларига бағиш-  
ланган ялти мажлисидаги нутқидан.*

Бу мулклар, серфайз, сертароват бу тупроқни боболаримиз Мовароуннаҳр — икки дарё оралиғи деб аташган. Икки азим дарё Сайхун ва Жайхун — Сирдарё ва Амударё неча асрлар давомида мозий ва қўҳна тарихнинг, давру замонларнинг туганмас тасмасидай ўтиб бормоқда. Бир қатор давлатлар, мамлакатларнинг ҳудуд ва сарҳадларини кесиб ўтганлиги боис, бугунга келиб ажабтовур трансчегаравий дарёлар номини олган Сирдарё ва Амударёнинг собиқ мустабид тузум емирилгандан кейин, эгалари кўпайиб қолди. Дарёларни сиёсатга, сиёсатни дарёларга аралаштириб, бундан ўз манфаатларини кўзлаётган эпчил ва чаққон кайвонилар пайдо бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари иштирок этган кенгайтирилган таркибдаги учрашувда сўзлаган нутқидаги қўйидаги фикрлари бу масаланинг моҳиятини очиб беради:

— **Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, ўз манфаатларини кўзламоқда. Ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаати ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажакнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман... Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қўйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуқтаи назари ҳақида, балки бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.**

**Бу борада мамлакатимиз Бош вазирининг Тожикистон Республикаси Бош вазирига Роғун ГЭСи қурилиши юзасидан қилган муурожаати — масаланинг нечоғли жиддий тус олаётгани, унинг чораси кўрилмаса — оғир оқибатларга олиб келишининг яна бир исботидир.**

\* \* \*

Одам болаларининг она табиат устидан зўравонлиги ҳар доим инсоннинг ўзи учун мудҳиш оқибатлар, мислсиз фалокатларни келтириб чиқарган. Одамзод ер юзида пайдо бўлганидан буён то ҳозирга қадар кечган асрлару даврлар бир-бир назар тасмасидан ўтказиб кўрилса агар, инсон яралгандан бери гўё фақатгина табиатга дахл қилиш, сув, ҳаво, осмону ерлар, тоғу даштлар ва ўрмонлар, ҳайвоноту наботот оламининг худо муҳайё қилиб қўйган табиий азалий мувозанатини бузиш, вайрону барбод этиш билангина шуғулланиб келгандек туюлади. Ҳолбуки, Қуръони каримда бани башар фарзандларига қарата, улар доимо ёдда тутмоқлари учун: “Осмонлар ва ер ҳамда улардаги бор нарса аллоҳнинг мулкидир”, “...Ерда жойларни берган, устларидан самони (яъни ёмғирни) сероб қилиб юборган, осларидан дарёларни оқизиб қўйган эдик”, сингари огоҳлантириш оятлари такрор ва такрор келтирилади. “Анъом” сурасида берилган изоҳда эса: “Яшаб турган дунёмиз инсон учун синов-имтиҳон олами эканлиги, бинобарин, бу дунёни обод-осойишта қилиш ҳам, хароб-вайронага айлантириш ҳам инсоннинг ўз қўлида эканлиги”, яна бир бора эслатиб ўтилади.

Табиат қонуниятига мувофиқ, ҳатто ўрмондаги ваҳший жонзотлар ҳам ўз ҳудудининг дахлсизлиги, тинчлик-осойишталигига кўз-қулоқ бўлиб, қараб-қўриқлаб юради. Сув остидаги балиқлар ер қаъридан то самовотга қадар рўй берадиган қалқинишлару силкинишларни сезиб яшаркан. Тупроқ бағридаги чумолилар қавмигача яқинлашаётган бирор-бир нохуш ҳол ё хавфни олдиндан сезиб, дарров бутун уруғ-аймоғи билан таҳлика-тадорикка тушишини ҳаммамиз яхши биламиз. Ердаги буғдой майсаси осмону фалакдаги ёмғир томчисини аввалдан сезиб шай ва интиқиб туришини табиатшунослар тахмин қиладилар.

Бу мисоллар сеҳридан яқин кечмишимиз ва асл ҳаётга қайтадиган бўлсак, табиатга ҳукмдорлик қилиш, уни менсимасликнинг нечоғли аччиқ ва заҳарли мевалар бергани, бу мевалардан ҳозирги кунга қадар бутун бошли эллар, элатлар “баҳраманд” бўлиб келаётганини кўрамиз. Ер шарининг олтидан бир қисмини — не халқлар, миллатларнинг ўзлигини синдириб, маънавий буровларию темир чангалларида ушлаб келган мустабид

тузумнинг ўз қабиҳ сиёсатини табиатга ҳам юргизганида нима ҳалокатлар, қандай катта фожеалар рўй бергани ҳали ёдимиздан чиққани йўқ. Жаннатмакон бир ҳудудни хароб қилган, не-не навқирон аскар йигитларнинг ёстиғини қуритган, пуштини куйдирган, инсоният тараққиёти тарихида энг мудҳиш фалокатлардан бири деб тан олинган Чернобил фожиаси, Семипалатинск ядро полигони келтириб чиқарган оқибатлар, дунё ҳамжамияти баралла ҳайқириб чиққан Орол денгизининг заволга юз тутиши, қон-қардош халқларнинг хоҳиш-раъйига қарамай, ори-ғурурини писанд қилмай қурилган Тожикистон алюминий заводининг кечаю кундуз табиат ва иқлим, эл-улус саломатлигига етказётган туганмас зиёну зарарларини қай тил, қай забон билан изоҳлаш мумкин?

Бир замонлар тожик халқининг атоқли фарзанди, ўзбек адабиёти-нинг яқин дўсти, обрў-эътиборли арбоб Мирзо Турсунзода Кавказорти республикаларидан бирида рад этилган мазкур алюминий заводининг Тожикистонда, икки қардош, дўст-биродар халқ ёнма-ён яшайдиган хуш-ҳаво-хушманзара ҳудудда — Ҳисор водийсида қурилишига кескин қарши чиққанлиги ушбу мавзудаги мақолаларда аввал ҳам тилга олинган. Тақдир ва қисматнинг ажиб ўйинларини қарангки, истибодод замонининг мудҳиш ва совуқ, кўп бошли аждаҳони эслатувчи баҳайбат бу ёдгорлиги жойлашган манзилга кейинчалик Турсунзода шаҳри деб ном берилди. Хотира, хотирлаш, албатта, олижаноб инсоний туйғу. Улуғ шоирнинг номи, хотираси олдида, ул зотнинг бошдан оёқ эзгуликдан иборат ҳаёт мактаби қаршисида бошимизни эгиб таъзим қиламиз. Лекин бир нарса аёнки, Мирзо муаллим ҳаёт бўлсайди, номлаш масаласи кўзғалиб қолганда: “Аввал завод-паводингни кўтарасан, кейин гаплашамиз!” дейишлари аниқ эди. Мирзо домланинг: “Олам ўзгарди, менинг дарём, ўшалдирсан ҳамон, Одам ўзгардию лекин сен гўзалдирсан ҳамон”, деган шеърлари бор. Дарҳақиқат, дарё асл дарёлигича қолмоғи керак.

Олам ўзгариб бораётир, одам ўзгариб бормоқда. Биз онгимиз, тафаккуримиз ҳар лаҳза, ҳар соатда турланиб-шаклланиб бораётган кескин, оламшумул ўзгаришлар замонида яшамоқдамиз. Лекин, майса ўша-ўша, бугдой бошоғи ўша-ўша. Одам Ато — Момо Ҳаво замонидан буён сув таъми, ноннинг мазаси ўзгаргани йўқ. Меҳру муҳаббат — азалий ва абадий, туғилиш ва ўлим бир хиллигича турибди. Бир кишининг бошқа кишига меҳру оқибати яхши, лекин бу энди камлик қилади. Биз давлатлар, халқлар, миллатлар ва мамлакатлар бир-бирларига меҳру оқибатли, юз-хотирли бўлмоқлари ниҳоятда муҳим ва зарур бўлган, инсоний туйғулар ва муносабатлар дунёвий миқёс ва кўламларни талаб қилаётган даврларни бошдан кечираяпмиз.

“Аллоҳнинг мулки боқий”. “Дарёларни оқизиб кўйдик”. “Яшаётган ватанларингни обод, тоза ва озода тутинглар”. Азалий ва абадий каломлар. Элимиз, ота-боболаримизнинг яхши кўрган ҳикмати: “Оққан дарё оқаверади”. Алишер Навоий бобомизнинг дostonларида келган “Баҳрун нажот” ва “Наҳрул ҳаёт” — Нажот уммонию Ҳаёт дарёлари. Ошиқу вола Фарҳоднинг тоғу тошларни қазиб, сув келтирганлари. Сув биз учун доим азиз, ҳамиша муқаддас саналган. Сувга тупурилмайди, бизда бу энг ёмон, номақбул ишлардан бири деб қаралади. Нон қатори сувни ҳам исроф қилманглар, деган ўғит-насиҳатларни болалиқдан эшитиб улғайганмиз.

Қадим-қадим замонлардан буён ястаниб-ёйилиб оқиб ётган бобо дарёларимиз Сайхун ва Жайхун — Сирдарё ва Амударё. Бу ўлкада Амударё бўйларида яшаган одамлар энг кўҳна даврлардан бошлаб дарёни муқад-

дас деб билганлар. Унга сиғинганлар, авайлаб-эъзозлаганлар. Сув маъбудаси Анахита ва кемачилар пири Хўббим ҳақидаги афсоналарнинг тарихий манбаларда келиши ҳам бежиз эмас, албатта. Кўҳна битикларнинг гувоҳлик беришича, қуйи Амударёда ибтидоий деҳқончилик милоддан аввалги 7-9 минг йилликларга тўғри келаркан.

Сир ё Аму бўйида сувнинг оқимиға қараб турсангиз — дарё мангуликка қараб оқаетгандай, бу туганмас, адоқсиз оқим худди абадиятдан келиб, абадиятга кетаётгандай. Дарёнинг улуғворлигию залвори сизга ҳам кўчиб, яратгандан ўзга ҳеч қандай куч уни тўхтатолмаслигига беихтиёр имон келтирасиз, сиз ҳам дарёга, унинг қудратли бир тўлқинига айланганингизни сезмай қоласиз. Шундай завқу шавқ оғушида дарёга қўшилиб равона бўлмоқ ҳолатидасиз. Лекин шоирона — самовий хаёллардан ерга, мисол учун, Сариосиёдаги чегарага яқин фермер тоғанинг даласига тушсангиз қандай бўлади?..

Асад ойи, экин, айниқса, пахта сероб қилиб суғориладиган палла. Ғўзалар қовжираб сўлиб турибди.

— Ариқларга сув келмай қўйди, жиян — дейди тоға ўзи ҳам сўлиган ғўзабаргидай шалвираб, мўлтайиб. — Кайвонилар сув бермай қўйишди, — деб тоға чегаранинг нариги томонига ишора қилади...

\* \* \*

Фермер тоғанинг ўшандаги “Сув бермай қўйишди”, деган қисқагина ҳадик-хабари, кейинчалик, орадан тўрт-беш йиллар ўтгандан кейин маълум бўлишича, келажакда минтақамиздаги халқларнинг бошига тушиши мумкин бўлган катта экологик ташвишлар, рўй беришини ҳеч ким тўхтата олмайдиган даҳшатли хавф-хатарларнинг илк огоҳлантириш бонги экан.

Ўша суҳбатда, тоға ўзи билиб-билмаган ҳолда “кайвонилар” деган бир иборани ишлатди. Бу сўз кейин ҳам бот-бот ёдга келавериб анчайин беҳаловат этди. Биз гарчи XXI аср даҳлизидида туриб гаплашган бўлсак-да, “кайвонилар” неча замонлар аввал ишга тушганини кейин манбалардан ўқиб билиб олдик. Мана бир мисол:

Чор Россиясининг Санкт-Петербургдаги Рус императорлиги Бош штабига қарашли Ҳарбий Топографик Бўлимининг хариталар заводида чоп этилган “Амударё соҳиллари ёқалаб” деб номланган китоби, унда берилган муфассал маълумотлар, бирор гўша, манзил ё сўқмоқ қолмай белгилаб олинган хариталари билан танишар экансиз, Термиздан то Урганч, Боботоғ, Бойсун, Кўҳитанг, Ҳисор тоғларидан то Помир қадар — сой борми, қир, тепалик, тоғу дашт борми, кечув жойлар, осма кўприкларга-ча, мева-чевалару ўсимлик ва жонзотлар, маъданлару қум-тошларнинг хилию рангига қадар — икир-чикиригача батафсил хатга туширилганининг гувоҳи бўласиз. Мазкур китоб ва хариталар, бу тўла-тўқис маълумотлар шунчаки чиқарилмагани, тўпланмагани, уларнинг замирида ҳарбий истилочилик мақсадлари ётганини юрак-юракдан ҳис этасиз. Китоб муаллифлари ҳам шунчаки жуғрофиячи сайёҳ эмас, балки Чор Россияси Ҳарбий разведкасининг малакали мутахассислари эканлиги ҳам маълум бўлади-қолади.

Ўша кайвонилар бугун ҳам маданийлашган замонлар, замонавийлашган сипо қиёфа, бежирим кийим-бошда Тожикистон алюминий заводи теварагида, Роғун ГЭСи, Қирғизистондаги Қамбарота ГЭСи қурилишлари атрофида ўралашиб юришибди. Уларнинг мақсад ва муддаолари, кўзлаган ниятлари олам аҳлиға маълум. Лекин, дарё бошида туриб, қўлларида

сочиқ, ҳар турли кайвониларга “ўтинг-ўтинг” деб турган муҳтарам биродарларимизнинг улуслараро миқёсдаги муҳим масалага нисбатан тутаётган бир ёқлама фойдапарастлик позицияси ҳам ачинарли, ҳам ажаблаларли.

Шу ўринда таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг сўнги асари — глобаллашув даврининг ижтимоий-дунёвий, инсоний-маънавий таназзули ва оқибатларини рамзлар, тимсоллар асосида юксак бадиият билан ифода этган “Қулаётган тоғлар” романидаги қаҳрамонлардан бирининг шунчаки қизиқчилик учун айтган сўзлари масалага озроқ ойдинлик киритади деб ўйлаймиз:

“Бошқа бир зўрроқ нарсани ўйлаб кўрайлик. Нега тоғлардаги қорларни сотиш мумкин эмас? Ҳозирги дунёда ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади. Тоғларимиздаги қорлар бу — дарёлардаги сувлар. Бутун Марказий Осиё бизнинг тоғларимиздаги мангу қорларга боғлиқ. Ахир, кўкўпар тоғлар бизники, қорлар, музликлар бизники. Водийларни сугориш, бутун ҳосил етиштириш, аҳолининг сув ичиши — осмондан тушмаган, ахир! Бари биздан! Шундай экан бераётган сувимиз учун ҳақ, пул талаб қилайлик. Нега қорамой, газ ва бошқа турли-туман энергия манбалари жуда қиммат баҳоларда сотиладию ва ҳеч кимга шафқат-марҳамат қилинмайдию, биз эса ўзимизнинг бебаҳо сувимизни теп-текинга берамиз, ҳолбуки, сувсиз водийларда ҳаёт тугайди, лекин ҳеч ким бизга раҳмат айтаётгани йўқ...”

Бу парчага рус шоири Андрей Вознесенскийнинг: “Аҳвол шу тарзда кетаверса, бизнинг она табиатга, атроф-муҳит, кўлу дарёларимиз, дашту ўрмонларимизга муносабатимиз шу йўсин худбинларча ва тўраларча давом этаверса, кўрибсизки, бир кун келиб елимхалталарга эҳтиётан тўлдирилган соф-тоза ҳавони ҳам дўконлардан сотиб оладиган бўламиз”, деган истеҳзоли сўзларини илова қилиш мумкин. Яхшиямки, куёш Олой ё Помир тоғлари ортидан чиқмас экан, яхшиямки, эсаётган шамолнинг муқим манзили йўқ, бўлмаса офтоб ё шамолни тўхташиб қўйиб, ҳамини ҳар ерда ҳозир нозир корчалонлар шерикчилигида булар учун ҳам пул талаб қилашармиди?..

Жиддийроқ мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жаҳон ҳамжамиятининг глобал сув муаммолари борасида ўсиб бораётган хавотирларига жавобан сув муаммолари бўйича таниқли мутахассислар гуруҳи ва бир қатор халқаро ташкилотлар ташаббуси билан 1996 йилда Франциянинг Марсел шаҳрида ташкил топган Жаҳон Сув кенгашининг президенти жаноб Луи Фашоннинг фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир:

— Бугунги кунда ҳар қандай йирик лойиҳалар нафақат техник жиҳатдан, балки комплекс тарзда ўрганиб чиқилиши лозим. Яъни, бунда ижтимоий-иқтисодий оқибатлар, хусусан, Қирғизистондаги Қамбарота ва Тожикистондаги Роғун ГЭСлари сингари иншоотлар қурилишининг Марказий Осиё ҳудудида яшаётган халқларнинг турмуш тарзи ва фаровонлигига таъсири эътиборга олинмоғи даркор.

Япониялик йирик тадқиқотчи, Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ қилиш институти ижрочи директори жаноб Тецужи Танака: “Минтақадаги сув ресурсларини бошқариш масаласи Марказий Осиё трансчегаравий дарёларнинг ҳам юқори, ҳам қуйи оқимида жойлашган барча беш давлат ўртасида келишувга эришилишини талаб этади”, деса, Қувайт сиёсатшунос олими Фаҳд ал-Микраднинг фикр-мулоҳазалари янада кескинроқ:

– Минтақада сув етишмовчилиги жиддий сезилаётган бир шароитда дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар 1997 йилги “Халқаро дарёлар оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқлари тўғрисида”ги ҳамда 1992 йилги “Трансчегаравий дарёлар ва халқаро сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги конвенцияларга амал қилиши ҳамда ўз ҳаракатларининг оқибатларини тўлиқ тушуниб етишлари зарур. Тижорий манфаатлар йўлида масъулиятсиз қарорларни қабул қилишга йўл қўйиб бўлмайди, негаки, бу қарорлар халқларнинг тақдири билан боғлиқ. Сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш мамлакатларнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигига таҳдид солади.

– Марказий Осиёда сув ресурслари орасида Амударё ва Сирдарё каби трансчегаравий дарёлар стратегик аҳамият касб этади, – деб ёзади туркиялик журналист Сардор Ўзгурк. – Учинчи бир давлатнинг Марказий Осиёдаги стратегик дарёларнинг юқори қисмларида ГЭСлар қурилиши учун имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги қарори бу ҳаракатларнинг пировард мақсади минтақадаги сув ресурслари бошқарувини ўз назоратига олиш ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида “бош ҳакам” га айланиш, бошқача айтганда, уларни бошқаришдан иборат эканини очиқ-ойдин намоён этди.

“Учинчи бир давлат”нинг аралашуви, келишув ёки қарори замирида яширинган асл ниятни қирғизистонлик таҳлилчи Валентин Богатирев янада дангалроқ ошкор этади: “Бу келишувларда гап электростанциялар қурилиши ҳақида эмас, балки бу жараёндан бугунги вазиятга таъсир этувчи кучли восита сифатида фойдаланишга уриниш ҳақида бормоқда... Бу шунақа бизнес-лойиҳаки унинг асл моҳияти – электр энергияси сотиб даромад олиш эмас... Шундай экан гап бу ерда муайян сиёсий манфаатлар ҳақида кетяпти”.

Бундай мисолларни яна ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин. Масала таҳликали, ташвишли тус олгани, вақт борида соғлом ақл-идрок, теран тафаккур, сергак ва оқилона сиёсатга таяниб, худо асрасин, келажакда катта офатларга сабабчи бўладиган ҳолатларнинг ҳали кеч бўлмайин ҳозирданоқ чорасини кўриш лозимлиги хусусида дунё оммавий ахборот воситалари, жаҳон ҳамжамияти, кенг жамоатчилик вакиллари қачондан буён бонг урмоқдалар.

Бу бонгга бамайлихотир қулоқ солиб ўтиравериш – вақтни бой бериш деганидир. Дунёнинг тузилиши, ундаги мамлакатлар, давлатларнинг тарзи-авзойидан азал-азалдан маълумки, манфаатлар тўқнашган жойда ҳаммаша низолар келиб чиққан. Биз низо тарафдори эмасмиз, албатта. Давлатимизнинг аҳил иттифоқчилик, холис, инсоний мақсад-муддаоси олам аҳлига беш панжадай аён. Вазият ўнғай бўлиб турган жараёндан фойдаланиб қолиш пайида кайвониликка киришганларнинг хатти-ҳаракатлари ўз виждонларига ҳавола. Эслатиб ўтилганидек, Роғун ГЭСи – кўлами ва миқёси жиҳатидан ғоят улкан иншоот, бугун қурилиши давом эттирилмоқчи бўлинаётган мазкур ГЭСнинг лойиҳаси бундан қирқ йиллар олдин, собиқ шўро тузуми даврида тузилган. Унинг лойиҳавий, конструкторлик ва технологик ечимлари аллақачон эскириб бўлган. Бунинг устига, шундай йирик иншоот қурилишининг бир неча бор кучли zilzilалар рўй бериб келган, бундан буён ҳам рўй бермоғи муқаррар бўлган сейсмик жиҳатдан жуда ҳам хавфли ҳудудда – баланд тоғлар- қоялар орасида мўлжалланаётгани ҳаммани ташвишга солмоғи табиий. Саян-Шушенск ГЭСида яқинда рўй берган фалокат тўхтовсиз чалиниб келаётган хатар ва

огоҳлантириш бонгининг энг оғриқли нуқтаси бўлди. Россиянинг гидро-техника соҳасидаги етакчи тадқиқотчиси, Давлат Думаси депутати “Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуннинг муаллифларидан бири Владимир Тетельминнинг бу борадаги мулоҳазалари эътиборга молик:

– Гидротехниклар учун сувнинг тўғон олдидаги шиддати ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Сувнинг юқори сатҳидаги қалқиниши беҳад катта бўлиб, мавсумда 40 метргача етади. Ҳарорат эса 30 даража иссиқ ва 30 даража совуқлик ўртасида ўзгариб туради. Булар жуда жиддий рақамлардир. Мазкур тўғон лойиҳалаштирилган буюк совет қурилишлари деб ном олган йилларда, индустриализациялаштириш ва маҳобатга берилишлар даврида ҳайбаракаллачилик авжига чиқиб, экологик талабларга асло риоя қилинмади. Саян-Шушенск ГЭСи бу – ўз ичида одамлар назаридан пинҳон, катта хавф-хатарни яшириб турган баҳайбат “Қора қути”нинг худди ўзидир.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, ушбу ГЭС тўғонининг биринчи, энг баланд устуни ўтган асрнинг 1985 йилидаёқ дарз кетган экан.

Келажақда, 20–25 йиллардан кейин Роғун ГЭСининг шундай устуни ёки уни тутиб турувчи тоғ қоялари дарз кетмайди деб бугун ким кафолат бера олади?..

Айни пайтда, Норак, Роғун ГЭСларидан ташқари Помир тоғлари бағрида қалқиб, жимираб турган бошқа бир хавф ҳақида ҳам эслатиб ўтишга тўғри келади. Гап 1911 йилнинг 19 февралидан 20 февралига ўтар кечаси кучли зилзила туфайли вужудга келган Сарез кўли ҳақида бормоқда. Тоғли Бадахшон автоном вилоятида рўй берган зилзила натижасида Мурғоб водийси ёнбағридаги тоғ ўпирилиб, Мурғоб дарёсини бутунлай тўсиб қўйди, ва жаҳондаги энг йирик сунъий тоғ кўли ҳосил бўла бошлади. Помирнинг марказий қисмида жойлашган бу кўлни шимолдан Олой орти, жанубдан Ҳиндикуш, шарқдан Қошғар, ғарбдан эса Лолатоғ ўраб туради. Ҳозирги кунда Сарез кўлида 17 куб километр сув йиғилган. Ўзбек журналисти Мурод Абдуллаев “Сарез кўли мадад сўрайди” мақоласида келтиришича “Сарез кўлида йиғилган сув миқдори Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган шаҳар ва вилоятлар, уларда яшаётган беш миллиондан зиёд аҳоли учун жуда катта хавф туғдиради. Чунки муттасил текшириб борилаётган кўлнинг мувозанат ҳолатида кўп йиллардан бери барқарорлик сезилгани йўқ. Унинг гидромелиоратив аҳволи сокинлашмаяпти. Сарез кўлидаги табиий тўғон очилиб кетишига таҳдид солувчи хавфни бартараф этиш учун давлатлараро саъй-ҳаракатни кеч бўлмасидан ҳозирданоқ бошламоқ зарур”.

Кўриниб турибдики, Роғун ГЭСи билан бирга минтақамиз, у томони Афғонистон, Покистон давлатлари зиммасида Сарез кўли масаласини ҳам иттифоқ бўлиб ечимини топиш, ҳал қилиш муаммоси турибди. Сув бошида турган муҳтарам давлатбошилар, зиёлилару кенг жамоатчилик минтақамизга, унинг тақдирию келажаги, равнақ ва ривож топишига дахлдор, халқларимизнинг тинчи ва осойиши учун, ниҳоятда, муҳим ҳисобланган жиддий масалаларни ҳал этишда ақл-заковатга, инсонпарварлик ва эзгулик тамойилларига таянадилар деган умидимиз бор. Умид ва ишонч одамзоддан ҳеч қачон айро тушмаган, бундан буён ҳам қалбларимизни тарк этмасин деймиз.

Биз азал-азалдан бир ариқ сувни қирқ элат ичиб, оға-инилардек аҳил-иноқ, қон-қардош бўлиб яшаб келган миллатлармиз. Қувончу ташвишларимиз – бир, аждодий томирларимиз бир-бирига туташиб кетган.

Пири комил Абдурахмон Жомий билан сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг бир-бирларига бўлган меҳру муҳаббати, инсонийлик, олижанобликнинг юксак тимсолига айланган дўстликларига бошқа халқлар, олам аҳлининг ҳозирга қадар ҳаваси келади. Ҳазрат Навоийнинг мангу ўлмас сатрлари бир ё икки кишига эмас, бутун олам аҳлига қарата айтилгани ҳам бежиз бўлмаса керак:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,  
Ёр ўлунг бир-бирингизга, ки эрур ёрлиғ иш.*

\* \* \*

Борлиқ манзара худди харитадагидек аён. Сувлар, дарёлар, водийлару тоғлар. Одам болаларига қароргоҳ қилиб берилган замин, она сайёра.

Сир ё Аму бўйида сувнинг оқимиға қараб турсангиз — дарё мангуликка қараб оқаетгандай, бу туганмас, адоқсиз оқим худди абадиятдан абадиятга қараб кетаётгандай.

Соҳилда бобо ва набира турибди.

Бобо ва набира, ўтмиш ва келажак. Дарё умрдай, вақтдай, замондай оқиб бораётир.

— Оққан дарё шундай оқаверадими, бобожон?..

— Оқади болажон, иншоолло, оқади!..





# *Шабнам қатрасида күёш ёлқини*



**Тошпўлат АҲМАД**

## **Сирли сўз**

Дерларки, ҳар кимга нону насиба,  
Қушларга ушоғ ҳам тайин ризқу рўз.  
Булбул ботқоқлардан излар жозоба,  
Менинг излаганим эса сирли сўз.

Шабнам қатрасида күёш ёлқини,  
Куртакнинг кўзида тасвири наврўз.  
Сахрога хуш ёқар шамол шовқини,  
Менинг юрагимга эса сирли сўз.

Булут — кўкда кезган туманли хаёл,  
Хаёлларга чўмиб милтирар юлдуз.  
Кимга тасаллидир ўша эҳтимол,  
Менинг қўмсаганим ҳамон сирли сўз.

Ана офтоб чиқди — нур шарораси,  
Соялар чекинди, гулшан очди кўз.  
Бу онлар — покиза диллар сафоси,  
Бу онлар ғазалдир ўша сирли сўз...

## **Ишқни асра**

Кимнинг элда ҳурмати бор,  
Йўлларида ёғмайди қор,  
Унга мангу ҳамроҳ баҳор,  
Бундайларга дарвозанг оч,  
Қадамига дил меҳринг соч.

Собутсизда ор бўлмайди,  
Фаним асло ёр бўлмайди,  
Мард ҳеч қачон хор бўлмайди,  
Берсанг нонинг мардга бергин,  
Ҳатто жонинг мардга бергин.

Ишқ соф эрса, тумор ўша,  
Қалбда нақшу нигор ўша,  
Минор ўша, чинор ўша,  
Ишқни асра, ҳеч чўкмайсан,  
Кўзларингдан ёш тўкмайсан.

Ошкор этма дардинг бўлса,  
Яшнаг юпун гули сўлса,  
Юрт йиғламас хоин ўлса,  
Дарди борга дармон бўлгин,  
Сотқинлардан ҳазар қилгин.

Элим десанг, эл гул тутар,  
Узоқ кетсанг, йўлинг кутар,  
Қаддинг мудом баланд этар,  
Унай десанг, элим деб ун,  
Сўнай десанг, элим деб сўн.

### **Боғбонингдур**

Бу ҳаётда тириксанми, онам дегин,  
Шоду ғамгин юрибсанми, отам дегин,  
Яхши, ёмон кунларимга ҳамдам дегин,  
Улар билсанг, таянчингу посбонингдур.

Ота, она мўрт бўлади, қадрини бил,  
Сен деб кўзи тўрт бўлади, қадрини бил,  
Болангни ҳам болам дейди, қадрини бил,  
Улар билсанг, чароғбону боғбонингдур.

Гар оҳ чексанг, юраклари сўзон бўлгай,  
Кўзёш тўксанг, хаёллари тўзон бўлгай,  
Гар қад буксанг, икки олам хуфтон бўлгай,  
Улар билсанг, меҳрибону раҳмонингдур.

Отанг бўлса, қаддинг баланд тоғ эурсан,  
Онанг бўлса, жаҳдинг баланд боғ эурсан,  
Дуолардан бағринг бутун соғ эурсан,  
Улар билсанг, қувватингу дармонингдур.

Отангни сан шон англағил, ранжитма ҳеч,  
Онангни сан жон англағил, ранжитма ҳеч,  
Ҳар сўзларин нон англағил, ранжитма ҳеч,  
Улар билсанг, нигоҳбону мижгонингдур.

Аё, фарзанд, ота, онанг гар тирикдур,  
Аҳмад айтур: Гарди пойин кўзингга сур,  
Ризо бўлса улар сендан, бахтинг эрур,  
Йўқса, бу ғам-кулфатингу армонингдур.

### Гул бўлгали келганман

Юртим сенинг боғингга,  
Жаннатдай қучоғингга,  
Инай деб ёноғингга,  
Гул бўлгали келганман.

Хизматингга бел боғлаб,  
Каму кўстинг сўроғлаб,  
Меҳру сеҳринг ардоғлаб,  
“Қул” бўлгали келганман.

Дўсту ёрдан ўргилай,  
Елкамни тутиб турай,  
Улар ўтсин уринмай —  
Йўл бўлгали келганман.

Халқим — номусу орим,  
Виждоним, ифтихорим,  
Тоабад, мададкорим —  
Қўл бўлгали келганман.

Гиёҳ унсин кўзимда,  
Зиё унсин кўзимдан.  
Ўргилай нон тузингдан —  
Чўл бўлгали келганман.

Донг чиқармас якка от,  
Одам одамга қанот,  
Яшнасин деб бу ҳаёт —  
Мўл бўлгали келганман.

Бахт учун, иқбол учун,  
Буюк истиқлол учун,  
Ёнай истиқбол учун —  
Кул бўлгали келганман.

Юртим, сенинг боғингга,  
Гул бўлгали келганман.

\* \* \*

Ҳой, қалдирғоч баҳор элчиси,  
Кел, кўзимга тухми райҳон эк.  
Мен бехато ундирай, ўссин,  
Унга меҳрим берай деҳқондек.  
Сўнг, кўчириб бир-бир ўтқазай:



Дала, боғлар йўллар бўйига.  
Кекса-ёшга узиб узатай,  
Тортиқ этай севги тўйига.  
Ки, чулғасин дейман заминни,  
Райҳон ҳиди, райҳон ифори  
Ва тилагим, ҳар бир одамнинг  
Райҳонгулдан бўлсин тумори.

\* \* \*

Саҳарда симирдим гуллар ҳидини,  
Майдан маст бўлгандай кайфиятим чоғ.  
Насим, сен тутдингми бундай бодани,  
Тонг ё сен ёқдингми кўнглимга чироқ?

Дарёда неча кун оққан Тоҳирни  
Ҳур қизлар сандиқдан этгандек озод,  
Бугун аламлардан тўлган бағирни  
Бамисли жаннатдек сезяпман обод.

Шодлигимга боис не деб, ўй суриб,  
Етдим поёнига ечиб тугунни,  
Кеча аҳли ориф ила ўлтириб,  
Англаган эканман умр деганни...

**Бухоро**





# БОҚИЙ ДАРБАДАР

*Роман*



**Исажон СУЛТОН**

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### ИБТИДО

... Жазиранинг топ-тоза мовий осмонида бир парча оқ булут сузмоқда эди. Бу булут бундан етти ҳафта бурун Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари устида пайдо бўлган, тинимсиз эсувчи баҳри муҳит еллари уни Арабистон чўлларига қадар қанотларида *авайлаб* олиб келишиб, чўл шамолларига топширган эдилар.

### ЎЙЛАШГА УНДОВЧИ АСАР

«Боқий дарбадар»нинг жанрини муаллиф роман деб белгилабди. Эҳтимол, айти ҳол диди анъанавий романлар руҳида тарбият топган ўқувчида эътироз уйғотар ҳам. Ахир, бунда яхлит бир воқеа бўлмаса, кўп планли сюжет асосида воқеликнинг кенг эпик манзараси тасвирланмаган бўлса, марказида қаҳрамон турмаса... – нима-си роман?! Жаҳон адабиёти тажрибаларидан, хусусан, *Фарбада* ярим асрлар илгари бошланган “янги роман” бобидаги изланишлардан озми-кўпми хабардор ўқувчида эътироз туғилмасаям керак. Зеро, «Боқий дарбадар»да анъанавий эпосга хос воқеабанд сюжет ўрнида сиртдан бир-бирига боғланмай турли макон ва замонда, гоҳ реаллик, гоҳи ҳаёлотда кечувчи воқеалар тасвирланган, марказида рисоладагидек қаҳрамон турмаган бўлса-да, уларни бир нарса – ҳаётнинг маънисию башарият тақдири ҳақида ўйга толган муаллиф шахси бирлаштиради, яхлит бутунликка – романга айлантиради...

Исажоннинг битиги анъанавий йўлда ёзилмагани ақлга тайин, лекин уни модернизм ё постмодернизмга тааллуқли этишга-да қийналади киши. Модернистик асар

*Саҳронинг қурғоқ шамоли ҳозир уни эҳтиётлик билан суриб бормоқда эди.*

Пастда, ер юзида — шаҳарнинг баланд-паст кўчаларида бугун оломон тўпланган эди. Пешаналарига ва садоқларига типпа-тик турган одам бошли шер тасвири туширилган, халқ «Махес»\* деб номлаган Ўлим лашкари бугун бир одамни қатл учун олиб кетмоқда эди. Номининг ўзиёқ кишиларда қўрқув ва даҳшат уйғотадиган бу аскарлар на ота-онасини, на қариндош-уруғини билар, гўдаклигидаёқ яқинларидан тортиб олиниб, номаълум томонларга — саҳро ичкарасига олиб кетилар, вояга етганидан сўнггина Ўлим лашкари сафига келиб қўшилар, уларнинг иблисона шафқатсизлиги ҳақида одамлар орасида бир-биридан мудҳиш турли гап-сўзлар юрар эди.

Қатл учун тепаликда махсус жой тайёрлаб қўйилган, маҳкумнинг оёқларига, кўлларига елкаси аралаш зил-замбил кишанлар урилган бўлиб, залворидан жуда қийналиб қадам ташлар, ҳансираб нафас олар, теваракдаги одамларнинг ҳазил-мазах аралаш айтган сўзлари қулоғига гоҳ кириб, гоҳ эшитилмай қолар эди.

*Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари узра бино бўлган оқ булут парчаси ана шу маҳкумнинг боши узра соя ташлаб келаётган эди.*

*Маҳкум — бир Муборак Киши эди.*

Ким билсин, балки ҳозир унга Илоҳ фаришталари ёрдамга келгану чўян кишанларнинг оғирлигини балки сезмаётгандир ҳам? Теваракдаги оломон «Қани сенинг худойинг? Нега у сенга мадад бермаяпти?» деб қичқирар ва кулар эди.

Кулаётган бу бадбахт оломон орасида бир этикдўз ҳам бор эди.

---

\*«Махес» — Фиръавнлар давридаги қадимий Мисрда маъжусийлар сиғинган қонхўр бутнинг исми.

---

*дейин деса, унда ҳам турфа услублар — кўҳна диний ривоятлардан тортиб ҳозирги «интернет тили»гача, ҳам турфа жанрлар — қадим диний дидактикадан тортиб урфдаги «боевик»гача... қуроқ-қоришиқ бирбутунлик касб этаётибди. Ҳай, постмодернистик асар деб қўя қолай деса, муаллиф оламу одам ҳақидаги ўй-ташвишларини ифода этмоқ учун бадиий модель — постмодернистлар инкор қилган метаривоят яратиб қўйибди... Ҳолатдан чиқишига уриниш деманг-у, назаримда Исажон ўзи билган биздагию хориждаги ижодий тажрибаларнинг барини ичдан ўтказибди — бугун ўзини қийнаб турган муаммоларнинг бадиий идрокую ифодаси учун мақбул шакл излапти, изланишлари синтезга олиб келибди.*

*Дарвоқе, ғарбда урф бўлган «изм»лар маънавиятимиз учун зарарли дегувчиларнинг ташвишлари, албатта, асоссиз эмас. Марғуб томони шуки, Исажон ўша «изм»лардан мақбул шаклни олгани ҳолда, ўзи миллий заминда собит турибди. Жиллақурса бир жиҳатни олайлик: постмодерн кайфият дегани миллатлару миллий маданиятлар қоришувини кўзда тутуди, шундай заминдан униб чиқади. Ёзувчимиз эса бу руҳ-кайфиятни бутун вужуди билан инкор қилади, профессор Зиёнинг ўғли каби «ўзи севган, амалларидан Ўзи рози бўладиган халқ орасида» яралганига шукрона келтиради, рўзи маҳшарда «ўз жонажон тупроғида, ўз жонажон миллати билан бирга бўлишни орзу қилади»; Ватанни «иймонининг қўрғони» деб билади, «дилининг илдишлари шу ер ости булоқларига боғлаб қўйилгандай, узилса қурийдигандек» ҳис қилади ўзини. Ҳа, асл ижод, агар у миллий-маданий заминда воқе бўлса, асло кўр-кўрона тақлид бўлмайди. Зеро, ижодий синтез дегани бир жиҳатдан алхимияга монанд: кимёгар турли моддаларни қориштириб сар олтин олишга интиларкан, сингишмаган моддалар чўжинди бўлиб ишишада қолаверади.*

*Ёзувчи ҳаётнинг маънисию башарият тақдири ҳақида ўйга толган, дедик. Ахир, инсон ҳаётидан маъни излаш сўнги икки аср мобайнида адабиётнинг марказий*

Этикдўз бугун азонда кулбасининг ёнидаги дарахт шохларида *қоп-қора чумчуқлар* тўпланиб олганини кўрди. Бошқа дарахтларда чумчуқлар йўқ эди. Булар эса айнан унинг лойсувоқ уйининг ёнига тўпланишган, на овоз чиқарар, на дон-дун терар, фақат синчков боқишар ва ниманидир кутишарди.

Аммо *нимани*?

У тунни билан мижджа қоқмай чиқди. Эрталаб турганида ҳам вужудида чарчоқ ҳис қилди. «Бугун энди ухломасам керак, — деб ўйлади у. — Энди то кечгача мудроқ босиб юришга тўғри келади».

«Агар кундузи *нимадир* содир бўлмаса, — деди унинг ичидан совуққон ва шафқатсиз бир овоз. — Тўғри айтдинг, агар кундузи нимадир рўй бермаса, албатта мудроқ босиб юрасан».

«Ҳеч нарса рўй бермайди, — деб эътироз билдирди этикдўзнинг ақли унга. — Ўлим лашкари бугун анави кишини қатл этади. Агар аскарлар қизиққонлик устида шаҳарнинг ҳам кулини кўкка созуришмаса...»

«Улар шаҳарнинг кулини кўкка созуришмайди, ўзинг ҳам яхши биласан, — дея яна эътироз билдирди овоз. — Сен ташқарида нимани кўрдинг?»

«Ҳеч нарсани».

«Ёлғон. Сен дарахтга кўниб олган *қора чумчуқларни* кўрдинг».

---

*муаммосига айланмадимми? Ҳа, ҳатто модернизмнинг айрим оқимлари инсон ҳаётини ҳар қандай маънадан айро тушади деб даъво қилди ҳам, озми-кўпми шу кайфиятга тушдик ҳам. Хайриятки, ислом нури билан ёришган диллар бу кайфиятни ўзига сиғдиролмади, сиғдирмади. Жумладан, Исажон ҳам. Ёзувчи муаммонинг илдизига назар солади ва кўрадики, Яратганидан узоқлашиши баробари инсон ҳаётининг мазмуни йўқолиб бораётганини теранроқ ҳис қилган, бу ҳис муттасил кучайиб борган. Ва бу ниҳоясиз жараён. Шунинг учун ҳам романда яралмиш — инсон «тангрининг иродасига исён ўлароқ» яратган энг олий мавжудот — клон ҳам оламнинг нечоғли мукамал яратилганини идрок этгач, «мазкур силсила аро ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади». Аммо ҳайҳот... топмайди, тополмайди.*

*Шу боис ҳам дунёларга сиғмайди, оламни бунчалар мукамал яратган Зотни «излаб топиш ва бутун олам яратилишининг сабабларини Ўзидан сўраш учун» бош олиб чиқиб кетади. У кўзлаган манзил белгили: излагани — «Унинг иродасига ва менинг яратилишимдан мақсадига мос... келадиган макон ва замон». Бироқ, ҳайҳот... у тушган йўл қайён этади, кўзлаган манзилига етадимми ва ё ўша мангу дарбадарга қисматдош бўлиб қоладими?.. Ким билади, «бутун олам илгарилаб бораётган турли-туман йўллар»нинг қай бири ҳақ йўл? Собит ишонч билан «қисматимиз шу саҳрода яшаб Парвардигорга ибодат қилиш ва ажалимиз етганида жонимизни Ўзига топширишидир» дея кундалик юмушларига машғул бадавийларми? Ва ё ёруғ оламга этак силкиб, бутун борлиғи — қалбию ақли билан Яратганга юзланган авлиёнинг йўлими?..*

*Асарда саволлар қўйилган, жавоб эса имкондан ташқарида, зеро, учинчи парвона мисоли «аланга ичига кириб оташ ичра ғойиб бўлган»гина — БИЛАДИ ва... ўзи «эришган билим ҳақида гапира олиш имкониятидан махрум бўлади...»*

*Аслида, профессор Зиёнинг ўғли айтмоқчи, «теварагимиз рамзларга ва тимсолларга тўладир». Ва шу румузу тимсоллар «ақл қулоғига баланд овоз билан хитоб*

«Нима бўпти, ҳар кунги оддий чумчуқлар...»

«Аммо, Ҳазрат нима деган эди?»

«Ҳазрат деган эдики...»

«Ҳазрат деган эдики, *ойнинг ўн учинчи кунда, жума куни учиб келадиган қора чумчуқлар аслида мудҳиш ва қаттол бир қарғишнинг юкини олиб келишади...*»

«Ўчир овозингни», — деди қатъий қилиб этикдўз, сўнг яна дарчага қаради.

Қора чумчуқлар ҳануз унга термилишарди.

Этикдўз қирқ уч ёшига нисбатан анча қаримсиқ кўринадиган, озгин, ҳаракатчан бир одам эди. Ота-онасидан фарқли ўлароқ, унга омад кулиб боқди — отасидан қолган эски тегирмонни ижарага бериб, маблағ топди ва судхўрлик билан шуғулланди. У қаноатли ва тежамли инсон бўлиб, ҳар бир куни қатъий ҳисоб-китоб ва ўлчов асосида кечгани боис, теварақдагилар ўта ҳасис, бировга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган одам сифатида билишарди. Шаҳарда бойлар ва камбағаллар кўп, қуллар ва чўрилар эса ундан ҳам кўп, бироқ этикдўз на бой, на камбағал — ўртамиёна бир одам эди.

Ҳазратнинг башоратини у ҳозир яна эслади.

---

*қилиб турибди». Бироқ биз, биз эшитяпмизми шу хитобларни?! Мабодо, довонга кўтарилган сари қулоқлар битгани каби, башарият сафида юксалишимиз баробари «ақл қулоғи»миз ҳам битиб бормаяптими?!*

*Қадимгилар адабиётни табиатга тақлид деганлар. Чамаси, Исажонга ҳам шу йўлдан бориш маъқул кўринибди — романни рамзу тимсолларга тўлдирибди. Бу рамзу тимсоллар тафаккуримизга қаратилган — фикр билан уларни чақишимиз тафаккуримизни чархлашига имоним комил. Асарни ўқиганда бир-биридан мураккаб саволлар кетма-кет қалқиб чиқаверса ҳам, эҳтимол. Лекин улар ичида энг муҳими, бугунги тараққий даражасию эртанги имконлари уфқининг чамасидан масруру мағрур турган ХХI аср кишиси учун энг жўн ва энг мураккаби мана булардир, балки:*

**«Мен кимман?»**

**«Отим нима?»**

*Дилмурод Қуроноф,  
филология фанлари доктори*

## ҲАЗРАТНИНГ БАШОРАТИ

Ҳазратни у бундан ўттиз уч йил аввал учратган эди. Ҳазрат ёлғизоёқ йўлдан асосини тутганича келаркан, бола адир ёнбағрида қамишдан най ясаб ўтирар, сал нарида қўйлари ўтлаб юришарди.

Ҳазрат шу атрофдаги дарахт шохларида *қора чумчуқларнинг* тўпланиб олганини кўрди.

*Бошқа қушлардан фарқ қилиб, булар на дон-дун терар, на сайрар, на шохдан-шохга учиб-қўнар, фақат, кичкина сарғиш кўзларини тикканча ниманидир сабр-тоқат билан кутишарди.*

Ҳазрат ранг-кути ўчганча, болакайга қараб туриб:

– Ўғлим, отинг нима? – деб сўради.

Болакай исмини айтди. Кейин ёлғиз бу йўлчига қизиқиб қараб, сўради:

– Сиз узоқдан келяпсизми?

– Жудаям узоқдан, – деб жавоб қилди Ҳазрат, унинг ёнига ўтириб, қўлини болакайнинг елкасига қўяркан.

– Чарчадингизми? – деди бола.

Чол бош ирғади.

Қайдадир тўрғай сайради. Болакай кўкка боқиб, тўрғай ҳазратнинг боши устида айланиб сайраётганини кўрди.

– Бу чумчуқлар кўпдан бери шу ердами? – деб сўради Ҳазрат.

Болакай елка қисди.

– Ҳимм... Бугун жума, ойнанинг ўн учинчиси... – ниманидир ўзича ҳисоб-китоб қилди Ҳазрат. Сўнг болага ачиниб қараб турди-да: – Ўғлим, гапимга диққат билан қулоқ сол, – деди. – Ойнанинг ўн учинчи кунда, жума кунини учиб келадиган қора чумчуқлар аслида мудҳиш ва қаттол бир қарғишнинг юкини олиб келадилар. Шу гапимни зинҳор ёдиндан чиқарма.

Бола бу гапни тушунмади, шу боис ҳам чолга анграйиб қараб қолди.

Ҳазрат анча сукутдан сўнг:

– Худонинг даргоҳи кенг, ўғлим, тавба қил, – деди, оғир тин олиб. – Аслида ким ўйлабди, сендай маъсум, ишонувчан бир болакайга шунақа тақдир насиб этишини... Бу қисмат энди ўзгармайди, чунки бугун денгизнинг соҳилга яқин ерида, сув остида янги бир булоқ кўз очди, унинг сувлари шўр сув билан аралашмасдан, қирғоқ яқинида чучук оқимларни пайдо қилди. Тонгда эса муборак бир киши дунёга келди, унга соя солиш учун яратилган дарахт мева тугди... Вақт-соати етганида у билан албатта учрашасан. Сени дунёда ҳеч ким рўпара келмаган бир тақдир кутаётгани балки бежиз эмасдир, бир ҳикмати бордир... Тавба қил, шояд Парвардигорнинг ўзи раҳм айласа...

Сўнг ўрнидан турди.

– *Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаёти давомида илоҳий муждани рад этиб,*

*дарбадарликни бўйинларига олган саноқсиз кишилар оломонини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сеникидан заррача ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ қилиб, оғир ва азобли ўлим топишади. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшашса-да, ер юзидан беному нишон супурилиб кетишади...*

– Сиз кимсиз, ота? – деб сўради болакай.

– Менинг отим – Ҳазрат, – деди чол. – Вақт-соати келиб, гапларимни ҳали яна эслайсан, бўтам.

Шу воқеадан сўнг бола то улғайгунига қадар бунақа қора чумчуқларни қайтиб кўрмади. Кўрганлари эса, учиб-кўниб дон-дун териб юрадиган оддий чумчуқлар эди.

## ДУОЙИБАД

Қуёш найза бўйи кўтарилди. Шаҳардаги қатл томошаси давом этмоқда эди.

*Атрофдаги дарахтларнинг шохлари қора чумчуқларга тўлиб кетган, улар оломонга ва этикдўзга маъносиз кўзларини тикканча, ниманидир кутган каби қинғайиб қараб туришарди.*

Этикдўзнинг ғайрати жўшиб кетди, у ҳам оломонга қўшилиб маҳқумни мазах қила бошлади.

Маҳқум кўринишидан ҳаддан ташқари ҳолдан тойган эди. У шундоққина этикдўзнинг девори ёнига келиб қолди.

Мана, у бир дақиқа кўзларини юмди, ҳолсизликдан гандираклаб кетди.  
– Имиллама, имиллама! – деб чуввос солар эди оломон.

Маҳқум бир дамгина нафас ростлаш учун этикдўзнинг деворига суянди.

– *Ҳали сен менинг деворимга суянадиган бўлдингми? Имиллама!* – деб қичқирди этикдўз ҳам ва шиддат билан олға интилиб, уни икки қўллаб итариб юборди. Муборак киши ерга йиқилиб тушди, аммо лом-мим демай келаётган Ўлим лашкарининг жаллодларидан иккитаси уни яна оёққа турғизишди.

Этикдўз ўзининг қилган ишидан мамнун, тиржайиб турар эди.

Шунда...

(... Эй Худо, шу ишни бекор қилдим... Балки, ростдан ҳам, Ўзига яқин бир одам бўлса-я? Осмондаги анави оқ булут изидан қолмасдан эргашиб юргани-чи? Бу кишининг айтганлари шак-шубҳасиз амалга ошади... шу қадар муборакки, ҳали туғилмасиданоқ у сув ичадиган булоқ, унга соя солиб, меваси билан таомлантириши лозим бўлган дарахт яратиб қўйилган эди, деган гаплар-чи?... Лекин менда ҳам айб йўқ. Ҳамма ёқда айғоқчилар изғияпти... уларнинг назарига тушмаслик учун номига бўлса-да койиб қўйишим керак. Аслида... бошқаларни хавф остига қўйиб мужда олиб келадиган киши муборак бўлармиди?! Амалдорлар қилмишимни кўришди, эрта-индин суриштирувлар бошланади, жосуслар барча воқеаларни оқизмай-томизмай етказишади... ва ҳеч ким менга тегмайди...)

Шунда Муборак Киши қуйи эгилган бошини кўтарди, унинг тиниқ ва нурафшон нигоҳи билан этикдўзнинг олазарак кўзлари тўқнашди.

Ва у этикдўзга қараб шундай деди:

*Тургин ва равона бўлгин!*

(*«Мен-ку имилламайман, аммо сен маҳшар куни келишини узоқ кутасан...»* — дейилди унга.

*«...Энди сен то қиёматга қадар ер юзида бетиним дайдишга маҳкум этилдинг»,* — дейилди унга.

*«Ҳамда сенинг қиладиган ишинг — ҳеч нарса, ҳеч нарса, фақат ҳеч нарса»,* — дейилди унга).

\* \* \*

Шу куни у шаҳар тепалигида ўзи судраб келган кишанларига ўраб-чирмаб қатл қилинди ва Тангри таолонинг яна бир маҳбуби ана шундай бир тарзда ўлдириди.

Айтадиларки, қатлдан сўнг оломон унинг кимлигини аста-секин тушуниб ета бошлаган ва Муборак Зотга қўл кўтарган бадбахтни у ердан ҳайдаб чиқаришган. Этикдўз шу кетганича бадар кетган ва орадан юз йил ўтгачгина ватанига қайтиб келган. Аммо одамлар уни яна олдиларига солиб қувлашган. Йиллар ўтгани сайин у ўзининг қиёматга қадар ўлмаслигини англаб ета бошлаган, ҳеч бир юмушнинг унинг учун аҳамияти қолмаган. Неки қилмасин, бари беҳуда бўлиб чиқаверган... Ва, асрлар бўйи унинг қисмати ер юзида фақатгина бесамар дайдишдан иборат бўлиб қолган.

## БАДАВИЙЛАР

Тарихда араб саҳроларида самум олдидан кезиб юрган бир одамни кўрганлари ҳақида гап-сўзлар бор.

Самум одами деган афсонавий одам аслида ўша — дуоибад этилган ва охири кўринмайдиган издиҳомнинг бу дунёга келиб кетишига то қиёматга қадар гувоҳ бўлишга (*ва ўзи ҳам кетишни орзу қилишга*) маҳкум этикдўз экани ҳақида ривоятлар бор. Аслида самум — Саҳрои Кабирда эсадиган ва жон зоти борки, барини куйдириб-эрителиб ҳалок қиладиган қайноқ шамол, бироқ, айнан шу шамоллар орасидан чиқиб келгани учун ҳам араб бадавийлари уни самум одами деб атаганлар.

Айтадиларки, бир куни самум одами саҳро бадавийларининг олдига келиб, ўзининг шамоллар ва ҳодисалар тилини билишини айтади. Бадавийлар унга ишонмайдилар. Самум одами ерда ётган япалоқ бир тошни кўрсатиб, дейди:

— Бу тош аслида Ҳиро тоғида бино бўлган, уч юз йил олдин қоядан ажралиб тушган, баҳор ёмғирларининг селлари оқизиб водийга олиб келган. Унинг аслида, орангиздаги бир одамнинг ажалига сабаб бўлиши учун яратилган. Бу ердан етти кунлик масофада қоялардан узилиб, саҳронинг ўртасига келиб қолиши бежиз эмас. Кун келиб, шу қисмат албатта рўй беради. Балки кимдир бу тош билан кимнидир жонига қасд қилар, балки кимдир унга қоқиниб йиқилар? Ҳатто саҳ-

родаги мана шу саноқсиз қум зарраларининг ҳар бирининг ўз қисмати бор. Худди сизнинг ва менинг қисматим каби...

Бадавийлар айтдиларки:

– Ажабо, сенинг қисматинг бизникидан фарқли эмасмиди?

Деди:

– Унда сиз Иблиснинг яратилиш ва гуноҳ қилишининг тарихини биласиз. Қанчалар бадбахт бўлмасин, Иблиснинг борлиги инсон боласи учун яхшидир. Оловнинг мавжудлиги темирнинг товланиши учун лозим бўлгани каби. Чунки оловда товланган темир янада мустақкам ва ишончли бўлади.

Дедилар:

– Иблис алайҳиллаъна Парвардигоримизнинг синови эканини яхши биламиз. Сенинг қисматингдан ҳикмат нима?

Деди:

– Қанчалар узоқ умр берилса-да, бу оламдаги ҳамма нарса кун келиб совурилиб, йўқ бўлиб кетишининг тирик гувоҳи бўлишим менинг ҳикматимдир.

*(Айтадиларки, у ана шундай деб ёлғон гапирарди. Ёлғонига ўзи ҳам ишонмаси-да, Тангрига яқинроқ бир банданинг шафоатидан умидвор эди. Бироқ, кўп йиллик бу умидворлигининг саҳродаги шу қум зарралари каби совурилиб кетишини ҳам яхши биларди).*

Бадавийлар дедилар:

– Сен бизнинг қисматимизни ўзингизни тенглаштирмагин. Бизнинг қисматимиз – шу саҳрода яшаб, Парвардигорга ибодат қилиш ва ажалимиз етганида, жонимизни Ўзига топширишдир. Сен эса – Тўғри Йўлни билган одамга қўл кўтарган ҳамда жазоингни шу дунёнинг ўзида олган одамсан. Нарсаларнинг яратилиши ҳақидаги ҳикматларинг аслида кераксиз, чунки ажал қай кўринишда бўлмасин, албатта етиб келади. Ўлимнинг қаерда ва қай тарзда етишининг кўпам аҳамияти йўқ – имонимизнинг бут бўлиши биз учун кифоя. Шу боис ўзингни илмли ва ҳатто, Пайгамбарларга бериладиган ҳикмат эгаси қилиб кўрсатмагин. Тургин ва равона бўлгин!

Ҳамма жойда у ана шундай қувғинга дучор бўлар эди.

У ибодат қилар эди, аммо ибодатининг қабул бўлмаслигини ҳам билар эди.

Чўлларни тўзғитган шамол тепага кўтарилиб эса бошлаганида уни кўриш мумкин эди – бунга шу ерда қўй боқиб юрган чўпонлар, қурту қушлар ва ўт-ўланлар гувоҳ бўлдилар.

Шамолда узилиб тушган бир шох-шабба ҳам уни кўрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Денгизлар узра сузган булутлар унинг изтироблардан хабардор эсалар, не ажаб?

Тоғларнинг этагидан бошланиб, водийлар бўйлаб бир неча кунлаб эсадиган, денгиз юзасидан то қитъаларнинг этакларигача шўр ҳаволарни қанотларида олиб келадиган ёки саҳроларни яллиғлантириб-эритиб, қайноқ ҳароратга кўмадиган самум шамоллари ҳам уни кўрганига шубҳа йўқ.

Айтадиларки, у яна бир неча юз йил Тангри Таолонинг бошқа бир билимли ва барҳаёт бандасини — Хизр алайҳиссаломни излаб дунё кезган. Шу боис уни яна Қизил денгиз соҳилларида кўришган. Мусо алайҳиссаломнинг саватидаги балиқ денгизга тушиб сузиб кетган жойда йиллаб ўтирган.

У ҳолда, Хизр алайҳиссалом оламда бундай бадбахт яшаётганидан албатта хабар топгандир? Лекин рўпара келганларми-йўқми — ҳеч ким билмайди.

Учрашганида ҳам — Хизр алайҳиссаломдан мужда кутолмаслигига унинг ақли етган, албатта. Чунки қисматларни фақат ва фақат Парвардигоргина белгилайди.

Балки, ёруғ оламда бир Иблис ва бир ўзи бундай тақдирга эгалигидан ваҳимага тушиб, юзлаб йиллар тавба қилгандир? Ва ўзининг яратилиши ҳам аслида бир ҳикматга ишора эканидан умидвор бўлиб, Парвардигордан раҳмат илинжида дунё кезар?

Иброний уламолари буни яхши биладилар. Биладилару аммо у ҳақда сўз очишдан ўзларини тиядилар.

\* \* \*

Умрибоқий бу чол ҳақида унчалик ишониб бўлмайдиган бошқа ривоятлар ҳам бор. Шунингдек, уйлангани ёки фарзандлари бўлгани ҳақида ҳам ҳеч гапирилмайди. Қалбида мудҳиш безовталиқ ва қўрқув ҳукм сурган одам учун кимдир севиш, оила қуриш, бола-чақа кўриш каби инсоний неъматларнинг аҳамияти қолармикин?

Дарбадар чол ҳақида билганларимиз — шу. Балки тарих китобларини варақласак, йиллар чанги орасидан тақдири Иблиснинг тақдирига ўхшаб кетадиган бу бадбахт ҳақида бошқа маълумотларни ҳам топишимиз мумкиндир. Бироқ, билганларимизнинг ҳаммасини айтишдан биз ҳам ўзимизни тиямиз, қолаверса, буни ножоиз деб ўйлаймиз. Чунки...

*...чунки ҳозиргина саҳро бағрида бир карвон тўхтаб улгурди. Карвоннинг йўловчилари кўп эмас, уларнинг юзлари сафар машаққатларида қорайган, дағаллашган...*

## САҲРОДАГИ КАРВОН

Юксакларда оғир ва қат-қат булутларни ҳайдаб келиб, тоғларнинг юксак қоялари олдида қолдирган шамоллар ҳозир Осиё саҳролари узра эсмоқда эди. Жонсиз туюлган барханлар орасида тин олиш учун тўхтаган карвон чодирларини тикиб улгурган, энди шамол ранг-баранг матоларни юлқаб ўйнар, саҳронинг сариқ қуми оғир кўзғалиб тўлқинланарди. Оёқ остида ўрмаловчи тезчопар чумолилару калтакесаклар ғайриоддий бир сезги хусусияти билан бу шамолнинг оддий эмаслигини сезганлари боис қум остига кўмилиб олган эдилар, саҳронинг бошқа фуқаролари — илонлар ва эчкемарлар ҳам ўз билганларича яшириндилар. Фақат ўжарроқ ва кескирроқ ўқилонгина саксовул шоҳида қимир этмай турар, шох билан бирга чайқалар эди.

Шамол яна эпкин урганида, саксонларни қоралаб қолган карвонбоши чол неварасига узоқларда қимир этмай туриб қолган булутларни кўрсатиб:

– Ўша ерда тоғлар бор, болам, – деди. – Булутлар чўққилардан ўта олмай туриб қолди, энди ёмғирларини ўша ёққа тўкади. Тангри нимани хоҳласа, ўша бўлади.

– Шамол-чи, ўта оладими? – деб сўради невара.

– Шамол ўта олади, чунки у кўзга кўринмас ҳаводан иборат. – деди Чол. – Аслида шамол ҳам, булуту ёмғир, ҳаво ҳам Худонинг махлуқи, болам. Улар Парвардигорнинг амрини бажарадилар. Жумладан, сену мен ҳам.

– Мен Худонинг амрини қандай бажараман? – деди невара

– Фикрляяпсанми, демак, бажаряпсан, – деди карвонбоши. – Пилладан капалак чиққанини кўрмаганмисан?

– Жуда кўп кўрганман.

– Фикр ана шунақа нарса, – деди Чол. – Олдин ниманидир кўрасан, ундан ўша нарса ҳақидаги фикринг пайдо бўлади.

– Худди капалакка ўхшаб, а?

– Парвардигорнинг даргоҳи кенг, у кўп нарсаларни сирлар пардасига яширган. Одамлар уларнинг баъзиларини биладилар, баъзиларини билмайдилар. Дунёда кўзга кўринмас жонзотлару ҳодисотлар мўл. Уларни одам кўрмайди холос, лекин баъзи жонзотлар кўради.

– Сиз буларнинг тилини қандай англай оласиз? – деб сўради болакай.

– Одам боласидан бошқа ҳамма бир тилда гаплашади, ўғлим, – деди оқсоқол. – Аслида, бундай сирларни қанча кўп англаганинг сайин шунча чуқур сукутга толасан. Чунки баъзи билимлар ҳатто ҳалокатли бўлади, болам.

– Шамол ҳозир нима деяпти? – деб сўради ўғлон.

Чол мийиғида жилмайиб, деди:

– Шамолми? У гапирмайди, балки қанотида билимларни ташиб юради. Керак жойига қараб керак нарсангни олаверасан...

\* \* \*

...Отахон шамолнинг тоғларда авлиё билан суҳбат қурганини, *шаҳри Ҳайбар* харобаларининг қумларини тўзгитиб-сочиб ўтганини неварасига айтмади. Зеро, чолнинг ҳадиги бор эди. Шамолларнинг турларинию вазифаларини у яхши биларди. Лекин, буниси бағрида ёмғирларни олиб келувчи раҳмат эпкини эмасди. Гулларни тўкувчи ва меваларни чанглантирувчи ризқ шамоли ҳам, марҳамат шамоли ҳам, фаслларни ўзгартирувчи мавсум шамоли ҳам эмасди. Аксинча, бошқа эпкин эди, унинг эсишида жазо шиддати борга ўхшарди. Шу боис ҳам бу ҳақда индамади, аксинча, агар шундай бўлиб чиқса, ўзига ҳам, қавмига ҳам, шу болакайга ҳам марҳамат етажагидан умидланди.

Шунингдек, бу кеча, ҳамма ухлаган маҳали *сахро ичидан чиқиб келган бир одам* билан қурган суҳбати ҳақида ҳам лом-мим демади. Ҳолбуки, тунги суҳбат жуда кўп нарсаларни ойдинлатувчи суҳбат бўлган эди.

— Бизлар кўп йиллар аввал йўлга чиққанзимизни биласан, — деди Чол, тунги йўловчига. — Сен туғилмасингдан икки минг йил аввал бошланган бу *дарбадарлик*. Сафар манзилини биладиганлар ўша маҳалларда дунёдан ўтиб кетдилар. Тахмин қила оладиганлар ҳам аллақачон тупроққа айланганлар, балки уларнинг зарралари ҳозир шамолга кўшилиб учиб юрган бўлса не ажаб... Биз учун ҳеч ерда кўним йўқ, дунёнинг қаерига борсак чодир тикиб, Аллоҳ хоҳлаганча вақт турамыз, кейин яна дунё кезишга равона бўламиз. Бола-чақаларимиз ҳам *дарбадарликда* туғиладилар ва шу қисмат билан ўладилар.

— Бир ерда муқим ҳаёт кечириш билан тинимсиз дарбадарлик ўртасида қанчалар фарқ бор? — деди меҳмон. — Буни менга Ҳазрат айтган эди. «*Сен-ку авомнинг кўзида зоҳиран бир дуо туфайли шундай қисматга маҳкум этиласан. Аммо умринг мобайнида ўз ҳаёти давомида илоҳий муждани рад этиб, дарбадарликни бўйинларига олган саноқсиз кишилар оломонини кўрасан. Уларнинг ҳаёти сенкидан заррача ҳам ўзга бўлмайди, бироқ сендан фарқ қилиб, оғир ва азобли ўлим топшади. Лекин тарихда сенинг номинг қолади, бошқалар эса айнан шу қисмат билан яшашса-да, ер юзидан беному нишон супурилиб кетишади*», — деган эди.

— Ҳа, эшитганман, — деди чол, тин олиб. — Дарвиш бу гапида айнан бизни назарда тутмаганмикан деб кўрқаман гоҳо... Аслида кўпгина ҳикматлар мажозга ўралган бўлади. Сенинг бадавийларга айтганинг гапларда ҳам мен бир ҳикмат кўраман. Ким билсин, балки кун келиб сенинг исминг ҳам муқаддаслашар? Ҳаётида қутлуғу муқаддас ҳеч нарсаси қолмаган одамларнинг ёхуд бизга ўхшаган қавмларнинг мисоли бўлиб қоларсан? Бизга эса, Тангри таоло шунча йиллик дайдишлардан сўнг, ниҳоят, бир марҳамат кўрсатар, ўзининг мулкидан энг кўримсиз, энг қақраган бир бурчакни ватан қилиб берар?

— Одам боласи борки, барҳаётликни орзу қилади, — деди меҳмон. — Мен эса абадият билан жазоландим. *Мен учун на ватан, на миллат, на элат, на тил қолди*. Дунёни кезаркан, бутун бошли миллатларнинг йўқ бўлиб кетганини, ўрнига бошқаларининг келганини кўрдим... Аслида, сиз мендан кўра хушбахтроқсиз. Чунки, қисматингизга *дарбадарлик* битилган бўлса ҳам, бир неча йилдан кейин Унинг раҳмати томонга равона бўла оласиз. Менга эса у йўллар беркилган, қопқалар ёпилган, тавбамдан ва пушаймонимдан наф йўқ.

— Лекин ўзинг қачонлардир, бир мунажжим менинг дардимни энг ҳикматли йўсинда ифодалади, энди одамлар қисматимдаги ҳикматни шояд англаб етсалар, деган эдинг-ку?

— Унинг исми *Гвидо Бонатти*, — деди меҳмон. — Бонатти фоллар ва тушларнинг муаллақ эканини англаб етган илк киши эди. Умрининг охирида тафаккур ўрнига майхўрликка ва фолбинликка берилгани учун, черковнинг буйруғига кўра тириклай ёқиб юборилди. Афсуски, у ҳақиқатнинг юза қатламини кўра олди, холос. Фикр қилганида балки яна кўп нарсаларни фаҳмлаган бўларди...

— ... Сен билан бир неча марта учрашдик, аммо нима учун бундан энди гап очяпсан? — деб сўради чол, узоқ сукутдан сўнг. У меҳмоннинг мақсадини пайқагандек эди.

— Мен Тиёншон этагидаги яна бир одам билан видолашмоқ истайман, — деди меҳмон. — Ким билсин... қайта кўришиш балки насиб қилар, балки насиб қилмас...

## ТИЁНШОН БАҒРИДАГИ ҒОРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ АВЛИЁ

Айтишларича, бу авлиё Тиёншон этагида бир юзу йигирма йилдан буён ибодат қилар эди. Ғор оғзида анжир ўсган эди, у ҳар куни янги мева тугарди. Қилган ибодатларига мукофот ўлароқ ҳамда авлиёнинг тирикчилик илинжида чалғимаслиги учун берилган бир иноят ёхуд мўъжиза эди балки бу анжир.

Бу ердан ўтганларнинг баъзилари, ғор оғзининг икки томонида икки баҳайбат шернинг турганини кўришган. Бошқалар эса кулча бўлиб ўралиб олган илонни, бургутни, ҳатто аждарни кўргани ҳақида ривоятлар бор. Баъзилар эса ҳеч қандай жонзот йўқлигини, бир тутамгина, аммо нигоҳи ғоятда нурафшон қарияни кўрганларини айтадилар, қария шу даражада кексайган эдики, худди укпардай ҳилвираб қолган эди.

Бошқа бировлар эса, Тангрига яқин зотларнинг унинг ҳузурига суҳбат учун келиб турганларидан хабар берадилар.

Дарҳақиқат, авлиёлар – Парвардигори оламнинг марҳамати ва мукофотига сазовор кишилар эканига шак-шубҳа йўқ. Авом уларнинг ҳикматларини англашга ожизлик қилиши ҳам рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Бизлар англаб ета оладиган даражада баён қилинган бошқа бир ҳақиқат эса мана бундай:

Бир куни авлиёнинг ҳузурига *баланд бўйли, узун сочлари елкасига тушган, ялангоёқ бир одам* кириб келади ва ундан мўъжиза кўрсатишини, агар кўрсатмаса, ўлдиражани айтиб таҳдид қилади.

- Қандай мўъжиза кўрсатишимни истайсан? – деб сўрайди Авлиё ундан.
- Билмадим, ишқилиб, ғайриоддий бир нарса бўлсин, – дейди келгувчи.
- Унда, у мўъжизани нимага сабаб бўлишини хоҳлайсан?
- Сенинг ростдан ҳам авлиё эканингга ишонишим учун.

– Сен ўзинг дунёда нима ишташингни билмасанг, мен бечора банда қаердан ҳам билайин, – деб жавоб берган Авлиё. – Қара, оламда ҳамма нарса мукамал бир тартиб билан ҳаракатланиб турипти. Баҳорда бу ердан турли-туман наботот униб чиқади. Саногини Тангридан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунча набототнинг униши учун керак бўлган сувни томчи-томчисигача ўлчови билан булутлар олиб келиб ёғдирса, ҳатто сен қудратини кўриб ҳайратланишинг ёки эски тупроқларни ичидаги бор-йўқ жасадлари билан ювиб, бошқа жойларга озуқа бўлиши учун олиб кетадиган ёхуд ҳар иккаласи учун ҳам бўронлар эсса, селлар оқса... Қуёш керагича қиздирса, дов-дарахту ўт-ўланнинг чангланиши учун қанча асалари ва ҳашарот керак бўлса, шунчаси яратилсаю гулларни чанглантиришидан ташқари яна бол ҳам тўпласа ва ўзининг мавжудлиги ва ҳаёти билан яна унинг қудратидан хабар бериб турса... Сен айтаётган мўъжиза мана шу низомга қарши равишда, шу тартибни бузиб пайдо бўладиган ҳодисадир. Айт-чи, эй Тангримнинг бандаси, биргина менинг авлиё эканимга ишонишинг мана шу низомнинг бузилишига арзийдими?

– Бу кам, – деди чақирилмаган меҳмон ўйланиб. – Яна нималарни айта оласан?

– Унинг берган неъматларидан бемалол фойдалансанг, ихтиёринга сенинг минадиган отингдан кўра минглаб карра мукаммалроқ бошқа бир отни – вужудингни ато этган бўлса. Оламдаги ҳар бир жон ўзининг вазифасидан бошқа яна

бир вазифани бажариб келаётганининг ҳикмати кўр. Мукамал бир лашкарга ўхшайдиган, ғоятда ихчам яратилган асалари ўзининг эҳтиёжидан минглаб карра кўп бол тўпласа, бир дарахт, насл қолдириши учун керак бўладиган меваларнинг минглаб мислини тугса, бир балиқ минглаб увулдириқ ташласа, бир наботот ўзининг униб-ўсишидан ташқари ё емиш, ё даво бўлса... ва фақат сенгина буларнинг ҳаммасидан еб-фойдалансангу ҳосиланг бўлмаса... устига-устак, шу ҳолингда яна мўъжиза талаб қилсанг... Ҳаётингнинг бошидан охиригача, гўдаклигингдан то кексайгуниггача ҳаёт ҳикмати, Унинг марҳаматини англолмасдан, Унинг пардалари ортидаги сирларига бир марта боқолмасдан *дарбадар* кезсанг-у, сенинг бу тутуминг мўъжиза талаб қилишингга ҳуқуқ бера оладими?

Меҳмон ерга ўтирди, қиличини ҳам ерга қўйди.

— Бу гапларни олдин ҳам эшитганман, — деди у. — Мен сендан ҳақиқатни билишни истаيمان.

— Унда эшит, — деди авлиё. — Мен ҳатто ўзимга емиш тополмайман, шу боис Тангрим раҳм қилиб, ғор оғзида анжир ўстириб қўйган. Агар шу анжир қуриб қолса, унда менинг ҳолимни кўр. Соғлом ҳолимда ҳам Тангрим яратган ҳавога, сувга, озуқага муҳтожман. Мабодо вужудимга бир касаллик илашса, ундан ўзим халос бўлолмайман, дарҳол дардимга даво истаб, Парвардигоримга ёлвораман. Халос бўлиш у ёқда турсин, бу касалликнинг аслида нима эканини ҳам билмайман, жоним қийноқда қолгани учун ҳам Тангримга йиғлаб-сиқтайман. Менинг бу ғорда эканиму емишим анжир экани — бечоралигимни кўрсатадиган ҳолат эмасми? Ҳамма нарсада ўзим Тангримга муҳтожману сен мўъжизани Ундан сўрашнинг ўрнига, мендан сўрайсанми?

— Энди тўғри айтдинг, гапларингга ишондим, — деди меҳмон, сўнг қиличини қинига солди. — Лекин яна битта саволим бор, шунга жавоб бермагуниггача кўнглим ўрнига тушмайди. Айтадиларки, сенинг кўриқчи шерларинг бормиш, менга — сени ўлдиришга жаҳд қилган одамга уларни гиж-гижлашнинг ўрнига нега ҳурмат билан кутиб олдингу буларни битталаб тушунтирдинг?

Авлиё деди:

— Тангри таоло бир бандасига парчинланиш, яна бирига мўғул аскарининг қиличи, бошқа бир қулига эса дор ёғочи орқали ўлимни раво кўрган эди. Яратган Эгам ажалимни сенинг тимсолингга юбордимикин деб кўрқдим...

Келгувчи узоқ ўйланди. Сўнг шундай деди:

— Унинг наздида қадр қиймат топган бандаларидан бири эканлигингга, оддий кишиларга билдирмаган сирларидан Ўзи хоҳлаганларини сенга билдирганига шак-шубҳа йўқ. Бироқ, менинг ким эканимни нега пинҳон тутганини англаб етолмадим. Унинг бу иродасида яхшилик борлиги аниқ-равшан, шояд менга ҳам бир хайр етса деб умид қиламан...

## ИККИНЧИ ҚИСМ

Уч соатдан сўнг, Атлантика уммони узра мисли кўрилмаган қудрат билан бўрон кўзғалиши олдидан дунёнинг тўрт бурчидаги тўртта маконда ана шу тарих ва ана шу воқеалар рўй берган эди.

Орадан уч соат ўтгач, сокин ҳаволарнинг кўзга кўринмас мавжларидан бошланган ва тобора кучайиб борган шамолнинг, осойишта тўлқинланаётган сувларни ўнлаб қулоч баландликка кўтариб гирдоблар ҳосил қилган ҳолда ичидаги жонзотларига кўшиб инсонлар маконига — қуруқликка қараб итқитувчи, йўлида учраган нарсани ғорат қилиб борувчи кучли бўронга айланиши кутилмоқдайди.

### BOENG 787 DREAMLINER.

#### ЙЎНАЛИШ: АМЕРИКА — МАРКАЗИЙ ОСИЁ

Замонавий қудратли ҳаво лайнери бир маромда гувиллар, салондаги уч юз чоғли йўловчининг кўпи мудрар эди. Ҳозир у Атлантика уммони узра тўққиз чақирим баландликда, соатига саккиз юз эллик километр тезликда учиб бораётган эди. Лайнер тўрт соат олдин автопилотга ўтказилган, шу боис унинг ўн икки кишилиқ экипажи дам олмоқда, фақат, салондаги тўққиз стюардесса қиз тушлик тарқатишга тайёргарлик кўрмоқдайди.

Учиш барча кўрсаткичларга кўра мўътадил кечмоқда эди.

Аслида, бундан уч соат аввал дунёдаги энг катта метеорологик кузатиш станциялари Атлантика уммони узра бўрон бошланаётганидан огоҳлантиришди, тахминларга кўра у мавсумий бўронлардан фарқ қилар, одатий «метеорологик рўйхат»даги пўртаналар тунда, Ойнинг тортиш кучи оқибатида сув сатҳининг кўтарилиши маҳалида рўй берарди, бу эса куппа-кундуз куни бошланмоқда эди. Хитой ва Мўғулистон узра туриб қолган иссиқ ҳаво оқимининг шиддат билан юқори кўтарилиши оқибатида Япония ва Австралия саринликларининг ҳамда уммон юзасидаги совуқ ҳавонинг марказга интилиши оқибатида унинг «йўли» жуда узун бўлиши тахмин қилинмоқда, катта тезликда эсувчи шамолларни кўзғатиши кутилмоқдайди.

Соҳиллардаги турли давлатларга бу ҳақда ўз вақтида етарлича маълумот берилган, тўқсон олти миллион квадрат километр юзада сокин-осойишта тўлқинланаётган уммондаги барча сайёҳлик, ов, илмий-тадқиқот, ҳарбий ҳамда сувости кемалари (*одатда, энг кучли бўрон маҳалида ҳам эллик метр чуқурликда сокинлик ҳужм сурса-да*) ҳамда йўналиши шу бўрон ҳудуди билан кесишадиган йўловчи ҳаво учоқлари огоҳлантирилган, фазодаги сунъий йўлдошларнинг баъзилари жосуслик ишидан ташқари, бўрон йўналишини кузатишга ўтказилган эди.

Бўрон ҳақидаги маълумотлар автоматик равишда учоқнинг компьютерига ҳам етиб келди, автопилот учоқ йўналиши ва учиш қуввати меъёрларига керакли ўзгаришларни киритиб, бу ҳақда мониторга ёзув ҳам чиқариб улгурди.

Хуллас, ўз бағрида турли сирларни сақлаган бу асов уммоннинг бугун жунбишга келиши кутилмоқдайди.

Ҳаво лайнерининг бизнес салоидаги мониторга огоҳлантирувчи ёзувлар турли тилларда қалқиб чиқди, лекин бу йўловчиларга хизмат кўрсатиш савиясининг қай даражада юқори эканини кўз-кўз қилиш учун қилинган тадбир эди, турли

табий офатлар вақтида учоқни бошқаришнинг энг самарали усуллари бундан эллик йил олдин ишлаб чиқилган, шу боис у оз-моз чайқалишлардан бошқа хавф туғдирмасди, бироқ, йўловчилар учун авиакорхона ишининг қай даражада йўлга қўйилгани ва учувчиларнинг қай даражада моҳирлигининг аҳамияти катта бўлгани учун, компания шунақа Пи-Ар\* тадбирини йўлга қўйган эди.

Лайнердаги уч юз чоғли йўловчининг бири, инсонни такомиллаштириш масалаларига бағишланган халқаро анжумандан юртига қайтаётган киши — бутунжаҳон Генетик тадқиқотлар ассамблеясининг фахрий аъзоси профессор Зиё ҳам бу огоҳлантиришни ўқиди-да, кенг дарчадан ташқарига қаради.

Улар ҳавога кўтарилган Денвер шаҳри аллақачоноқ кулранг пастликларда қолиб кетган, учоқ аллақачон Атлантика уммони ҳудудига кириб келган эди.

Уфқ топ-тоза, тўққиз чақирим пастда эса кул ранг тусли уммон, бағридаги наҳанларию миллионлаб тур ва кўринишдаги жонзотлари, сув юзасида сузиб юрган ва қачонлардир теранликларга фарқ бўлган кемалари, шаҳарларию қишлоқлари, балки Нуҳ алайҳиссалом тўфонидан қолган харобалари билан ... ястаниб-тўлқинланиб ётар эди.

Уммон гўё тарихга ўхшар эди! Гўё бутун кечмишлар ана шундай сокин ва тил-забонсиз, бепоён тарзда, вақтсизу маконсиз долғаланмоқдайди.

*Қайлардадир олис-олисларда, сийрак туман билан қопланган ва бундай юксакликдан элас-элас кўзга ташланадиган материкнинг сарғиш саҳросида лўлилар карвони тин олиш учун тўхтаган эди.*

Бироқ, учоқ ҳозир саҳро узра учиб ўтаётган бўлганида ҳам бундай баландликдан уларни кўриш амри маҳол эди.

Саҳродан кейин водийлар бошланар, яна минглаб чақирим масофада эса оқ қорларию кўк музликлари билан бағрида бутун дунё тараққиётининг сирларини яширган Тиёншон тоғлари виқор тўкиб турарди.

*Тиёншон тоғларининг бағридаги бир ғорда авлиё тафаккур билан машғул эди. Сал олдин ёмғир савалаб ўтган, ғор оғзида ўсган анжирнинг яшил баргларида ва жисар ранг меваларида катта-катта томчилар туриб қолган эди.*

Маданиятлар, цивилизациялар, сиёсатлар, фикрий ва ғоявий курашлар, улкан ижтимоий ҳодисалар, мегаполислар, тутунга ўралган шаҳарлар ва яшил қишлоқлару далалар қаторида майда-чуйда тирикчилик ташвишлари билан тинимсиз ҳаракатланаётган одамлар издиҳоми... бутун олам тортишиш кучини енгиб, фазога йўл олишга тайёрланаётган фазовий кемалар, ниначилардай ҳар томонга имиллаб учиб бораётган маҳаллий учоқлар, инсон боласининг аянчли гердайишларига сабаб муҳташам қасрлару автомобиллар... тўққиз чақирим пастда, материкларда қолиб кетган эди.

Унинг назарида дунёнинг айланиши тезлашиб кетгандек, тушуниш ва бошқариш қийин бўлган ғалати жараёнлар қайнаб-тошаётгандай туюлди.

---

\* Пи-Ар — Public Relations сўзининг бош ҳарфларидан олинган, жамоатчилик билан алоқалар маъносини билдиради, яъни турли ширкатларнинг омма фикрини ўрганиш ва керакли томонга йўналтириш учун амалга оширадиган тадбирлари.

Халқаро анжуман унинг қалбини ларзага солган ва орадан ўн икки соат ўтганига қарамасдан, ҳануз таассуротларидан қутулолмаётган эди. Анжуман уй-ғотган ҳаяжонлару шов-шувлар ҳали-вери тинадиганга ўхшамасди. Дунёнинг энг машхур олимлари ҳам ҳайрат ва ҳатто саросима ичида эдилар.

Инсонни такомиллаштириш йўлидаги уринишлар минглаб йиллардан бери давом этиб келаётган бўлса-да, бугунги ҳодиса башариятнинг барча изланишларини хотималаб, янги паллага қадам қўяётганидан далолат бериб намоён бўлган эди.

Ҳамма гап, бир томони Хитойга ва иккинчи томони Мўғулистонга туташиб кетган, Тиёншондан Олтой тоғларига қадар бир ярим минг чақирим масофага чўзилган ёй мисоли ястаниб ётган Гоби чўлидаги Инсон такомилли марказида етиштирилган сунъий жонзотларда эди. Куйтэн-Найрамдал чўққиларидан ва Отгон-Тенгри Уул водийсидан юзларча чақирим масофада жойлашган мазкур марказда кўп йиллардан буён инсонларни сунъий урчитиш, генларини такомиллаштириш ва клонлаштириш борасидаги тадқиқотлар олиб борилаётганини кўпчилик биларди. Шунингдек, бу тур тажрибалар дунёнинг кўпгина ўлкаларида қатъиян ман этилгани боис, ҳали қонунлари заиф мамлакатга атайин кўчирилганига ҳамманинг ақли етиб турарди. Дунёга ёйилиб кетган мазкур тадқиқот тизимининг она бўғини бўлмиш бу марказ инсониятга кутилмаган бир натижани тақдим этган ва «Хўш, ана энди нима қиласан?» деб саҳролар аро боқиб турган улкан бир кўз мисоли, жимит инсон болаларининг тутумларига қизиқсиниб қараётгандай туюлмоқдаиди.

Сунъий урчитилган одам аслида ким? Уруғланган бир она ҳужайранинг шиша идишларда мукамал ривожланиши учун керак бўлган ҳар қандай шароит яратиб берилган ва муттасил кузатувлар остида инсон боласининг пайдо бўлиш жараёни ғоят аниқлик билан кузатиб бориладиган бундай изланишлар доимо боши берк кўчага кириб келмоқда, башар ақли етмаган қандайдир таъсирлар боис улар мажруҳ, кар, соқов ва яшашга ноқобил равишда олам юзини кўрган бўлсалар, улардан бири ҳеч кутилмаганда мукамал бўлиб ҳаётга келган эди.

На отасини, на онасини биладиган бу жонзотнинг ҳужайраларидаги қартайишга сабаб ген олиб ташланган — унинг вужуди ўз-ўзини тўлдириш орқали муттасил янгиланмоқда ва тахминларга кўра, ғоят узоқ умр кўриши кутилмоқда эди.

Бошқа барча чақалоқлар каби йиғлаган, инжиқлик қилган, гўдаклигида теграсига қизиқсиниб боққан мурғак зеҳнида «у ким — бу нима» деган саволлар бемисл кўп ва тез содир бўлган, ўзининг қайдан бино бўлганию ким эканини юзларча марта сўраган, хуллас, барча чақалоқлар каби униб-ўсган бўлса-да, бу ҳодисадан азбаройи илмий тажриба юзидан ҳамма нарсани сир тутган олимларнинг ўзлари ҳам ҳангу манг эдилар.

Гўё инсониятнинг тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтаётган бу сунъий урчитилган одам балоғат ёшига ета бошлаганида, ўзининг фавқулодда мантиқ ва фикр қувватига эга эканлигини намоён қилган эди. Ҳали фанга маълум бўлмаган қандайдир бир хусусият ила у теграсидаги нарсаларнинг молекуляр бутунлигини буза олиш қобилиятига эга бўлиб, қаршисида на пўлат, на темир, на шиша тўсиқ бўла оларди. Шунингдек, ўзак ҳужайраларни ўстириш борасида олинган барча ютуқлар унда жамулжам бўлган эди. Аслида оддий инсон боласига ўз-ўзини тиклаш салоҳияти азалдан ато этилган, масалан, бирор жойини кесиб олса, бу жароҳат маълум вақтдан сўнг битиб кетади. Сунъий одамда мазкур хусусият такомиллаштирилган, ҳатто ички аъзоларини ҳам тиклай олишига умид боғланмоқда эди.

Аввалбошда на отаси, на онаси, на ватанию миллати, на қариндош уруғию ака-укаси бўлган бундай мукамал жонзотларни оммавий равишда кўпайтириш йўлга қўйилароқ, хатарли ҳудудларда, конларда, ҳаёт учун хавфли маконларда, вулқон тубларидаю сув остида — хуллас, ҳақиқий инсонларни қўллаш ҳам эстетик, ҳам инсоний қадриятлар туфайли мумкин бўлмаган ишларда ишлатиш кўзда тутилган эди. Ген соҳасидаги ютуқлар уларни ҳали ҳомила эканликларидаёқ нурланишларга, касалликларга ёхуд бошқа таъсирларга чидамли қилиб ўстириш имконини бермоқда эди. Ижтимоий қадрият қозонишларига ҳақ-ҳуқуқлари йўқлигини таъкидлаш мақсадида ҳатто исм бериш ҳам кўзда тутилмаган, рақамлар билан ифодаланишлари етарли эди.

Одам боласини исм билан эмас, рақам билан ифодалаш ўтган асрдан: Польшанинг Дахау қамоқхонасидан ҳамда Япониянинг Хитой чегарасидаги Харбин яқинида жойлашган исмсиз зиндондан одамзотга маълум. Уларнинг ижтимоий аҳамият касб этмасликларини ўзларидан ҳам кўра атрофдагиларга таъкидлаш муҳимроқ эди. Бироқ, қамоқхоналардаги тажриба одамлари — азалдан давом этиб келгани каби, ота ва онадан туғилган, ҳақиқий инсонлар эдилар, тажрибахоналарда сунъий равишда дунёга келтирилган ва генлари ўзгартирилган жонзотлар эса, гарчанд кўринишию тутуми инсондан фарқ қилмаса-да, барибирам ғайриинсоний мавжудот деб ҳисобланмоқдаиди.

Бундай тажрибалар муваффақиятли тугагач, дунёда инсоннинг олий ирқ бўлиб қолиши ва яна бир ирқ — на исми, на тили, на қадриятлари ва на миллати номаълум, аммо ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан инсондан бир неча баравар устун *қуллар* ирқининг пайдо бўлиши кутилмоқда эди!

Бироқ, анжумандаги олимларни, шунингдек, Профессор Зиёни саросимага солган нарсаси бошқа! Шов-шувлар, ген ва ўзак ҳужайра муҳандислиги эришган ютуқлар ортидан чўмган жимлик... мангу барҳаёт инсон яратиш йўлидаги уринишларнинг ҳисоботлари ортидан, мукамал ирқ яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг илк ютуғи ҳисобланган бу мукамал жонзот ақлини шоширувчи ва ҳеч кутилмаган бир хулосага келган эди!

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Шимолий Америкадаги улкан аэрокосмик марказлардан бирида, сўлим дарё ёқасидаги уч қаватли муҳташам саройда келажак инсонини яратиш борасидаги тадқиқотларнинг навбатдаги якуни ўқиб эшиттирилмоқда эди. Анжуманда инсон генетикаси ва руҳияти борасида донғи кетган энг машҳур олимлар иштирок этаётган бўлса-да, нутқлар ҳамда ҳисоботлар жуда суст бормоқда, салқин залда кенг-қулай оромкурсиларда ўтирган илм аҳли нурланишларнинг ҳамда янги технологияларнинг одам генига ва эмбрионига таъсири ҳақидаги узундан-узоқ нутқларни анчайин зерикиш билан тингламоқда эдилар.

Анжуманнинг шов-шувли қисми Гобидаги Инсон такомилли марказининг ҳисоботи эканини ҳамма биларди. Шу боис, бир неча йиллардан бери боши берк кўчага кириб келадиган масофавий бошқариш ва руҳиятга оммавий таъсир усуллари ҳақидаги ҳисоботлар, айтарли янги гап йўқлиги учун ҳам қизиқиш уйғотмаётган эди.

Осиёдаги Инсон такомилли маркази юқори технологияларни қўллаш орқали инсон вужудини такомиллаштириш муаммолари билан шуғулланишидан кўпчилик хабардор эди. Марказ жойлашган чўлнинг Олтойга туташ жойи фазо нурланишларини

кузатиш учун энг мақбул, шунингдек, ғайриоддий ҳодисалар энг кўп содир бўладиган жойлардан бири эканлиги ўтган асрдан бери фанга маълум. Бир неча мамлакат ҳудудига кириб борган ва мўғуллар Шамо, хитойлар Алашан, уйғурлар Жунғор деб атайдиган бу улкан чўл қишда қирқ даража совуғио ёзда эллик даражали жазирамаси билан ҳам машҳур эди. Ер юзида турли-туман иқлимларни яратиб қўйган Парвардигори олам, мана шундай саҳроларни ҳам яратиши билан, кишиларга «Бас, ер юзини кезинг ва тафаккур қилинг» деб огоҳлантираётган эди гўё.

Ўзидан жуда кучли электр қуввати чиқариб, ён-веригаги ҳар қандай жонзотни кўмирга айлантирадиган улкан тўмтоқ саҳро қурти — олғой-хорхой ҳақидаги хабарлар келди Профессорнинг хаёлига. Олғой-хорхой фақат Гобида яшайди. Тана тузилишини шаффоф ҳолга келтира олади, гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмаслигининг сабаби шунда...

Марказ вакилининг ҳисоботи соат иккига белгиланган эди. Белгиланган вақтда саҳнага қотмадан келган мисрлик занжи олим чиқиб келди, унинг чиқиши қарсақлар билан қаршиланди. Бу одам сунъий урчитиш ва клонлаштиришнинг генетик муаммолари борасида тенги йўқ даҳо экани ҳаммага аён эди.

— Муҳтарам анжуман аҳли, — деб сўз бошлади даҳо, сокин ва осойишта овозда. — Мен, генетика мутахассиси Георг Мендел, умримнинг қирқ йилини шу фаннинг турли чигал масалаларини ечишга сарфладим. Жонли борлиқларнинг ген ўрамлари қаршисида соатлаб термилиб ўтирган онларимда доимо шууримда «Яратган Парвардигоримнинг низомини бузишга уриниб, хато қилмаяпманми?» деган савол кўндаланг турди. Миллионлаб вариантларни таҳлил қилар экан, исталган ҳар бир комбинациядан ўхшаши йўқ бир махлуқ бино бўлишидан ҳар дам чўчиб яшаганимни сизларга билдирмоқчиман...

Салонга жимлик чўкди. Ҳамманинг диққат-эътибори генетиканинг шу даҳо-сига қаратилди.

— Умрим ўтгани ва ген тилсимларига қадам-бақадам яқинлашиб борганим сайин, у «гуноҳ қилмаяпманми?» деган саволга айлана борди, — деб давом этди олим. — Зотан, бу ерга тўпланган муҳтарам жамоанинг ҳар бирига мазкур савол кўпдан таниш эканига шубҳам йўқ. Умрининг уфқларини кўриб турган бир олим учун эса бундай саволларнинг аҳамияти гоаят улкан ва ҳатто мудҳиш тус олишини ҳаммангиз яхши биласиз. Генларни ўзгартириш борасидаги тадқиқотларимизда муттасил олға силжиётганимизни эътироф этиш билан бирга, кутилмаган натижаларга рўпара келётганимизни сизга маълум қилмоқчиман. Бу натижаларни шарҳлашни ўзингизга ҳавола қилган ҳолда, диққатингизни экранларга қаратишингизни сўрайман!...

Шу орада қолган чироқлар ҳам ўчиб, саҳнадаги улкан монитор ёришди.

Мониторда шиша хона ичида кўзлари катта-катта бир одам кўринди. У тева-ракка олазарақ аланглар, нимадандир жуда безовта эди.

— Бу — олти юз олтмишинчи рақамли одам, — қоронғилик ичидан овози келди олимнинг. — Тўртинчи ҳалқа DNA\* ўрамларига ўтказилган таъсирлар натижасида у нурланишларга чидамли бўлиб дунёга келди. Бу геномнинг нуқсонини — у кўр. Чунки оддий шароитда яшай олмайди, қуёш нурлари вужудига ҳалокатли таъсир кўрсатади.

---

\*DNA — Deoxyribose Nucleic Acid, яъни дезоксирибонуклеин кислота (ДНК), ҳужайра ичида жойлашган, организмнинг ривожланиши ва фаолияти дастурини назорат қилувчи, ўзида сақловчи ва авлоддан авлодга узатувчи, ҳар бир жонли вужуднинг ҳар ҳужайрасида бўладиган органик модда.

Монитордаги тасвир ғойиб бўлиб, ўрнида бошқаси пайдо бўлди.

– Мазкур жонзот фавқулодда қобилиятларга эга ҳолда дунёга келиши кўзланган эди. Дарҳақиқат, унинг суяклари ғоят эгилувчан, лекин вужуди бундай эгилувчанлик учун лозим бўлган катта миқдордаги маъданларни етказиб беролмагани учун ҳалокатга маҳкум.

Тасвирлар алмашар, манзара ҳам нохушлашиб бормоқда эди.

– Мана буниси эса барҳаёт жонзот, – деб давом этди олим. – Австралия тошбақасининг генлари билан чатиштириш орқали дунёга келган бу одам жуда узоқ яшайди. Афсуски, тескари қонуниятлар яна панд берди – ҳарчанд узоқ яшаса-да, унда ақл нишонаси йўқ.

Тасвирлар бирин-кетин алмашар, ҳар бир сунъий етиштирилган одамда яшай олишига тўсқинлик қилувчи бир нуқсон намоён эди.

– Ўтган йигирма йил мобайнидаги изланишлар натижасида мингдан зиёд мана шундай жонзот дунёга келтирилди, – деб давом этди олим. – Кўриб турганингиздек, муваффақиятлар билан енгилишлар нисбати теппа-тенг. Сирасини айтганда, ақл даражаси бугунги кун одамидан бир неча баравар юксак ва мангу умр кўрадиган одам яратиш фикри шу қадар жозибадорки, бу кўрганларингиз мажруҳларнинг ва ноқисларнинг дунёга келтирилишининг гуноҳу савоби ҳақида ўйлаб кўришга на вақт бор, на истак.

Гуноҳ деганимизда, наинки бизнинг аралашувимиз туфайли дунёга мажруҳ бўлиб келган жонзотларни, балки уларнинг йўқ қилинишини ҳам назарда тутяпман – тасвирда кўрганнингиз бу жонзотларнинг аксарияти ҳозир ҳаётда йўқ, баъзилари ўз-ўзидан ҳалок бўлган, баъзиларини эса азоб-уқубатга қолмасликлари учун ўзимиз йўқ қилганмиз. Эвтаназия\* масаласи дунёда ҳануз ҳал қилинмаган муаммо бўлиб тургани чоғда, ушбу жонзотларни йўқ қилиш одам боласининг жонига қасд қилиш билан бараварми-йўқми, деган саволимиз ҳам ҳануз ечилмасдан қолмоқда. Табиийки, ҳаво мавжуд бўлмаган жойларда, сув остида, кучли нурланишларда, вулқонларнинг тубларида бемалол ишлай оладиган ва тадқиқотларимизга кўмак берадиган бир насл бунёд этилса, инсониятнинг кўп мушкуллари енгилашган бўлур эди. Масаланинг эстетик томонларини ҳам ҳал қилишимиз, бутун дунёдаги барча халқлар билан биргаликда яқдил қарорга келишимиз лозим – булар инсонми, инсон эмасми? Бугунги кунда тажрибахоналарда сон-саноксиз жонзотлар устида турли-туман тадқиқотлар ўтказилмоқда, минглаб ҳайвонларнинг тана хусусиятлари, ички аъзолари, ҳар хил таъсирларга муносабати ўрганилмоқда. Биз бу жонзотларга илму фан тараққиёти йўлида қурбон қилиниши лозим бўлган тажриба материали деб қараймизми ёхуд инсон дебми? Тадқиқотларимиз янги, барҳаёт насл олиш йўлидаги заҳматлар сифатида олқишланадими ёки инсоният устидан ўтказилган ғайриинсоний тажрибалар деб лаънатланадими – бу савол ҳам очиқ қолмоқда...

Тасвирда шиша хонадаги ғоят катта бошли одамнинг сурати қалқди, ён қисмида унинг тартиб рақами, дунёга келтирилиш вақти ҳамда ёзувлар пайдо бўлди:

«Мен кимман?»

«Отим нима?»

---

\* Эвтаназия – тузалмас касалликка мубтало бўлган одам боласини азобдан қутқариш учун дорилар ёрдамида ўлдириш.

Лабораторияларда, зирҳли шиша идишларда дунёга келган ва ғайриоддий хусусиятлари билан бир қаторда, нуқсонлари билан ҳам одамни кўрқитадиган турли-туман сунъий одамлар анжуман аҳлига, балки бутун инсониятга ана шундай — *нигоҳларида тушунмовчилик, азоб, қийноқ акс этган ҳолда* жим, изтироб ила боқмоқда эдилар.

«Мен кимман?»

«Отим нима?»

Балки уларнинг тадқиқотлар натижасида айқаш-уйқаш бўлиб кетган мияларида бошқа турли саволлар ҳам кўпдир, лекин энг асосий савол барибир шу бўлиб қолмоқда ва бутун инсониятга қарата берилмоқда эди.

«Мен кимман?»

«Отим нима?»

Бир оз вақт ўтгач, уларнинг ўрнини баланд бўйли, сочлари узун, кўркам бир йигитнинг тасвири эгаллади.

Бу — тадқиқотларимизнинг энг юксак чўққиси, оддий инсонга нисбатан гоят узоқ умр кўрадиган барҳаёт жонзот, — деб давом этди олим. — Сиз узоқ йиллардан бери орзиқиб кутган ва илмий орзуларингизни ўзида мужассам этган мукаммал мавжудот шу! Аввалги нусхаларнинг барча фазилятлари унда мужассам. Ген турли-туманликларнинг бундай зафарли ҳалқасини топишда осийлик бир ҳамкасбимизнинг жуда катта кўмаги бор, у одам ҳозир орангизда, барҳаёт инсоннинг вужудидаги DNA ҳалқасининг сири ҳозирча шу одамгагина аён. Бу кишининг фан тараққиётига қўшган ҳиссаси, бир маҳаллар Осиёдаги кичкинагина ҳужрасидан чиқмаган ҳолда, ақл кучи ила уммон ортида яна бир қитъа борлигини кўра олган\* ёки турли ҳисоб-китоблар орқали фазода Урандан сўнг яна бир сайёра борлигини иллаган\*\* икки буюк олимнинг ҳиссасидан кам эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мен тилга олиб ўтган кишилар нигоҳ етмас олислардаги нарсаларни ва ҳодисаларни ақлу тафаккур кучи билан кўра олган эдилар. Тадқиқотларимизни боши берк сўқмоқлардан олдинга олиб чиққан киши — генетиканинг асосчиси Грегор Мендел кашф этган қонуниятлар билан Шарқ шеъриятидаги аруз вазни баҳрларидаги феъл турланишлари орасидаги боғлиқликни мантиқий моделлаштириш орқали кашф этган ва ген ўрамларининг энг мақбул комбинацияларидан бирини топган ҳамкасбимиз профессор Зиёдир. Мен муҳтарам профессордан ўрнидан туришини илтимос қилмоқчиман. Айни дамда, илм ва тафаккурнинг бундай юксаклигига етиб келган шу заковат қаршисида бош эгмоқчиман, сизлардан ҳам бу кишини шарафлашингизни сўрайман.

Профессор даҳонинг бу сўзларидан таъсирланиб ўрнидан қалқди. Даҳо минбарнинг ён тарафига ўтиб, саҳнадан туриб таъзим қилди. Олқишлар ва шовқин тиниб, профессор Зиё ўз ўрнига қайтиб ўтиргач, даҳо минбарга қайтиб, сўзида давом этди:

— Диққатингизни шу масалага қаратмоқчиман: барчамиз ҳозир инсоният келажигини ўзгартириб юборишга қодир улкан ва таҳдидли бир жараён қаршисида турибмиз. Бу жараённинг аҳамияти ва хавфи шунчалар улканки, яқин истиқболда ҳукмронлик янги ирқ қўлига ўтиб, ривожланишнинг мисли кўрилмаган палласига кирамизми ёки одамзот икки ирққа — ҳақиқий ва сунъий инсон деб номланган ирқларга бўлинган ҳолда тараққиётда давом этадими — айтолмаймиз. Бироқ,

\* Абу Райҳон Беруний

\*\* У. Лаверье — Ураннинг айланши чизиғидаги оғишларни ҳисоблаб чиқиш орқали ундан кейинги яна бир сайёрани — Нептунни кашф этган француз олими.

ҳаяжонланишингизга ҳали эрта. Чунки ақлда ва ҳаёт кечиришда оддий инсонлардан устун бўлиб дунёга келадиган бундай жонзотларнинг фикрлаш мантигини ҳам олдиндан айтиб бера олмаймиз.

Мен сизга хабарини берганим барҳаёт киши, илму фаннинг бутун тарихи давомида Тангрининг *иродасига исён ўлароқ, яъни, у белгилаб берган ҳаёт-мамот ва тақдир чегараларидан жасурана сакраб ўтиб*, ҳалокатли барча таъсирларга чидамли ва жароҳатланган аъсосини тезда тузата оладиган, боз устига, ақлу тафаккур жиҳатидан сизу биздан бир неча баравар устун ўлароқ дунёга келди! Бу геномнинг DNA ҳалқаларида австралия калтакесагининг генлари мавжуд, фавкулда регенерация қобилияти ана шу генлар боисдир.

Бошқа ҳалқада сиз Осиё чўлларида гоҳ-гоҳ пайдо бўлиб турувчи улкан тошбақа генларини кўрасиз, калтакесак генлари билан чатишгани боис улар ҳам ўзларини янгилаш хусусиятига эга — янгиланиб турадиган DNA ҳалқалари бу одамнинг барҳаётлигини таъминловчи асосий омилдир.

Шу ўринда сизларни — кунимиз илму фанининг энг закий ва истеъдодли кишиларини чин юракдан ғалаба билан табриклаш ўрнига, барҳаёт кишининг кутилмаган қарори ҳақида хабардор этишни лозим топдим.

Гап шундаки, барҳаёт одам анжуман бошланишидан бир неча кун аввал тажрибахонамининг бетон деворларидан ва кўриқлаш қурилмаларидан бемалол ўтиб озодликка чиқиб кетган, ҳозир Осиё чўлларининг қайсидир қисмида дайдиб юрган бўлса эҳтимол. Хамелеон генлари унга тана тузилишини ва кўринишини ўзгартира олиш хусусиятини ато этган — фазовий қурилмаларнинг кучли камералари уни саҳродан излаб топа олмади, инфрақизил «кўзлар» ҳам кўра олмади. Шу боис уни ҳозир Гоби худудиде деб фақат тахмин қила олишимиз мумкин, холос.

Тажриба хонасига кирганлар қалин ва мустаҳкам зирҳли ойнанинг ҳам, тўқсон сантиметр қалинликдаги бетон деворнинг ҳам бус-бутун эканини кўрдилар. Улар шиша идиш ичида сунъий одам қолдирган электрон хатни топдилар, ижозатингиз билан, ҳозир сизга шу мактубни ўқиб эшиттираман.

## МУРОЖААТ

«...Мен бу мурожаатимни оламдаги барча тафаккур қилувчи жонзотларга қарата йўлламоқдаман.

Мазкур мурожаатни йўллашдан аввал, ўзимнинг яратилишим ҳақида кўп фикр юритдим.

Бутун бу теваракнинг мукамал бир низом ва тартиб асосида ҳаракатланишини, набототнинг, сув ости дунёсининг, табиат ҳодисаларининг қатъий ва мукамал ўлчовларини кўриб-англаб, мулоҳаза қилгач, мазкур силсила аро ўз ўрнимни топишга ҳаракат қилдим.

Ўзимнинг мукамал эканимни, бутун ер юзи ақл бовар қилмайдиган тарзда менга бўйсунатганини, табиатда бундай тафаккур қобилиятига эга бошқа бир жонзот йўқ эканини кўрдим.

Бироқ, нақадар мутафаккир эсам-да, Ер юзи ва Коинот ичра ўз аҳамиятимни англаб олишга қийналдим.

Узоқ муддатли ва чуқур мулоҳазаларим сўнгида шуларни айтмоқчиман.

Аввало, ушбу теваракнинг, самоларнинг, табиатнинг ва охир-оқибат фикрловчи инсон наслининг ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолиши эҳтимолдан гоётада узоқ нарсадир. Бу оламни албатта к и м д и р яратгандир!

Дунё — мислсиз эврилишлар, ўзгаришлар ва огоҳлантиришлар маконидир. Ҳар нарса, ҳар ҳодиса бир огоҳлантириш, бир тимсол бўлиб хитоб қилиб турмоқдадир.

Бунчалар қувватли тартиб берилган ва қатъий қоидалар асосида ҳаракатланаётган табиат бизсиз ҳам мукамал равишда ўз ҳаётида давом этмоқда, ўзгаришларимизга ва кашфиётларимизга муҳтожлиги йўқ.

Асрларни тўзгитиб эсаётган вақт шамолида инсон бунёд этган ҳар қандай нарса албатта бузилиб-пайҳон бўлиб кетмоқдадир. Ҳаёт учун қулайлик туғдиради деб ҳисобланган нарсалар табиатнинг мутлақ низомини бузмоқдадир. Атрофдаги ҳар бир нарсанинг низоми ва муроди бўлгани ҳолда, мен ўзимнинг мавжудиятимдан бир мақсад кўрмаётирман. Теваракдаги ҳар нарсанинг ҳосиласи бўлгани ҳолда, мен нима ҳосила беришим кераклигини билмайман!

Бугун бу борлиқларни яратган к и м д и р менинг дунёга келишимни нечун истади, деган саволга ҳам жавоб тополмаяпман!

Ўзимдаги мукамал қобилиятлар, ғайриоддий хусусиятларнинг барча-барчасини мушоҳада этган ҳолда, уларнинг менга бежиз берилмаганини англасам-да, яратиш ва яратилиш каби улкан жараён ичида нималар қилишим кераклигини англай олмаяпман!

Шу боис, бу маконни аввало Уни излаб топиш ва бутун олам яратилишининг сабабларини Ўзидан сўраш учун тарк этмоқдаман.

Бу маконда бўлишим Унинг мени яратишдан кўзлаган иродасига мос келгани тақдирда, албатта қайтаман. Мос келмагани тақдирда эса, мос келадиган макон ва замон излайман...»

Монитордаги тасвир ўзгаришлари тўхтади.  
Ҳамма жим эди — нотик ҳам, аҳли анжуман ҳам.

Дунёнинг энг истеъдодли олимлари чуқур ўйга толишган, дунёвий интилишлару ташвишлар унутилган, бу барҳаёт одам излаётган ҳақиқатнинг ҳайбатидан қалблари ларзага тушиб ўтирар эдилар.

## **ОСИЁ. F-22 «RAPTOR» ҲАРБИЙ УЧОҚЛАРИ**

Айни шу маҳалда Гоби узра занжи даҳонингу анжуман аҳлининг етти ухлаб тушига кирмаган воқеалар содир бўлмоқдайди.

Йиғин бошланишидан бир соат аввал, Гобига туташ мамлакатлардан биридаги муваққат ҳарбий базадан «Ваҳший» деб ном олган бешинчи авлод F-22 Raptor русумли жанговар учоқлар ҳавога кўтарилди. Ҳозир улар саҳрони аниқ катакларга бўлган ҳолда, турли-туман кузатиш қурилмалари орқали ҳар бир қадамни жуда синчковлик билан кузатиб-ўрганиб бормоқда эдилар.

Кўриниши баҳайбат ваҳший қушга ўхшагани учун ҳам уларга шундай ном берилган эди, кичкина қанотларнинг ост қисмидаги саккизта жанговар ракета худди улкан қушнинг чангалига ўшаб осилиб турар, бурун қисмидаги компьютерли мўлжал тизимининг қуроллари баҳайбат тумшукни эслатарди.

«Ваҳший»нинг ўз-ўзидан нишонга олувчи ўта синчков қурилмалари саҳродаги ҳар бир жонзотнинг ҳаракатини инсон нигоҳидан юзларча бора сезгирлик билан қайд этар, компьютердаги нишон билан таққослар ва нишон теграсидаги қизил ҳалқа кўк рангга алмашар, яъни қайд этилган нарса хотирадаги қиёфага мос эмаслиги билдирилар, учоқларнинг ҳар бири бир вақтнинг ўзида камида бешта нишонни мана шундай «ушлаб» тура олиш қобилиятига эга эди.

Айни вақтда қандайдир йўллар билан воқеадан хабар топган бошқа ўлкаларнинг ҳарбий машиналари ҳам Гоби ҳудудига кириб келмоқда эдилар. Улар орасида «Қора ақула» деб ном олган, қанотларида иккита «ҳаво-ҳаво» ва олгита «ҳаво-ер» типидagi ракеталар осиглиқ машҳур «Миг» ҳам, «Кфир» ҳам, «Торнадо» ва «Мираж» ҳам бор эди.

Қизиғи шундаки, жанговар машиналарнинг биронтасида танув ишоратлари кўринмас, фазо алоқаси орқали фақатгина ўз раҳбарияти билан алоқа қилар, бошқа ҳар қандай чақирувларга жавоб беришлари тақиқланган эди.

Бу учар ўлим машиналарининг мукамал қурилмалари ҳаво ҳудудида бир-бирларини аллақачон кўрганларига қарамай, гўё беҳабардай учиб бормоқда эдилар.

Уларнинг ҳар бирига саҳродаги номаълум кишини топиш, иложи бўлса тутиб келтириш, иложи бўлмаган тақдирда эса барча қурооллардан фойдаланган ҳолда тамомила йўқ қилишга буйруқ берилган, номаълум кишининг давлат хавфсизлигига таҳдид қилаётгани, жуда хавфли экани айтилган эди, шунингдек, унинг бошқа мамлакатларнинг ҳарбий кучлари қўлига ўтиб кетишининг олдини олиш, мабодо шундай бўлгани тақдирда, номаълум кишини қўлга киритган бегона ҳарбий учоқни ҳам тамомила йўқ қилиш вазифаси юклатилган эди.

Гоби бўйлаб шу маҳал ўтгиздан ортиқ ҳарбий ҳаво кемаси турли кенгликларда, бир-биридан турлича узоқликда ва турлича баландликда учиб бормоқда, махфий алоқа каналлари орқали турли тилларда нур тезлигида маълумот алмашилмоқда эди.

«Ваҳший» саҳро ҳудудига кириб боргач, марказ билан боғланди:

– Pharaoh, i am Mahes. («Фиръавн», мен – «Махес».)

– Mahes, i am Pharaoh. Report me about the situation! («Махес», мен – «Фиръавн». *Вазиятни маълум қилинг*)

– Pharaoh, course is forty five, altitude is thousand miles. («Фиръавн», курс қирқ беш, баландлик минг мил).

– Ok. Continue the fly. («Яхши. Учишда давом этинг»).

Ер юзидан бир неча юз километр баландликда, яқин фазо кенгликларида жим айланаётган ўнлаб сунъий йўлдошларнинг кузатиш қурилмалари ҳам Ердан олинган буйруқ асосида ўз «кўз»ларини Гоби томонга тиккан, илм-фаннинг турли янгиликларини мужассам этган мураккаб техника ҳозир саҳро узра учиб бораётган ҳарбий учоқларнинг йўналишини қайд этиб, маълумотларни Ердаги учини бошқариш марказига пайдар-пай билдириб бормоқда эди.

Орадан икки соат ўтганига қарамай, кутилган натижага ҳали ҳеч ким эришолмади. Яқинлашаётган офат ҳақидаги хабар учоқларнинг пилотларига ўз вақти-

да етказилган бўлса-да, булар турли оғир шаротларда жанг қилишга мўлжалланган ҳарбий машиналар бўлгани боис, бўрон ҳеч кимни ташвишлантормаётган эди.

– Mahes, I am Pharaoh. If target detection inform as soon as possible. Turn on tracking system. (*«Махес», мен – «Фиръавн». Нишонни кўрган захотингиз хабар беринг. Таъқиб тизимини ёқинг.*)

– Yes, sir. (*Хўн бўлади, сэр.*)

– Report the air speed. (*Учоқ тезлигини билдиринг.*)

– Air speed is two hundred twenty miles. (*Учоқ тезлиги соатига икки юз йигирма мил.*)

– Ok. (*Яхши.*)

– Mahes, the sand storm is approach to you. Angle is sixty six degrees, storm speed is thirty eight miles. (*«Махес», сизга қум бўрони яқинлашмоқда, олтмиш олти даража, бўрон тезлиги ўттиз саккиз мил.*)

– I see. (*Тушундим...*)

Гоби бўйлаб жунбишга келаётган бўроннинг илк учини биринчи бўлиб «Ваҳший»нинг учувчилари пайқадилар. Файритабий сарғиш-қизгимтир булут ердан кўкка ва чапдан ўннга, кўз етадиган ерга довура энлаган ва бу қум бетиним чирпирак бўлиб айланганча тобора юксалиб бормоқда эди.

– Pharaoh, we see the approaching of sand storm. (*«Фиръавн», биз қум бўрони яқинлашаётганини кўряпмиз.*)

– Mahes, please continue the performance of tactical task. And report the information about the storm. (*«Махес», жанговар вазифани бажаришда давом этинг. Бўрон вазияти ҳақида билдириб туринг.*)

– Yes, sir... (*Хўн бўлади, сэр...*)

\* \* \*

«Фиръавн» – аслида, қудратли бир мамлакат ҳарбий разведкаси бошлиғининг махфий исми бўлиб, ҳозир у сунъий йўлдош алоқа марказининг зирҳли ертўласида ўтирар, унинг қаторида яна ўн икки киши турли манбалардан келаётган маълумотларни таққослаш билан банд эдилар.

Гобидаги Инсон такомил маркази тадқиқотлари кўп йиллардан бери шу ҳарбий қисмнинг назоратида ва ҳомийлигида эди. Илм-фаннинг асосий мақсадларидан фарқли ўлароқ, генетика марказига ҳарбий хусусиятга эга, турли таъсирларга чидамли сунъий урчитилган одамларни оммавий равишда кўпайтиришнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган бўлиб, олтинчи авлод жанговар учоқларида ана шундай жонзотлардан фойдаланиш режалаштирилмоқда эди. Нурланишга чидамли, босим ўзгаришларига ва ҳаво етишмовчилигига парво қилмайдиган, ўз-ўзини фавқуллодда тез тиклай оладиган ва энг асосийси – ғайриинсоний бундай мавжудотлар ўлка ҳарбий қудратини мисли кўрилмаган даражада орттириши турган гап эди, шу боис, муваффақиятли етишиб чиққан сунъий одамнинг тажрибахонани осонликча тарк этиши «Фиръавн»ни қаттиқ ташвишга қўйди, боз устига, бошқа мамлакатларнинг жанговар учоқлари ҳам танув белгиларини яширган ҳолда мазкур мамлакат ҳудудига кириб келмоқда эдилар, мабодо улардан биронтаси барҳаёт кишини қўлга олса борми, у ҳолда инсонни мукамаллаштириш йўлидаги барча ютуқлар ва шунга боғлиқ куч-қудрат бошқаларнинг қўлига ўтиб кетиши мумкин эди. Гобида бир эмас, бир нечта ҳарбий машина юборилишининг ва ҳар қандай шароитда ҳам у одамни топишга буйруқ берилишининг сабаби мана шунда эди. Ҳаво ҳудудига бегона жанговар учоқларнинг кириб келиши эса фавқуллодда ҳолат бўлиб, мабодо барҳаёт одам бошқаларнинг ихтиёрига ўтиб кетса, у ҳолда бегона учоққа қарата ўт очиш ва йўқ қилишга буйруқ берилган эди. Учоқлар ҳозир «ҳаво-ер» русумидаги

ракеталар ва термик бомбалар билан қуролланган, бундан ташқари, етти мингта электромагнит ўқ заҳираси билан катта калибрли пулемётлар ҳам уларнинг тумшуғида таҳдидли осилиб турар, буларнинг бари биттагина эмас, минглаб кишиларнинг кулини кўкка совуришга етадиган бемисл қудратга эга эди.

Аксига олиб, Гоби узра қумнинг жунбиши кутилмоқда, Атлантикадан келган ҳаво оқими тобора шиддатланиб, саҳрода қум бўронларини ҳосил қилмоқда эди. Бу ҳолат жанговар вазифани амалга оширишни оғирлаштирарди, дунёдаги ҳеч бир кузатув қурилмаси ҳали қум бўрони остидаги нишонни кузата олиш қобилиятига эга эмас, бунинг устига, қумлар учоқлар учун ҳам жиддий хавф туғдирарди — «Фиръавн», учоқларнинг бўрон худудига кирмаслигига ва бўрон шиддатлангунига қадар ишини битиришига умид қилаётган эди.

Ҳозир инфрақизил, радар ҳамда нейтрон мониторларида Осиё чўллари узра «Ваҳший»ларнинг шарпалари кўриниб турарди, улар худди бургут мисол шовқинсиз ва тез, ўзаро бир хил масофада ва бир хил тезликда учиб борар, улардан тахминан икки юз мил масофадаги бегона ҳарбий учоқлар ҳам шу худуд сари катта тезликда йўналмоқда эдилар.

## **BOENG 787 DREAMLINER. ПРОФЕССОР ЗИЁ.**

Лекин бу воқеалардан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ... профессор Зиёнинг қулоғи остида ҳали-ҳануз мурожаатни ўқиб эшиттирган занжи олимнинг сокин ва бир оз тушқун овози жаранглаб тургандек эди.

Дарҳақиқат, сўнгги технологиялар ва илму фан ютуқлари татбиқ этилиб урчитилган, касалликларга чалинмайдиган, оддий кишилардан кўра узоқ умр кўрадиган, мантиқ ва фикр қуввати ҳам кучлироқ бўлган сунъий урчитилган инсоннинг ана шундай хулосага келиши ғоят кутилмаган ва фавқулудда бир ҳолат эди.

Барҳаёт одам бу ҳаётни рад этиб, Яратганни излаб топишни ихтиёр қилган экан, бошқа томондан, Парвардигори олам истаган тарзда дунёга келган инсонлар келажак сари мутлақо бўлак бир йўлдан илгарилаб бормоқда эдилар. Пул ва бойлик ўйинлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳийлалар, маъдан, нефть, газ ва ҳарбий ўйинлар қаторида кишиларни шайтоний худудлар сари тортқиловчи оммавий кўнгилхушликлар, умумий маданият ғоялари, бутун-бутун халқларнинг, миллатларнинг ва юртларнинг ихтиёрига қасд қилишдан то ақл бовар қилмайдиган ғайриинсоний алдамчиликларгача — ҳамма-ҳаммаси инсониятни иблисона келажак ва абадий жаҳаннам сари етаклаб кетмоқда эди.

«... Яна бир қанча вақт ўтгач, дунёда на ватан, на миллат ва на тил тушунчаси қолади, деган башоратлар наҳотки ҳақ бўлса? — деб ўйлади Профессор. — Бу жараён балки аллақачон бошланиб улгургандир? Араб давлатлари ҳам, Европа ҳам бирлашди. Яна қанчадир вақт ўтиб рўй берадиган иқтисодий ва ахборот хуружларидан кейин мамлакатларнинг чегаралари йўқолиб кетса, бошқариш иплари тўғридан-тўғри капитал қўлига ўтса, яъни ер юзини қитъалараро ширкатлар бошқарсачи? Ҳақиқий глобаллашув ана шунда авж олса, қаерда иқтисод гуллаб-яшнаса, одамлар ўша ерга тўплана бошласа... ва вақт-соати келиб, қадриятлар емирилиб-тамом бўлса-чи?..»

Булар — профессорни ташвишлантирган ҳалокатли тараққиёт йўлининг дебо-часи, бор-йўғи бир қисмигина эди, холос.

...Профессор Зиё тиззасига қўйиб ўтирган кичкина компьютернинг монитори ва учоқ монитори бараварига огоҳлантирувчи овоз чиқарди. Профессор эгилиб, уларнинг бири — учиш хизматининг огоҳлантириши, иккинчиси эса ўғлидан келган хат эканини кўрди.

Учиш хизмати *Атлантика уммони устида бўрон бошланганидан* хабар берган эди. Орадан ярим соат ўтмай, унинг тезлиги соатига икки юз километрга чиққан ва энига тахминан беш юз километрни энлаган ғоятда кучли ҳаво оқими шиддат билан қуруқлик томонга ҳаракатланмоқдаиди.

Профессор Зиё шамолларнинг ҳосил бўлиш сабабларини яхши биларди. Бу аслида Европа, Хитой ва Мўғулистондаги жазирама ёз туфайли рўй берди. Европада қирқ, Хитойда қирқ олти ва Мўғулистонда эллик икки даража ҳарорат икки ҳафтадирки туриб қолган, бу мисли кўрилмаган кўрсаткич эди. Бугун кундузи миллионлаб куб километр қайноқ ҳавонинг Австралия, Хитой ва Атлантика худудларидан Гоби томон силжий бошлагани қайд этилди, табиийки, уммонлар ва ҳатто мамлакатлар устида бўрон ва гирдобларнинг юз бериши кутилаётган, қурбонларнинг олдини олиш учун эҳтиёт чоралари ҳам зудлик билан кўрилаётган эди.

Профессор ўғлининг мактубини очди.

## АВЛОД

«Ассалому алайкум!»

...Бугун онамнинг хокисор ва азиз қадамларининг изи қолган ҳовлимизда эканман, Парвардигори оламга имон келтирган барча кишиларнинг, аввало сизнинг ва онаизоримнинг ҳаққига кўзларимда ёш билан дуо қилгач, ушбу мактубни битмоқдаман.

Ота, сиз аввало — кимлигим ва нималигим ноаён бўлган, бир бурда нонимни на ўзим ея оладиган, на бир қултум сув ича оладиган ҳолимда, йиқилсам тура олмай чириллаб йиғлаганимда, узун кечалару кундузларингизни менга бағишлаб, нимагалигини ўзим ҳам билмай қулганимда қувонгансиз, инжиқлик қилиб йиғлаганимда кўзингизга дунё тор бўлган, ўзингиз емай менга едирган, ичмай менга ичиргансиз, оёққа қўйиб, тарбият бергансиз.

Тангри Таоло фитратимга сиздай муҳтарам зотга таслимият хусусиятини ҳам сингдирибдики, шу кунгача айтганларингизнинг ҳаммасини имконим борича, қўлимдан келганича адо этишга уриниб келдим.

То эсимни таниб, қутлуғ нарсаларнинг нима эканига ақлим етгунига қадар мен учун имоннинг, виждоннинг, инсофу адолатнинг, кучу қудратнинг тимсоли ҳамда қўрғони бўлдингиз. Ҳар сўзингизни, иродангизни ва ҳукмингизни мутлақ адолат деб билдим.

Эсимни танигач эса, зотингиз ҳақида Аллоҳ Таолонинг буйруғидан хабар топдим. Болалигимдан бери эшитадиганим «отанга тик боқма, сўзига сўз қайтарма, қаршисида қўлингни қовуштириб, бошингни эг», деган оддий ҳақиқатларнинг моҳиятини шундагина тушуниб етдим. Қўлимдан келганича хорлик қанотини паст тутдим, айтилганларнинг барини адо этишга уриндим.

...Найлайинки, сизга бир бечора ўғил бўлсам, Тангримнинг бир бечора қулиман. Баҳорда теварак жўшиб, гулу гулзорлар барқ уриб, ўт-ўлан жонланганида... бир ҳукми илоҳий ила тупроқ қаъридаги маъданлар бирданига ҳаракатга келсаю бирлашиб ўт-ўланлару дарахтлар илдизидан юқорига кўтарилса, турли-туман бирикмалар ҳосил қилиб, қон томирларига монанд томирларида оқса, тўпланиб суву шарбат бўлса, ҳаммасининг тағзаминидаги қудратни сезиб-илғаб турсам... осмондаги сокин-оғир булутлар бирданига тузилишларини ўзгартирсалар... турли шамоллар уларни турли томонларга олиб сурсалар... уммонларни самоларда кездириб қўйган бу қудратни кўрганимда ҳар сафар ваҳимага тушаман.

Кенглигига ақл бовар қилмас улкан курраи заминни муаллақ суздириб қўйсаю қайноқ сувларда, дарахт танасининг ғовакларида ва ҳатто тошларнинг ичида ҳам ўзининг қудратига далолат бўлсин ва инсон боласи кўрсин учун жонзотларни яратган бўлса, теварақдаги ҳамма нарса бир иродадан жамланганига далолат қилса ва фақат Ўзининггина бир эканини намоён қилиб, энг кичик заррани ҳам бўлақларга бўлиб ташлаган бўлса... ақлим бу ҳайбат ва қудрат қаршисида қўрқувдан зир-зир титраса... еру кўкларни бир қилиб ўраб, сувлардан қуруқликларни чиқарган, сувлардаю қуруқликларда саноғини ёлғиз ўзигина биладиган тур ва сондаги миллионлаб махлуқларни миллионлаб кўринишда яратиб қўйган ва буларнинг барини одам боласига ватан қилиб берган бўлса... шуларни англасаму ўзимнинг ҳақирлигимдан хабардор бўлсам... қандай қўрқмасдан тура олай?

Шу ҳолимча, барча аъзоларимни менга билдирмай тарбият қилиб камолга етказса, вужудимга бир хасталик илашса, ўзим сезмаганим ҳолда вужудимга жойланган ҳимоячиларим у балолардан асраса, боз устига, улар туфайли мен чеккан азият ва сабр учун мукофоту ажр берса, осмонлару ердан ризқимни комил қилиб юборгани ҳолда... яна бир нарсага шукрлар қиламанки, мендай ожиз бир бандасини Ер юзининг исталган жойида ва ер юзи бино бўлганидан то қиёматга қадар истаган вақтида дунёга келтира олардию аммо, авваламбор, ваҳший қабилалар орасида эмас, динсизу инсофсизлар орасида эмас, мўминлар мамлақати бўлмиш шу юртда, шу тупроқларда бинога келишимни ихтиёр қилди, абадий музликлар ёки сахрою чўлларни эмас, жаннатмонанд мана шу юртни Ватан қилиб бериб, шу юртда дунёга келишимни истадики, бу ҳам ҳикматсиз эмаслигига ишончим комил.

Ҳикматларининг яна бири шундаки, Парвардигори Олам баъзи инсонларини бошқаларга мукофот қилиб яратган. Баъзиларнинг дунёга келишлари, ҳаётлари бошқалар учун ўнлаб-юзлаб хайрлар келтиради. Сиздай кишини менга ота қилиб танлагани ҳам Тангримнинг менга бир мукофоти, марҳаматидир. Бутун оламга донғи кетган, инсоният тарихининг зулматларида нур таратиб турган улуғ мутафаккирлар ҳаётга келиб яшаб ўтган тупроқда олам юзини кўришимни ирода этганида яна бир ҳикмат, яна бир рамз кўраман.

Не мукофотки, ҳақирлигимга қарамай, мени Ўзи севган, амалларидан Ўзи рози бўладиган халқ орасида бунёд этди. Балки мен Унга шу тилда мақбул сўз айта олишим учун мана шу миллатдан қилиб, шу тупроқда яратгандир?

Улуғ Тангри дунёда ҳеч нарсани қолдирмайди. Ҳатто қиёмат келмасидан туриб ҳам водийу тоғларни, сахрою қумларни, шаҳару қишлоқларни, маданиятлару тамаддунларни, сайёралару юлдузларни супуриб ташлайди. Энг қаттиқ ва мустаҳкам маъданлардан энг гўзал ва кўркам чечакларгача — ҳаммасини тупроққа қориштиради. Халқлару миллатларни, давлатлару элатларни ҳам тўзонга айлантиради.

Бир куни ҳамма нарса туб-тубидан ўзгаради. Ер ер бўлмай қолади, осмон ҳам, тоғу уммонлар ҳам, набототу ҳайвонот ҳам, қуёш ҳам бўлмайди. Барча мада-

ниятлар, тамаддунлар, инсон боласи эришган барча ютуқлар хас-хашакка айланиб йўқ бўлиб кетади. Ҳақиқатлар ва сирлар пардалари очилади, қўқлардан фа-ришталар тушиб келадилар. У кунда биз бошқача кўринишда, бошқача бир шаклда бўламиз.

Ана шу кунда мен ўз жонажон тупроғимда, ўз жонажон миллатим билан бирга бўлишни орзу қиламан.

Менга юрт шу имонимни ҳимоя қилишим, уни ёт таъсирлардан сақлай олишим, шоядки Тангрим фарзанд ато этса, уни айнан шу руҳда, айнан шу ҳақиқатлар билан тарбиялашим учун керак. Шу жойда Имон билан Ватан деган нарсаларнинг бирлашганини кўраман. Зотан, руҳ танасиз бу дунёда мавжуд бўла олмаганидай, имон ҳам Ватансиз мавжуд бўла олмаслигини кўраман.

Ватаним дея жон таслим қилганлар, «Эй Ватан» дея денгиздай тўлқинланган халқлар, душман тажовузи остида «Ватан» дея қирилиб кетган минглаб инсонлар тақдирида шуларни кўраман: улар бир парча тупроқ учун эмас, бу тупроқларда унган дов-дарахтлару бағридаги маъданлар учун эмас — айнан шу — имонининг ва миллат руҳининг қўрғони бўлгани учун ҳам жон таслим қилганлар, деб ўйлайман...

\* \* \*

Менинг назаримда, бу тупроқлар ўзининг сирларини ҳаммага ҳам очавермайдигандек туюлади.

Жоҳилларнинг кўзига кичкина пастак ҳужралару қум босган шўрхоқ ҳовлидан бошқа нарса кўринмайди. Шу кичкина ҳужрада шу халқнинг битта боласи ўз тафаккури билан фазони қамраганини тасаввур қилиши маҳол.

Бутун дунё маҳдудлик қоронғилигида экан, чўлу биёбондаги кишиларнинг ақл кучи нима сабабдан бунчалар кучли эканига ҳайратланаман.

Авваллари жангу жадаллар ва шаҳарлар тарихига қизиққан бўлсам, эндиликда улардан ҳам юксакдаги тафаккур тарихи мени ўзига тортмоқда. Дунёвий илму фан тадқиқотларидан бошланиб самовий илмларгача қамраб олган ўша сўқмоқларда давом этмоқчиман.

Менимча, бу айтганим ҳам маънавий бир мамлакатдир. Шундай бир мамлакатки, ҳеч ким у ерга ҳеч қандай қўшин билан кириб келолмайди. Кириб келса ҳам, саратон ҳароратида чўғда бозиллаб турган қумғону пастак лойсувоқ уйдан бошқа нарсани кўрмайди. Чунки, ҳамма ерда кўзга кўринмас Искандар девори бор. Унинг ортидаги фозиллар шаҳри, ундаги нафис мажлислар фақат шу ерда ўсиб-унган, шу маданият булоғидан қонган одамгагина намоён бўлади.

Айтадиларки, бир шам атрофида уч парвона айланиб учмоқда эди. Улар шам алангасининг нима эканини билмоқчи бўлдилар. Биринчиси шам томон учди ва қайтиб келиб деди: «У — жуда ёруғ бир нарса экан!» Иккинчиси янада яқинроқ учиб борди, аланга унинг қанотларини куйдирди, қайтгач айтдики: «У — куйдирувчи бир нарса экан». Учтинчиси аланга ичига кириб, оташ ичра ғойиб бўлди. Нимани кўрганидан ва нимани ҳис қилганидан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Аслида у, нимани билишни истаган бўлса, ўшанга ета олди!

Бундай билимларга эришувчилар ўзлари эришган билим ҳақида гапира олиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Шу боис ҳам билувчи сукут сақлайди.

Мен ана шу учинчи парвонага ҳавас қиламан.

...Теварагимиз рамзларга ва тимсолларга тўладир. Ҳар бир ўт-ўлан ақл қулоғига, сиз назарда тутган тафаккур боис, баланд овоз билан хитоб қилиб турмоқдадир. Тошларнинг ва жамики махлуқларнинг ҳам имон келтириб қичқиришини эшита олиш учун илм ва тафаккур керак.

Инсонлар узоқ умр кўришни истайдилар, лекин бу оламда узоқ умр машаққат ва заҳматдан иборат эканини ҳам яхши биладилар. Дунёда узоқ муддат қолишни истаганлар тобора яқинлашиб келаётган кексалик заҳматларидан қутулиш йўлини тополмайдилар. Топганларида ҳам дунёнинг ўзи бир куни йўқ бўлиб кетишини идрок қилмайдилар.

Ота, абадий дарбадарликка маҳқум бир одам ҳақида айтган ривоятингизни эслайсизми? Мен ҳозир *дунёнинг ҳар бир мамлакатида, ҳар бир гўшасида, ҳалол ва имонли кишилар билан бир қаторда, ана шундай дарбадар инсонларни ҳам кўрмоқдаман...* Шундай дарбадарликка мубтало бўлмасликнинг йўлларини изламоқдаман. Кун келиб, руҳим самоларга қараб йўл олганида, мукамалликка эришган зотлар билан бир қаторда бўлишни орзу қиламан.

Такмилга эришганлар нега сукут сақлаган эканлар? Тангрим ўз хоҳишини инсонлар хоҳиши билан бирлаштиришини биламан. У бир қулини меърожга, яъни фазо бўшлиқларига эмас, ундан ҳам юксакка — ўзининг аршига кўтаради. Унга «Дунёда истаганингча қол», дейди, кул эса бор-йўғи олтмиш уч йилгина яшашни афзал кўради. Бирига бутун бойликларини берадики, бойликлар у ўтган ерда ўздан хабар бериб-нидо қилиб туради, жамики ҳайвоноту қушлар тилини билдиради, ҳодисаларни бўйсундиради... бирини сувда ёки ҳавода ҳаракатлана оладиган қилиб қўяди, бошқаси бир вақтнинг ўзида қирқ жойда ҳозир бўла олади, яна бири қудрат фаришталари билан, яъни зилзила ҳосил қилувчи, бўрон кўтарувчи, тошларни ёрадиган ўсимликларни қулоғидан тортиб чиқарувчи, шамоллар уфурувчи, сайёраларни ва юлдузларни маҳкам ушлаб турувчи бандалари (*ёхуд Тангри таолонинг биз билмайдиган ва биздан яширилган бошқа жонзотлари*) билан суҳбат қуради, бирига мангулик билан қўшиб ҳеч кимга ато этмаган билимларини беради ҳамда ўзининг пайғамбарларидан бирини у билан учраштирадики, барҳаёт бандасининг борлигидан одамзот фақат шундагина хабар топади...

Буларнинг олдида дунё нима? Тараққиёт нима? Ҳаммаси бирлашганида ҳам оддийгина қум зарраси каби аҳамият касб этармикин?

Ер юзида бундай мукамалликка эришган неча киши бор эканини билмайман. Лекин, айнан шу йўл орқали — тафаккур ва илм орқали Яссавий ғорига кириб боришни, Ғавсул Ғиёс ким эканлигини билишни, чилтанлар билан суҳбат қуришни истайман. Нақшбандий билан дурадгорлик қилиб, Бухорий суҳбатларида қатнашмоқчиман. Беруний билан кўкка боқиб, ибн Сино қошида хасталиклар билан гаплашмоқчиман. Машраб билан пиёда кезиб, Темур ҳарбларини ўз кўзим билан кўрмоқчиман, Бобурнинг изтиробларини англаб, Тожмаҳалга бош қўймоқчиман.

Бутун шу тарихнинг руҳимда жўш уришини, томиримда қон бўлиб оқишини, юрагимни, ҳужайраларимни ана шу қон тўлдиришини хоҳлайман.

Отажон, бу билимларни эгаллаб, ўша билимлар сари чуқур кетмоқчи эмасман, балки шуларнинг ҳаммасини ўрганиб, яна миллатимга ва ватанимга хизмат қилмоқчиман. Зеро, ўзингиз болалигимдан қулоғимга қуйганингиздай, то ёруф

дунёда эканман, қувончиму армонларимни, бахту саодатимни шу азиз халқиму миллатим билан, кўзимни очганимдан бери амал қилиб келаётганим тутумларию урф одатлари, одобию тарбияси билан битта менга эмас, бутун оламга минглаб дарслар берган мана шу оддий ва самимий кишилар билан баҳам кўриб, уларга хокисорлик билан бош эгмоқчиман, дуоларини олмоқчиман. Муборак зотлар эришган ҳикмат қопқалари халқимнинг дуосию Тангримнинг мустажоби туфайли очилишига аминман.

Чуқур ўйлаб кўрсам, илдизлар деган гапнинг маънисига ақлим етаётгандай. Назаримда дилимнинг илдизлари шу ер ости булоқларига боғлаб қўйилгандай, узилса қурийдигандек.

Сиз имконингиз бўлса ёз ойларида келишингизни айтган эдингиз. Ҳозирча ёзни интиқлик билан кутяпман. Келганингизда фурсат топсангиз, дилимда ўйлаб юрган гапларимни сизга тўкиб солсам... агар хато қилаётган бўлсам, оталик ва мураббийлик марҳаматингиз билан тўғри йўллари кўрсатсангиз, мабодо ўйларим маъқул бўлса, менга оқ фотиҳа берсангизу дуоингизни олсам, деб интизорман...

## ТИМСОЛЛАР ЧАРХПАЛАГИ

Профессор Зиё компьютерни ўчириб, узоқ ўйга толди.

Юраги унга ўғлининг ҳақ эканини, бутун олам илгарилаб бораётган турли-туман йўллар орасида ўғлининг туган йўли аниқроқ ва ҳақиқатга яқинроқ эканини сездириб турарди.

Кимлардир «инсон боласига бутун ер юзи ватан қилиб берилган, истаган жойида яшасин, истаган жойига борсин», деб айюҳаннос солаётган бўлса, ўғил, инсон боласи ватансиз аҳамият касб этолмаслигини билдирмоқда эди.

Бошқа кимлардир: «қаерда яшаш қулай бўлса ўша ерга бориб яшаш керак», деб даъво қилса, ўғил, тушунчаларнинг ва руҳнинг ўша ер одамлари ичига сингиб йўқ бўлиб кетиши хавфини ҳам англаган эди.

Бироқ, не ажабки, муқаддас тушунчалар ҳам турли-туман бўлақларга бўлиб ташланган эди! Бутун олам мувозанат ичида бўлгандагина ҳамма нарса қадр-қиммат касб этар, мувозанат бузилганида қадр-қимматлар ҳам ўзгариб кетмоқдайди.

Дарҳақиқат, одам боласи дунёга келиб ўсиб-унади, ейди-ичади, айюҳаннос солади, кибру ҳавога, ғурурга кетади, лекин бир куни қарабсизки, бутун дунёни алғов-далғов қиламан деган одам ҳаёт саҳнасидан секингина, мутеъгина бўлиб четга чиқади, супурилади. Бир куни қарасангиз, тўплаган бутун сарватларию мулкларининг вужудида ўса бошлаган биттагина бегона ҳужайра қаршисида ожиз, ўзи ҳам ўша хасталик чанғалида мўлтираб ётган бўлади. Тузалишга ҳеч қандай умид йўқ, дунёнинг тўрт бурчиди миллионлаб соғлом кишилар ҳаёт завқини сураётган бир маҳалда бу одам кўрқув ва даҳшат ичра жони ҳалак: мабодо... умр тугаган бўлса-я?

Дафъатан... ҳамма нарса дафъатан рўй беради. Дафъатан кулфат эшик қоқади, дафъатан зилзила рўй беради, дафъатан мусибат мўралайди.... дафъатан жон чиқади...

Лекин ўғил унга, мангуликнинг ҳам бўлақлаб ташланганини билдирмаяптими!

Қадимда Олий ҳақиқатга қўл кўтарган ва қиёматгача ер юзида бесамар дайдишга маҳкум этилган барҳаёт чол ҳақидаги афсонани эслади у.

Йўқ, умрбоқий чол бор-йўғи бир тимсол, холос. Тимсолга айланганидан кейин унинг ҳаётда яшаб-яшамаётганининг ҳам аҳамияти қолмаган. Кўрган кунидан мамнун, аммо дарбадар бўлиб юрган қанча кишилар бор дунёда? Фоялар ва фикрлар орасида у қирғоқдан бу қирғоққа сурилиб яшаётганлар... ўз қўнимини тополмасдан, бор ҳаёти ҳиссий ва фикрий дарбадарликда ўтаётганлар... севгию ишқ деб дарбадар бўлганлар... истеъдодини йўлга солмаганлар... ва ҳатто маълум бир мақсадни ўз олдига қўйиб, қатъияту сабот билан олға интилаётган ва шу ҳолида ҳам дарбадарликка маҳкумлар... ёшлар... қариялар... аёллар... дарбадарлик дарслари мияларига қуйилаётган беозору беғубор болакайлар, жамалаксоч қизчалар... жаннат илинжида дарбадарликни касб қилиб олган зоҳидлар... тарих бўйлаб сочилиб кетган халқлару элатлар...

Муборак кишига қўл кўтарган осий не сабаб айнан дарбадарликка маҳкум бўлди? Не сабабдан қўли шол, кўзи кўр, тили соқов бўлмади? Не сабабдан унга айнан *дарбадарлик* қисмати раво кўрилди?

...Дунёда икки умрибоқий банда Тангри хоҳлаганча вақт кезмоқда. Бири — Хизр алайҳиссалом бўлса, иккинчиси — ўша умрзоқ осий. Зоҳиран иккиси ҳам дарбадар. Фақат бири Тангри таоло ирода этган ботиний юмушларни бажармоқда... иккинчиси *бесамар* дайди экан, бу бесамарликдан мурод не? Осийлиги туфайли олган жазоси боисгина Тангрига ва пайғамбарига имон келтирган иккинчи умрибоқийнинг ҳикмати, боз устига, унинг одамзот наслдан экани — янада ҳайбатлироқ ҳикмат эмасми?

Ким билсин... шу маҳал балки дунёнинг қаеридадир ўша бечора чол ҳануз бесамар дайди моқда... ва умрлари боқий бўлмаган, аммо Абу Лаҳабдан минг бора оғирроқ гуноҳларни содир этаётган бошқа кишиларни кўриб, ўз жазосининг бу оламда берилганига ҳамду санолар ўқиётган бўлса не ажаб?

Инсоният тарихи — дарбадарлик тарихи ҳамдир. Борар ерларини йўқотиб, то авлодлар алмашгунига қадар саҳродан чиқа олмай кезган бир қавмдан то қиёматга қадар дунё кезиб қиладиган иши «Ҳеч нарса, ҳеч нарса ва фақат ҳеч нарса» бўлган дайди чол ҳамда у билан тўқнаш келиши башорат берилган Дажжол... буларнинг бари тимсолларга айланиб, халқлар ва миллатларнинг онгига хитоб қилмоқда эди.

Бироқ, маҳшаргача ҳали анча вақт бор. Ҳозирча эса...

*...гуруҳ-гуруҳ кишилар ҳануз қўлларида қурол билан тўқнаш келмоқдалар, ҳар икки томон ҳам ватан учун, дин учун, имон учун дея қон тўкмоқда.*

*...ҳанузгача баъзи инсонлар атрофдаги ҳамма нарсанинг тенги йўқ мўъжиза эканини фикрлаб кўрмасдан... дарёда оқиб келган бир тошдаги, бир қўйнинг юнгидаги, бир товуқнинг тухумидаги тасодикий нақиллар муқаддас ёзувларни эслатгани боисгина гуруҳ-гуруҳ бўлиб имонга кирмоқда ва айнан шу тарзда, гуруҳ-гуруҳ чиқиб кетмоқдалар...*

*Ҳозир ҳам одамлар зиёратга гоҳ-гоҳ бориб турадиган Бобо Тошбақа мақбарасининг гужумларидан ҳануз сув томчилаб турибди.*

*Мангу барҳаётлар макони деб ном олган шахри Ҳайбар эса, айнан шу мақбара яқинида жойлашган эди, деган тахминлар бор...*

## БОБО ТОШБАҚА МАҚБАРАСИ. ҲИЖРАТНИНГ 190-ЙИЛИ.

...Узорида Аллоҳ калимаси бўлган тошбақанинг пайдо бўлиши хабари бир мўъжиза янглиғ яшин тезлигида тарқалди. Одатда мўъжизалар ва гайриоддий нарсалар қандайдир улкан бир ҳодисанинг бошланишидан дарак бериб намоён бўлади. Тошбақа ҳам ниманингдир даракчиси экани аён.

Бироқ, *ниманинг?*

Сомон амирининг аскарлари тошбақани қирқ кун қидирди, лекин тополмади. Умуман, бу махлуқнинг пайдо бўлиши нақадар ҳайратангиз ва мўъжизакор бўлса, гоҳ кўриниб-кўринмаслиги ҳам шу тарз ҳайратланарли эди.

Миш-мишлар эса урчиб бораверди. Баҳорнинг ўрталарига бориб, Сангинак девори харобалари ёнида бир чўпондан хабар келди. Айтишича, *тошбақани узун бўйли, сочлари елкасигача ўсиб тушган, ялангоёқ бир одам етаклаб юрган экан.*

Сомон амираи шон-шуҳратни яхши кўрадиган одам эди. Бу беозор махлуқнинг саройга олиниши албатта унинг обрўсини оширарди. Дарҳол аскар юборилди, борганлар ҳақиқатан ҳам девор харобалари ёнида ғалати тошбақани топишди, лекин чўпон айтган номаълум кишини учратишмади. Аслида ўша сирли одам ҳақидаги гап-сўзларнинг ўзи шубҳалироқ эди: тошбақадай имилловчи махлуқни ким ҳам етаклаб юрарди?

Мўъжизага атаб махсус бир хона бино қилинди, унинг саҳни мраммрдан эди, жило берилган мраммрлардан ҳовузча ҳам ясаб қўйилган эди. Тошбақа ана шу хонага жойлаштирилди.

Кўшниларга қарши урушларнинг маслаҳатлари, салтанат машваратлари айнан шу жойда ўтказилар, мўъжиза тошбақа эса муқаддас нақшларини кўз-кўз қилганча, асрий сокинлиги ила гўё гап-сўзларга қулоқ солаётгандай, бу ерда қилинган дуоларнинг ижобат бўлишига сабабчидай эди.

Дарҳақиқат, тошбақа дарагини эшитган кишилар бутун теваракдан оқиб кела бошладилар. Араб ёзувини унча-мунча тушунадиганроқлар уни кўриб саросимага тушдилар. Ҳатто кўзларида дув-дув ёш ила фарёд урганлар бўлди. Юзлаб кишилар шу тошбақа туфайли имонга келиб, Аллоҳ таолонинг динига кирдилар. Буларнинг бари амирга хуш ёқар, фароғат бахш этар ва ўзини ҳатто соҳибқирон Искандардай хаёл қилар эди.

Боз устига, гоьтда узоқ умр кўрадиган ва одамни ҳайиқтирадиган қисмат соҳиби бўлмиш бу махлуқ кишида фалсафий хаёлларни ҳам уйғотарди. Чунки у ўзининг қисматини ортмоқлаб юрган кишиларни эслатарди. Ёхуд гуноҳлари елкасига юкланганларнинг тимсоли бўлиши ҳам мумкин – балки қиёмат кунинда кимлардир ўз гуноҳларини елкасида худди шу беозор махлуқ сингари ортиб юрар?

Гуноҳларидан ҳам кўра... илмларини дейиш балки тўғрироқ бўлар? Чунки, барча халқларда ва барча замонларда тошбақага донишмандлик рамзи ўлароқ таъриф бериб келинмоқда-ку? Илмларини елкасига ортмоқлаб юрган, аммо у илмлардан самар топмайдиган, гоьт узоқ умр кўрадиган имилловчи бир жонзот...

Шаъбоннинг бошларида тошбақага нимадир бўлди, у овқат емай қўйди. Ўтларнинг турли-туманини олдига солиб кўрдилар, сувини алмаштирдилар. Ҳатто ҳовузга муқаддас булоқ сувидан ҳам қўйдилар — тошбақа қараб қўймади. Ғамгин нигоҳини бир нуқтага тикканча қимир этмай ётаверди.

Унинг ғамгинлигининг, бундай қисмат ила яратилишининг боисини очиқ-равшан қилиб изоҳлаб берадиган биронта кимса топилмади.

Ниҳоят, бу ҳодиса ҳам дунёдаги барча ҳодисалар сингари якун топди — бир кун тонгда машваратхонага кирганлар табиат қонунларига зид ўлароқ пайдо бўлган тошбақанинг жон таслим қилганини кўрдилар. Одамлар уни кўмишга келганида иккилана-иккилана, ҳурмат-эҳтиромини жойига келтириб, бир тепалик устига кўмиб, устига туғ қадаб қўйдилар.

Йиллар ўтиб, тошбақа ҳақиқатини биладиган авлод дунёдан ўтиб кетди. Кейинги авлод эса фақатгина ривоятлардан эшитиб катта бўлди. Тошбақа кўмилган ердан бир дарахт ўсиб чиқди, гужумга ўхшагани билан унинг баргларидан сув томчилаб турарди, лекин бу сув ачиқ ҳамда тахир бўлгани боис лаб ҳўллашга ҳам ярамади.

Сувсиз, қурғоқчил бир ердан дарахт ўсиб чиққани бежиз эмас, шу боис кишилар у ерга бориб ҳожатларини сўрай бошладилар, гужум шохларига турли латгаларни боғладилар. Ишонувчан кимдир эса тошларни қалаштириб бир дахма кўрди, ўзи эса у ернинг шайхи бўлиб олди. Кейинги йилларда у ер Бобо Тошбақа мақбараси деб аталадиган бўлди, тошбақапарастлар кўпайди.

Авомнинг, айниқса ҳарбу зарбларда умрини ўтказган кўчманчи кишиларнинг эътиқодларини тушуниш қийин эмас — уларнинг бу эътиқодининг замирида ҳам Аллоҳга ўзига хос муҳаббат яшириндир. Теградаги мўъжизалар кишининг ақлу шуурига хитоб қила бошлаши учун муайян бир билим ҳамда даража лозим. Авом кундалик ҳодисаларни туғилганидан буён кўра-кўра кўникиб кетгани учун ҳам, ғайриодатий ҳолатгина унинг онгига қаттиқ таъсир қилади. Теградаги ҳар бир нарса «мана-ман» деб қичқириб турса-да, кишилар бу нидоларни эшитмайдилар, аммо қалблари ғайриодатий нарсадан дарҳол кўрқувга тушади. Ғайриодатий ҳолат бир нарсанинг даракчиси эканини сезади кишининг қалби.

Одамлар у ерга келиб, чироқ ёқадиган ва ҳожатларини сўрайдиган бўлдилар.

...Бобо Тошбақа мақбараси Марв яқинида деган тахминлар бор. Айнан шу атрофда Сомон шаҳрининг қолдиқларининг топиллиши ҳам буни исботламоқда эди. Сомон шаҳри эса араблар Шаҳри Ҳайбар деб ном берган, одам боласининг кўзидан яширинган саодат шаҳри ёнида экани тарихдан маълум.

## ШАҲРИ ҲАЙБАР

Поёнсиз сариқ қумлар аро *шамол* тентирайди. Тўзғитади, айлантриб-сочиб ўйнайди, шўхлик қилади.

Баҳорда бу ҳадсиз саҳрода ёмғирлар ёғади, қумлар жўшиб-жонланади, рангоранг майсалар гиламдай бўлиб, эпкинларда тўлқинланади.

Саратоннинг қизғиш, яллиғланувчи жазирама осмонида гоҳ-гоҳ жонзотларни умидлантриб, оқ ва кулранг булутлар адашиб келиб қолади. Қум аро униб чиққану ипдай ҳолида сарғайиб-қувраган гиёҳлар олов эпкинида ҳилпиллайди.

Беш йилдирки, бу сахро барханлари аро бир тадқиқотчи афсонавий мангулик шаҳрини излаб кун ўтказди.

Юзларча чақирим шарқда қозоқ чўпонларининг ўтовлари бор. У ерга эски-туски аробалардан ташқари, ҳафтада бир кўчма дўкон ҳам келиб туради. Кўчма дўкон тадқиқотчининг ҳомийларидан егулик, сув, ширин ҳидли қоғоз сочиқлар-гача олиб келади, кучли «Тойота Лэндкрузер» ҳафтада бир қозоқ ўтовига бориб-келиб туради. Чодирда куёш ҳарорати билан ишлайдиган митти электр генератори, сунъий йўлдош антеннаси ва кичкина ноутбуккача — ҳамма нарса ҳозир у нозир.

Дунёда иккита яширин шаҳар бор. Бири — тахминан Бобил ҳудудларида кўкларга кўтарилган Боғи Эрам бўлса, иккинчиси — Осиё чўлларида инсон боласи кўзидан ниҳон Ҳайбар шаҳри...

Ҳар икки шаҳар ҳам инсонлар кўзига ўқтин-ўқтин кўриниб туради. Баъзан бир неча дақиқа, баъзан бир неча соатга аниқ-ойдин кўринади. Эрам боғлари аслида афсонавий Ҳефсимания осма кўшқларидир деган даъволар, ер юзида жаннат муқобилини бино қилишга уринилгани учун ҳам осмону фалакка олиб чиқиб кетилган ёхуд қай бир сиру синоат ила инсонлар кўзидан яширилган, деганга ўхшаш фикрлар бир неча юз йилки, олимларни ва қизиқувчиларни саҳроларда бесамар кезишга ундайди.

Умрибоқий ва масъуд одамлар макони бўлмиш абадиёт шаҳри — Ҳайбар ҳақида эса тадқиқотчилар ихтиёрида жуда оз манба бор. Бу манбалардан бирида унга «Искандар девори ортидаги шаҳар» деб таъриф берилган. Бошқасида эса фозиллар шаҳри деб номланган. Яна, андалусиялик бир ўрта аср сайёҳининг қисқа таассуротлари. Бор-йўғи шу, холос.

...Бу шаҳар чинларнинг хангу (чангу) қабиласининг босқини пайтида ғойиб бўлган, деган тахмин бор. Бироқ, у маҳаллар шаҳарнинг номи бошқа бўлган, Ҳайбар исмини унга араблар берганлар. Аллоҳ таоло юборган ҳақ дин ғалабасининг тимсоли бўлмиш бу шаҳар номини истило қилинган бошқа ўлкадаги бошқа бир шаҳарга беришга ва иккинчи, сохта Ҳайбарни бунёд қилишга ундаган нарса, балки ўша ғалаба уйғотган фахру сурурдир? Билиш қийин... Лекин, милоддан бир неча аср аввал бу тупроқларга бошқа душман — хангулар ҳужум қилгани ҳам ҳақиқат. Икки маданият тўқнаш келгани он, аслида инсониятга улуг мутафаккирларни етиштириб берган бу қабилаларнинг ваҳшати қадим элатлар учун кўрқинч бўлиб туюлгани бор гап. Узун ўрилган сочларини қилпиратиб, қийқира-қийқира келаётган хангунинг қиёфаси, яъжуж-маъжуж келаётир, деган хаёлга етаклаши табиий. Бироқ, яъжужлар ва кейингилар — араб ривоятлари, ҳақиқий ривоятлар эса уларнинг соясида қолиб кетган.

У — фаровон, обод, адолат шаҳри бўлган. Халқ, хангу тимсолида бостириб келаётган жаҳолат қаршисида не қиларини билмай доврираб қолган маҳал. Ҳали-ҳозир улар шаҳарга ёпирадилар. Ҳатто отларининг туёқлари остидан кўтарилган чангу тўзон ҳам кўрина бошлади.

Ўша маҳал биёбон ичидан икки киши чиқиб келади. Бири *узун бўйли, сочлари елкасигача ўсган, ялангоёқ*, иккинчиси эса нуроний бир чол эди. Ялангоёқ одам шаҳарнинг кунчиқиш томонидан келади, тепалик устига чиқиб *ҳеч нарса қилмасдан* ўтиради. Чол кунботиш томонидан келади, шаҳарнинг энг баланд мақбараси устига чиқади, Кўк Тангрисига ҳамду санолар айтади. Шу қадар узоқ ибодат қиладики, тиззалари шилинади. Кўллари қотиб қолади.

Шундан сўнг нима юз берганини ҳеч ким билмайди. Шаҳардагилар ҳеч нарса-ни сезмайдилар. Мана ҳозир етиб келиб деворларни ва дарвозаларни бузиши, ҳайқира-ҳайқира эркакларни ва кексаларни ўлдириб, болаларни ва аёлларни асир олиши кутилган аскардан дарак бўлмайди. Ҳатто чанг-тўзон ҳам кўздан ғойиб бўлади.

...Хангзу лашкарбошиси Ҳайбарни етти кун излайди. Еттинчи куни у кунботар томонда намоён бўлади. Мўрилардан осмонга кўтарилаётган тутун, ёнбағирларда ўтлаб юрган кўй-қўзиларгача аниқ кўринади.

Лашкар тун бўйи йўл босади. Субҳ юз кўрсатганида уфқда ҳеч қанақа шаҳар қиёфаси кўринмас эди. Хангзулар хангу манг бўлиб қоладилар. Сўнгра эса, «бу кўрганларимиз сароб», деб ортга қайтадилар. Саробий шаҳар ҳақидаги ҳикоялар хангзу сулоласи солномаларидан ўрин олади ва бизгача етиб келади.

...Кўҳна Шарқ ҳар доимо сиру синоатларга тўла бўлиб келган, лекин ўз сирларини ҳаммага ҳам очавермайди, деган ҳақиқат бутун дунёга ўрнашиб қолган. «Шарқ сирлари» деган иборанинг ўзиёқ кишиларни андак чўчитса, андак саросимага солади, ҳайиқтиради, қизиқтиради ва беихтиёр жиддий тортишга ундайди. Ҳазрат Сулаймон тилсимларининг Шарқда экани, ифритлару гапирувчи қумтошлар, кўздан ниҳон шаҳарлару қишлоқлар, абадий лашкарлар, тушунарсиз, аммо гўзал нақшлар... ўрта асрлардаги маҳдудлик ва жоҳиллик ботқоғида уйғолмай инграган Европа учун халоскор хаёлотдай туюлиши турган гап.

Шу боис ҳам ушбу сатрлардан айнан сирлар ва тилсимлар руҳи уфуриб туради.

Сайёҳ бу мавзуни чуқур ўрганган эди. Токи Чин ҳоқонлари сулолаларининг Осиёга босқинидан тортиб араб истилоси давридаги илмий ва шеърӣ манбаларгача шоён қизиқиш билан ўқиб, манбалардаги маълумотларни бир жойга тўплагач, осмони ял-ял ёнадиган, қора узумларини оқиш тўзон пардаси қоплайдиган бу сирли юртдаги афсона ва ривоятларни ҳам ўрганишга аҳд қилди. Беш йил давомида у қадимий Сомон шахрининг харобаларининг ўрнини топишга муяссар бўлди, Кушон подшоҳлиги даврида учрамаган ривоятларнинг айнан араблар истилосидан кейинги даврда кўпайганига эътибор қаратди, турли чўл хаёлотлари, марвлик Ҳаким ёхуд ниқоб тутган бўёқчи ҳақидаги тахминларни ҳам ўрганди.

...Инсонлар кўзидан ниҳон бу шаҳар ўз сирларини очавермагач, тоқати тоқ бўлган сайёҳ энг баланд тепага чиқади ва муножот қилади. «Мен у фазилатлар шахрига умримнинг беш йилини бердим», дейди у. «Беш йил давомида шу биёбонда кун кечирдим. Шамолларнинг овозига қулоқ тутдим, қора совуқлардану баҳорӣ ифорлардан дарагини сўрадим, қумлар аро беш йил дарбадар кездим, бироқ бари зое кетди. Эй, муножоти билан Тангри марҳаматига сазовор бўлган зот! Мен бир мажусийман, сенинг кимлигингни, исму зотингни билмайман. Бироқ, модомики Тангри Таоло мендай бир гуноҳкор бандасининг илтижосини қабул этмас экан, Унинг ҳузурда юсакроқ даражага эришган сенинг дуоингни қабул айлар? Яширин у шаҳарни дуоинг боис бир кўрай, фақатгина бир бора кўрсам бас!!!»

Ажабо, бу илтижолардан руҳи енгиллашган сайёҳ шу куни хотиржам ва енгил ором уйқусига чўмади, уйқу аро эса кимдир уни уйғотади. Кўзини очганида уфқдан кўёш ял-ял ёниб чиқиб келмоқда эди. Кўёшнинг яллиғлари аро у қўл узатса етгулик масофада шахри абадияни кўради.

Шаҳар шу қадар очиқ-ойдин намоён бўлган эдики, ўйноқи чўл шамолининг енгил эпкинида деворидан шувиллаб тўкилган тупроққача аниқ кўринарди. Улкан,

баланд дарвозаси қалин деворлар орасига мустаҳкам қилиб ўрнатилган эди. Сайёҳ бу зухуротдан саросимага тушиб қолади, ўзига келгач, саодат деворлари ортида яшаётган хуррам кишиларни кўриш ҳаяжонида, шоша-пиша дарвоза томонга югуради...

...Сайёҳ ўз юртига қайтгач, Осиёда кўрган-билганлари ҳақида «Менинг шаҳри Ҳайбарим» деган хотира китобини ёзади.

«Тушлар, фоллар ва қуръалар эртанги куннинг қанотларида муаллақ турувчи нарсалардир, — дейди у. — Бу муаллақлар йўйилган томонига қараб ўзгариш хусусиятига эгадирлар. Абадиёт шаҳри ҳам ана шундай хусусиятли шаҳардир. У ерга ким қайси ниятда борса, ўша ниятига кўра зухур этади. Менинг ниятим у ердаги боқийликнинг сабабларини ўрганиш эмас эди... у ерда яшаш ва камолот даражаларига эришиш ҳам эмас эди... топсам бас эди... айнан айтганимдай, уни топиш менга насиб этди, бироқ, топганларим саҳронинг сариқ қуми каби бармоқларим орасидан шувиллаб тўкилди... топганим билан топмаганим орасида фарқ қолмади... Лекин, бу воқеа менинг сокин ҳаётимни остин-устин қилиб юборди, барча билганларим ва тасаввурларим тамомила ўзгариб кетди, ҳаётимга тимсоллар ва ишоратларнинг гирдоблари *бўрон янглиғ уффурилиб* кириб келди...»

## «МЕНИНГ ШАҲРИ ҲАЙБАРИМ» КИТОБИНИНГ СЎНГИ БОБИДАН ПАРЧА

«...Ҳа, бу воқеа менинг сокин ҳаётимни остин-устин қилиб юборди, барча билганларим ва тасаввурларим тамомила ўзгариб кетди, ҳаётимга тимсоллар ва ишоратларнинг гирдоблари *бўрон янглиғ уффурилиб* кириб келди... чунки мен азалдан орзу қилган нарсаларимнинг пуч эканини ва аҳамият бермаганим нарсаларнинг ғоятда қадрли эканини айнан шу — абадий саодат шаҳрига кирганимда англаб етдим.

...Шаҳарнинг кўчаларига қора мрамор ётқизилган, йўлақлар устини қалин чанг ва қуриб, тақирга айланган лой қатлами қоплаган эди. Бу, балки ёмғирларнинг ишимикин? Қалин чанг устига ёққан ёмғир лой ҳосил қилгану устига яна чанг ўтирган, шу тариқа қуруқ қатлам юзага келган... Лекин деворларни ҳам губорми, чангми қоплаб олган. Ҳеч қаерда одам шарпаси кўринмас эди.

Бу шаҳарда бинолар қалаштирилиб, бир-бирининг устига мингаштирилиб қурилган эди. Бизлар кўниккан меъморий гўзаллик деган нарсадан асар ҳам йўқ, кичкина эшикчалар ҳайҳотдай биноларнинг ост қисмида қинғир-қийшиқ бўлиб кўзга ташланар, кичкина кулбачаларнинг деворларида эса улкан ва қийшиқ дарчалар бор эди. Мен кўчаларни кўриб ҳам ҳайратга тушдим, бу шаҳарчадаги биронта кўча, биронта бино мулоҳаза билан қурилмабди. Фаройиблик ақлни шоширарди, мангу барҳаёт инсонлар яшайдиган шоду хуррамлик шаҳрининг бундай бўлиши ақлга сизмасди.

Кўчалар бўйлаб ўтиб борарканман, оддий кишилик ҳаётининг биронта нишонасини кўрмадим. На болаларнинг шодон қичқиришлари, на кулгилар, на муסיқа... Наинки овоз, одам шарпасининг ўзи кўринмасди. Гўё мангу одамлар бу шаҳарни ташлаб қайларгадир чиқиб кетишганга ўхшарди. Балки ер остида қасрлар қуришган ва ўша ерда яшашаётгандир? Бироқ ер усти турганида, ер остида яшашнинг не маънисини бор? Дарахтларнинг япроқлари оз эди, баъзиларининг шохларига *гала-гала қоп-қора чумчуқлар қўниб олишган бўлиб, улар на овоз чиқарар, на дондун терар, фақат синчиклаб боқишганча, мени жимгина кузатишар эди.*

Ҳаммаёқда ёввойи ўтлар ўсиб ётарди, ажабо, булар ҳам мангу ўтлармикин, деган хаёлга бордим ва бирининг япроғини юлқаб олдим, сал ўтмай япроқ сўлигач, нимагадир енгил тортиб, яна олға илгариларим.

Шаҳар охирига яқинлашганимга қадар ярим соатча вақт ўтди. Нимадир содир бўлишини ақлим сезиб-пайқаб турарди. Бир ерда ярим айлана шаклида ерга ботган кўҳна арк кўрдим, энгашиб қарасам, қоп-қора сув ялтираб оқмоқда эди, сув лабида *баҳайбат тошбақа ҳам бор эди, унинг кўзи кўр бўлиб, узоридаги нақшлари муқаддас ёзувларни эслатарди...*

Шаҳар тугаганида эса, катта яланглиқда бир тўда одамлар кўринди!

Булар қаровсиз алфозда, жим ўтирар эдилар. Баъзилари ерга аллақандай шакллар чизардилар, шаклларнинг маъноси йўқ эди. Болалар, қариялар бор эди уларнинг орасида. Кийимлари титилиб-эскириб кетган, тирноқлари, сочлари ўсган эди. Баъзилари ердан потраб бўй чўзган барги кичкина ўсимликларни эриниб чайнардилар. Назаримда, уларни ҳам шаҳарни қоплаган каби чанг қоплаган, сўниқ ва рангсиз эдилар.

«Кимлар булар?» — деган ўй хаёлимга урилди дафъатан. Мангулик шаҳрида бундай афтода кишиларнинг учраши ақлимга сифмаётган эди. Оёғи остида ўтирган болачага онаси қарамасди, ажабки, бола ҳам сўниқ, жим ўтирарди.

Яқинлашганимда уларнинг баъзилари бошларини буриб қарадилар... боқишларида ҳеч нима акс этмади... нигоҳларида ҳеч бир ифода йўқ... бўм-бўш эди.

*«Барҳаётларми булар?!»*

Ҳа, булар — бутун инсоният яралганидан бери орзу қилгани масъудликка эришган барҳаётлар эдилар! Тўп-тўп бўлиб, ҳеч нарса қилмасдан, совуқлару жазираларда, ёмғиру қорларда масъудлик онини — ўлим саодатини шу тариқа жим... кўрқитувчи итоаткорлик билан... хомуш... кутмоқда эдилар.

Сал ўтмай сезганим — улар қуёшни кузатар эдилар. Қуёш ботганида, ойга қараб ўтирардилар. Оёқ остларида ҳаёт жонланмоқда ва хароб бўлмоқда, теварак тугилиб-ўлмоқда... лекин бу кишилар зериктирувчи боқийликка дучор бўлган эдилар.

*На тил қолган эди. На миллат... на маданият...*

Юрагимни даҳшат босиб келди, бу даҳшат ҳаётини эмас, совуқ ва хўмрайган, сассиз эди. Мангуликнинг совуқ даҳшатини бу? Балки умрибоқийлар менга — ҳаёт одамига илтижо билан боққандирлару кўзлари ҳеч нарсани ифода этмай қўйганини билмаслар? Мангулик ичра гапиришни, фикрларини ва ҳиссиётларини ифода этишни унутгандирлар? Балки мангулик қаршисида фикрларнинг ҳам, ҳиссиётларнинг ҳам аҳамияти қолмагандир? Шаҳарнинг сўниқ кўчаларидан ортга қараб чопганим эсимда... қопқадан отилиб чиққаним ҳам эсимда... ҳаёт уфуриб турган қумлар кўзимга жуда азиз кўрингани, ич-ичимдан тошиб келган қувонч ва шукроналик билан тиз чўкканим эсимда... ўша пайтда ҳароратли ва қадрдон бўлган *«қуёш аллақачон ботиб бўлган, шафақлари ҳам кўздан йўқолмоқдайди...»*

Хотираларнинг асосий қисмини сайёҳ бундан етти юз йил муқаддам Луврда юз берган воқеа билан якунлайди, у воқеа ҳам айнан шу сўзлар билан бошланади.

## ЛУВР. МИЛОДИЙ 1312-ЙИЛ. «МАНГУ ДАРБАДАРНИНГ ҚАЙТИШИ» ПЬЕСАСИ ПРЕМЬЕРАСИ

...Қуёш аллақачон ботиб бўлган, сўнгги шафақлари кўздан йўқолмоқдайди.

Бир соат аввал бошланган шов-шувли пьеса премьераси поёнига етиб қолган эди.

Луврнинг казо-казолари, боёнлари, банкирлари ва машҳур кишилари ўтирган ложада зерикиш ҳукм сурмоқда эди. Хокисорлик ва поклик тимсоли бўлмиш муборак зотга қўл кўтарган одам ҳақидаги пьеса урф бўлганига қарамасдан, ҳаётдан узоқ, ғайриодатий мавзуда бўлгани учун ҳам, қай бир сўлим гўшада мусиқа эшитиб роҳатланиш уларга афзалдай туюлмоқдайди.

Пьеса муаллифи, астролог Гвидо Бонатти боёнлар ложасида май ичиб ўтирарди. Ҳаётининг кейинги йилларида у майхўрликка берилиб кетди, эрталаб ҳам, тушда ҳам, ҳатто қирол базмларида ҳам сархуш бўлиб юрар, бугун эса пьеса бошланмасиданоқ анча-мунча отиб олган эди.

Мана, чироқлар ўчди. Биттагина хира нур толаси қолди.

Саҳнага узун бўйли, сочлари елкасига тушган бир одам чиқиб келди.

Бонатти уни таниёлмади, лекин энсаси қотиб, «пьесадаги қаҳрамон аслида қариб-қартайган, аянчли бир чол бўлиши керак эди... ўрнига нечун бу бақувват актёр чиқиб келди?» — деб ўйлади норози бўлиб.

Мангу дайди ролида чиқиб келган нотаниш бу одамнинг овози ҳам фавқуллода ўтқир ва ҳаётий эди.

«...Мен Парвардигоримнинг имонли бир бандасиман! — деб ўз монологини бошлади у. — Унинг абадий барҳаётлигига ва бемисл куч-қудрат эгаси эканлигига, вужудимга кирган зарра тикан бадалига ақл бовар қилмас мукофотларни ато этадиган ва ҳамма нарсани ўраб-чулғаб олувчи ҳикматларгача бино қиладиган муборак зот эканига ҳеч қачон шак келтирмаганман... Аммо сиз мени, Азозилдан ҳам малъунроқсан, деб маломат қилдингиз!»

Залда жонланиш сезилди.

«Сиз Тангримнинг, ўзи яратган барча неъматларига яна бир чалғитувчи нарсани ўраб қўйганини кўрмаяпсизми? Нарсалару ҳодисаларни, сабабларнию натижаларни, шубҳалару ҳақиқатларни бир-бирига чирмаштириб ташлаганини кўрмаяпсизми? Ҳамма нарсаси ғорат бўлиб кетадиган бу дунёга вужуди фоний, аммо руҳи боқий инсонни юбориши билан абадиятни ҳам ўраб олганини, Унинг абадитдан-да юксак эканинию ҳатто мангулик ҳам унинг махлуқи эканини кўрмаяпсизми?»

Энг чиройли лаззатлар остига чиркинликни яширганини, беўхшов нарсаларнинг бағрида ажойиботларини сақлаганини кўрмаяпсизми? Ҳар нарсага етган ақлингиз буларга келганда оқсаб қолдию мени бадбахтликда айблаб, Азозилга тенг қўйдингизми? Аслида мен — қиёматда олиши керак бўлган жазосининг бир қисмини шу дунёда олганлардан биттасиман, холос.

Сиз сахро ва чўлларда *гуноҳларини елкасига ортиб олганларнинг тимсоли* монанд бир махлуқни кўрмадингизми? Рўзи маҳшар кунида унинг қай кўринишда бино бўлишининг хабарини қайдан билақолдингизки, шу аҳволингизда масхара-лаб, мени ҳам, уни ҳам ўзингиздан паст кўрмоқдасиз?

Уммон бағрида яшовчи яна бир махлуқни кўрмадингизми? Уларнинг юзтасини ёрсангиз ҳам ичи бўм-бўш чиқади, бироқ баъзиларининг ичидан сиз мақта-ниб-гердаядиганингиз марварид донасини топасиз! У махлуқлар шундай кўри-нишда ҳамда бундай феълу атворда беҳудага яратилди, деб ўйлайсизми?

Бу дунёни маълум вақтга қадар кезиб юришга маҳкум эканим сизни адаш-тирдию оламнинг бир куни чанг-тўзонга айланиб кетишини билатуриб, менга мангу деб ном беряпсизми? Иблис сизга турли найранглар кўрсатиб, турли нарса-ларни кўзингиз олдида ранго-ранг жилвалантириб ҳийлалар қилади. Мен юзлаб йиллардирки, юрган йўлимда Парвардигоримга илтижо қилиб гуноҳимни кечи-ришини сўраб ёлвораман, юлдузлар учган кечаларда, қаҳратоннинг совуқларида, шамол ва бўронларда тавба-тазарру қиламан. Шу ҳолимча, бутун туриш-турму-шим билан Унинг олий ҳукмининг ва ҳақиқатининг бир тимсолиман. Тангрим ўзининг мутлақ адолати билан кимларнидир бутун инсониятга яхшилик ва тўғри-лик рамзи қилиб қўйган бўлса, мен Олий Ҳақиқатга қўл кўтарганларнинг рамзи-ман. Агар Ўзи истаса, мени ўша уммон махлуқининг ичидаги фикрловчи кум зарраси ёхуд гуноҳларини ортиб юривчи махлуқнинг елкасидаги мутафаккир тош шаклида яратиш қўя олмасмиди?

Сиз Тангри таолонинг қудрати ва илми нима эканини қайдан билақол-дингизки, барча нарсани ўраб-чирмаб, бошқа бир нарсанинг ичига тиқиб ташла-шидан ёки истаса, бутун шу кўклару самоларни сиқиб-ғижимлаб, майда кум шаклига келтириб қўя олишидан чўчимаддингиз? Бир қурт келиб, кўз ўнгингизда кафанга кирапти, ҳамда вақти келганида кафанидан капалакка айланиб қандай учиш чиқишини сизга кўрсатиб-намоён қиляпти-ку! Ер бағридан олов отилиб чиқиб, атрофини эриган маъданга тўлдириб оқиб турипти-ку?

Сиз Тангри таолонинг жазоси нима эканини қайдан билақолдингиз? Олов-да ёниш деган нарсани фақатгина ўзингиз таом пишириб-исинадиган олов деб ўйладдингизу У сизнинг гуноҳларингизни тўксин деб яратгани касалликларнинг бири боис иситма хуруж қилганида, сиз билган оловдан кўра фарқли табиатга эга бошқа бир олов ич-ичингизни ёндираётганига шоҳид бўлатуриб шундай деяпсизми?

Сиз Тангри таолонинг лаънати нима эканини қайдан билақолдингизки, тоғ-лару сувларни, самолару ер остини зир-зир титратадиган бу сўзни менга қўлла-дингиз? Айшу сафо ичида, май хилватларида, Тангрим яратган сўлим боғларда сархуш бўлиб ағанаб ётган ҳолингизда, қайга бош урарини билмай юрган, аммо сиздан кўра кўпроқ нарсани биладиган бир бечорани бундай дейишга қандай ҳаддингиз сизди? Тилингиз қандай айланди? Дилингиз қандай қабул қилди?

Мен Парвардигоримдан, сиздангина паноҳ беришини сўрашдан бошқа сўз де-майман. У қисматимга шуни битибдим, истасам ҳам, истамасам ҳам — албатта шундай бўлади!...»

Саҳна тамомила қоронғилик қаърига чўмди ва зулмат орасидан гулдурас қар-сақлар янгради.

Кулай курсиларда ястаниб ўтирган боёнларга бу гаплар ёқиб тушган эди.

– Ажойиб! Ажойиб! – деб қичқирарди оломон.

... – Лекин бу гаплар пьесада йўқ-ку? – деди ҳангу манг бўлиб Гвидо Бонатти, ютоқиб май ҳўплаб, томоғидаги қуруқшашни босиб олгач. – Ё Парвардигор! Бундай сўзларни ким қўшди пьесага?

– Сархуш бўлиб қолибсиз, Гвидо, – деб кулимсиради ёш бир боён, у тилла занжир тақиб олган, ёнидаги соҳибжамол эса тилладан ҳам товланувчанроқ ва башангроқ эди. – Лекин ажойиб сўзлар, бунинг учун яна битта қадаҳ кўтарсак арзийди!

Бонатти, қалбидаги безовталикини май билан босиш ўрнига, анави номаълум актёрнинг ортидан тезроқ бориб-тўхтатиб, бу сўзларни қайдан олганини сўрагиси келди, бироқ нимагадир фикридан қайтди, бирданига унга пьеса ҳам, актёр ҳам бемаъни бўлиб туюлди, шашт билан суроҳийни олди-да:

– Ҳа, жин урсин, ҳардамхаёл бўлиб қоляпман шекилли, – деди ғўлдираб. – Қуяқолинг, азизим Ротшилд!

– Мен Ротшилдлардан эмасман, – деб эътироз билдирди боён, шунда Бонатти унинг ҳечам француз яҳудийларидан эмаслигини, балки норвег ёхуд швед эканини кўрди, ёнидаги соҳибжамол ҳам аллақайга ғойиб бўлган, ўрнида бақалоқ бир одам ўтирарди.

Гвидо суроҳийни бир кўтаришда бўшатди.

– Қорахаёл... қорахаёл... – деб ғўлдиради у ва яна бир марта «Жин урсин!» деб хитоб қилди, бироқ унинг бу қичқариши бўғзидан тушунарсиз ғўлдираш бўлиб чиқди, оромкурсининг ёғоч тахтасига бош қўйганида парқу ёстикдан ҳам юмшоқ туюлди, у тамомила мастлик уйқусига чўмди... мастлик уйқуси аро эса буржларнинг ғаройиб бир тарзда учбурчак ҳосил қилганини кўрди, етти юлдуз бир ерда ғуж бўлиб олган, саккизинчи юлдузни ер эдилар... «юлдуз юлдузни ҳам ер эканми», деб ҳайрон бўлди у уйқу аро, ҳамда етти юлдузнинг тўпланиши *фалокатдан, зилзиладан ёхуд бўрон яқинлашишидан* дарак экани эсига келди... унинг ақли шу ерда саҳна чироғи каби ўчди ва ўзи ҳам мастлик зулматига тамомила шўнғиб кетди... *саҳнадаги нур толаси... номаълум одам... яқинлашаётган бўрон...*

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### BOENG DREAMLINER. БЎРОНДАН ЯРИМ СОАТ АВВАЛ.

Бўрон яқинлашмоқда эди.

Учоқ монитори яна огоҳлантирувчи овоз чиқарди: бу сафар Рейтер ахборот агентлигининг ҳар соатда янгилашиб турадиган хабарлари келган эди. Профессор хабарларга тезда кўз югуртириб чиқди:

*«Атлантикада бўрон шиддати зўраймоқда, унинг тезлиги соатига икки юз эллик километрга чиқди. Уммон бўйлаб шошилиш ҳолат эълон қилинди. Кўпчилик соҳилларда улкан гирдоблар пайдо бўлиши кутиляпти. Қутқарув хизматларининг бутун кучлари бўрон фалокатларининг олдини олишга сафарбар қилинган».*

*«...бутунжаҳон метеорология хизмати бўрон йўналишларининг тахминий харитасини ишлаб чиқди, унинг Атлантика уммонидан ҳамда Австралиядан Осиёга қадар сурилиб бориши тахмин қилинмоқда».*

*«...бугун Гринвич вақти бўйича 15.00 да қўзғалган бўроннинг фазодан олинган суратларини кўриш учун VISA ёки Master Card тизимидан 3 евро тўласангиз кифоя».*

*«...дунёнинг турли минтақаларида саҳролар кенгайиб бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Саҳрои Кабир кейинги ўн йил ичида ўттиз километрга кенгайган. Худди шундай жараён Осиё чўлларида ҳам кузатилмоқда. Мазкур чўлларнинг қумининг ўзига хос хусусияти — унда шўр миқдорининг кўплигидир».*

*«...баъзи дин уламолари жаҳаннамнинг абадий эмаслигига доир тахминларини эълон қилдилар. Улар ўз тахминларига «Улар жаҳаннамда абадий қолурлар, магар Парвардигорлари бошқа нарсани ихтиёр қилмаса...» мазмунидаги оятларни асос қилиб олдилар...»*

*«...Шунингдек, Мисрда қояларни йўниб ишланган уйлардан топилган анжомлар у ерда яшаган кишиларнинг дарҳақиқат баҳайбат гавдали, кучли кишилар бўлганини тасдиқлади. Ривоятларга кўра, уларни к у ч л и ш а м о л ҳалок қилган эди...»*

*«...дунёда қитъалараро ширкатларнинг пайдо бўлиши тахмин қилинмоқда, бунга ер юзидаги асосий капиталнинг якка кишилар қўлига ўтиб кетиши сабаб бўлиши мумкин...»*

*«...бутунжаҳон Овчилар Жамияти барча овчиларни Хитойдан келган қора чумчуқларни қириб ташлашга чақирди. Марказий Эпидемиология хизмати вакилининг таъкидлашича, улар қуш ўлатини тарқатишлари мумкин... Оддий ва одатий сарғиш чумчуқлардан фарқ қилиб, улар на дон-дун теришади, на сайрашади, қоп-қора кўзларини жавдиратганча н и м а н и д и р сабр-тоқат билан кутишади...»*

*«...Машҳур тарихчи олимлардан бири, лўлиларнинг қачонлардир Ҳиндистондан йўлга чиққани ҳақидаги тахминини эълон қилди. Ривоятга кўра, улар жуда улкан мақсад билан сафарга чиқадилар, аммо карвонга озик-овқат муаммоси кўндаланг бўлади. Ов қилиб ёхуд бошқа йўл билан бу эҳтиёжни қондиришга вақт йўқотмаслик учун сафарни тиламчилик қилиб давом эттиришга аҳд қиладилар. Йиллар ўтавергач ва авлодлар алмашгач, бутун бошли халқ нима мақсадда йўлга чиққанини унутади, улар дунё бўйлаб ватансиз ва маконсиз бесамар дайдишга маҳкум бўладилар...»*

*«...Урдундаги қадимий харобалардан бирида абадиятга гирифтор бўлган киши ҳақидаги ёзувлар сақланиб қолган тери парчалари топилди. Азалий ҳақиқатларга қўл кўтаргани учун қийматга қадар дарбадарликка маҳкум этилган бу киши ҳақидаги ривоятлар ўрта аср қўлёзмаларида, шунингдек, Брокгауз ва Эфрон қомусида учрайди. Тадқиқотчилар бу ривоятнинг тимсолий эканлигини, имон ва ишончининг мутлақ ҳақиқатларига қарши чиққан кишиларнинг фикрий ва қалбий сарсонликларга дучор бўлишларини таъкидламоқдалар».*

*«...Ер юзидаги энг шўр денгиз — Қизил денгизнинг Арабистон ярим ороли соҳилларига яқин ерида, сув остида чучук сувли улкан булоқлар борлиги аниқланди. Бундан икки минг йил аввал пайдо бўлгани тахмин қилинаётган мазкур булоқларнинг суви гоаят тоза ва шифобахш бўлиб, денгизнинг шўр сувига аралашиб кетмасдан то соҳилга қадар оқиб боради. Соҳилдаги турли сайёҳлик ширкатлари бу сувлардан фойдаланиб, катта тижорий лойиҳаларни амалга оширишни режаслаштирмоқдалар...»*

*«...Сидней шаҳри яқинида жойлашган келажак технологиялари марказида оламшумул кашфиёт қилинди. Бугунгача табиатда мавжуд бўлган зарраларнинг акси бўлган анти-зарралар мавжудлиги фан томонидан ўтган асрда исботланган эди. Тахминларга кўра Коинот ҳам ўзининг аксидан, яъни анти-Коинотдан иборат. Фазонинг қаеридадир Коинот ва анти-Коинот бирлашгани ва бир бирини узлуксиз акслантиргани фазонинг чексизлиги назариясига ойдинлик киритиши мумкин. Бугунгача махсус шароитларда олиб борилган тажрибаларнинг натижаси ўлароқ, умри сониянинг миллиондан бир улушига тенг бўлган анти-электрон ва анти-протон зарраси ҳосил қилинди! Ҳозирча бундай зарра табиий шароитда нималарга олиб келишини тахмин қилиб бўлмайди, чунки анти-зарра анти-муҳитдагина мавжуд бўла олади...»*

*«...Ўлим тўшагида ётган барҳаётликка даъвогар ёзувчи, Нобель мукофотининг лауреати Гарсиа Маркес ўзининг видео мактубини эълон қилди. Маишхур ёзувчи бир неча ойдирки, саратон касалидан азоб чекмоқда...»*

## **МУТАФАККИРНИНГ ВИДО МАКТУБИ**

«Мабодо Тангри Таоло менинг тақдиримдан кўз юмса-ю, латта монанд ҳил-вираб қолган шу вужудимга яна бир парчагина ҳаёт ҳадя этсайди, ҳойнаҳой, ўйлаётганларимнинг ҳаммасини айтмасам ҳам, гапираётганларимнинг ҳаммасини ўйлаган бўлардим.

Шунда... теварақдаги нарсаларни нархларига қараб эмас, қийматига қараб баҳолардим. Кўзим юмуқ маҳалда ўтказилган ҳар бир дақиқада ёруғликнинг олтимиш сониясини йўқотаётганимни идрок этган ҳолда камроқ ухлаган, кўпроқ орзу қилган бўлардим. Қолган ҳамма тўхтаб турган маҳалда юрар, ҳамма ухлаётган маҳалда ухлამасдим. Бошқалар гапираётганларида, уларнинг гапларини худди шоколадли музқаймоқнинг ажойиб мазасидан лаззатланган каби, лаззат ила эшитган бўлардим.

Агар Тангри Таоло менга яна бир он ҳаёт берса... камтарроқ кийинган, куёшнинг иссиқ нурларига фақатгина танимни эмас, қалбимни ҳам тоблаб ётган бўлардим. Эй Парвардигорим! Агар менда юрак бўлсайди, барча нафратларимни музга ёзиб, куёш чиқишини кутардим. Уйқум билан (*Ван Гогнинг орзуси*) юлдузларга ҳуррият поэмасининг сувратини чизардим, озодлик қўшиғи эса менинг Ойга қилган туҳфам бўлиб қоларди. Тиканларининг аччиғини ва гулбарглариининг қирмизи ўпичларини ҳис қилиш учун кўзёшларим билан атиргулларни суғорардим.

Эй Қодир Эгам! Агар яна бир парчагина ҳаёт бўлаги танимда қолсайди, бир кунимни ҳам теварагимдаги ўзим суйган инсонларга уларни севишимни айтмасдан ўтказмасдим. Мен учун қийматли бўлган ҳар бир кишини муҳаббатимга ишонтирган, муҳаббатни севиб яшаган бўлардим. Қартайганда дилни муҳаббат тарк этади деб адашганларга, муҳаббатни тарк этганлари учун қарилик келишини тушунтирдим.

Болакайларга қанот ҳадя қилар, аммо учишни ўзлари ўрганишларига имкон берардим. Қарияларни эса, ажал кексалик туфайли эмас, хатолар ва янглишишлар туфайли келишига ишонтирдим.

Инсонлар, мен сиздан шу қадар кўп нарса ўргандимки... лекин англаганим энг буюк ҳақиқат — бутун олам тоғларнинг чўққиларида яшашни истар экан, ҳақиқий саодат у ерда яшаш эмас, у ерга кўтарилишда экан!

Шуни тушуниб етдимки, мурғак болакай кичкина бармоқчалари билан отасининг бармоғини қисимлагани он, уни ҳеч қачон қўйиб юбормасин!

Англадимки, инсон боласи бошқа бировга, фақатгина юқорига кўтарилиши учун ёрдам бераётганидагина баланддан қарай олар экан!

Инсонлар, сизлардан ўрганишим мумкин бўлган яна шунчалар кўп нарса борки... аммо уларнинг менга зарурати қолмайдиганга ўхшайди... чунки, мени мана шу ёғоч отга миндирганларида, афсуски, жонимни Ҳаққа топширган бўламан.

Ҳар доим ҳис қилганингизни гапиринг, ўйлаганингизни амалга оширинг! Агар... сенинг шу ухлашингни бугун сўнгги бора кўриб турганимни билсам, маҳкам бағримга босган ва Тангри Таолодан мени, сенинг қўриқчи фариштанга айлантиришини илтижо қилган бўлардим. Эшикдан қандай чиқаётганингни охири бор кўраётганимни билсам, бағримга қаттиқ босиб ўпган ва янада кўпроқ меҳримни бериш учун яна қайтадан ўзимга чорлаган бўлардим. Овозингни сўнгги бор эшитаётганимни билсам, мен ҳамма гапирган гапларингни қайта-қайта, бениҳоя эшитиш учун ёзиб олган бўлардим. Агар сени кўриб турганимнинг сўнг дақиқалари эканини билсам, шундай деган бўлардим: «Мен сени яхши кўраман, аммо бунинг шусиз ҳам билишинг мен аҳмоқнинг хаёлимга ҳам келмабди. Ҳар доим эртанги кунимиз бор, ҳаёт бизга, ҳамма-ҳаммасини изга солиш учун яна бир фурсат бермоқда, бироқ, янглишган бўлсаму бугун ҳаммаси тугаса, сенга шуни айтган бўлардимки, сени жуда қаттиқ яхши кўраман ва ҳеч қачон унутмайман! Кекса ҳам, ёш ҳам эртага нима содир бўлишини билолмайди. Балки суйган инсонларингни сўнгги бора кўриб тургандирсан?! Шу боис, ниманидир кутма, бугуноқ бажар, чунки эртанги кун ҳеч қачон келмас бўлса, сен — биргина жилмайиш, биргина бағирга босиш, биргина ўпиш учун вақт тополмаганинг, сўнгги истакни бажаришга келганда жуда-жуда банд бўлган кунингга лаънатлар ўқийсан. Ўзингга яқин инсонларни қўллаб-қувватла, қулоқларига сенга қанчалар керак эканликларини шивирлаб айт, уларни эҳтиёт қил, «афсус», «мени кечир», «раҳмат» ва «марҳамат» деган сўзларни ва ўзинг билган ҳамма хуш каломларни айтиш учун вақт топ. Ҳеч ким сени фикрларинг боисгина эслаб ўтирмайди. Парвардигори Оламга, ҳиссиётларингни тилингга чиқара олишинг учун донолик ва куч-қувват сўраб илтижо қил. Дўстларингга улар сен учун қанчалар қийматли эканларини айт. Агар сен буларни бугун қилмасанг, эртанги кунинг ҳам худди кечаги кунинг каби бўлиб қолади. Ва агар сен буларни амалга оширмасанг, ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмайди, қиладиган ишинг *ҳеч нарса, ҳеч нарса ва фақат ҳеч нарса* бўлиб қолади!

Бунинг вақти соати етди...»

## БҶҮҮОНДАН ҶН БЕШ ДАҚИҚА АВВАЛ

Профессор Зиё хабарларнинг қолган қисмини ўқишга улгурмади, учувчилар хонасининг эшиги очилиб, стюардесса қиз кўринди, у жилмайганча ҳаммадан камарларни боғлашларини илтимои қилди, сўнг эса ҳаво ёстиқчаларидан қандай фойдаланиш, ҳалокат чоғида ўзини қандай тутиш ҳақида тавсиялар берди.

Профессор бетоқатланиб, қиздан нима гаплигини сўради.

— Бўрон яқинлашиб келяпти, — деб жавоб берди қиз. — Лекин учувчиларимиз маҳоратли, озгина ёқимсиз чайқалишлардан бошқа ҳеч қандай безовталиқ сезмайсиз, жаноб.

Профессор унга жилмайиб бош ирғади-да, дарчадан қаради.

Учоқ уммондан ўтиб, материк ҳудудига кирган эди. Пастда сийрак туман бўлгани боис ҳеч нимани кўриб бўлмасди. Учоқ канотларидаги қудратли моторларнинг бир маромда ишлаши унга ишонч бахш этди. Лекин, уфқда аллақандай тушунарсиз булут пайдо бўлган, у нима сабабдандир қизғимтир-сарғиш тусда бўлиб, боз устига, шитоб билан ёйилиб бормоқда эди.

\* \* \*

Ҳавонинг турли таъсирлари натижасида эфирда пайдо бўлаётган шитирлашлар ва шовқин аро тўсатдан «Ваҳший» яна алоқага чиқди:

- «Фиръавн», мен «Махес». Нишонни кўряпман.
- «Махес», сизни тушундим. Нишон йўналишини ва тезлигини билдиринг.
- «Фиръавн», у жанубий йўналишда ҳаракатланмоқда, масофа беш мил.
- «Махес», махсус тизимни ёқинг.
- Тушунарли.
- «Махес», нишонни кузатяпсизми?
- Ҳа, кузатувда.
- Тушунарли, ракурс икки тақсим тўрт!
- Сизни тушундим. Орқа томондан яқинлашмоқдамиз.
- Ёнилғи миқдори?
- Уч тонна.
- Тушунарли, йўналиш ўнгга икки юз йигирма! Нишонгача масофани билдиринг.
- Масофа уч ярим мил.

Нишон — *баланд бўйли, ёш ва забардаст, ялангоёқ бир йигит* бўлиб, у бошини эгганча *кунботар* томонга кетиб бормоқдайди. Кетма-кет бошқа ҳарбий учоқлар ҳам уни пайқадилар, улар ҳам ўз марказларидан шундай буйруқ олганларига шубҳа йўқ эди — барча тизимларини жанговар ҳолатга келтирганча тезликларини ошириб, нишон кетиб бораётган жой сари йўналдилар.

Бу орада «Ваҳший» билан радиоалоқа давом этмоқда эди:

- «Махес», мен — «Фиръавн», нишонни кўряпсизми?
- Кўряпман, мўлжалда тутиб турибмиз.
- «Махес», нишон йўналишини билдиринг.
- Нишон ўша йўналишда ҳаракатланмоқда, кунботарга кетиб бормоқда.
- Икки милгача яқинлашинг.

– Тушунарли.  
– «Махес», мен – «Фиръавн», ўт очишга ҳозирлик кўрилсин, тайёр тулинг.  
– Тушунарли. Форсажга рухсат беринг.  
– Форсаж фақат буйруқ билан!  
– ... «Махес», нишонни «ушлаб» турибсизми?  
– «Нишонни тутган ҳолда» учиб боряпмиз.  
– «Махес», ёнилғи миқдорини билдилинг.  
– Ёнилғи – иккию етти.  
– Сизни тушундим... Нишон йўқ қилинсин!  
– Такрорланг!  
– «Махес», нишон йўқ қилинсин!  
– «Фиръавн», унга яқинроқ бориш керак! Нишонни тутиш тизимини ўчириб, яқинлашмоқдамиз.  
– Замбараклардан кетма-кет ўт очинг!  
– Нишонни тутиш тизимдан чиқдик, замбараклардан кетма-кет ўт очамиз!  
– Ўт очилдими, «Махес»?  
– Худди шундай, буйруқ бажарилди!  
– Нишонни кўряпсизми?  
– Ҳа, унга яқинлашяпман.  
– Тушунарли.  
– Нишон пасаймоқда, унга яқин келдим, масофа ярим мил...  
– Нишон пасаймоқда? Бу нима дегани?  
– У ўтириб олди.  
– У ўлдими?  
– Аниқлашинг иложи йўқ. У ўтирибди.  
– Тушунарли. Тезликни камайтинг. Барча жанговар машиналардан нишонга қарата ўт очилсин!  
– Бу хавфли, атрофда танув белгилари бўлмаган бошқа жанговар учоқлар ҳам бор.  
– «Махес», вазиятга қараб ўт очишга тайёрланинг! Нишоннинг ўзингизга нисбатан ўрнини билдилинг.  
– Чапдан етмиш даража.  
– «Махес», нишоннинг вазиятини билдилинг.  
– У қумга ётиб олди... Кўриш қийин, тўзон кучаймоқда... «Фиръавн?...» «Фиръавн», у ибодат қилмоқда!  
– «Махес», нишонни ракета билан йўқ қилишга ҳаракат қилинг.  
– «Фиръавн», десант туширишга рухсат беринг!  
– «Махес», нишонни ракета билан йўқ қилинг!  
– Тушундим, нишонда «ушлаган» ҳолда яқинлашяпман.  
– Масофани билдилинг.  
– Масофа чорак мил.  
– «Махес», форсаж!  
– Форсажга ўтилди!  
– Ўт оч!  
– Ўт очилди.  
– Нишон йўқ қилиндими?  
– Ҳеч нарса кўринмайди, ҳамма ёқ тўзон.  
– Зарба чизигидан ўнг томондан чиқилсин, курс етмиш беш.  
– Зарба чизигидан ўнга чиқяпман, курс етмиш беш!..  
– «Махес», қуроллар жанговар ҳолатда тутилсин. Бегона ҳарбий учоқларни нишонда тутган ҳолда, ўн беш даража ғарбга ҳаракатланилсин!  
– Хўп бўлади!

Бўрон олдидан турган шамол аллақачон қумларни кўтарган, номаълум одам «ҳаво-ер» русумли ўлимчил ракета зарбаси ва шамол кўтарган қум тўзони

ичида кўзга кўринмай кетган, ҳозир уни махсус қурилмалар ҳам кўролмаётган эди. «Ваҳший»нинг ўт очганини кўрган бошқа ҳарбий учоқлар яқин масофада турганларича тўзоннинг тарқалишини ва номаълум кишининг чиқиб келишини кутмоқда эдилар. Бу орада «Ваҳший» «Фиръавн»нинг навбатдаги буйруғини ҳам бажариб улгурди, яъни яқин орадаги «Миг»ларни лазер мўлжалига олди.

Ҳар ҳолда, бошқа жанговар учоқларга ҳам шу мазмундаги буйруқ келган бўлса керак, «Миг»лар, «Мираж»лар, «КФир» ва «Торнадо»лар ҳам ўз вазиятларини «Ваҳший»га нисбатан ҳужумга қулайроқ бўлиши учун мослаб, айланиб ола бошладилар.

Энди бу ўлим машиналари турли қурооллардан бир-бирларини мўлжалга олганча буйруқ кутмоқда эдилар. «Ҳаво-ҳаво» типидagi ракеталар аллақачон жанговар ҳолатга келтирилган, ҳимоя воситалари ва чалғитувчи термик воситалар жангта шай ҳолатда эди.

Дунёнинг энг кучли бир қанча мамлакатининг ҳарбий учоқлари ана шу тарзда бир-бирига қурол ўқталиб турар эди.

Махсус радиоканалда эса «Ваҳший» билан «Фиръавн»нинг сўзлашуви давом этмоқда эди:

- «Махес», нишонни кўряпсизми?
- «Фиръавн», шамол кучайиб бормоқда, ҳаммаёқ кум... тепа ҳам, паст ҳам... ҳеч нарса кўринмайди.
- «Махес», нишонни қидиринг!
- «Фиръавн», бунинг иложи йўқ, ҳеч нарса кўринмаяпти, экранларда ҳам... Бегона учоқлар бизга нисбатан жанговар йўналишга ўтдилар.
- «Махес», бошқа учоқларга эътибор қилинмасин. Биз уларни фазодан «ушлаб» турибмиз. Излашни давом эттиринг!
- Тушундим, излашда давом этамиз...

## **BOENG 787 DREAMLINER. БЎРОНДАН ЎН ДАҚИҚА АВВАЛ.**

Орадан ўн дақиқа ўтганида, бағрига Профессорни ва уч юз чоғли йўловчини олган баҳайбат Boeng Dreamliner учоғи бўрон ҳудудига етиб келди.

Метеокузатув марказларининг тахминлари ҳақ бўлиб чиқди, Атлантика уммонидан то Осиё соҳилларигача бўлган ҳудудда мисли кўрилмаган шамоллар ва гирдоблар пайдо бўлган, айна пайтда Тинч, Ҳинд ва Шимолий муз уммони устидаги ҳаволар ҳам Гоби томонга сурила бошлаган эди. Шамолнинг йўли қингир-қийшиқ илон изини эслатарди – Атлантиканинг уфққа қадар энлаб ётган охири кўринмас сув ҳудудларидан бошланган бу ғалаён негадир Ўртаер денгизининг жазирама ҳудудини четлаб ўтмоқда, абадий музлар ўлкасида ҳосил бўлган эпкинлар эса, асрий қорларни тўзғитиб ва музтоғларини синдириб, йўлида қуюнлару қасирғаларни ҳосил қилганча, улкан жонли илон сингари сахро сари ҳаракатланмоқда эди. Япония томонда эса тескари ҳаракат рўй берди – дунёнинг бу четида ҳосил бўлган эпкинлар ҳам бошқа бир илон сингари Гоби томонга тобора зўрайиб борувчи шиддат ила интилар, чўл узра туриб қолган қайноқ ҳаво юқорига кўтарилиб, тепа қатламларда тескарисига эсувчи янада кучлироқ бошқа эпкинларни ҳосил қилган эди.

Эни етмиш-саксон, юксаклиги ўн километрга етган улкан айланувчи қуюнлар – илон бошлари ўзида мислсиз қувватни жамлаган эди. Инсонлар нафас оладиган ва майин эсганида роҳат келтирадиган бу неъмат тўсатдан шаклу шамойилини ва яратилиш мақсадини ўзгартириб, офатга айланган, бўрон марказида ҳавонинг юқори ўрлаши оқибатида ўнлаб ана шундай гирдоблар ҳосил бўла бошлаган, қуюнларнинг ўзагида шамолнинг эсиш тезлиги сонияда икки юз метргача етган эди.

Қуюнларни четлаб ўтиш мақсадида, Boeing Dreamliner учувчилари ва учишни бошқариш маркази мутахассислари янада юқори кўтарилишга қарор қилдилар – бу учоқ ўн икки километргача кўтарила оларди, бўронларнинг баландлиги эса одатда ўн километрдан ошмас, бундай юксакликдаги эллик беш даража совуқда ҳаво совиб, қуюн шиддати ўз-ўзидан пасайиб кетар эди. Кучли моторлар зўриқиб гувиллади – учоқ бу қадар юксакликка тиккасига кўтарила олмас, кўтарилиши учун яна юз эллик километр масофани учиб ўтиши керак эди.

...Бу орада ахборот агентликлари бир файласуфнинг Маркеснинг мактуби ҳақидаги фикрларини, ортидан унинг ўзининг баёнотини ҳам тарқатди.

Файласуф, бу дунёда шу қадар билим ва тажрибадан ташқари, фавқулудда фикрий қувватга эга бўлган Маркесдай кишининг дунёдан кетар чоғи бундай гапларни айтишига шубҳа билдирган эди.

Ортидан келган хабарда Маркес бундай видономани ёзмаганини, бедаво дардга гирифтор эканига қарамасдан, мабодо ўлим они яқинлашганини сезгани тақдирда ҳам сафарга жим, лом-мим демасдан жўнашини айтган эди.

\* \* \*

Лўлилар карвонбошиси саҳрода итини эргаштирган бир девонаваш одамни кўрди, у ялангоёқ, сочлари ўсган, қўлида асо, *кунботар* тарафга – ғарбга қараб илдам кетиб борарди.

*Бу тани хокийнию руҳи равонни на қилай,  
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?*

*Уройинми бошима етти беҳишту дўзахин,  
Ломакондан хабар олдим, бу маконни на қилай?*

Бу – сароб эди, лекин шу қадар ҳаққоний ва аниқ эдики, карвонбоши ортига тисарилди. Уни бошқалар ҳам кўрдилар, аммо карвонбоши қатъий қилиб:

– Кўрганингиз сароб, ишингизда давом этинг, – деб буюрди.

Ва тескари томонга ўгирилганида, осмон бўйи келадиган, еру кўкни энлаган бир қуюннинг шу томон ёпирилаётганини кўрди.

\* \* \*

Бўрон олдидан содир бўлган ғалати ҳодисалар Авлиёни ҳам четлаб ўтмади. Итини эргаштириб кетиб бораётган мажнунваш кишини у ҳам кўрди, фарёдини ҳам эшитди:

*Ажаб Мажнун эрурман, дашт ила саҳрога сиғмамдур,  
Дилим дарёи нурдир, мавж уриб дунёга сиғмамдур.*

*Шариат ҳам, тариқат ҳам, ҳақиқат мендадир мавҷуд,  
Чу султони азалдурман, ки аршу аълога сиғмамдур.\**

Шунингдек, авлиё унинг ортидан бораётган бошқа бир бандани ҳам кўрди...

Бу икки одам шу кез *кунботар томонга* кетиб бормоқда эдилар.

Шундан сўнг авлиё ғор оғзида ўсиб чиққан бир қамишни қирқиб олди, ичини тозалади, бағридан тешикчалар очди ва лабига қўйиб пуфлади, найдан дунёдан ўтиб кетган барча кишиларнинг, халқларнинг ва миллатларнинг умум армонларининг, яшаш мақсадларининг ва ҳаёт ҳикматларининг ҳикояти монанд мунгли ва қайғули нидо таралди:

*Истаганлар бизни саҳрои балодан истангиз,  
Водийи ҳижрон ила дашти фанодан истангиз... \*\**

## МЕЗОНУЛ-АВЗОН

Профессор уфқдаги бўроннинг чирпирак бўлиб айланишига ақлу шуури лол бўлиб боқмоқда, бу асов ҳайбат ва қудрат қаршисида унинг ич-ичидан тийиқсиз ва бошқариб бўлмас хавотир бош кўтариб чиқмоқда эди.

Бу – ғайриихтиёрий хавотир эди. Теварақдаги оддий ҳодисаларнинг ўз низо-мидан хиёлгина четга чиқиши киши кўнглида ақлга итоат қилмайдиган ҳиссиётларни ва кўркувларни бино қилар, онг ҳарчанд уринмасин, юрак япроқдай дир-дир титрашини қўймасди.

Унинг назарида, саҳро ҳудудларида бино бўлган ва ҳозир қайлардадир Парвардигорини излаб юрган барҳаёт одам, шусиз ҳам мукамал низо-млардан ташқарига чиқишга уринаётган изланувчилар, тобора тўс-тўполони чиқиб бораётган замонавий дунё билан мана шу шамол жунбиши ўртасида элас-элас илганар бир боғлиқлик бор эди гўё. Инсонлар ва табиат нафас оладиган, ер юзидаги ҳаётни мудҳиш ва ўлимчил таъсирлардан қўриқлаб турадиган, улкан уммонларни ўз бағрида майин суздириб, лозим бўлган жойларга ҳеч кимга зарари тегмайдиган, балки одам боласининг завқини келтирадиган тарзда ёмғир қилиб ёғдирадиган, юзларни сийпалаганида роҳат бахш этадиган ҳаво деб аталмиш бу неъматнинг тўсатдан офатга айланиши бежиз эмас эди! Оламлар Парвардигори, агар истаса, ёруғ дунёдаги ҳар қандай неъматни балога ёки ҳалокатга айлантириб қўйиши мумкинлигини намоён қилаётгандай эди. Гуллаб-яшнаётган тирикликнинг она унсурларидан бири бўлмиш сув ҳам гоҳ-гоҳ долғаланиб, теварак-атрофни ғорат айлагувчи баҳайбат бало қиёфасига кирмоқда, бағридан саноқсиз неъматларни чиқариб-муҳайё қилиб тургувчи ер юзи гоҳ-гоҳ шиддат ила қўзғалиб, зилзилалар ҳосил қилмоқда, теранликларидан олов ва эриган маъданлардан иборат вулқонларни уфурмоқда, инсонларни совуқдан ҳимояланишига, лаззатли таом тайёрлашларига, ҳаётлари учун лозим бўладиган турли-туман асбобларни ясашларига имкон берувчи аланга ҳам гоҳо теграсидаги барча нарсани куйдириб-кул қилувчи баҳайбат фалокат шаклига кирмоқда эди. Дунёнинг тамали бўлмиш тўрт унсур ана шу тарзда – Парвардигори оламнинг қудрат-иродасига тамомила бўйсунган ҳолда ўзгармоқда ва ер юзидаги тафаккур қилувчи ягона жонзотга – одам боласига қарата ўз тилида хитоб айламоқда эди.

\*Бобораҳим Машраб мисралари

\*\* Ҳазрат Алишер Навоий сатри

Тафаккур қилувчилар учун эса янада чуқурроқда бошқа ҳақиқат яширинган эди! Яъни, бундай фалокатлару офатларсиз ҳам, ҳар дақиқада юзлаб инсонларнинг боқий руҳлари фоний вужудларинию ёруғ дунёни тарк этиб, тасаввур ета олмас абадий маконларга унсиз ва жим жўнамоқда эдилар. Бундай фалокатлар ва тўфонлар мангулик сафарига йўл олаётган кишиларнинг қалбларида ҳам рўй бераётган бўлса не ажаб? Ҳа, инсон боласи учун қиёмат жон таслим қилган онидан бошланмоқда... инсонлар ана шу қиёмат кунига дуч келмаслик учун дунёда иложи борица кўпроқ муддат туришни орзу қилмоқда... ўзларининг шусиз ҳам барҳаётликларини англаёлмасдан, вақт ўтгани сайин жулдурлашадиган вужуд либоси ичида мангу қолмоқни ихтиёр этмоқда эдилар. Бир томондан, замонавий илмларнинг чўққиси ҳисобланмиш ген муҳандислиги тадқиқотчиларга мангу одам яратиш имконини бераётган бўлса, иккинчи томондан, кашф этилган барча хужайралару генлар ўша кун келганида тубтубидан парчаланиб, нобуд бўлиб кетар, янада ҳайбатлироқ ҳақиқат мана шунда эди! У кунда мезонлару вазнлар тубдан ўзгарар, барҳаётлик бошқа шакл ва мазмун касб этар... бу ҳақиқатларни олам яратилганидан то маҳшар кунигача дунёга келадиган инсонлардан фақат биттаси — энг муборагигина ўз кўзи билан кўрган эди, холос!

Ақлу тафаккур англаб ололмайдиган ана шу ҳодисаларнинг ёруғ дунё қонуниятлари каби ўз қонуниятлари бўлиб, уларни оддий одам болалари фақат ҳислари ва юраклари билан сеза олардилар. Инсонлардан мангуга яширинган бу ҳодисалар заминдаги маъноларга эришиш тафаккур тарихида жуда оз сонли кишиларгагина насиб этган эди.

Профессорнинг ёдига ана шундай муборақлардан бирининг мисралари келди. Санъатининг теранликларига турли ишораларни ва ҳикматларни яшириб кетган бу киши, умр шоми яқинлашаётганини олдиндан сезаркан, келажакдаги барча инсон болаларига асрлар ортидан, мисралар аро илтижо қилмоқда эди. Ночор қаламим остидан чиққан ва ўзим дуру гавҳар деб тахмин қилганим сатрларни ўқигувчи киши ила мени бақамти қилганинг — сенинг иноятингдир, юрагимдан ситилиб чиққан мисраларимга нигоҳ ташлаган ҳар бир кишини ўз марҳаматинг соясига олгил деб, ўқувчининг ҳаққига олдиндан дуо айламоқда ва ўзи ҳам дуодан умидвор ҳолда муножот қилмоқда эди:

*Ё Раб, ушбу турфа шўхи дилфириб,  
Ким онинг васлин манга қилдинг насиб.*

Ё Раб, бу зарбулмасалнинг турли шўх ва дилга фириб берувчи маънолари васлини менга насиб айладинг. Энди уни:

*Эл кўзига доғи маҳбуб айлагил,  
Барча хотирларга марғуб айлагил.*

Маъниларини элга маъқул ва марғуб қилганинг рамзларни эса:

*Гарчи мақсудиға мубҳамдур баён,  
Қуш тилин эл кўнглига қилгил аён.*

Шундан сўнг эса бу мангу зот хокисорликнинг ва самимиятнинг ажойиб намунасини туҳфа этган эди:

*Кимга ондин ҳосил ўлса муддао,  
Лутф этиб Фонийни ҳам қилса дуо.*

*Айла онинг ҳам дуосин мустажоб,  
Иккимизни оллидин олғил ҳижоб.*

*Табъима тушса хато бирла зилал,  
Килкима сахв ўлди эрса ё халал.*

*Лутф ила, ё Рабки, борин афв қил,  
Номаи аъмолидин ҳам маҳв қил.*

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Баридин астағфируллоҳ, ал-азим.*

Буюк истеъдод ва бемисл фикрий қувват ҳосиласи бўлмиш бу мисралардан орттириб сўз айтиш маҳол эди.

Дунёдан кетар кишининг бундан марғуброқ сўз айтиши ҳам маҳол эди.

Профессор Зиёнинг кўзларига ёш қуйилиб келди. Ёдида эса улуг мутафаккирнинг сўнг мисралари худди қуюн каби чирпирак бўлиб айлана бошлади:

*Ҳар паришон сўзки ёздим, ё Карим,  
Баридин астағфируллоҳ, ал-азим...*

## БЎРОН

Бағрида раҳмат ёмғирларини олиб келувчи булутларни ҳайдаб эсадиган шамол бу гал бошқа булутни — фалокат булутини олиб келмоқда эди.

Уммон устида у шу қадар зўрайдики, баландлиги ўттиз метрлик тўлқинларни ҳосил қилди, соҳилга яқин жойларда эса гирдоблар кўкка аждар каби сапчиди, миллионлаб балиқлар шу тўлқинда ҳалок бўлдилар, гирдоб уларни бир неча километр баландга кўтариб, соҳилдан юзларча чақирим ичкарига — чорва майдонларига олиб бориб ташлади.

Таиланд соҳилларига дам олишга келган сайёҳларнинг кўпчилиги тўфон остида қолиб кетди. Бир томондан ёпирилиб келган тўққиз қаватли уй баландлигидаги тўлқинлар, иккинчи томондан ҳосил бўлган улкан гирдоб соҳилнинг ичкари қисмида жойлашган отелларни ҳам вайронага айлантирди. Қизиқиш туфайли бўронга қарши чиққан ва унинг қаршисида тили калимага келмай қолган аллақандай замонавий ёшлар тўдаси ҳам хасдай совурилиб кетди, уларнинг жасадлари кейинчалик ҳам топилмади.

Дунёнинг кайфу сафо марказларидан бири ҳисобланган Таиланд соҳиллари тамомила вайронага айланди.

Шамол ва қуюн шундан сўнг Осиё чўлларидаги миллионлаб тонна қумни ичидаги жонзотлари ва набототи билан қўшиб самога кўтариб кетди, бутун самони қум булути энлади. Шунингдек, Куйтэн-Найрамдал чўққиларидан юз эллик чақирим масофада жойлашган Инсон такомили марказининг бир қаватли бетон биносини ҳам синдириб-парчалаб, хизматчиларию ертўлалари, тажрибахоналарию ақли ноқис, майибмажруҳ сунъий урчитилган одамлари ва фазовий алоқа қурилмалари билан қўшиб кўкларга кўтариб кетди, уларнинг ҳаммаси қум бўрони аро кўздан ғойиб бўлди.

---

*\*Ҳазрат Алишер Навоий. “Лисонут-тайр” достонининг хотимаси.*

Ичида хас-хашаклару шох-шаббалар майда-чуйда чўл жонзотларига қўшилиб чирпирак бўлиб айланаётган, гирдоблари улкан жонли илонлар каби ердан кўкка чўзилган бўрон, саҳронинг ҳар бир қадамини ғоятда синчковлик билан «титиб» чиқиб, ҳозир нишонини «йўқотиб» қўйган ва бир-бирларига ташланишга шай турган ҳарбий учоқлар томон шиддат билан яқинлашиб бормоқда эди. Ана шу тўс-тўполон ичра заминдан янги бир гирдоб «ўсиб-бош кўтариб» чиқди, унинг туби ингичка, юқориси эса эни етмиш километрлик баҳайбат аждарни эслатарди, Гоби ҳудудида жанговар ҳолатда турган ҳарбий учоқларни ана шу гирдоб бирпасда ўраб-чирмаб, ўз домига тортиб кетди.

Парвардигори оламнинг ғазаб қудратини ожизона тамсил этган бу асов ғалаён ичида қудратли ҳарбий машиналарнинг қанотлари ўша заҳоти синиб-парчаланди, қуюн уларнинг замонавий қуролларини мисқоғоз каби эзгилаб-парчалаб ташлади, зирҳларини ракеталари билан қўшиб узиб-юлқиб олди, ўқ ўтмас ойна ортида саросимага тушган ҳарбийларнинг қўрқувдан буришган юзлари бир лаҳзагина липиллаб ўтди холос, сўнгра учоқларни ақл бовар қилмас тезликда ғоят юксаклардан ерга опкелиб уриб, ер қаърига — камида юз қулоч чуқурликка аёвсиз тиқиб юборди, чуқурлар ҳам ўша заҳоти қум ва тупроқ остида кўмилиб-йўқ бўлиб кетди.

Гобига хуфёна кириб келган барча ҳарбий учоқларнинг тақдири ана шундай якун топди.

Энди бўроннинг бир учи Тиёншон кемтигидан ўтиб, янада ғайриоддий куч билан эсмоқдайди. Чўл жонзотларининг бари яшириниб улгурган эдилар. Теварак худди уммон каби тўлқинланар, саҳро бир китоб каби варақланар, балки қумларнинг янги саҳифалари очилмоқдайди.

\* \* \*

Бағрида уч юз чоғли йўловчини олиб Атлантика уммонидан ўтиб келган ва ҳозир саҳро узра учиб бораётган Boeing Dreamliner ўн минг метрга қадар кўтарилганида, даҳшатли бўроннинг бир учи унга етиб келди.

Қум икки юз йигирма тонналик улкан ҳаво лайнерининг моторларига кириб тикилди, дарчаларни энлади, ҳаво филтрларини тўлдириб, ҳатто филдираклар турадиган жойгача ва қанотларнинг бошқарув қурилмаларининг ичигача кириб борди.

Оддий қумлардан фарқ қилиб, бу қум шувиллаб тўкилиб кетаверар, энг кичик тирқишга ҳам кириб тўлдираверар эди. Орадан бир дақиқа ўтиб-ўтмай, учоқнинг тўртала мотори ҳам ишдан чиқди, учоқ мувозанатини сақлай олиши учун моторлар тананинг қоқ ўртасига ўрнатилган бўлса-да, дум қисмидаги юк босиб кетди, учоқ шитоб билан пастга оғиб берди — у қулай бошлади. Бошқарувнинг йўқолгани ва моторлар ишламаётгани боис шамол эпкиннида гир айланди, тескари йўналишда урган бошқа бир эпкиннида унинг лонжеронлари қарсиллаб узилди, сўнг ўнг қанот синди, унга ўрнатилган икки моторнинг оғирлиги боис ҳавода чирпирак бўлиб айланганча, қум қоронғилиги ортида пастда ғойиб бўлди. Роппа-роса уч сониядан сўнг иккинчи қанот ҳам узилди ва у ҳам бўрон шиддати аро кўздан йўқолди.

Шунга қарамай, қанотсиз қолган учоқ учишини давом эттирмақда эди.

Бор-йўғи ўттиз икки сонияда учоқ ерга келиб урилди, урилган жойида улкан чуқур ҳосил қилиб, тепага қайта сапчиди, тезлик катта бўлгани учун у бир неча

қисмга бўлиниб кетди, бўлақлар урилиш кучи оқибатида яна бир қанча юз метр жойгача учиб-парчаланди, парчалар орасида одамларнинг таналари ва юклар ҳам кўзга ташланар эди. Шамол учираётган қум зарралари майда парчаларни шу заҳоти кўмиб ташлади, катгароқ бўлақлар олдида эса қум уюла бошлади. Бу ҳалокатда бировнинг тирик қолганини тахмин қилиб бўлмасди — қулаш чоғидаёқ кўпчиликнинг юраги ёрилиб кетган, бақувватроқлар эса урилиш чоғида жон таслим қилган эдилар.

Тиёншон ёнбағридаги ғорда истиқомат қиладиган авлиё ҳам қўрқувга тушган эди. Парвардигори олам куч-қудратининг бир тимсоли бўлган бу офатнинг нима эканини у яхши биларди. Унинг билгани тарихга кўра, азобу уқубатлар ҳам, раҳмату баракотлар ҳам айнан шамолларнинг қанотларида келар эди.

*Бир оздан сўнг урилган янада шиддатлироқ экин ғор оғзида ўсган анжирни — ризқ дарахтини таг-томири билан суғуриб олди ва настликка қараб хасдай учуриб кетди.*

Саҳродаги лўлилар карвони ҳалиям ўз жойидан кўзгалмаган эди. Карвонбоши шамолнинг зўрайиб бораётган ғалаёнини кўриб, ҳаммани бархан ортига кўчирди, ухлаётган неварасини кўтарганча, бархан ёнбошидаги чуқурлик ичига авайлаб ётқизди, устидан тўнини ёпиб қўйди. Қолганлар лом-мим демасдан шамолнинг ҳайқиришига қулоқ тутиб турардилар, шамол уларнинг кийимларини юлқилаб-узгудай бўлиб эсмоқдайди.

Лўлилар карвонбошиси унинг, шу шўрлик кавмнинг ватан илинжида *бесамар дайдишларига* чек қўйиши керак бўлган шамол эканидан умидвор эди.

Карвонбоши турли халқларнинг турлича ибодатларини билар, бироқ, қайси бирининг ибодати қай тарзда қабул қилинишидан беҳабар эди. Шу боис ҳам у *энг сўнги пайғамбарнинг ибодатини* қилди: кўзларига қум тикилган ҳолида кунботарга қараб шундоққина қум узра чўк тушди. Ва агар бу шамол умрларига ниҳоя қўядиган бўлса, ҳаёти дунёдаги умрини хотималайдиган бир ибодатни адо этишга киришди.

\* \* \*

Шамол еру кўкни энлаб роппа-роса бир кеча эсди. Шундан сўнг ғалаён аста-секин тинди.

Тиёншон ва Олтой ёнбағирларидаги ўрмонларнинг аҳволи ачинарли эди: сарвқомат арчалар қоқ бўлиниб-синиб кетган ва айқаш-уйқаш бўлиб уйилиб ётарди, уларнинг остида ҳалок бўлмай қолган ва яраланган ҳайвонларнинг бўкиришларию чийиллашлари теваракни тутиб кетган эди.

Саҳродан келган қум бўронлари авлиёнинг ғорини абадиян бекитиб ташлади. Бироқ, шу маҳалда ичкарига кирган одам ҳайрат бармоғини тишлаши шубҳасиз эди: ичкаридаги ҳаво сарин ва енгил, гулларнинг ислари анқиб турар, авлиё эса сажда қилган ҳолида жонини Ҳаққа топширган, балки кўпчилик орзу қиладиган гўзал ўлим эди бу.

Олтой тизмаларининг этагидаги Отгон-Тенгри Уул водийсидан юз эллик қақирим масофадаги Инсон такомилли маркази жойлашган ерни ҳам қум теп-текис босиб тушган эди. Қум узра гоҳ кўриниб-гоҳ кўринмовчи улкан тўмтоқ курт — олғой-хорхой, тушунарсиз равишда имиллаб ўрмалаб борарди.

...Тенериф саҳроларида яна бир баҳайбат тошбақа пайдо бўлди, у ортмоқлаб олган тошнинг узоридаги нақшлар муқаддас ёзувларни эслатарди... ким билсин, балки яна минглаб кишилар шу ёзувни кўриб, имонга келсалар не ажаб?

Саҳрода ҳеч қандай из қолмади, барчаси худди тарих каби супурилиб кетди.

Шамол лўлилар қарвонини ҳам қум билан тамоман қўмди, уларнинг аёллари, болалари ва ҳатто уловлари ҳам қалин ва оғир қум қатлами остида қолиб кетдилар.

Лўлилар қарвони қўмилган жойдан юз эллик километр ғарбда улкан учоқ қолдиқлари саҳро бўйлаб сочилиб кетган эди, қум уларни ҳам теп-текис қилиб босиб тушди. Қараган кўзга шу топда ҳеч нарса кўринмас, уфқларга қадар сарғиш-қизғимтир қум энлаб ётарди: *на учоқ, на учоқнинг йўловчилари ва на Профессор Зиё...*

## ХОТИМА

Янги очилган қум саҳифасида саҳро бўйлаб бир банда ёлғиз кетиб бормоқдайди.

У баланд бўйли, узун сочлари елкасига тушган, ялангоёқ бир одам эди.

Бу одамни кейинги асрларда янада кўпроқ эслайдилар. Уни гоҳ дарбадарликка маҳкум инсонларнинг, гоҳ эса тақдирларнинг ва халқларнинг тимсоли сифатида тилга оладилар.

Ва унга *Боқий дарбадар* деб ном берадилар.



## Умр Ҳасидаси



**Тўлан НИЗОМ,**  
Ўзбекистон халқ шоири

Вақт ўтаяпти, умр ўтаяпти,  
Дарё манзилига етаяпти,  
Дунё бирдай бефарқ кетаяпти,  
Энди ҳеч не бўлолмас мадад,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Айтарингни айтиб қол тезроқ,  
Ёзарингни ёзгил эртароқ,  
Мижжа қоқма ўчмасин чироқ,  
Сени асло босмасин ғафлат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Бойлик йиғиб қайга қўйгансан,  
Молу мулка балки тўйгансан,  
Кимни севиб, кимни суйгансан,  
Қани улар, бировин кўрсат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Чин дўстларинг сендан айрилиб,  
Қанотлари қолса қайрилиб,  
Душманларинг кулар ёйилиб,  
Ёғилар ё раҳмат, ё тухмат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.  
Кўнгил қайсар, унутмоқ қийин,  
Таранглашур тортилган сайин,  
Азоб берар ўйлар бетайин,  
Сўниб борар оташ муҳаббат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Лаҳзаларда мен яшар бир жон –  
Олам ичра ҳазрати инсон,  
Минг тавбани қилурман ҳар он,  
Қайда қолди, қани куч-қудрат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат...

...Бир-биридан ранг олур гуллар,  
Боғлар ичра сайрар булбуллар,  
Тўтиларда ёлғон туйғулар,  
Бир хил эмас сурат ва сийрат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Бу бир жабҳа, мисли ўрмонзор,  
Тенгсиз ҳусн, кўрки диловор,  
Жонзотлари хилма-хил виқор,  
Шундоқ туққан уни табиат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Арслонлари, бўрилари зўр,  
Даркор эмас уларга сим тўр,  
Тулкилар шум, айиқлари ғўр,  
Томошаси доим бенавбат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Дов-дарахтлар ташларди соя,  
Шуъла тушди биланиҳоя,  
Ўтган қунлар кетдию зое,  
Нур қўйнида уйғонди фикрат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат...

...Бола эдим. Экардим пахта,  
Қонлар ютиб лахтаю лахта,  
Ҳориганман мен ўшал вақтда,  
Елкам эзган залворли меҳнат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Компьютерда ишлайди болам,  
Битар дейман энди бир чорам,  
Мардикорга бормасин холам,  
Аёлларда балқисин иффат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Эсимдадир. Бир куни, тонг пайт,  
Онам деди: “Битган шеъринг айт?”  
Жисмимда ўт чақнади ялт-ялт,  
Сўнг тилимда мавжланди шиддат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Каловланиб, ўйланиб бир зум,  
Ўқий кетдим, туйғулар қум-қум,  
Онам йиғлар. Йиғладим юм-юм,  
Тарих бўлди менга ул ҳолат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.





Эрка эдим, мен, шўх-шаън бола,  
Ўн ёшга ҳам тўлмаган чала,  
Ўйингоҳим-кўча, боғ дала,  
Доим шерик эди Муҳаммад<sup>1</sup>  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Отам деди онамга қараб,  
Оппоқ нурли соқолин тараб:  
“Нима ёзди боланг кечалаб?”  
Китоб ўқир эдим мен фақат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Отам деди: “Кун келди, охир,  
Турмуш бўлар сен учун оғир,  
Кампир, ўғлинг бўлади шоир,  
Сен кўрасан, кўрасан, албат...”  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Кейин тунда узилди отам,  
Ёш танамга сиғмади мотам,  
Қолавердим ўртаниб дам-дам,  
Еб ичганим бўлди дард, кулфат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Йиллар ўтди, бесамар йиллар,  
Шамоллари соқолим силар,  
Ичимдагин улар хўп билар,  
Аммо айтмас, жуда бешафқат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Ярим кеча бўрон турганда,  
Илҳомларим хаёл сурганда,  
Деразамга ёмғир урганда,  
Томчи билан қилганман суҳбат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Олдим онам дуо, ризосин  
Ва емадим егим физосин,<sup>2</sup>  
Ёмонларни бердим жазосин,  
Савобларим бўлсин ижобат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Ёлғизликка йўқ экан чора,  
Бечоралар ичра бечора —  
Бўлиб қолдим мен бора-бора,  
Пешонамда шул экан қисмат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Фарзандларга айтар гапим кўп,

<sup>1</sup> Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.

<sup>2</sup> Физо — овқат.

Ташвишлари баъзан эзар хўп,  
Набиралар теграмда тўп-тўп,  
Ширин-ширин орзулар қат-қат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Муаммо кўп, бўлмас қутулиб,  
Кундан айро тунга тутулиб,  
Гоҳо бағрим кетар сўтилиб,  
Қай бирига берайин нисбат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Яхши-ёмон билан гаплашдим,  
Ўнқир-чўнқир йўллардан ошдим,  
Доим улуғларга эргашдим,  
Халқ хизматин қилдим беминнат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат.

Бир севгига бўлдим гирифтор,  
Ташлаб кетди ул севимли ёр,  
Қайрилмади ортига бир бор,  
Қани аҳду паймон, мурувват,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?

Кўп варақлаб умрим дафтарин,  
Сўнг учуриб хотир каптарин  
Ва ушбуни битдим камтарин,  
Бўлармикин кимгадир ибрат,  
Дам ғанимат, дийдор ғанимат?!

**Бўз**





## *Шахмат катъридаги хикматлар*

**Зиёвуддин МАНСУР**

*Шахмат дарсининг муаллими, улуғ устоз  
Озод Шарафиддиновнинг порлоқ хотирасига  
бағишлов*

*Кўплаб юртдошларимиз қаторида мен ҳам, айниқса, Озод аканинг иродаси  
қандай бақувват эканига, унинг қалб жасоратига қойил қолганман.*

**Ислом КАРИМОВ.**

### **МУҚАДДИМА**

Шахмат – ҳаёт,  
Доскаси – замин,  
Ундаги ҳар бир тош –  
Тирик жон,  
Енгиш учун  
Бу дунё ғамин  
Кечар мангу кураш,  
Жанг – сурон.

Ҳар бир катак –  
Бир ҳовли гўё,  
Тошлар эса кўшни –  
Ҳамсоя,  
Сергак туриб  
Барча фуқаро  
Ўз ҳудудин  
Қилар ҳимоя.

Икки ёқда  
Икки саркарда

Лашкарларин  
Йўлга солиди,  
Жанг кетар,  
Бу хавфу хатарда  
Мағлуб ўлиб,  
Ғолиб қолади...

1

Элатларга бойдир бу олам  
Ва тиллар ҳам эмас асло кам.  
Разм солсанг бу тиллар аро  
Бордир яна шахмат тили ҳам.

Шу тилда сирли-сирли хатлар,  
Юксак идрок, олий хислатлар.  
Ўқилгуси шу тилни билсанг,  
Шахмат қаъридаги ҳикматлар...

2

Шахмат узра икки томон бор:  
Бир томон – дўст,  
Бир томон – ағёр.  
Ногоҳ, енгар  
Панд бериб ганим,  
Халқ доимо турмаса хушёр...

3

Муҳими шу:  
Йиқмаслар чалиб,  
Бунда кучмас,  
Ақл эрур тан.  
Курашда ким мағлуб,  
Ким ғолиб  
Саркардага боғлиқ  
Асосан...

4

Давлатда адолат бўлмоғи тайин  
Ва қудрат бўлмоғи табиий бир ҳол.  
Шул боис, Шоҳнинг бир ёнини Фарзин,  
Бир ёнин ҳамиша Фил этар ишғол.

Баъзан ёмонроқ туш кўрса хобида  
Шоҳга борар баъзи каззоб, муттаҳам.  
Шундан салтанатнинг ён-атрофида  
Тизилишиб турар тўралар маҳкам.

Шиддатнинг тимсоли эрур икки от  
Олис-олисларга тиккан кўзини.  
Хавф чиқса Пегасдай чиқариб қанот  
Наф теккан томонга урар ўзини...

5

Гоҳида ғолибсан,  
Мағлубсан гоҳ дам,  
Шундай бир ҳолатдан



Бўлгин хотиржам:  
Гоҳо пиёдадан Фарз чиқар, аммо,  
Асло, Шоҳ чиқмагай —  
Ундан ҳеч бир дам...

6

Якдил ва ҳамжиҳат кучларнинг бари  
Интилар юрт учун ғалаба сари,  
Лекин, не хатар борки урар ўзини  
Юртнинг содиқ —  
Фидо пиёдалари.

7

Ҳарқалай, ҳақиқат бор бу дунёда  
Бу ҳолни шахмат нақд айлар ифода:  
Яъни, оқилона бир юриш билан  
Мот қилиб қўяди Шоҳни пиёда.  
Чунки пиёдалар  
Асосий қавм,  
Шу катта куч енгар  
Борки хатарни.  
Шундан, Шоҳ  
Яқини —  
Аъёнлардан ҳам  
Кўпроқ қадрлайди пиёдаларни.  
Улар ортиқ даъво қилмаслар,  
Ўзларига бино қилмаслар.  
Рақиб  
Фарзин олдига келиб:  
— Кишт! — деса ҳам парво қилмаслар...

8

Бежизга қофия эмас Шоҳ-Аллоҳ,  
Бунга шак келтирган  
Гумроҳдир — гумроҳ.  
Муборак ҳадисда айтилганидек:  
“Аллоҳнинг ердаги соясидир Шоҳ!..”

\* \* \*

Халқнинг қисматидир —  
Шоҳнинг қисмати,  
Халқнинг иззатидир —  
Шоҳнинг иззати.

Ҳақ уни асрасин  
омадсизликдан,  
Халқнинг омадидир —  
Шоҳнинг омади...

9

Асли, хавф бўлмас даф  
Жанг — уруш билан  
Ё юртмас ҳеч тараф жим туриш билан.  
Восита — зўр ҳужум ё зўр ҳимоя —  
Қисмат ҳал бўлажак бир юриш билан...

**10**

Мағлублигинг оқ, қорага боғлиқ эмас,  
Ғалабанг ҳам асло боғлиқ эмас анга.  
Ҳамроҳларинг ландовурми ёки чапдаст —  
Командангга боғлиқ,  
Дўстим, командангга...

**11**

Хоҳ устоз бўлсин, хоҳ  
Талаба,  
Руҳида бор сокин жазави.  
Безовта айлар бир иштиёқ;  
Ғалаба!  
Ғалаба!  
Ғалаба!..

**12**

Албатта, ғалаба қилгунг чинакам,  
Бўлсанг оқил, доно,  
Рост турса ҳакам.  
Шунда ўз халқингга қуллуқ қил,  
Ошна!  
Бахтингга шу халқ бор:  
Мард,  
Жасур,  
Бардам!

**13**

Сени илк бор билган —  
Сенинг устозинг,  
Сен деб бағрин тилган —  
Сенинг устозинг.  
Сенга бахт келтирган  
Бир шахмат эмас,  
Сени ғолиб қилган —  
Сенинг устозинг...

**14**

Мана, якун топмоқда мавзу,  
Дарсимизнинг хулосаси шу:  
Бу ҳаётда шахмат сингари  
Кураш давом этади мангу.

Бўлиб олам аро музаффар  
Қозонайлик ғалаба-зафар.  
Ғолиб Ўзбекистон шаънини  
Безайверсин мудом хушхабар...

**ХОТИМА**

— Шахмат нима берар инсонга,  
Нима берар, хўш, чемпионга?  
— У  
Улуғ Шоҳ ва  
Халқ қудратин  
Кўз-кўз этар  
Бутун жаҳонга!..





## ҚЎЛЁЗМАЛАРНИ БАРАҚЛАГАНДА

**Мирмуҳсин  
ШЕРМУҲАМЕДОВ**

# БЕФАРЗАНД ОЧИЛДИБОЙ

**Роман**

Мундин неча йил муқаддам шахримизни ...маҳалласинда Очилдибой номли бир одам бўлур эди. Ул Очилдибойни фарзанди бўлмай, кеча ва кундуз доғи фарзандга ўртанган эди. Очилдибой ўзи шундай сарватдор эдики, ҳамасрлариндаги бойлардин ҳеч қолишмас эди. Кетба-кет уч-тўрт хотун олиб юбордики, ул хотунлардин бири на қиз ва на ўғул туғди.

---

### ДАСТЛАБКИ ДАДИЛ ҚАДАМ

*Мирмуҳсин Шермуҳамедов – 1895 йилда Тошкентнинг Маҳсидўзлик маҳалласида туғилган. Акаси Мирмулла кўмагида замонавий илм-фанлар билан танишади. 1916 йилда даврнинг пешқадам ёшлари қаторида Уфанинг машхур Олия мадрасасида таҳсил олади. Ўқиш жараёнида дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, маданий ҳодисалар, шунингдек, жаҳон адабиёти билан чуқур танишади. Туркистонга қайтиб келгач, бадий ижод билан шуғулланди. Фикрий, Муҳсиний тахаллуслари билан шеърлар ёзди. Шунингдек, моҳир публицист сифатида қатор мақолаларида жамиятдаги турли муаммоларни қаламга олди. Адиблик фаолиятида эса «Адабий парчалар» номли насрий асар, «Жувон ва жувонбоз», «Эски табиб» номли драмалар ёзгани ва матбуотга топширгани маълум. Лекин бу асарлар нашр этилмаган чамаси, бизгача етиб келган эмас.*

*Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг эътиборли хизмати шундаки, у роман жанрига биринчилардан бўлиб қўл урди. Унинг «Бефарзанд Очилдибой» романидан парчалар 1914 йил сентябрь ойида «Туркистон вилоятининг газети»да босилган. Асар бу жанрдаги илк ижодий маҳсул эканлиги боис бадийлик мезонлари талабидан бир оз паст-*

Анинг касби деҳқончилик бўлуб, бутун Туркистон вилоятига номи тарқалган эди. Ақчаси ҳам жуда кўп бўлуб, муҳтожманд бўлган одамларга юз сўм учун ҳар ойга икки сўмдин ижорага қўяр эди. Афсуски, шунча мол-мулк, дунё соҳиби бўлган ила мактаб юзин кўрмаган бой илми қуп-қуруқ эди.

Тўрт хотун олиб бир дона фарзанд кўрмаганига ич-ичидин ачинуб, гоҳо ўз-ўзига бекорчи хаёлни қилуб: «Агар маним ўғлум бўлса, ўзим тинчгина уйда ётиб ани <нг> даладаги деҳқон мардикорларимга бош қилиб, остига яхши отлардин миндуруб қўяр эдим», деб зolim фалакни дастидин бир оҳ тортиб юборур эди. Ўзини авомлиги учунми, худо агар ўғул берса, яхши мактабларда ўқитдуруб, замона муносибинча тарбия топдуруб эдим, деган хаёл ани дилига мутлақ келмас эди.

Кеча-кундуз ўйлаган ўйи «деҳқонларимга бош қилур эдим» эди. Ҳар замонда ўзум билан бўза ҳам ичушар эди, деб илжайиб қўяр эди.

Очилдибойни ўзи шаҳарни мўътабар одамлари била гап ейиб, ҳамма вақт гапхонада боласи йўқ учун жўраларидин мулзам бўлуб ўтирур эди.

Иттифоқо жўраларидин бири бир кун қизиқчилик қилиб дедик, — «Эй, Очилдибой, агар сизга худованди таоло ўғул берса нима қилур эдингиз?». Ул жўрасин қизиқчилик сўзидин Очилдибойни ранги қиб-қизариб, нима дейишни билмай, — «билмадимки, хаёлига ким келтирди, машоллоҳ», дафъатан жўраларига қараб, — Эй, ҳурматлик улфатлар, сизлар гувоҳ бўлингизким, алҳамд (худо таоло) манга ўғул берса, ман анинг ҳозирги замонанинг хоҳишига мувофиқ мактабларга бериб ўқитдирур эдим. Андин кейин аҳтимол, борки ўлмасдин катта бўлса, дорил-фунунларга ҳам юборур эдим, — деди. Очилдибойни ўзи ўқиш нима ва илмдин қандай фойда ҳосил бўлури билмаган бир авом бўлса ҳам, лекин илм тўғрисига бул каби аҳамияти назари ила гапурғонлиги учун улфатлари таажжубда қолуб ҳам-малари бирдан улфатхонада Очилдибойга фарзанд талаб қилиб, ҳазрати вожиб таоло даргоҳида қўл кўтаришиб дедиларки, «Илоҳи, парвардигоро, бул бандаи ожизларинг ушбу дамда сенга ёлборуб муножат қиламизки, бул жўрамиз Очилдибойни тўрт хотуни бўлуб, бир дона ҳам фарзанди йўқдур. Эмдилиқда ушбу дуомизни даргоҳингда қабул ва мустажоб этуб, бул бечорани ақриган (аслида матн талабига кўра **қариган** бўлади, ҳарф терилишида хатолик ўтган бўлса керак — А.Д) чоғинда лутф-марҳаматинг била биргина ўғул ато қилиб, давлатин илм йўлига ўшал ўғли учун насиб этгайсан омин», деб барчаси қўлин юзига тортушди.

---

*роқ. Лекин ушбу роман кейинчалик «Янги саодат», «Учрашув» (Ҳамза ) сингари асарларга йўл очиб, романчиликнинг ўтиш йўллари босиб, ниҳоят, «Ўткан кунлар»дек муаззам асар яралишида бир тажриба бўлганини таъкидлаш жоиз. Мирмуҳсин Шермухамедовнинг атиги 34 йиллик умри давомида қолдирган адабий меросидан бир парчани ўқувчилар ҳужмага ҳавола этишни лозим топдик. Қуйида дастлаб муаллифнинг «Эътизор» номли мақоласини ўқийсиз. Булар муаллиф таваллудининг 115 йиллигига кичик бир туҳфадир.*

## ЭЪТИЗОР

*Афзуларингизни талаб қиламан эй, муҳтарам қорилар. Жаноби олийларингизга маълум ўлсинки, маним бул тубандаги бўш-бўш сўзларим учун албатта изҳори нафрат этмакларингиз табиийдур. Шундай тақдирда ҳам усули рўмонни ҳар ким тушуниб ўқийдурган даражада осон бўлушлиги керак.*

*Иборат оро сўзлар ила рўмон ёзмак манга ҳеч нима эмас. Лекин кўб одамни тушунмай, фойдасиз қолмакларига сабаб бўлинадур. Шунинг учун ҳозирги тайёрлаган бул рўмонча китобни ўз она лисонимизга енгил қилинуб битирдум. Битдирубки, жуда битган эмас. Алҳол ҳам чаласи бордур. Ҳозир юз варақга яқин ёзилган. Иншооллоҳ, яна ёзурман. Орамизда бўладурган қоидага хилоф ва бидъат ишларимизни*

Ул куни дуолар таъсир қилиб, Очилдибойни кўнгли маънос бўлуб, юраги эзилди. Ҳаттоки кўзидин мулдур-мулдур ёш оқа бошлади. Ўшал куни улфатчиликда ўлтуролмай кўзидин ёш тўкилганча уйиға кетмакға мажбур бўлди. Кўчаларда йиғлай-йиғлай кўзи шишиб чиқди (На лоф). Йиғлагани шул даражада бўлдики, эси оғиб ўз эшигин тополмай, бошқа эшикларға кируб, уй эгаларин таёғин еб қуваланди. То намози шомдин хуфтанға қадар кўча-кўчада адашиб юруб, бир вақтда ҳавлисин топиб борди. Эшигиндин ҳавли ичкарасиға қадам қўйиши ҳамон қулоғиға қаттиғ йиғи овози эшитилди. Ул йиғи овозин эшитгач, андак тўхтаб, яна саросима бўлуб, қадамин ташқариға тортди, ёҳу, манга нима бало бўлди. Давом янглишурман. Бул ҳам маним эшигим эмас, нечук уйимдин йиғи овози келсун, — деб янадин орқасиға қайта кетди. Шунда ҳам кўзидин ёши тинмай давом этмакда эди. Неча кўчаларни кезиб ўз ҳавлисин тополмай ҳайрон бўлуброк, «тўхтачи, маним ақлим бир жойға йиғилсун», деб кўзидин оқиб тургон ёшини рўмоли ила артиб, бир оз ўша ердаги масжидни эшигин олдиндаги супачада ўлтуруб, ўз ҳавлисин қайси кўчада эканлигин эсиға келтураман, деб фикрға борди. Шул фикрға кетиб кўзи уйқуға кетиб бир нимани туш кўрди.

Аллоҳ таоло лутф-марҳамати бирла иккинчи хотуниға бир ўғул ато қилибдур, ўшал ўғлини бешикға соладурган куни эмиш. Очилдибой ўз маҳалласидаги масжидни имомидин ўғлумни исмини нима қўйсам, деб сўраб турган эмиш.

Кўрган тушин асноси шул жойға келиб эдики, хуфтанға азон айтмак бўлиб, бирдан масжид сўфиси беш-олти одам била келуб масжид эшигинда Очилдибой ухлаб ётганин кўруб, тушин этмомиға еткузмай, «кимсан, ҳой тур» деб қўли бирла туртиб уйғотди. Очилдибой ҳам бирдан чўчиб туриб, уйқу галабаси ила ҳам, тақсир, охири ўғлимни отини нима қўяй, айтмайсизми, деб шовқун қилиб юборди. Ани бул ҳолда кўргач, хуфтан ўкумак учун келган одамлар хахолашиб қаттиқ овозда қулушиб юбордилар. Буларнинг қулишганиға Очилдибой кўзи очилиб, уйқуси ўчиб, мундай қараса, атроф қоп-қоронғи. Масжид эшигида одамлар қулушиб турур.

Очилдибой ҳам ўзин уйқусин эканин билиб, тепасиндаги одамлардин жуда хижолатманд бўлиб, нима қиларин билмай, уларға боқиб ангрыйиб қолди. Ул кулуб турганлардин бири бойни таниб, ранги қум-қут ўчиб, пайрав кела бошладди. Чунки бул маҳалланинг нарёғиндаги ...маҳалла Очилдибой маҳалласи эди. Ул таниб пайравлашган одамни Очилдибойдин икки юз сўм қарзи бор эди. Ул ку-

---

*мақола ила ёзиб битдуруб бўлмаслигиға кўзум етуб, шул одатларимиз учун рўмон ёзиб, эл кўзиға воситаси-ла кўрсатишға мажбур бўлдум. Шояд мухтарам ўқуғучиларға малол келмаса, агар малол келадурган даражада бўлса, газет орқали прутест чиқарсинлар. Чунки иккинчи ёзилмасдин тўхтатиладур. Сўзимни зўрлаб ўқитмакчи эмасман. Ибрат учун ёзилган эди. Иншооллоҳ, бекорға қолмаса керак, деб бир тарафдин умидим ҳам бордур. Бул сўзларни демакдин мурод, маним бул рўмон учун қалам тутганимдин бир зот бўлуб, ҳузуриға чақириб айтадурки, газетларда айлаган мазамматинг соб бўлуб, эмди бибисмиллоҳ шайтон китобни битмакға тушиндими? На дунё ва на охиратға фойдаси йўқ нарсаға уруниб доимо рангингизни кўкнори каби сарғайтуруб юрасан. Сан ғийбатчини жабрингдин қачон қутуламиз, ахир? (мана сўз). Ҳўб тўхтанг, бой ака, қутулмоқингизни мундин буён газет кўрсатиб берур.*

*Биноилайх, шул қабила сўзлар бош оғритмак, кўнгил айнитмакдин бошқа фойда келтурмағай. Кўзи очилиб, замонадин ибрат олмаган ҳар кимса нима деса десун, аммо ман ўз маслагимда давом этаман.*

лушган одамларни ҳаммаси ҳам танур эди-ку, лекин қарздор учун Қулаҳмад деган илгарироқ тонуди. Қулаҳмад қирқ ёшларда бўлиб, бечораҳол бир одамдур. Кулганига юз пушаймонлар қилиб, «нокастадин қарздор бўлсанг ҳам йўлда тутар, ҳам гўрда» деган сўз ёдиға тушуб, худо кўрсатмасин, мандин ҳозир масжид эшигида кулганиға қаҳрланиб, пулин талаб қилса, буларни ичида нима деган одам бўламан, деган хаёл бошидин оёғиға қадар бўшаштируб юборди.

Қулаҳмадни Очилдибойдин қарздор бўлганин сабаби будур. Андин икки йил муқаддам ўғлини тўй қиладурган бўлганда, Очилдибойга минг сўмлик вексил бериб, беш юз сўмдин юз сўми учун ҳар ойға икки сўмдин ижораға қарз кўтариб олиб эди.

Қулаҳмад ўзи заргарчилик касби бор бир бечораҳол одамдур. Анинг икки ўғли бўлиб Эрназар, Шерназар исмила борган сари ёши улғайуб хатна қилинадурган даражаға етушди. Қулаҳмадни ўзи дадаси ҳаётлик вақтида анинг давлати ила уйланиб қолиб эди. Йигирма беш ёшда уйланган бўлса, шул 14-15 йил ичида рўзгоридин ажратиб икки ўғлин тўйи учун жамлаган етти юз сўм ақчаси бор эди. Бул пулни албатта ўғлумни тўйиға сарф қиламан деб ниятлаб қўйгандур. Ўтурган ҳавлиси ҳам ўзиники бўлмай, қайин отасидан қолган вурусахўрларни ўртасиндаги 27 саржинча келадургон иморатлари эски бир ҳавли эди.

Ўғулларига келсак, Эрназар тўққуз яшар, Шерназар етти яшар эди. Иккиси ҳам маҳалласидаги усули қадим мактабда ўқур эди.

Қулаҳмадни ўзи яхшигина мулло бўлмай, чаласавод учун чиндан илмни қадриға етмаса керак. Катта ўғли Эрназар Қурьони карим ўқуса, кичиги ҳафтияк шариф ўқур эди. Буларни муаллими усули қадим ила ўқутса ҳам, тарбияи атфол учун ижтиҳоди яхши эди. Чунки тўққуз ёшдаги болани Қурьон ўқумаги албатта муаллимни парвариши ила бўладур.

... Хайрли кунлардан бир кун Қулаҳмад дўконида хаёл денгизиға ғарқ бўлиб ўз-ўзиға айтур эдики, «эмди нима қилсам экан, ўғлиларим бўлса, каттакон бўлиб, тўй қилинадурган бўлди. Ўзимда йўқ эмас бор, алҳамдулиллаҳ, тўй қилсам баъзилар каби қарздор бўлмасдин ўз ёнимдаги ақчам ила қилишга қувватим етар. Ҳозир ёнимда етти юз нақдина бордурким, худо хоҳласа, ҳеч кимға муҳтожлигим йўқдур», деб бул хом хаёлни ўйлаб қўйди. Шул хурофот хаёл бирла кичкина дўконда ўлтуруб, кеч бўлгач, ҳавлисиға қайтуб дўконда ўйлаган фикрини хотуниға маслаҳат ташлади. Хотуни ҳам бул хаёлни кўп вақтлардин бери ўйлаб эриға айтишга истиҳола қилур эди. Эмди эрин ўзидин бу сўзни эшитуб хурсандлиги ҳам ичига сифмай ўшал он қариндош-уруғларига хабар тарқатти. Қулаҳмад катта ўғли Эрназарни маслаҳатбоши бўладурган қайин отасига юборди (эсиз бул тўйни кўролмасдин қайин ота, қайин она ўлуб кетгандур). Ул кун кечаси ҳам қариндош-уруғлари Қулаҳмадни уйиға йиғилиб тўйни маслаҳатинда ҳар қайси ўз фикрин сўзлаша бошлади. Шуларни ичинда маҳалла ходимчаси, дастурхончи ойим ҳам бор эди. Бири айтур, «агар иложи бўлса, эртаға хотуноши қилиб, индинга биратўласи катта ошни ҳам бериб юбориш керак». Бири айтур, «йўқ, тўхта, ҳали бир-икки кун сабр қилайлик. Ҳозир ҳеч ким бул тўйдин хабар топган эмас. Тўй тейушлиликни, қариндош-уруғ, ошна-оғайнилар эшитсун».

Охир маслаҳатда болаларни тоғаси туриб, эй, қариндошлар, жим туринглар. Ман ҳаммангизни отангиз ўрниға ота, онангиз ўрниға онадурман. Нима қилмакчи бўлсангиз, барчангиз маним маслаҳатим бирла қилурсиз. Ҳозирги ҳар қаюнгизни ўйлаган хаёлингиз бўш бир хаёлдур. Чароки — ҳозирда тўйни вақти эмас. Тўй бўлса, мана, ҳайитга тўққуз кун қолибдур. Омон-эсон ҳайитга етамиз, баъдаз ҳайит қиламиз, деди. Анинг бул маслаҳати барча қариндошларга хуш келиб, яна Қулаҳмад била хотуниға ҳам маъқул бўлди.

Филвокеъ ўшал кун ийди қурбон ои эди. ...Ҳамма ҳайит ҳаракатида эди. Ул тоғани сўзин ҳаммалари маъал мамнаният қабул этуб, жаноби ҳақ муваффақ этсун, тўйни ҳайитни олтинчи куниға жазм қилишуб, ул маслаҳатчи меҳмонлар ўзлари учун пиширулган ширқабоқ (сут) ошини бир косадин ичушиб, бирма-бир

уйларига жўнадилар. Маҳалла ходимчаси ҳам бир дона қотган кулча бирла саҳал кам бир табақ сут ошини кўтаруб, ул ерда ичмасдин уйига келтурди.

Ул ходимчи Қулаҳмадни маҳалласидаги масжидни (нг) сўфисин хотуни эди. Анинг учун ўзи ичмай бир табақни тоатга қувват, айлана қолай, ман ичмасам ҳам гўрга, сўфи бобонгиз ича қолсин, саҳар туруб, масжидга бориб, «ла илоҳо иллаллоҳ» дейдурлар, деб ўзидин бурун эрин қорнини тўйдирмакга тушти. Сўфи бобом хуфтанни ўқуб келиб эрта саҳар тураман деб вақтликроқ ухлаган эди.

Хотунларидин бул илтифотни кўргач, ўрнидин сачраб туруб, айвонни лабидаги Ҳайитвой акамни жанозасидин келтурулган бурни пачақ сафол обдаста ила қўлини ювиб, кўзини бир юмиб, бир очиб, тоқчадин ёғоч қошиқни олиб, хўриллатиб совиган сут ошини ҳалиги қотган кулча билан ича бошлади. Ул кунни сўфи бобомни қорни жуда оч, жума ахшоми бўлса ҳам ҳеч ким худойига таклиф қилган йўқ эди. Ул ширқабоқ ила қорни тўймаса ҳам муҳим кифоя бўлди. Хотуни ходимчи Қулаҳмадни уйинда тўй тўғрисидин бўлган маслаҳатларни сар то по сўфига сўзлади.

Қулаҳмадни қариндош-уруғлари бари кетуб, ёлғиз қайин оғасин олиб қолди. Иккиси тонг отгунча тўй тўғрисидин таъйин маслаҳатлашиб таажжуби ақиллар топушдилар.

Кечаси ўтиб тонг отди. Эрта билан туриб чой ичарга тутиндилар. Тоғаси тўй бўладурган болаларга қараб айтурки, эй, жонларим, мана эмди худо насиб этса, сизларни тўйингиз яқиндур. Ман бориб неча арроба қайроқ буюрсам. Иржайиб қаҳ-қаҳ кулишиб, ул болаларни уялтуруб, озгина йиғлатиб ҳам олди. Булар шу гуфти гўда ўлтурурларки, эшик занжири шарақ-шуруқ садоси эшитдурди. Қулаҳмад тездин чиқуб қараса, домла имом сўфини эргаштириб келган ва, ассалому алайкум, ҳа, Қулаҳмадбой, барчамизга муборак бўлсун. Яъни ўғулларингизни хатна қилмакчи эмишсиз. Боракаллоҳ, мана ҳиммат, деб секингина ер тегидин сўфига кўз қисиб қўйди. Маҳалла ...сўфиси ҳам сўзга тушиб, ҳа, тақсир, мана эмди Қулаҳмадбой яхши ғайрат қилибдурлар. Масалан, яъни ҳар қанча кучлари бўлса кўрсатадургон вақтларидур. Қани худо ўғил берса, ҳамма ҳам шундай ҳаракат қилиб кўрар эди. Бул каби яхши тўйни одам фарзанди бутун умрда бир мартаба ё кўрур, ё йўқ. Давлатларига келсак, алҳамдулиллоҳ, Қулаҳмадбой камбағал эмас. Бир маҳаллада ўзига яхши обрў ҳосил этгандур. Яъни албатта бул кори хайр тўйига пулни аямаса керак. Кори хайрни худони ўзи етказаман дегандур (Қулаҳмадга қараб). Ман сизни тўй ҳаракатиға тушганингизни кечаси хотунимдан эшитуб, жаноб домулломга айтуб эдим. Домуллом бул хайрлик сўзни маним оғимдин эшитуб шундоғ суюндиларки, шу кунга бемалол шошилмасдин ўқийдурган авроди фатҳияни бугун тез-тез ўқиб, сизни хурсандлигингиз учун муборакбодликга келдук. Мана эмди нима қиласиз, ихтиёр ўзингизда, деди. Мундин бул сўзни эшитуб бечора Қулаҳмад хаёл дарёсига тушиб нима қилурин билмай, бул мўътабар азиз меҳмонларни ўлтурғузишга меҳмонхонаси йўқ, гарданин ерға солганча тўй қиламан деб овоз чиқарганиға минг пушаймон қилиб ҳавлисига кириб хотуни била қайин оғасига қараб дедики...

Қулаҳмад сандироқлаб уйга кириб кетгач, домулло имом бирла сўфи иккиси эшик олдида қолиб, бир-бирларига фош қилмасдан хаёлга бориб, ўз-ўзича домулло имом айтур: «Бугун кечаси (машоллоҳ) нега уйқум келмади экан, аёғимда нон фарча ётгон ё китоб-митоб қолибдурми десам, йўқ, хайриятчилик муаккиллариим Қулаҳмад(нг) тўйидин воқиф қилмак учун ухлатмаган экан. Мана бизлар худо деган бандамиз. Бир кеча уйқудин қолиб чекгон риёзатимизға мана бугун ҳозир ажрини кўраман. Шоир билиб айтгандур:

*Яхшилик Дажладаки қил жондин,  
Ажрини Ҳақ берур биёбондин.*

Мана бир кеча аллоҳ таолоға ўз манфаатим учун яхшилик ила риёзат қилиб эдимки, ҳай-ҳай, эмди билмадимки, Қулаҳмад қаримтасин қандай қайтарур».

Сўфи ўз хаёли била бўлади. «Лекин хотунинг бўлса, шундоғ бўлса экан. Бул тўйни манга хотуним айтмаганда, кимни хабари бўлур эрди. Уйимга боруб Рихсибойни онасин етгисидин келтирулгон қаттиғ нон бирла чой ичар эдим. Май қуйиб нурҳол мунда бу кун қорунни силаб, елкани қичуғин босдуруб чиқамиз. Уйдаги қора қумғонла домулло нон чайнагани эрта-мерта йўлда бошқа овқат учраса кейин ичарман, нима бўлди. Кеча ростон ҳам Болтай Муҳаммади масжидни қизига қудасиникидин баркашда ош келади, деган эди. Кеча панжшанба куни келмади. Ё келса биза билмадимки, тўхта, домуллодин сўрайчи». Домла имомни туртади.

– Тақсир, кеча панжшанба куни Болтай Муҳаммадни қизига қудасин уйидин ош қиладурмиш, деган эди. Ман ўшанинг учун уйимда қазон қайнатдурмай, оз бўлмаса оч қолган эдим десангиз. Қулаҳмадни уйидин бир табақ ошни маним бирла кулча олиб борган экан. Тоатга қувват деб шуни ичиб ёта қолдим. Нима учун ани қудаси ош юбормади? Сиз билдингизму?

Домла:

– Эй, сўфи, сизни ҳали хабарингиз йўқму? Ул Болтайбойни қудасин маҳалласида хилофи шарр мактабхона бор. Номи усули жаид деган. Ул мактабни домласи Болтай Муҳаммадни қудасин қариндоши экан. Ул тўхтатган эмишки, қуда, ҳафтама-ҳафта ош бериш келишмаган иш деб. Ва ҳам исрофчилик бўлмаган нарсани, пул чочгунча ортуқчасин жамияти хайрия ё мактабларни фойдаси учун беринг, дер эмиш. Мана шунлоқ яъжуж-маъжужлар чиқиб, бизларни ризқимизни бўлмакчи бўлиб турур.

Сўфи шошилиб қолади.

– Тақсир, тақсир, нима дедингиз? Ҳали ул усули жаид домласи бу бўлмакчи бўлса, эртага ёки бозор куни ҳам юбормасмукун?

Домулло:

– Албатта, шундоғ.

Сўфи:

– Ох, шўримиз қурсин! Ул мунофиқлар жинси одамдин бири бўлиб, келуб ёзган қоидаларни йўқ қиламан дейдурми? Худо сақласун, ўшани учун замона охир бўлуб борадур. Эй, тақсир, айтганингиздек, ман бир кун ўшал маҳалладин ўтуб кетаётиб эдим. Заҳар танг қилиб, усули жаид ўқитадурган масжидга кириб таҳорат ушатмоқчи бўлдим. Мактабни ичиға мундоғ қарасам, ўрус ўтирадурган усталлар қўйилган. Мактаб бачаларни иккита-учтаси ул усталда аёгин чолиштируб, ўрусни попирусини чекиб турур. Яна мактабни эшигида ўрусни минадурган икки гилдираклик шайтон аробаси турубдур. Ман шуни кўруб ўзумга иймон ўгуруб қочиб чиқдум. Ўшал кундин бери ул мактаб болаларидин бирини кўргандек бўлсам, даров иймон келтураман. Худоё тавба қилдим, ўзинг кечургин эмди. Уларни ўзин мунофиқлиги камлик қилиб тўйда бўладурган қоидаларни ҳам йўқ қиламан деюрми? Анинг ичида ўрус тилини биладурганлари ҳам борга ўхшайдур, – деб чўнчагидин тасбеҳин олиб усули жаидчилардин омонлик тилаб астағфируллоҳ, астағфируллоҳ деб ўгура бошлади. (Келайлук эмди Қулаҳмадга)

Қулаҳмад бул икки зотни олдиларидин кетуб, ҳавлисиға кириб, хотуни била қайин оғасиға қараб:

– Эй, азиз маслаҳатгўйлар. Тўй қиламан деб оғиз очиб юргунча, аввал тўйга сарф бўладурган ақчага бир меҳмонхона солиб, андин кейин тўй ҳаракати қилиш керак экан. Мана кечасидаги тўй тўғрисида қилган маслаҳатимиз домулламиз ила эшон сўфиға маҳалла ходимчаси айтибдур. Булар шул даража хурсанд бўлубдурларки, шул куни кун чиқғанда ўқийдурган ишроқ намозларини бугун ўқумай каминани кўнглини олгани келишибдур. Эмди ман нима қилуримни билмайдурман, – деди.


Қайин оғаси Қулаҳмадга қараб, – эй, язна ул домулло имом бирла сўфи бўладурган бўлса, кўнглингизни овлагани келмай, балки елкаларин қичуғин қондургани келишгандурлар, – деди.

Хотуни Қулаҳмадга боқиб, – айланай, эр, – сиз нима учун хафа бўласиз? Меҳмонхона соламан деб, тўйни маслаҳатин бузуб мани қавму қариндошимни

ичида субутимни ушотиб одамгарчиликдин чиқармақчимисуз? Домулло поччамдан айланай, кирсалар мана жой. Ман уйга қочиб тураман, – деб уй ичига кириб кетди.

Қулаҳмад хотунин бу ақлидин хурсанд бўлуб, югурганча эшикга чиқиб, домулла ила эшони сўфини таклиф қилди. Сўфи усули жадидчилардин паноҳ тилаб бошин уён-буёнга силтаб ташлаб тасбеҳ ўгурмакда эди. Ул жаноблар бажонидил таклифга изҳори ташаккурлар айтуб ичкари ҳавлига киришдилар. Хатна бўладурган болаларни пешонасидин ўпушуб, тоғаси бирла кўрушуб, чойни тепасига ўлтурдилар. Қаттиғ овоз бирла фотиҳага қўл кўтаруб, тўйни дуосини узундин-узоқ чўзуб охир дуода худо таоло кўкрагингизда ўйлаб юрган талаб мақсудингизга еткарсун, омин, аллоху акбар, деб дуони тамом қилдилар.

**Нашрга тайёрловчи: Адиба ДАВЛАТОВА**



*Улуғ ақл эгалари ўз олдиларига мақсад  
қўядилар, қолган одамлар ўз истаклари  
орқасидан эргашадилар.*

**У. Ирвинг.**

*Ўзига енгил ҳаёт ахтарган киши чиндан  
ҳам аянчлидир.*

**Д. Жордон.**



*Бир манзара бахш  
этди чирой*



**Хосият РУСТАМОВА**

\* \* \*

Оқшом. Кўкка қалқиб чиқди ой,  
Ором топди замин, теварак.  
Бир манзара бахш этди чирой,  
Шамолларга талпинди юрак.

Бахтга тўлиб, энтикиб олам,  
Сокин ҳаёт узра гул тутар.  
Фақат, фақат ойнанинг ортидан  
Эргашади отлиқ булутлар.

\* \* \*

Мендан бошқа нарса сўрама... Токим,  
Мен бахтли бўлишга шимарганман энг.  
Мени шунча яшаб ўтган ҳаётим  
Бугунги кунимга келолмасин тенг.

Худога илтижо қиламан тинмай,  
Майли, қўлларимдан кетса ҳам мадор.  
Бугунги кунимдан бир қадам жилмай,  
Мен бахтли бўлишга турибман тайёр.

\* \* \*

Тўкилса ҳам, о, шунча хазон  
Кўмолмабди. Бордим олгани.  
Этавердим йўлимда давом,  
Чўнтагимга солиб олмани.

Сўнг юракка тушди титроқ, зарб,  
Тақдир мени қилдими таҳрир.  
Балки кимдир қўйиб, атайлаб  
Бир чеккада қараб тургандир.

Ўша йўлдан ўтсам ҳар замон,  
Қўрқув, ҳадик тушар изимга.  
Бегона боғ, тўкилган хазон  
Ва бир олма келар кўзимга.

Ўғри, деган номни мен гўё  
Йилдан-йилга юрибман олиб.  
Олма бўлиб қолсайди дунё,  
Кетсам эди чўнтакка солиб.

\* \* \*

Қизариб кетгандир кўзим йиғидан,  
Қўлимда эзилиб кетгандир киприк.  
Бошқа нарсаларни ўйлайин, десам,  
У ҳамон хаёлда юрибди тирик.

Неча бор юзимни ювар совуқ сув,  
Ўзимга келтирар шамол ўртаниб.  
Барибир, юракдан қараб турар у,  
Қовургаларимга суяниб.

\* \* \*

Тонг отар..  
Теварак тўлар жаранга,  
Баҳор ҳар томондан келади оқиб.  
Кундузга кўрсатмай, кириб хонангга  
Тунларни эгнингдан ташлайсан қоқиб.

Яп-янги кун билан тўлади хонанг,  
Сен ҳар ишингни қиласан билиб.  
О, яна кечқурун келасан аранг,  
Қоп-қора тўнларни эгнингга илиб

\* \* \*

Бир нуқтаман.  
Кичик бир нуқта,  
Мени қайдан олгансан йиғиб?  
Дунё, шундай катта ҳолингга  
Яшайсан кўзимга сиғиб.

Балки, мени қилмайсан писанд,  
Оҳ чекмайсан йиғи-сиғимдан.  
Балки, қанча катта бўлсанг ҳам,  
Кичкинасан қорачиғимдан.

\* \* \*

Деярли ҳеч нима бўлмади содир,  
Айтилгани ҳам йўқ арзигули гап.  
Ҳеч кимга ишонмай дур каби нодир  
Ўзим вужудимни юрибман судраб.

Менинг одамлардан қолмаган фарқим,  
Туриш-турмушим ҳам одамларга хос.  
Кўзёшим турибди ўзимдай қалқиб —  
Кипригим силкиниб бормоқда, холос.

\* \* \*

Нима қилсанг, қилгину, ўйла,  
Шукр, қилсанг бўлди бориға.  
Фақат мени топшириб қўйма  
Қўлларимнинг ихтиёриға.

\* \* \*

Қаерларда эдинг, ахир, шунча йил,  
Ҳаётинг — қўрқинчли узун тушмиди?  
Ҳеч йўқ ўтаётиб дарвозамни бир  
Тақиллатиб ўгиш қийин ишмиди?

Энди, бу дунёда қолиш ҳам оғир,  
Кийиниб... кетишга турганимда шай.  
Турибсан умримнинг қаеридадир,  
Кузатгани чиққан уй эгасидай...



**Гўзал БЕГИМ**

## *Келаётган сабо*

### **Оралиқ**

Парда  
парда ортидаги фикр  
фикрни кучаётган аёл  
ва аёл кўзидаги суврат  
туйғулар ортида ёнаётган шам

Келаётган сабо кетаётган сас  
умиднинг ёнлама томони  
бармоғимдан сочларимгача  
оқиб ўтаётган нилуфар дарё

Ҳаво оқимидаги қушча  
такрор ҳаракати ўша қушчанинг  
ва ҳеч кимга яқин йўламаган шафқат  
кўксимдаги кулнинг парвози

Борлиқ  
тутун орасида ўсаётган майса  
табассуми юрагинг изин  
кўкка узатилган битта қўл  
ва қоғоз қўғирчоқ тунлари

Мовийлик четлари чайилган  
дарахтларда тонгли тўлқинлар  
кўзларнинг чўкинди шафағи  
кўзларингнинг изи оралиқ

Паришон сўқмоғи хаёлнинг  
бармоқларим учи ҳарорат  
мендан кетиб бораётган ёмғир  
ҳам япроқ остида ҳўл ҳаё

Оёқларинг уйқуси масофа  
кичрайган сабрнинг увоғи  
қирғоғи исмингнинг чандилган  
ва менинг кўзларим қораси

\* \* \*

Изтироб уюмин  
ёнлаб ўтаяпман  
нафасим тақиллар пошнамда  
кўзларимда қочқин умидлар  
гулли  
хаёллар  
бахтнинг қарама-қарши томонлари  
бошин чўзиб қарар  
кўзимга

### Тун кўрфази

#### 1

Кеча яна тушимга кирдинг  
қора булут ҳамда оқ булут  
антиқа алфозда  
ёритди тушимнинг оқшомин

Кўзларимнинг қора кунларин  
олиб кетган эдинг ўзинг билан сен  
фақат оёқ изинг турар япроқда  
бошқа ҳеч нима

Тун кўрфазига сочилди борлиқ  
кўзёшлари сукунатнинг  
қўйлагимга томчилар эди  
қўйлагим титрарди тушимда

#### 2

Сени кутаяпман  
кутмаётган одам алфозин  
эслатади қиёфам

Бандаргоҳлар учиб кетган  
тош асрими-қум асригами  
қушларнинг парвози эгилар  
тўхтатар шабада ёруғлигини  
овозимдан тўкилган тунда



3

Юрагимда осилган кўзларинг  
кўзларим қувилган  
тўхтаб қолган куннинг қаърига

Зангори сабо  
келмаётган куннинг товуши  
ҳамда  
ғижимланган куй қўланкаси  
мени михлаб қўяр ой шуъласига

Эврилдим ғамтортар  
дилиқаҳқаҳ маликасига

4

Туғилмасдан аввал  
ёки туғилгандан сўнг  
исмингни ҳовучладим кўзларим билан  
ярақлаб кетган эди борлиқ

Мунтазамликни таҳрир қилиб  
ғиёҳлар шодлигини  
олиб келдим сенли кунларга

Кўзларимнинг чуқурларида  
ёмғирлар кутарди шафақни

Нафасим иссиқ эди ҳаддан ташқари  
чегириб ташланган ёруғликда мен  
юрагимга босдим энг оғир тунни

5

Тун – биллур қароргоҳ  
мум кўзлардан асрайди бизни  
кўзларим четида синади сувлар

Гуллайверар асли гулларнинг  
ёмғирнинг товуши ўзгармас  
ёғаверар минг йилдан сўнг ҳам

\* \* \*

Кўзим бўйлаб кетаяпти куз  
чайқалади оёқ товуши  
армонлари кўркам шаҳарда

Томчиларнинг нурларин силаб  
хаёлимнинг жасоратида  
кўрдим гулнинг эгик баргларин.

Кўзларимда мусофир тунлар  
сенсизликни марҳамат қилиб  
кафти очиқ кетган орзулар

Куйлагайдир армонлар қўшиқ  
юрагимнинг кул чўққисига  
ёйилади сочларим акси



## ҲАҚИҚАТ ОҒРИҚЛАР ЗАМИНИДА ТУФИЛУР

### Ёзувчи Асад Дилмурод билан суҳбат

— Асад ака, бир қатор тарихий асарлар муаллифи сифатида айтинг-чи, ижодкорни тарихий мавзуга қўл уришига қандай омил туртки бўлади? Шу масалани 80-йилларнинг охирида Маҳмуд Торобий мавзусига мурожаат этишингизнинг ижтимоий, ижодий-руҳий омиллари мисолида тушунтириб берсангиз.

— Маълумки, сўз санъатини теран тушунадиган ҳар бир ёзувчи йиллар давомида дилида ардоқлаган ижодий позицияси таъсирида яшайди. Шу мураккаб жараёнда фаол фикрлайди, машоҳада юритади, изтироб чекади ва, охири, фавқулодда нимадир ёзиш эҳтиёжи туғилади. Сиз айтётган “туртки” эстетик муддаони рўёбга чиқаргани ундовчи шу эҳтиёж бўлса керак.

Тарихийми ёки замонавийми, агар муайян мавзу кенг маънода кўнгил заруратига айланмас экан, ёзувчи, бадиий тафаккур майдонида эмин-эркин ҳаракат қила олмай, ҳатто ўзини фикрлаш-ўйлаш тарзи чекланган одамдек сезади. Натижада, руҳий эврилишлардан маҳрум схематик оқимга тушиб қолади, моҳиятни теран бадиий бўёқлар воситасида очолмай, юзаки баён билан кифояланишга мажбур бўлади.

Агар эслаб кўрсангиз, 80-йиллар аввали ва, айниқса, охирида мамлакат адабий муҳитида алоҳида ижодий кўтарилиш кузатилган эди. Кўплаб салоҳиятли қаламкашлар миллий прозамиз ва поэзиямиз мазмун-моҳиятига мураккаб ижтимоий ҳаётнинг рангин бўёқларини олиб киришди, узоқ йиллар давомида шакланган қолипларни парчалаб, оламни ва одамни янгича идрок этиш йўлидан боришди. Шубҳасизки, бу нарса, аввало, ҳаётий зиддиятлар билан руҳий кечинмаларни теран бадиий талқин қилиш, жаҳон адабиётида тўпланган тажрибаларни ўзлаштириш борасида равшанроқ билинди.

Муҳими, эл назарига тушган бадиий пишиқ асарларнинг аксариятида, ўша пайтда, мамлакат эркини бўғиб қўйган истибдоддан норозилик туйғулари турли бадиий усуллар орқали акс эттирилди. Адиблар ва шоирлар, айниқса, халқимиз тарихига кўпроқ мурожаат қила бошлашди, аниқроғи, мозий орқали ўзларини қуршаган ижтимоий ҳаёт ичкарисига назар ташлашни энг самарали йўл ҳисоб-

лашди. Ўтмишда озодлик учун курашган ва жонларини қурбон қилган шахслар образларини яратишиб, улар тимсолларида ўз идеаллари ва муддаоларини мужассам этишди.

Тарихга нисбатан пайдо бўлган ихлос-эътиқод ва меҳр-муҳаббат туйғулари камина учун ҳам бегона эмасди. Дастлаб, Самарқанд кечмиши ҳақида тарихий очерклар битдим, шунинг самараси ўлароқ “Шердор” номли ҳикоям туғилди, кейинча эса у қиссага айланди. Охир-оқибат тарих мени нур ва зулматдан иборат оламига тортиб кетди, кўз олдимга ўқилган-ўқилмаган ва ўрганилган-ўрганилмаган саҳифаларини рўпара қилди, кейинча олис масофадан ёғду таратиб турган улкан сиймолардан бири — Маҳмуд Торобий билан ғойибона ва руҳан учрашиш истаги оромимни ўғирлади. Улуғ саркарда ёди ва хаёли билан яшай бошладим. Айни шу руҳий ҳолат, аввало, ижодий эҳтиёжнинг бир қирраси эканини англаб турибсиз.

Бошқа томондан, ўша даврдаги ижтимоий тузум адолатсизликларига нисбатан ботиний нафратим шу эҳтиёж асоси бўлиб хизмат қилгандек туюлади. Кўпгина тенгқурларим қатори, ўша кунлар юртни ҳур кўришни камина ҳам зимдан хоҳлардим, элу элат дилида умид уйғотувчи, руҳий кемтикларни тўлдирувчи сўзимни айтишга мойил эдим. Ана шу имконни Маҳмуд Торобий қалби, ўша қалбда илдиз отган ва аёвсиз синовларга букилмайдиган мустаҳкам эътиқод, сабр-бардош, ирода ва хоҳиш-истак берганидан мудом мамнунлик туяман.

Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ҳарбу зарб моҳирлари сафида турадиган Маҳмуд Торобий шахси ва у яшаган давр ўта мураккаб эканлигини тасаввур қила олардим. Шу боис, ўзим ва қаламимни синанаш, руҳан тайёрланиш ва мавзуга яқинлашиш мақсадида, дастлаб, “Яроғдаги битик” номли ҳикоя ёздим. Ҳикоя матбуотда босилиб, турли баҳсларга сабаб бўлгач, анча руҳландим, журъатимга журъат қўшилди. Сал кам беш йил давом этган меҳнатимга нуқта чекар эканман, роман бениҳоя юки оғир жанр эканини, ҳаётни ва одамларни пухта билиш, руҳият манзаралари, турли тўқнашувларни ишонарли бадийий бўёқлар орқали теран талқин қилиш заруриятини тақозо этишини англадим.

— *Мавзунини бадийий талқин қилишда Ойбек домлага нисбатан бошқача ёндошгансиз. Ўртада анча фарқ борлиги сезилади. Ҳолбуки, сиз ҳам улуғ адИБИМИЗ таянган манбаларга асослангансиз, бунинг сабаби нимада?*

— Ойбек домла “Маҳмуд Торобий” драматик достонини ёзганида ҳали сизу биз дунёга келмаган эдик. Орамизда турланиб турадиган ижтимоий тузумнинг турфа қирраларини акс эттирувчи макон ва замон ястаниб ётибди. Олижаноб қалб эгаси бўлган устоз инсон ҳақ-хуқуқлари исканжага олинган, руҳий эркинлик бўғилган ўта мураккаб даврда, тагин устига-устак, қиргин-барот қонли уруш бораётган таҳликали вазиятда ижод қилганини унутмаслик керак. Шўровий мафкура барча жабҳада муттасил зўравонлик сиёсатини юргизгани, жумладан, адабиёт ва санъатга жиддий таъсир ўтказгани, инсонга хос жамики фазилатлар — эътиқод, истеъдод, тафаккур ва орзу-умидларни қолипига мослаштиргани энди сир эмас.

Маълумки, соцреализм методи фақат шўро тегирмонига сув куйишдек жоҳилонга хизмат билан машғул эди, бутун диққат-эътиборини асосан моддий дунёнинг алдову бўҳтон ва қалбакиликдан иборат маслаклари ҳамда ақидаларини кўкларга кўтаришга қаратарди, ҳаёт зиддиятлари, хусусан, инсон руҳий оламида кечадиган тугёнлардан юз ўғирарди, миллий қадриятлар ўзаги ҳисобланган турли динлар, айниқса, ислом дини билан чиқишмасди.

Ҳукмрон мафкура назорати остида ривожланган бу метод ўзини, айниқса, тарих ҳақиқатига мутлақо бегона тутарди, ўтмиш китоби саҳифаларидан кир қидиргани устига, уни манфаат бўёғи билан безаб кўрсатар, шўровий маслак ва йўл-йўриқларга мувофиқлаштириб ёритар эди.

Мана шундай шароитда Ойбек домла тарихий ҳақиқатларни оғишмай талқин қилиш позициясини ёқлаб чиқди ва улуғ мутафаккир Алишер Навоий образини

адабиётга олиб киришга муваффақ бўлди. Бу жасорати учун ҳақиқий шуҳрат ва иззат-икромга лойиқ эди. Лекин ҳукмрон мафкура тазйиқи остида бунинг тескари-си рўй берди: фавқулудда туҳматлар бўҳронига учради, яъни, чинакам сўз санъати-га хос юқори маҳорат билан, чексиз қону зардоб ютиш эвазига заргарона йўсинда иншо этилган асари ноҳақ қораланди. Натижада, дилдан эзилди, руҳий азоблар гирдобиди қолди ва мафкура калтагидан ҳимояланиш йўларини қидирди.

Ана шу ҳаракат натижаси ўлароқ туғилган “Маҳмуд Торобий” драматик достони архитектуроникасида озми-кўп шўровий мафкура ва соцреализм методи таъсири билиниб турса керак. Чиндан бу нарса, аввало, ижобий ёки салбий қаҳрамонлар психологияси талқинида сезилади, хусусан, сюжет қамровида исломий руҳ бир қадар саёздек туюладики, бунинг сабабини яхши тушунамиз.

Шаксиз, агар чингизийлар босқинигача ва шу босқин даврида ислом дини халқ бошини қовуштирувчи маънавий омил бўлгани, киндик қони томган тупроққа муҳаббат, элу юртга эътиқод шу омил туфайли шаклланигани, қолаверса, ислом фалсафаси заминида туғилган сўфийлик таълимоти руҳий эркинлик тамойилларини тарғиб этувчи қудратли куч саналиши асар руҳига сингдирилганида нур устига аъло нур бўлар эди.

Адиб беназир қобилият, букилмас ирода ва эътиқод кишиси бўлгани учун, ҳукмрон мафкура ҳар қанча тазйиқ ўтказмасин, сўз санъатига хос энг муҳим ҳаётий омиллар — чинаккам ҳаққонийлик, бадиийлик ва эстетик жозибадорликни сақлаб қололди, илдизи чуқур мезонлар, бинобарин, олис тарихимизнинг эътиборни тортадиган маънавий тамойиллари бузилишига йўл қўймади, мозий сабоқларини миллий руҳият ва миллий характер кўламли асосида ёритиб берди. Устоз меҳр билан яратган Маҳмуд Торобий сиймоси, фақат ўша кун эмас, ҳамма даврлар учун қимматли бўлган орзу-умидлар, қайғу-ҳасратлар ва қувончларни яққол ифода этган ва у шунинг учун ҳам ҳақиқий миллий қаҳрамон — келажак одамига айланган.

Ойбек домла мероси, заковати ва бадиий маҳорати сирлари дилимга қувват бўлганини алоҳида таъкидлагим келади. Устоз яратган мактаб сабоқлари мозий кенгликлари, хусусан, Маҳмуд Торобий даври шарт-шароитига бугунги кун назари билан қарашга ундаб турди. Натижада, роман умумий руҳида ўша замон учун хос ижтимоий-маънавий иқлим, исломий эътиқод, газавот ботини ва зоҳири иложи борича тўлароқ акс этиши учун имкон туғилди.

— *Ёзувчи Тоҳир Малик билан бўлган суҳбатда Ойбек домла “Маҳмуд Торобий” драматик достонини ёзиш билан “қаноатланмаган”и ва “Халқ қалқони” пьесасини ёзишга киришганини таъкидлайсиз. Сизнингча, улғу адибимиз нима сабабга кўра қониқмаган?*

— Ойбек домла жўшқинликка мойил, ботинида исёнкорлик ва фалсафий ёлқин мужассам ҳаётий материалларга ишқибоз бўлганини яхши биласиз. Оддий халқ орасидан етишиб чиққан саркарда Маҳмуд Торобий шахси ва фаолиятида айнан шу хусусиятлар намоён эканлиги эътиборини тортади ва шунинг учун ҳам шу мавзунини ёритишга ҳаракат қилади. Қолаверса, бу мавзуга қўл уришга кўпроқ қирғин-барот уруш туртки берган. Ҳатто ҳукмрон мафкура шундай асар ёзишни адиб зиммасига ижодий буюртма тарзида юклаган бўлиши ҳам мумкин. Ўша даврда юрт бошига қора кунларни солган босқинчи ёвга нисбатан халқ қалбида нафрат туйғусини уйғотиш муҳим ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ҳамид Олимжон “Муқанна”ни, Мақсуд Шайхзода “Жамолдин Мангуберди”ни ёзишган бўлса, Ойбек домла “Маҳмуд Торобий”ни қоғозга туширди.

Адиб ҳаётга муносабат бобида ҳозиржавоблиги билан алоҳида ажралиб турадиган драматик дoston жанрида қалам тебратгани бежиз эмас. Бу жанр ғоявий-бадиий имкониятлари анча кенглиги, характерлар ички дунёсини ёритишда ўнғайлигини юракдан теран ҳис этади, бу жанрга хос шиддатли йўналиш, яъни персонажлар мулоқоти орқали янграйдиган сўзлар теран эстетик таъсир кучига эга

бўлиши лозимлигини тўғри белгилайди ва бадиий жиҳатдан бақувват асар яратишга эришади.

Айни пайтда, таъкидлаш лозимки, адиб ҳаловатини ўғирлаган ижодий режасининг дастлабки босқичини амалга оширган эди, Маҳмуд Торобий сиймоси кенг қамровли экани, бу сиймода жамланган фазилатлар, айниқса, Чигатой қўшинини яксон қилган ғазавот тўлқини ҳажман анчайин кичик асар доирасига сифмаслигини чуқур англари. Шу боис, Маҳмуд Торобий ва содиқ сафдошлар мураккаб оламига чуқурроқ кириб боришни истайди, янглишмасам, “Алишер Навоий”дан кейин яна тарихий роман жанрига мурожаат қилишни мўлжаллайди.

Адиб, драматик достонини битиргач, Маҳмуд Торобий ҳақида Александр Дейч билан ҳамкорликда битилган операни саҳнага чиқаришда иштирок этгани, “Халқ қалқони” ёки “Ғалвирчи” пьесасини ёзишга киришганини назарда тутсак, катта мақсад йўлида қизгин тайёргарлик бошлаб юборганига ишонини мумкин. Кишини ҳаяжонга солувчи қанчадан-қанча қораламалари сақланиб қолган ва айримлари кўп жилдлик сайланмасига киритилган.

Кузатувимга кўра, бирон йирик асар учун танланган мавзу моҳиятини муфассал ўрганиш, сюжет ва композиция мағзига сингдириладиган руҳий асосларни аввал кўнгил иқлимида жонлантириш – синтез қилиш ва шундан кейингина кўлга қалам олиш Ойбек домла ижодий иш услубига хос ҳодиса эди.

Лекин, афсуски, устоз олдига қўйилган эзгу муддаосини ниҳоясига етказишга улгурмай армонда қолади. Бунинг сабаблари эндиликда равшан: бирламчи, давр тақозоси билан бошқа ижодий режалар ижросига киришиб кетган бўлса, иккиламчи, тарих қудратини фақат ўз манфаатига бўйсундиришни хоҳлайдиган ҳукмрон мафкура йўлига гов ташлаган.

– *Ойбек домла Маҳмуд Торобий образи мисолида замонаси муаммоларини ёритгани каби, сиз ҳам унинг тимсолида асар ёзилган вақтда мавжуд бўлган масалаларни ёритишга интиласиз. Бундан тарихий-бадиий материал мақсад-муддаони англаштишда восита вазифасини ўтайди, деган хулоса келиб чиқиши табиий. Шундай эмасми?*

– Тушунишимча, эътиборимни тарих сабоқларининг ҳаётий ўрни-мавқеи – маънавий-маърифий ва эстетик-тарбиявий аҳамияти ҳамда ушбу омилларни бадиий нуқтаи назардан рўёбга чиқаришда ижодкор нималарга эътибор бериши зарурлигига қаратмоқчисиз. Таъбир жоиз бўлса, ижодкор авваламбор мана шу жараёнга алоҳида эътибор бериши керак, негаки, бу жараён сўз санъати моҳиятига тегишли бўлиб, бадиий ижод етуклиги, ҳаётийлиги, ҳозиржавоблигини таъминлаш ва романтик миқёсини белгилашда муҳим ўрин тутаети.

Тарихнинг муайян нуқтасига қизиққан адиб, руҳан ва хаёлан ўша нуқтани ишғол қилмас экан, ҳаётий изтироблар ва кечинмалар билан йўғирган ҳолда, яшаб турган даврига хос маълум бир бўшлиқни тўлдиришга йўналтирмас экан, қимматли вақти ва қалами кучини беҳуда сарфлаган бўлади. Қадимда яшаган аждодлар дунёсини бадиий тафаккур чиғирини солишдан кўзланган бирламчи мурод ўша дунёга хос оқу қора ранглардан меросхўр авлодни огоҳ этишдир. Яна ҳам аниқроғи, кечаги кунни бугунги ва эртанги кун билан бирлаштириш, бадиий-эстетик жиҳатдан маънавий ва тарбиявий аҳамият касб этувчи умумлашма хулосалар чиқариш қаламкаш ижодий позициясида таркибий қисм саналади.

Фаҳимча, шу хил эзгу хислатлар чўғлантирилган ҳолда тасвирлангани боис, “Маҳмуд Торобий” драматик достони алоҳида бадиий-эстетик қиммат ва айрича улуғворлик касб этади. Агар дoston ўзликни танишга даъват этмаса, яъни, поклик ва жасурликни тарғиб қилмаса, айни пайтда, эзулик билан жаҳолат ўртасидаги курашни ифода этувчи кўзгуга айланмаса, аллақачон умрини тугатган бўлар эди. Асарни ўқиркансиз, сюжети ва композицияси замиридан ором билмас безовта юрак тепишини эшитгандек бўласиз, қолаверса, ҳар бир сатри, ҳар бир сўзи, ҳар бир рамзий ифодасидан муаллиф дарди, армонлари ва қийноқлари сирқиб туради. Мана шунинг учун ҳам у ҳозиргача эъзозли ва қадрли бўлиб, она Ватан

озодлиги, инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари ҳамма нарсадан юксак, деган башарий гоёни илгари сургани туфайли бизни мафтун этмоқда.

Чиндан ҳам Ойбек домла ёвузлик найзасига кўксини қалқон қилган Маҳмуд Торобий, аввало, халқ фарзанди эканлиги, дили ва вужудида муқаддас тупроқ меҳру муҳаббати чуқур томир отганига гувоҳлик беради.

Шу жиҳатдан олганда, камина тасаввурида туғилган саркарда Ойбек домла талқин қилган саркардага анчайин яқин туради, деб ўйлайман. Устоз мерос қилиб қолдирган сарчашмадан илҳомланиб, мен хаёлимда гавдалантирган баҳодир ҳам ўзлиги ва халқини таниш, элу элат дарди-қувончини ҳис этиш ва қалбини поклаш орқали комилликка интилган қатъий фикрли ва заковатли зотдир. Раҳнамо сифатида у бошлаган кураш шунчаки ғазавот эмас, келажакка интилиш — она Ватан ва миллат озодлигини жаҳолат хуружидан қўриқлаш йўлидаги жасорат ва шу жасоратга қанот берган эътиқод ифодасидир.

— *Асад ака, тарихий далил тугаган жойда тарихий асар бошланади, деган фикрга муносабатингиз қандай? Сизнингча, асарда тарихий ҳақиқат муҳимми ёки бадийий тўқима, яъни, бадийий ҳақиқат?*

— Таниқли адиб Тоҳир Малик билан суҳбатда узоқ кечмиш тасвирланган асарда тарихий ҳақиқат билан бадийий ҳақиқат ўзаро мувофиқ келиши, бир-бирини тўлдириши, қувватлаши лозимлигини таъкидлаб, бу фикримни айрим мулоҳазалар асосида исботлашга уринган эдим.

Гап шундаки, ёзувчи танлаган муайян қадимий мавзуга тегишли муҳим манзиллар, осори-атиқалар, етакчи фактлар, рақамлар ва материалларни узоқ вақт ташналик билан қидиради, топганларини саралаб, сюжет ва композиция чизиғини мустаҳкамлаш, бадийят рангларини қуюқлаштириш, қиёфалар билан характерларни жонлантириш ва ҳаракатга келтириш учун йўналтиради, демак, ўтмиш қатларидан ўзлаштириб олинган воситаларсиз бадийийлик шаклу шамоийлига етарли даражада сайқал тортиб бўлмайди.

Лекин бу ўринда масаланинг иккинчи тарафи, аниқроғи, энг муҳим жиҳатини назардан қочирмаслик лозим. Маълумки, бадийий ижод қонуниятлари, суврат ёки зоҳирий олам эмас, сийрат ёки ботиний олам сари фаолроқ интилишни, одам орқали воқеа-ҳодисалар моҳиятини эмас, аксинча, воқеа-ҳодисалар орқали одам руҳияти ва қалбини очишни тақозо этади.

Шундай экан, сўз санъаткори, хусусан, тарихий мавзуда ёзадиган ижодкор етти ўлчаб бир кесиши, яъни, даврлар бўҳронини ортга қолдирган хужжатлар, хулосалар, қайдлар ва кузатувлар ўрамага тушиб қолмаслиги керак, аксинча, уларни бор залвори ва қадру қиммати билан эстетик идеали сари оғдириши, рус адабиётшунос олими В.Г. Белинский таъбири билан айтсак, *авра-астар қилиб*, бадийий ҳақиқат мезонларига бўйсундириши мақсадга мувофиқдир.

Кўриниб турибдики, санъаткор, илмий мутахассисга қараганда, ҳар жиҳатдан нозик ва мураккаб вазифа — ҳар қандай далил ва воқеликни ичкаридан қавариқ ёритиш, далилу воқелик билан бирга, поэтик сўз ва фикр, фалсафий мулоҳаза ва ифодалар моҳиятига заргарона сайқал бериб, охир-оқибат бадийий ҳақиқат сеҳру жозибасини жилолантириш мажбуриятини гарданига ортади. Бадийий ҳақиқат оғриқлар заминида туғилади, оғриқлар эса, шубҳасиз, кўнгил иқлимида, қолаверса, руҳият ва сезимларда кечадиган эврилишларга қоришиқ бўлади, уларни юзага олиб чиқиш ва асар архитектуроникасига сингдириб юбориш чиндан ҳам игна билан қудуқ қазимоқ демакдир.

Мўғул босқинчиларига қарши кўтарилган ва Маҳмуд Торобий бошқарган халқ кўзгалони унутилмас ва инкор этиб бўлмас оламшумул ҳодисадир. Бу хусусда турли манбаларда шунчаки қайдлар, эсдалигу таърифлар кўп ёзилган. Лекин қуруқ баёндан иборат ўша эътирофлар сўз санъатининг нозик талабларига бегона ва сезимларни тебратувчи эстетик таъсир кучига эга эмас.

Шундай экан, юқорида қайд этилган йўл-йўриқларга суянган ҳолда, аввало, камина тўпланган далиллар жон томирини уйғотиш, шу асосда мазлум Тороб ва

Бухоро манзаралари, газавот тўлқини шиддати ва, ниҳоят, қўзғалончилар юрагини тирилтиришни бош вазифа қилиб қўйганим табиий ҳолдир. Агар тасвир йўналишида фақат довулни эслатувчи исён сиртига эътибор берсам-да, ботинидаги эстетик моҳиятни идрок этмасам, руҳий қийноқлар билан тўйинган ҳолатларни четлаб ўтсам, тафсилотга зўр берсам, бадиий ҳақиқатдан йироқлашиб қолишим ва қўзлаган ниятимга етолмаслигим тайин эди.

Демак, тарихий ҳақиқатдан бадиий ҳақиқатга ўтиш учун қилинадиган меҳнат замон ва маконга хос ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ахлоқий қарашлар ҳамда фалсафий йўналишларни бадиий талқин марказига кўчиришдек мураккаб ижодий жараёни қамраб олади.

Аниқроғи, турли ҳаракат кутбларида жойлашган турли қиёфали ва турли маслакли образлар ўртасида кечадиган, ҳеч бир қолипга солинмаган тўқнашувлар ва зиддиятлар тарихий ҳақиқат бадиий ҳақиқатга айланиши учун ҳал қилувчи асосий омил вазифасини бажаради. Умуман олганда, тарихий ҳақиқат асар вужуди-борлиғи бўлса, бадиий ҳақиқат жони ва қони, адиб мақсад-муддаосини нурлантириб турувчи романтик руҳдир.

– *Асад ака, яхши маълумки, тарих ҳамшиша қайта идрок этиб борилади, талқинлар янгилашиб туради: бунда ҳар сафар тарихий воқеаларнинг муайян давр учун муҳим қирралари долзарб бўлиб боради. Шу туфайли бадиий адабиёт вақти билан илгари ишланган мавзуларга қайтиб туради. Мана, сиз Маҳмуд Торобий мавзусини қайта ёритиб бердингиз. Шунга ўхшаб, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби сиймолар образи қайта яратилса мақсадга мувофиқ бўлмайдими?*

– Пайтдан фойдаланиб таъкидламоқчиманки, келажак сари тарих қурган боқий кўприк орқали борилад экан, у қолдирган сабоқларни ўрганиш бениҳоя муҳим, яна ҳам муҳимроғи, вақт кўмиб юборган ҳақиқатлар туб замини ва илди-зига етиб бориш баробарида, маълум бир сиймо азалу абад силсиласида қандай ўрин тутишини қатъий белгилашдан иборатдир. Шу вазифага тегишли муаммолар ечими бадиий адабиётни жиддий равишда қизиқтиради, агар қарашларда аниқлик етишмас экан, афсус пайдо қилувчи ноўнғай вазиятлар юзага келаверади. Айни дамда “Алишер Навоий”, “Юлдузли тунлар” романлари кўр-кўрона калтак остига олингани ёки Мирзо Улуғбек ва Хожа Аҳрор каби замонаси ижтимоий ҳаётида прогрессив роль ўйнаган йирик адолатпарвар сиймолар сунъий равишда бир-бирига қарама-қарши қўйилганини эслаш кифоядир.

Аждодлар юрагига қулоқ тутмай, олисдан келадиган оғир юкли карвон нидосини жон қулоғи билан тингламай, нурни соя ёки саробни сув ўрнида тақдим этиш тарихни манфаатлар гирдобига ташлаш ва ёлғонни тарғиб қилиш тенденциясини кучлантиради. Тарихий ҳақиқат илди-зларини узлуксиз равишда холисона ва теран идрок этиш орқалигина турли кўринишдаги асоратлар, хулоса ва қарашлар беқарорлиги бартараф этилади ва сиз эслатаётган *муайян давр учун муҳим қирралар* моҳияти юзага қалқиб, жамият фаолияти билан туташади, фуқаролар кўнгили мувозанатини бузган, турли шубҳа-гумон уруғини кўпайтирган доғларни ювиб юборади.

Замон ва макон бошқа босқичга ўтгани, ҳаёт ва дунёқараш бошқа ўзанга тушгани муносабати билан сўз санъатининг узоқ йиллар давомида синовдан ўтган асосий тамойиллари ўзгариб қолмайди. Айни пайтда, бадиий адабиёт ҳар қандай ижтимоий ва маънавий-маърифий ислоҳотлардан четда турулмайди, турмуш, онг-шуур, тафаккурда рўй бераётган мураккаб психологик жараёнлар ёрдамида ижтимоий фаоллигини ошириш ташвишини чекади, муттасил янгиланади ва ўзини қайта қуради. Натижада, муайян тарихий шахслар ва мавзуларга қайта ёндошиш эҳтиёжини сезади, ҳатто мозийга оид айрим талабга жавоб бермай қолган, эскирган ёки ўрганишга муҳтож талқинлар билан келишолмай, оҳорли услуб, кузатиш ва тўхтамлар воситасида, уларни мақсадга мувофиқ тарзда чуқурлаштириш чораларини қидиради.

Истиқлол туфайли ҳар хил тўсиқлар олиб ташландики, сиз ўртага қўйган масалани амалда муваффақиятли тарзда ҳал қилиш, яъни, фахру ифтихоримиз

саналган миллий қаҳрамонларимиз ва бошқа тоифадаги улуғ ватандошларимиз сиймоси, ҳаёти-фаолиятига қайта-қайта мунтазам мурожаат қилиш ва улар хусусида бемалол янги-янги бадиий асарлар битиш учун шароит яратилди.

Агар жаҳон адабиётига назар солсак, маълум ва машҳур шахслар ҳаёти бир неча марталаб бадиий адабиёт объекти бўлганига шоҳид ўтамиз. Масалан, Спартак, Юлий Цезарь, Александр Македонский, Александр Невский, Наполеон, Чингизхон, Маҳатма Ганди ёки Жордано Бруно, Леонардо да Винчи, Александр Пушкин ва ҳоказо машҳур гигантлар ҳаёти ҳақида ёзилган турли жанрдаги асарлар саногига етолмаймиз.

Худди шундай адабий тажриба миллий адабиётимизда ҳам узоқ йиллардан бери анчайин шаклланиб келётганини эътибордан соқит қилмаслик керак. Бизда ҳам маълум бир тарихий мавзу ёки тарихий шахсга бир-икки, ҳатто ундан ҳам кўпроқ марта мурожаат қилинган ҳолларни биламиз.

Адабиётимиз, хусусан, насрда Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаро обрازلари, бу икки улкан шахс яшаган мураккаб замон манзаралари, хусусан, ўша давр Ҳиротининг кескин зиддиятларга тўла маданий-маиший ва психологик муҳити анча катта қўламда ўз ифодасини топди. Ойбек домла қаламига мансуб кенг қамровли, ботиний ва зоҳирий тўқнашувлар бетакрор нафис бўёқларда тасвирланган бадиий баркамол романи олайлик. Биласиз, у ҳар томонлама мислсиз шухрат қозонган ва миллий адабиётимиз кўрки сифатида севиб ўқилади. Шунга қарамай, Омон Мухтор “Ишқ аҳли”, “Буюк фаррош” каби йирик эпик турга мансуб икки асарида шу мавзунини ёритишга журъат этди. Камина ҳам “Паҳлавон Муҳаммад” романида Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро сиймоларини имкониятим даражаси ва хусусий кузатувларим асосида бадиий тадқиқ этишга уриндим.

Бемалол айтиш мумкинки, бадиий тафаккур соҳасидаги бундай изланишлар ва натижалар замирида илҳомланиш, рағбатланиш, ниҳоят, бетакрор бадиий ҳақиқат сари интилиш билан боғлиқ эстетик зарурат ётади. Мозий осмонида сўнмас юлдуз бўлиб порлаган, шоҳлик ва олимлик мартабасини бирдек тутиб қола олган, тенгсиз салоҳият соҳиби Мирзо Улуғбек фожиаси трагедия жанри воситасида бадиий жиҳатдан умумлаштириб берилиши, адабиётимиз хазинасини бойитган ҳолда, ижодий жараёнга алоҳида жасорат руҳини олиб кирди. Устоз санъаткор Мақсуд Шайхзода тажрибаси кейинча “Улуғбек хазинаси” каби таранг драматизм билан йўғрилган роман яратилиши учун мустаҳкам замин бўлди. Улкан тарихий ҳақиқат пойдевори узра тикланган ушбу полотно жозибасидан сирқиб турадиган фалсафий мазмун ва моҳият ҳозирги кун маънавий ҳаётига ҳамоҳанглиги билан беҳад қимматлидир.

Худди шундай эстетик зарурат бадиий тафаккур эҳтиёжларидан бири эканини мозий билимдони Явдот Илёсов ижодий лабораториясидан ижодий жараён анча жиддий озиклангани яққол исботлайди. Олис кечмишга зийраклик билан нигоҳ ташлаган адиб ўйчан фалсафий услубда “Спитамен” ва “Умар Хайём” романларини яратишга муваффақ бўлди. Кейинча эса миллий қаҳрамонимиз саналмиш Спитамен тақдири Мақсуд Қориев, улуғ аллома ва файласуф шоир Умар Хайём босиб ўтган машаққатли йўл Наби Жалолиддин тарафидан битилган романларда бир мунча қизиқарли тасвирлаб берилди. Замон қурбонига айланган оташқалб истеъдод соҳиби Машраб маънавий оламини йирик эпик жанр орқали акс этиришда Ҳамид Гулом ва Шухрат каби улкан адиблар изидан Хайриддин Бегмат заҳмат чекди ва ўзига хос ижодий ютуқларга эришди.

Сезилиб турибдики, муайян тарихий мавзунини такрорий равишда бадиият мезонига солиш бобида миллий насримиз аста-секинчилик билан бўлса ҳам анча самарали изланаётир. Фантазия ёрдамида мозийнинг тилсимдан иборат қатламларини ишғол этиш, таниқли зотлар таржимаи ҳолига мурожаат қилиш ва баҳонада улар кўнгил иқлими эврилишларини ифодалаш кўлами кенгаймоқда, фақат, алоҳида қайд этиш жоизки, кўпчилик диққат-эътиборида турган ўта долзарб бу жараён жуда сусткашлик билан илгари силжиётир.

Аввало шуки, муайян тарихий шахс ҳақида кейин яратилаётган айрим йирик эпик тур намуналари, илгари битилган асарларга қараганда, бадиий маҳорат ва фалсафий теранлик, архитектуроник мукамаллик ва поэтик сўз жозибдорлиги талаблари нуқтаи назаридан олганда, бир қадар жўнлашаётгани ва қуйига тушиб қолаётгани сезилади, ваҳоланки, мудом ўсишу янгилашиш босқичлари сари интиладиган ҳаёт ва у билан мантиқий яхлитлик касб этувчи сўз санъати эҳтиёжига кўра, бунинг акси бўлиши керак.

Иккиламчи, агар дунё адабиёти тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, бу борада жуда кам иш қилингани, фалончи шахс хусусида фалончи ёзди, энди унга мурожаат қилиш шарт эмас дея, хотиржам тортиб, аллақачон эскирган қобикқа ўралиб олаётганимиз ойдинлашади. Ҳолбуки, бугунги кунда ижтимоий ҳаёт ва бадиий адабиёт бирдамлиги том маънодаги ижодий ислохотларнинг фаоллик таъмоилларига асослангани туфайли муҳим аҳамият касб этади

– *Тарихий романчилик миллий адабиётимизга берган самаралардан қониқиш ҳосил қилганмисиз ва, сизнингча, келгусида бу жанр олдидан қандай долзарб вазифалар кўндаланг?*

– Фақат мени эмас, барча носирлар ва, айниқса, адабиётшунос олимларни ўйга толдирадиган беҳад жиддий масалани ўртага ташладингиз. Дабдурустдан жавоб бериш қийин – ўйлаш ва яна ўйлаш керак. Бугун, дангали, камина бу борада ҳамиша икки хил туйғу ичра яшайман, яъни, гоҳ рағбат-ғурур, севинч туяман, гоҳо эса турли ташвишли мушоҳадаларга берилиб қийналаман.

Овунчим шуки, умуман, миллий адабиётимиз, хусусан, прозамиз йўлини сўз санъатига хос энг муҳим фазилатларни қамраган, хосиятли қадами билан алоҳида романчилик мактабига асос солган, ҳамон дилларда ҳайрат ва ифтихор уйғотаётган “Ўткан кунлар” каби баркамол асар бошлаб бергани ва бу ибтидо алоҳида рамзий маънога эгадир. Таъби нозик салоҳиятли бобомиз мазкур жавоҳирни барча даврлар учун умрбоқий намуна қилиб яратиб қўйганга ўхшайди, зеро, у шундай юксак чўққики, чор тарафдан бемалол кўриниб, мафтункорона латофати сари мунтазам чорлаб туради.

Шаксиз, кейинроқ туғилган “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”, “Алишер Навоий” каби эпик тафаккур дурдоналари кечмиш билан бугун ва эрта ўртасидаги азалу абадга тегишли мантиқий бирлик асослари, руҳият иқлимида кечадиган инқилобий туғёнларни таҳлил этишда тарихий роман жанри имкониятлари жуда катта эканини исботлади.

Санъатнинг барча турлари, шунингдек, бадиий ижод жабҳасида ишонч руҳи билан суғорилган бардавомлик, эзгу анъаналарга садоқат, хусусан, улуғ устозлар меросига ихлос юксалиш гаровидир. Юқорида эслатилган тўрт жавоҳир кейинги тарихнавис адиблар авлоди учун энг зарур ҳаётбахш унсурларни қамраган сарчашма ролини ўйнагани сир эмас.

Шўро мафқураси жаҳолат тўрини ёйиб ташлаганига қарамай, шу сарчашма мададига таянган ҳолда, тарихийлик замонавийлик билан рақобатни анча изчил ва самарали давом эттирдик, шу ҳолат қодирийона анъана издан чиқиши, қиёфасини йўқотишига у қадар йўл қўймади. Натижада умид чироғи билан ёришган тарихий роман юраги мунтазам уриб турди, бинобарин, “Фарғона тонг отгунча”, “Мавлоно Муқимий”, “Ҳамза”, “Машраб”, “Улуғбек хазинаси”, “Кўҳна дунё”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Меъмор”, “Хўжанд қалъаси”, “Сариқ аждар ҳамласи”, “Қасоскорнинг олтин боши”, “Сарбадорлар” каби ҳар бири ўзига хос хислат касб этган романлар дунё юзини кўргани адибларимиз дилида жафокаш ўтмиш ва халқ меҳру муҳаббати, шунингдек, оптимистик руҳ, журъат ва жасорат сўнмаганидан далолат беради.

Чиндан ҳам Абдулла Қодирийдек беназир санъаткор бошлаб берган ижодий анъана, зеро, тарихий устуворлик истиқлол даврида янгича мазмун-моҳият билан юксалиш палласига кирди. Жаҳон адабиёти, миллий адабиёт тажрибаларидан озиқланган тарихий роман, ўйчанлик сари юз буриб, зуҳур эмас, ботин моҳияти таҳлилига ўта бошлади ва айрича сифатларини намоиш қилди.

Таъбир жоиз бўлса, истиқлол шарофати билан тарихий роман, бирламчи навбатда, мулоҳазакор теурийшунос сифатида гавдаланди: шўро тарафидан мафкура тўзонига маҳкум этилган Амир Темур шахси, халқимизга тўла-тўқис қайтарилиб, бадий жиҳатдан ҳаққоний ва теран талқин қилинишига анча салмоқли ҳисса қўшди.

Соҳибқирон сиймоси Муҳаммад Али қаламига мансуб Давлат мукофотига сазовор бўлган “Улуғ салтанат” тетралогиясининг уч китоби, Бўрибой Аҳмедовнинг биографик-тарихий романида ҳаётий ҳужжатлар асосида кўтаринкилик билан ёритилди, шунингдек, Тўлқин Ҳайит битган “Вафо маликаси” романи бу борада кечаётган изланишларнинг ўзига хос мевасидир.

Кейинги пайтларда амалга ошаётган ислохотлар кўп жиҳатдан, авваламбор, кутилмаган сўқмоқлардан юришга интилаётган тарихий роман билан узвий боғлиқдир. Тарихий роман, “Афлотун”, “Ишқ аҳли”, “Буюк фаррош” каби асарлар сирасида, шаклан ва мазмунан ўзгариб, мозий бағрида илдиз отган эзгулик ва жаҳолат моҳияти, тарихий шахслар дунёсини янгича идрок этиш ва текширишга киришдики, бундан фақат қувониш керак.

Катта ҳазинамиз “Она лочин видоси”, “Аҳмад Яссавийнинг сўнгги сафари”, “Ғазнавийлар”, “Тангри қудуғи”, “Қора қуюн излари ёхуд Огаҳий” каби романлар билан бойганини эслатиб ўтиш лозим, энг муҳими, булар ҳар бири замирида изланиш аталувчи машаққатли оғир меҳнат ётади.

Энди, Аъзамжон, ҳаловатимни бузган, шубҳасизки, анчайин баҳсли мулоҳаза ва мушоҳадаларимни бўлишмоқни истайман.

Чиндан эришилган ютуқлар истиқлол даври адабиёти куйинчаклик билан ўзини қидираётгани, янгиланиш сари юз бураётгани, дунёвий илғор тажрибаларни жадал ўзлаштирган ҳолда, тобора, ўйчан ва журъатли бўлиб бораётганини яққол кўрсатади.

Бироқ, изланишлар умумий миқёси бир қадар тордек туюлади, аниқроғи, бадий маҳоратни пухта эгаллаш ва жорий этиш, баён ва тафсилотга берилиш ўрнига, поэтик тасвир ва психологик талқинни кучайтириш ҳамда архитектуроник мукамалликка эришишда оқсаш ҳоллари учрайди.

Мана шунинг оқибатида, ҳаёт ва руҳиятнинг сиру синоатга тўла қатламларига интилаётган, кечинмалар жозибасини кашф этиш йўлида изланаётган, чўгли-дардчил сўз билан қўшилиб ғусса чекаётган, сўз қалбига қулоқ тутишни бурч санаган адабиёт ёнида, ҳамду санодан иборат баландпарвоз майлларга ишқибоз чучмал ва думбул хушомад адабиёти алоҳида тармоқ сифатида шаклланиб улгурди. Айни шу тармоқ фавқулудда тезкорлик билан урчиётган, покловчи ва халос этувчи гўзалликдан тамомила йироқ, дид ва фикрни ўтмаслаштиришдан бошқасига ярамайдиган олди-қочди парнография, детектив-саргузашт йўналишлари билан бемалол оғиз-бурун ўпишмоқда ва, дангали, қуруқдан-қуруқ бундай сўзбозлик ҳақиқий санъат дарахти илдизини кемираётган, ялтираши кўзни қамаштирувчи ҳашаротга ўхшайди.

Миллий наср ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган тарихий роман жанри чинакам санъат йўлига тушиб олиши учун муқаррар равишда ҳали кўп машаққатли имтиҳонлардан ўтиши лозим. Мазкур жанр атрофида жуда кўп муаммолар йиғилиб қолди, бинобарин, бадий маҳорат, профессионализм ва малака, интеллектуал билим ва дунёқараш, истеъдод тарбияси, ижодий позиция ва эстетик идеал бобидаги кемтиклар шулар жумласиданки, булар фақат ижодкор шахсида барқарор бўлган мустаҳкам маънавий интизомнинг изчил ҳаракати орқали ечилиши мумкин.

Сўз санъатига дахлдор муайян асар, хусусан, тарихий роман мазмун-моҳияти том маънодаги бадий ҳақиқат ришталари билан бирлашган тақдирда эъзозли бўлишини яна таъкидлагим келади. Дарҳақиқат, бу хусусда мунтазам равишда жиддий бош қотиришдан эринмаслик керак. Ҳалига қадар, юқорида эслатилган тўрт роман кўтарилган бадий юксаклик ва фалсафий-мантиқий теранликни эгаллаш орзулигича қолаётганидан тонолмаймиз.

Фаҳиммча, бунинг туб илдизи, аввало, етмиш йил давом этган шўро сиёсатига уланади, аниқроғи, қизил мафкура тазйиқи туфайли узоқ асрлар суврати ва сийратига ўгай кўз билан қараш тенденцияси ғовлагани, қадимий турмуш тарзи сирасида қалам тебратиш таъқиб остига олингани, ижодий эркинлик оёғига кишан урилгани, дилларни лойқадек босган қўрқув туйғуси таъсирида эътиқод сийқалашгани ва ҳоказо нохушликлар бир жойда шундай депсиниб қолишдек мудҳиш ҳолат учун замин тугдирди. Тарихий ҳақиқат билан бадиий ҳақиқат ўртасида қад ростлаган жаҳолат девори, беҳад муҳим адабий мезонларни бутунлай йўқотгани баробарида, кўпгина истеъдод соҳибларини маънан синдирдики, бу асорат оғриғи ҳамон борлиғимизни азоблайди.

Янглишмасам, йўли тўсилган адабий кучлар парокандаликка учрагани боис, ижодий жараён суръати сустлашиб, бошқа турли жанрлар қаторида, тарихий роман жанрида қанчадан-қанча асар ёзилмай қолди. Мана энди заргарона битилган “Ўткан кунлар” каби жавоҳир бармоқ билан санарли деб ўкинамиз, дарвоқе, қолаверса, сифат ёнида миқдор ҳам муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда мунтазам янгиланаётган бадиий-эстетик тафаккур, жаҳолат даврида, тарихий романчилик соҳасида, вужудга келган бўшлиқни тўлдириш учун зарур салоҳият ва имконга эга эканлиги муқаррардир.


Қолаверса, биз, адиблар, ёрқин ақлу заковатлари машғаласи ёрдамида башарият келажagini нурга буркаган кўпдан-кўп умри боқий аждодларимиз ёди олдида қарздормиз, масалан, номлари етти иқлимга танилган Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Сўфи Оллоёр ва бошқа улуғ сиймоларга мурожаат қилиш вақти-соати етмадими ва улар жасоратию матонати йирик-йирик полотноларга етиб-ортадиган қимматли материал бермайдими?!

Аминманки, истиқлол тақозо этаётган адабий ислоҳлар олам ва одам моҳиятини ўзига хос назар воситасида кузатиш, жамият ва инсонни янгича англаш ва идрок этиш, бадиий нафосат сирларини чуқур эгаллаш, ғуссали гуманизмга мойил жонли сўзни содиқ ҳамхона билиш, хайрли орзу-умидлар билан пайвандланган изтироб ва қийноқлар оғушида яшаш демакдир.

**Сухбатдош: Аъзамжон ҲАМРОҚУЛОВ**



## *Устиклолдан ёнган чирғил*



**Абдумажид АЗИМ**

### **Ватан**

Дала-даштлар мени чорлайди,  
Соғинчларнинг юрти Сурхонга.  
Кўзларимда қуёш порлайди  
Қайтганим чоғ ота маконга.

Азон мулла тўрғайлар билан  
Баб-баравар уйғонаман, мен.  
Тоғу тошлар бошлайди ўлан,  
Ота макон, бунча бағринг кенг?

Кўзларимда ҳайрат бир олам,  
Элдошларим йўлимга пешвоз.  
Дийдоримга интиққан онам,  
Кўзёши ҳам қилади бир оз.

Соғинчданми, ўкинчдан ёки,  
Кипригимдан сирғалади нам.  
Товонингиз гардини токи  
Тўйиб-тўйиб ўполсам, она.

Мен бир гўдак – жоним онажон,  
Алла айтиб эркаланг такрор.  
Она юртим – жон Ўзбекистон,  
Меҳрим бўлсин сенга кўзтумор.

Эл-юрт кезиб пою пиёда  
Бир ҳикматни англадим кўпроқ.  
Гар бир жаннат бўлса дунёда  
Ўшадир – мен туғилган тупроқ.

Аждодлардан мерос тупроғим  
Кўзларимга қилай тўтиё.  
Истиқлолдан ёнган чироғим,  
Мен қайтадан туғилдим гўё.

### Кутиш

Сенинг бир сўзингга илҳақ, умидвор,  
Тизгинин бўш қўйдим учаётган вақтни.  
Фасллар ўтаверади, кутавердим зор.  
Асру замоналар бой берган бахтни.

Кунларим баъзан қуш, баъзида имкон,  
Ўзинг қисмат дедим, манглай ёздиғим.  
Вақт – қисмат, шафқатни билмас ҳеч қачон,  
Лаҳзалар оғуға тўлган озиғим.

Вақтни еявердим оч дамларимда,  
Кўксимдан узилди жаранг торларим.  
Ишонмай тоғ-тоғ ваъдаларимга,  
Кетди баҳорларим – сулув ёрларим.

Фасллар ўтаверди, унутиб ўзимни,  
Порлоқ аҳдларингни тингладим шоён.  
Фасллар сарғарди ўпиб юзимни,  
Фасллар ростгўйдир, фасллар ёлғон.

Фасллар ўтаверди, фаслларни унутдим,  
Ўзимни овутдим йилларнинг бағрида.  
Телба мунажжимдек кўкка кўз тутдим,  
Кўлларим етолмас юлдуз ҳажрида.

Музлади фасллар, бу истак сўнмас,  
Ёлвориб тиз чўкдим сенга ошкора.  
Масофа оз қолди, аммо йўл унмас  
Қошимга келганинг сайин тобора.

Фасллар тугади, қаламим синди,  
Вақт ҳарир чойшабин тортар кўзимга.  
Сўзла, вақтни юргиз, қистайман энди,  
Йўлларим

тизгини

турар измингда...

### Бу қизнинг

Кўзи чиройлидир, кўзи бу қизнинг,  
Бухор кийигидек хуркак, ёввойи.  
Беш аср лол этиб туркий улусни,  
“Қаро кўзум...” дея йиғлар Навоий.

Сўзи чиройлидир, сўзи бу қизнинг,  
Уни ҳар тингласам қиларман ҳузур,  
Гўё тўкилади ҳар каломида  
Бул санам оғзидан новвот билан дур.

Ўзи чиройлидир, ўзи бу қизнинг.  
Бир умр тикилсам кўзимни узмай,  
Гўзаллик мисоли тузоқнинг ўзи,  
Домига тушганим қолибман сезмай.


### Суҳбат

Неча кундир сен йўқ, азизам,  
Неча кундир аразлаб,  
Кетиб қолдинг отанг уйига.  
Неча кундир айвон зинапоясига  
Териб қўйилган бир жуфт  
Туфлинг билан сўзлашаман жим,  
Кийгандирсан уни қарийб беш йил.  
Гарчи, нолиб гапирмаса ҳам,  
Туфлининг ранг-ҳоли айтиб турар буни,  
Маълум унинг гап-сўзларидан сенинг,  
Бир оз толиққан асабларинг.  
Бир йилми, икки йил ичида  
Тирикчилик ташвиши билан  
Қаерларга борганингни у билар,  
У билар сенинг кимлар билан  
Нималар ҳақида:  
Қувонч билан ё ташвиш билан  
Узун-қисқа гаплашганларинг.  
Ейила бошлаган пошналар,  
Хира тортган туфлининг чарми.  
Ҳаммасида сен билан менинг  
Бир-икки йил турмушимиз тарихи...

### Ўзбекистон

Далаларим, зангор боғларим,  
Яшнаб ётар сўлу соғларим,  
Қадди юксак, мағрур тоғларим,  
Довруғингу донгинг муборак!  
Асрларга тенгдир бунда йил,  
Ўн икки ой тинмай муттасил  
Мўъжизалар яратар бу эл,  
Оқ наҳорли тонгинг муборак!  
Бир ёнида жоним Андижон,  
Самарқандим сайқали бир ён,  
Бухороми, Хивами, Қўқон,  
Жаҳон аро номинг муборак!  
Хирмонингда ғалла, — донинг кут,  
Бўлсин доим ризку рўзинг бут,  
Юртлар ичра бўлдинг буюк юрт,  
Дастурхонда нонинг муборак!  
Токи яшнар ҳаёт чамани,  
Аллоҳ асрар бу ҳур Ватанни,  
Саждагоҳим — Каъбамсан мани,  
Ўзбекистон шонинг муборак!





*Майсалар тинглайди  
дилилни*

**Шойим ШЕРНАЗАР**

\* \* \*

Арзанда кўнглимга ҳаловат  
Излайман азалий боғлардан,  
Вужудга руҳ этмас итоат,  
Юксалиб боради тоғлардан.

Майсалар оралаб бораман,  
Бинафша йўлини тўсади.  
Армоним шудрингга қораман.  
Бу кўнгил нимани тусади?

Кўксимни тўлдилинг ҳаволар,  
Чақмоқдек чақмасин ҳайратим.  
Дардимни битта ишқ даволар,  
Айтишга бормикан журъатим.

Сен айтгин сиримни қалдирғоч,  
Қон бўлиб тўкилар қизғалдоқ.  
Мажнунтол эгилиб тарар соч,  
Мен бунда мағрурман, дил қадоқ.

Чиқардим ўзимга ҳукми,  
Йўл азоб, аҳд қилдим, бораман.  
Ерларга сиғмаган руҳимни  
Кўкларга чиқариб ёраман.

\* \* \*

Оқшом сўлим, шитирлар толлар,  
Ой шуъласин кучоқлар ҳовуз.  
Хаёлимда бир ҳис уйғотар  
Момом чалиб кетган чанқовуз.

Шаббодага эргашар руҳим,  
Ҳаловатим олиб қочар у.  
Ҳур водийга бошлайди кўнглим,  
Кўзларимдан чекинар уйқу.

\* \* \*

Жилови узилган шамолни,  
Тераклар тушади рақсга.  
Кўнглима, билмади малолни,  
Ошуфта бўлибди бир ҳисга.

Чуғурчиқ чуғурлар безовта,  
Саратон кўшиғи – жизловиқ.  
Буғдойзор яйрайди таппотда,  
Даланинг яктаги зар қовуқ.

Боғларда шошади ҳайратим,  
Ҳосили шокила хурмолар.  
Қитиқлаб қўяди нафасим  
Ариқнинг бўйида ҳулволар.

\* \* \*

Гулларга кўнади капалак,  
Уйғотиб дилимда туйғулар.  
Анҳорнинг лабида чархпалак  
Умидим гулига сув қуяр.

Орзумнинг даласи бепоён,  
Кутганим ушалмай қолади.  
Дардимни билмаса у жонон,  
Шаббода тушуниб олади.

Майсалар тинглайди дилимни,  
Чумчуқлар гирдимда парвона.  
Булоқлар сўрайди кўнглимни,  
Дард айтиб юрибман – девона.

\* \* \*

Меҳнатсевар асаларини  
Йиққан болин хушлайди айиқ.  
Сокингина денгиз кўйнида  
Мағрур сузар митти бир қайиқ.

Фақат нафсин ўйлаган “полвон”  
Қайдан билсин ари заҳматин?  
Шамол билан ўйнаган елкан  
Билармикан тўлқин қудратин?



\* \* \*

Санжобгина йўлакчаларда  
Тўшалганча ётади япроқ,  
Дарахт шохи – билакчаларда  
Илинжларни босади титроқ.

Нигоҳимда синади ҳайрат  
Маъюс тортиб борар хиёбон.  
Қўргулигин қилади ҳасрат  
Оёғимга ёпишиб хазон.

Қўшлар тили кесилган, соқов,  
Шамолларнинг йўқдир жилови.  
Мезонларга майса берар дов,  
Ёппасига яшилик ови.

\* \* \*

Ўланлар туғилади  
Ҳаётнинг бешигидан,  
Бир қатим нур тушади  
Орзунинг эшигидан.

Дунё ўзи синоат –  
Ҳикмати кўп хазина,  
Ақл қайроғи фурсат,  
Чиқасан зина-зина.

Момомнинг чанқовузи  
Мозийларга етаклар,  
Келажак боласини  
Улғайтирар эртаклар.

“Тоғларга боқ, тоғларга”,  
Кўкдан ҳайрат тутади,  
Етаклаб гулбоғларга  
Бизни Ватан кутади.

**Навий**





Саъдулла СИЁЕВ

## ПАЙВАСТА ДИЛЛАР МЕЪМОРИ

*Атоқли таржимон, сеҳрли тил соҳиби,  
Ўзбекистон санъат арбоби Қодир Мирмуҳамедов ҳаётидан лавҳалар*

### ЖАҲАННАМДАН ҚУТИЛИШ

Қодир ака билан у кишининг Қибрайдаги кенг, файзли ҳовлисида гурунглашиб ўтирибмиз. Баҳор авжида. Дов-дарахтлар чаппор уриб гуллаган. Қодир ака оппоқ, митти маржондек чечакларга узоқ тикилиб қолди. Сўнг хўрсиниб деди:

– Ассоциация деган ҳолат бор. Яъни бир нарса иккинчи нарсани эсинга солади. Ҳар йили баҳор келиб, ўриклар, олчалар гулласа, Германиянинг Малвхин деган шаҳарчаси кўз олдимга келаверади. 1945 йилнинг 30 апрели, Малвхинда худди шундай олчалар гул очган эди. Биз асирликдан озод бўлдик. Лекин “асирга тушган” деган тамғадан кўп йилгача халос бўлолмадим. Ўшанга ҳам роппа-роса 63 йил бўлибди-я. 63 йил, кекса бир кишининг умри...

\* \* \*

Шундай қилиб, Қодир жангга кириб кетди. Ҳар икки тараф жон таллашиб уришарди. Икки ҳафталик қаттол олишувдан кейин Полтава яқинидаги жангда Қодирнинг дивизияси бутунлай таслим бўлди. Немислар жўхориюялар, зовурлар, эски уйлар ичига беркинган аскарларни ҳам тутиб келиб, бир майдонга жамладилар. Ниҳоят, асирларни тўп-тўп қилиб, ғарбга, Германияга қараб ҳайдадилар. Босқинчиларга текин мардикор, тўғрироғи қул керак эди.

1941 йил, сентябрь охирида пойи-пиёда оч-наҳор йўлга тушдилар. Бир ой ичида 900 километр йўл босиб, Украинанинг Житомир шаҳрига етиб келишди. Бу ерда асирларни ишга тақсимладилар. Биров тош конига кетди, биров дала юмушларига жўнатилди. Қодирнинг чекига отбоқарлик тушди. У сайисхонадаги отларнинг тагини тозалар, уларга сув берар, орқа-бошини қашларди. Бу орада куз оёқлади, кунлар совиди, баъзи ерларга қор тушди. Қодир куну тун қочишни ўйларди. Бироқ бунинг иложи йўқ эди. Отхона уч томондан тиканли симлар билан ўралган, тўртинчи тарафи чуқур жарлик. Ҳовлининг ўртасида, баланд минорада

автомат ушлаб немис солдати турибди. Сал четга чиқмоқчи бўлсанг, тириллатиб отиб ташлайди. Нима қилиш керак?

Ёмон кун ортида яхшиси ҳам бор, деганларидек, бир куни Қодирнинг қорни оғриб қолди. У жарлик томонга қараб югурди, қўрқа-писа минора тарафга боқди. Бахтига қўриқчи немис тескари қараб турган экан. Қодир жар ёқасида чўнқайиб бир лаҳза ўтирди-ю, таваккал деб ўзини жарга отди. Қорга кўмилиб, пастга думалади. “Отса отар лаънати фашист, — деди ичида, — ҳар куни бир ўлгандан кўра бу азоблардан бир йўла қутулганим яхши!”

У жарликдан омон-эсон чиқиб олди. Рўпарадаги тепаликнинг ортига ўтди. Кейин ўзини ўрмонга урди. Қодир жаҳаннамдан қутилган эди.

У нафасини ростлаб, озод бўлганига ишонгиси келмагандай, анча ўтирди. Бир замон ёнгинасида эркак кишининг йўталгани эшитилди. Қодир чўчиб, ирғиб турди. Йўқ, бу немис эмас, шу ерлик мужик экан. У тупроқ йўлда ҳўкиз аравасини ҳайдаб келарди. Қодир салом берди. Чол бош қимирлатиб алик олди. У Қодирга ўхшаган қочоқларни кўравериб, ўрганиб кетганми, дарров йўл кўрсатди.

— Темир йўлга яқинлашма, немисларга дуч келишинг мумкин. Ўрмон ичи билан тўғрига юрсанг, қишлоққа чиқасан. У ёғига худо пошшо. Бирор уйдан бошпана топарсан, болам.

Қодир тагин бирор чақаримча йўл юриб, чол айтган қишлоқ устидан чиқди. Бир уйнинг мўрконидан кўкка тутун ўрмаларди. Қодир таваккал, деб шу уйни кўзлаб борди-ю, ғарибона эшикни тақиллатди. Хонадон соҳиблари уни оғринмай қаршиладилар.

Кун совуқ. Қодир печка ёнида кафтларини ишқаб исинди. Уй эгалари унинг олдига топган-тутганларини қўйишди: қора нон, бўтқа, бир тишлам сало...

Бу хонадон ҳўжасини украинча Пстой амаки дер эканлар.

— Энди нима қилмоқчисан, ўғлим? — деди Пстой амаки.

— Шарққа қараб кетавераман. Фронт чизигидан ўтиб, ўзимизникиларга қўшилмоқчиман.

— Бунинг иложи йўқдир-ов, деб қўрқаман — бошини қашиди уй эгаси, — аввало, фронт чизигига етгунча мингта немисга дуч келасан. Яна қўлга тушсанг, аяб ўтиришмайди. Хўш, нариги тарафга ўтиб ўзимизникиларга қўшилдинг ҳам дейлик. Сталиннинг бўйруғи бормиш, асирга тушганларни терговсиз отиб ташлашар эмиш.

— Унда нима қилай, амаки? — деди Қодир, — осмон узоқ, ер қаттиқ бўлса.

— Шу ерда қол дердим-у, атрофимизда немислар ғимирлаб юрибди. Фронт яқин-да. Сен бундай қил. Анави сойнинг нариги тарафига ўт, у ерлар Винница вилоятига қарайди. Фашистлар ҳам у ёқда камроқ. Бир-икки кун юрсанг, Попивка деган қишлоққа борасан. Колхоз раиси яхши одам. Мени айтди десанг, ишга олади.

Қодир кўнди. Нима қилиб бўлса-да, у жон сақлаб қолиши учун, фашистлардан узоқроқ юриши керак эди.

— Кийим-бошимни алмаштириб беролмайсизларми?

— Бунинг иложи бор, — деб Қодирга украинча калта чопон, дўнғалак қалпоқ, камар ўрнига аргамчи беришди. Қодир ҳарбий кийимини ечиб, қайта кийинди.

— Ана, бинойидек украин бола бўлиб қолдинг, — деб кулишди аёллар. Қодир янги шимининг ичига ту누ка найчага жойлаштирилган махфий хатини беркитиб қўйди. Унга Қодирнинг исм-фамилияси, туғилган ери, хизмат қилган ҳарбий бўлинмаси ёзилган эди. “Агар, ўлиб-нетиб кетсам, жасадим кўчада қолмас, бирон кимса ўқиб, кимлигимни уйдагиларга хабар қилар”, — деб ўйлаган эди.

Попивкада Қодир Степаниха деган кампирнинг уйидан бошпана топди.

Қодирнинг хушхулқи, саранжом-саришталиги уй бекасига ёқиб қолди. Қодир дейишга тили келмай, уни Аркадий деб чақира бошлади. Бир томондан бу эҳтиёткорлик чораси эди. Мабодо фашистлар суриштириб қолишса, кампир, бу менинг

неварам, Аркадий Мирный дейди. Шундай қилиб, Қодир Меленя холанинг дастёри бўлиб яшаб қолди. Лекин у уй ичида ётгани чўчийди, одатда ертўладами, саройда ё ўтинхонада тунайди.

Ҳадемай колхоз раиси ҳам келди. У Қодир-Аркадий билан узоқ гаплашди. Қодирнинг туғилган юртини, ота-онасини суриштирди. Қодир гоҳ завқ билан, гоҳо кўзига ёш олиб Ўзбекистон, бу диёрнинг одамлари, табиати, ноз-неъматлари ҳақида сўзлаб берди. Раис жон қулоғи билан тинглади. У Ўзбекистон деган юрт борлигидан мутлақо беҳабар экан.

Раис Қодирга иш берди. “Ҳозирча отбоқарлик қилиб тур, кўкламда бошқа ишга ўтасан”, деди. Қодир рози бўлди. Колхознинг юмушини ҳам, уй ишларини ҳам жон-дили билан адо этди.

Ёз ўтди, куз келди. Немислар яна “одам ови”га хуруж қилдилар. “Облава” бўлишдан аввал колхоз раиси ёш-яланга яширининглар, деб хабар бериб кўярди. Қодир ертўланинг бурчагига, ўтин гарамининг ортига бекинди. Бир замон автомат кўтарган немис аскарлари кўринди. У ертўлани бир айланди-ю, “Партедон!” деб тепага отилди. Қодир ноилоҳ ўрнидан турди. У ҳозир ташқарига чиқмаса, немис солдати ертўлага граната ташлаши тайин. Унда “Алвидо, Тошкент!” деб қолаверасан.

Немислар қишлоқма-қишлоқ изғиб, Германияда ишлатиш учун ёш йигит-қизларни овлаётган экан. Қодир яна асир бўлди. Уни тенгдошларига кўшиб, тагин ғарбга Германия сари ҳайдаб кетдилар.

Қодир ҳарбий лагерда хизмат қила бошлади. Бандилар саҳар уйғонишар, енгил нон-чоидан кейин шаҳарга, қора ишга жўнашарди. Кўчалардаги ахлатни супуриб, қошлаб аравага ортар, баржага семон юклар, бирон бойниқида плуг билан ер ҳайдар ёки молини боқиб, уй-жойини таъмирларди.

1945 йилнинг баҳори. Малвхинда олчазорлар гуллади. Қодир, “Бизнинг ҳовлидаги оқ ўрик ҳам гуллагандир. Дадамлар, нега Қодирдан дарак йўқ, деб хавотирда бўлса керак”, деб ғусса гирдобиди ўтирибди. Шу пайт ҳамма ёқда тўстўполон кўпди. Шаҳарни шодон қийқириқлар, ўқ товушлари тутиб кетди. Қодир ҳайрон бўлиб, кўчага чиқди. Немислар бетартиб қочар, кўчаларда совет танклари пайдо бўлган эди.

Шундай қилиб банди аскар Қодир Мирмуҳамедов 1945 йилнинг 30 апрелида тутқинликдан озод бўлди. Ҳарбий трибунал вакили уни тергов қилиб, айбсиз деб топди. Қодир ака яна жангга шайланди. Ва ниҳоят, 1946 йилнинг июнь ойида Тошкентнинг Қизил товуш кўчасидаги қадрдон уйига кириб келди.

## МИРТЕМИР АКАНИНГ МУРУВВАТИ

Қодир сал кам олти йил окопларда тиззадан сув кечиб, тинимсиз ўқ ёмғири остида ҳар куни юз бор ўлиб, ҳарбий лагерларда асирлик жафосини тортиб юриб, ўқишни ниҳоятда соғиниб қолган эди. Армиядан келгач, илм олиш пайида бўлди. У ёшлигидан адабиётчи бўлишни орзу қиларди. Ўйлаб ўтирмай Белинский номидаги кечки педагогика институтига кирди. Бу ерда Ҳамид Сулаймон, Аюб Фуломов сингари замонасининг билимдон, бағри кенг олимларидан таълим олди.

Эллигинчи йилларда, Қодир қалам билан тиллашадиган бўлди. Кичик-кичик ҳикоялар, жаҳон халқларининг эртақлари, рус ёзувчилари битган ихчамроқ пьесаларни ўзбекчага ағдарарди. Уларни кўпроқ радиога элтарди. Чунки радиокомитетда болалик дўсти Убай Бурҳон хизмат қиларди.

Бир-икки йилда Ҳаким Назир сингари устозлар кўмагида қалами анча чархланиб, таржимашуносликда кўзи пишиб қолди. Энди қадамни каттароқ ташласам ҳам бўлар, деб хаёлланди Қодир ва бир рус ёзувчисининг “Снежок” деган пьесасини ўзбекчага “Қор бола” деб ағдарди. Радионинг етакчи режиссёри Н. пьесани ўқиб маъқуллади, ўзи актёрларга ўйнатиб, эфирга берди. Қодир каттакон асарнинг мутаржими бўлди, фамилияси миллион-миллион кишиларга

эшиттирилди. Устига устак оз-моз моддий рағбат ҳам келадиганга ўхшайди. Шуларни ўйлаб, Қодир аллоҳга шукрона келтирди. У белини боғлаб, ғайрат билан ижодга киришди.

Бир куни ўша Н. деган режиссёр Қодирни суюнтирадиган гап айтди:

— Бу пьесани ГЮЗ (ёш томошабинлар театри)да қўйсақ нима дейсиз, Қодиржон? Ҳар қалай, сизга ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам бўларди?

Ёш таржимон жон-жон деб кўнди.

— Аммо битта “лекин”и бор, — деди Н., — бу асар ҳали хомроқ. Уни биронта қалами ўткир ёзувчи устидан бир кўриб чиқса яхши бўларди.

— Мен... катта ёзувчиларни танимайман-да, — деди Қодир, — ўзингиз ёрдам қилинг, ака.

— Бўпти, — деди Н. ва Қодирни етаклаб Миртемир домланинг уйига олиб борди. Миртемир ака таржимани кўриб, таҳрир қилиб беришга рози бўлди.

Миртемир аканинг одати қизиқ экан. У киши оқшомлари иш бошлаб, тонг отаргача меҳнат қилар, кундуз куни ётиб дам олар экан. Забардаст шоирнинг ёнида Қодир етти кун қоғозга тикилиб, домланинг таҳририни кузатиб ўтирди. Миртемир ака “Қор бола” деган номга узун чизиқ тортиб ўчирди ва “Оппоғим” деб ёзди. Қодирнинг кўнгли чарақлаб кетди. Пьесанинг янги номи унинг чиройини очиб юборгандек эди.

— Ахир, бизда типратикан — юмшоғим, қора кўнғиз — оппоғим, дермиш деган гап бор-ку, тўғрими, иним? — деб кулади Миртемир ака. Қодир “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”, деганлари рост экан, деб ичида Миртемир аканинг санъатига тасанно айтади.

Етти кун ўтиб, саккизинчи кун, деганда таржима битди.

— Ана энди буни кўчиртириб келинг, бўтам, — деди домла. Қодир оёғини қўлга олиб югурди. Бир неча кунда асарни қайта кўчиртириб олиб келди. Миртемир ака пьесанинг биринчи бетига қаради. У ерда “Миртемир ва Қодир Мирмуҳамедов таржимаси” деб ёзилган эди. Домла қўлига ручка олди ва “Миртемир” деган сўзни ўчириб ташлади. Қодир ташвишланиб сўради:

— Домла, нега ундай қилдингиз, ахир таржиманинг ярмидан кўпини сиз қайта ёзиб чиқдингиз-ку?

— Мени шундоқ ҳам кўпчилик танийди, — деди устоз, — сиз ҳали ёшсиз, сиз ўсишингиз керак. Менинг фамилиям сизга тўсқинлик қилиши мумкин. Сизга омад тилайман, иним!

Миртемир аканинг бағрикенглиги, олижаноблиги Қодирни лол қолдирди. У бир иймонли-инсофли инсонга дуч келган эди. Анча йиллар ўтиб, Қодир ака Ҳомернинг шоҳ асари “Илиада”ни таржима қилганда уни илк устози Миртемир домлага бағишлади.

...Пьесанинг бир нусхасини маданият бошқармасига олиб бориб топширишди. Қодир хурсанд, кўнгли осмонда. Ахир, унинг хом нарсасини Миртемир акадек зукко шоир “одам қилиб” берди, асар энди чамандек ярқираб турибди, хурсанд бўлмасинми?

Қодир қувончини баҳам кўргани радиокомитетга, кадрдони Убай Бурҳоннинг олдига чопди. Убай ака Қодирни табриклади ва дарҳол “Ленин учкуни” газетасининг муҳаррири Рамз Бобожонга кўнғироқ қилди.

— Қодиржон яхши бир асарни таржима қилибди. Чиройли нарса экан, харидор бўлмайсизми? — деб сўради. Рамз Бобожон, “Айтинг, обкелсин”, деди.

Шундай қилиб, “Оппоғим” газетада сонма-сон Қодир аканинг таржимаси сифатида босилиб чиқа бошлади. Қодир севинчдан танасига сиймас, газетанинг ҳар бир сонини ҳижжалаб ўқиб чиқарди...

Лекин... Афсуски, шодлик билан ғам эгизак, деганлари рост экан. Қодирнинг бошига тагин кулфат тушди.

## ҚОРА ДОҒЛАР ЮВИЛДИ

1950 йилнинг охири. Қиш. Қодир мактабда ишларди. Бир куни у шоғирдларини Ҳамза театрига томошага олиб тушди. Спектакль яримлаганда мазаси қочди. Бирдан бурнидан қон келди. Театр буфетида пешонасига муз босиб, оғзи-бурнини чайиб, кўмаклашдилар. Қон тўхтамади. Уни бир холис киши уйига кузатиб қўйди.

Эртасига ТошМИга бориб текширтирди. Рентген орқали сил касалига чалинганини аниқлашди. Қодирнинг кўнгли чўкиб кетди. Ё раббий, энди оғзи ошга етай, деганда бу яна қандай кўргулик?!

У даволангани диспансерга ётди. Қодирга 3-палатадан жой ҳозирлабдилар. Кейин билса, уни беморлар ажал палатаси, деб аташар экан. Чунки бу ерга тушганлар қайтиб одам бўлмас, марҳумлар қаторидан жой олишарди. “Йўқ, мен бу палатада ётмайман! — деди ўзича Қодир, — худо хоҳласа мен бу ердан ўз оёғим билан юриб чиқиб кетаман! Ўзинг мадад бер, парвардигор! Шунча йил қон кечиб, қирғин-баротлардан, асирлик азоб-укубатларидан қутулиб келсам-у, ўз уйимда, жигарбандларим ёнида дунёдан кўз юрсам... бу қандоқ адолатсизлик бўлди, яратган эгам!”

Унинг муножоти халлоқи оламга етиб бордими, бир куни тепасида нажот фариштаси пайдо бўлди. У мушфиқ ҳамшира қиёфасида эди.

— Сизнинг касалингиз энди бошланган. Ҳали илдиз отмаган, — деди ҳамшира, — сизга стрептомицин деган дори керак. Фақат у дори бизда йўқ. Уни учувчилар чет элдан олиб келиб сотишяпти. Профессордан сўраб кўринг-чи, нима деркин, агар лозим деса, мен сизга топиб бераман.

Қодир профессор Айзенбергдан сўради.

— О, қани энди уни тополсангиз, — деди профессор, — айнан шу дори сизга қор қиларди. Саккиз грамм бўлса етади. Афсуски, бизда йўқ-да, болам.

Қодир энди ҳамширага йўлиқди.

— Опа, менга саккиз грамм стрептомицин керак экан. Грамми қанча туради унинг?

— 125 сўм, — деди ҳамшира.

Қодир мунғайиб қолди. Демак, минг сўм керак. Қани ўша минг сўм пул? Уйда отаси ҳам ишсиз ўтирибди, рўзғорни бир амаллаб тебратиб турган Қодирнинг ўзи. Ҳа-а, асли пешонаси шўр экан-да...

Яна мўъжиза рўй берди. Ўша дилгир кунларнинг бирида уйидан хушхабар эшитди. Қодирнинг номига оз эмас — 1800 сўм пул келибди. Бу “Оппоғим” учун газетадан келган қалам ҳақи эди. Қодирнинг умидсизлик чўккан дили қувнади. Минг сўмга дори олди, саккиз юзини рўзғорга ишлатди. Уни беш кун укол қилдилар. Олтинчи куни бурнидан келаётган қон тўхтади.

Касалхонада анча даволаниб, Қодир уйига чиқди. Уни кўргани мактаб директори Исмоилзода келди. Ҳол-аҳвол сўради. Қодир унга профессор Айзенбергнинг гапини айтди. Профессор ана, бир оз тузук бўлдингиз, ўғлим, энди Қримга ўхшаган ерларга бориб, даволаниб турсангиз, касалдан бутунлай фориф бўлиб кетасиз, деган эди. Аммо, Қримга бориб келгани Қодирда имконият, тўғрироғи сармоя йўқ эди.

Исмоилзода иккинчи бор келишида Қодирга текин йўлланма кўтариб келди. Қодир, ўзинг қўлла, илоҳим, деб поездга ўтирди-ю, Қримга отланди.

Икки ой деганда семириб, рангига қон югуриб, жонажон шаҳрига кириб келди. Тошкентни соғиниб қолган эди, ютоқиб, шаҳар кеза бошлади. Лекин... Келинг, бу ёғини Қодир аканинг ўз оғзидан эшитайлик.

— Айни шу кунларда кўнглимни хира қилувчи яна бир воқеа содир бўлди. ТЮЗ театри “Оппоғим” спектаклини қўя бошлабди. Буни мен кўчалардаги афишалардан билдим. Мен суюниб кетдим ва яқинроқ бориб ўқидим. Лекин минг афсуски, пьеса таржимони мен эмас, Миртемир деб ёзилган эди.

Ўқиб жиғибийроним чиқди. Наҳотки олижаноб инсон бўлиб кўринган Миртемир ака мени лақиллатган бўлса? Ахир у ўз исмини ўз қўли билан ўчириб ташлаган эди-ку?

Мен афиша қаршисида узоқ ўйланиб туриб қолдим. Ниҳоят, Миртемир акани кўриш баҳонасида ҳамма гапни ўзларидан эшитишга қарор қилдим.

Устоз мени анча маънос чехра билан қарши олди. Ҳовли ўртасидаги каравотга таклиф этди. Янгам нон-чой келтирди. Домла менинг оғир касал бўлиб қолганимни эшитибди, ҳол-аҳвол сўради. Мен Қримга бориб даволаниб келганимни, ҳозир анча яхши эканлигимни айтдим. Аммо нима мақсадда келганимни айтишга юрагим дов бермади — устознинг салобати босиб турарди.

Ўртада юзага келган совуқ жимликни Миртемир аканинг ўзи бузди.

— Ҳа, анча хунук иш бўлди, иним, — деди у, — айтишларича, сиз асирликда бўлган экансиз. Шунга кўра, сизнинг номингизни ўчириб, мени таржимон деб эълон қилишибди. Кечиринг, мен бундан беҳабар эканман.

— Менинг асирда бўлганимни сизга ким айтди?

— Маданият бошқармаси ходимлари.

— Улар қаёқдан билишади?

— Билмадим, иним, — деди Миртемир ака хижолат бўлиб.

Сир кейин очилди. Менинг асирда бўлганимни ҳўв ўша радиодаги эскидан таниш режиссёрим ҳаммага айтиб чиққан экан. Ёқамни ушладим. Ахир мен унга бирон ёмонлик қилмаган бўлсам. Доим этагини тутиб, устоз деб юрдим, назаримда, у қалби пок, самимий инсон бўлиб кўринган эди. Одамнинг оласи ичида деб шунга айтишар экан-да, вожаб.

Энг таажжубли ери шуки, “Оппоғим” пьесаси нашриётда босилиб чиқди. Лекин китобда Миртемир аканинг ҳам, менинг ҳам фамилиям йўқ эди. У ерда ҳўв ўша радиодаги биринчи режиссёримнинг исми-фамилияси турарди. Мен ҳайратдан гаранг бўлиб қолдим. Ахир инсон боласи ҳам шунчалик пасткашликка борадими? Бировга бир нима демадим, худо ҳар кимга инсофу тавфиқ берсин экан, деб қўя қолдим.

Бир куни Миртемир оға менга анча-мунча пул бериб юборибди. Бу — менинг фамилиямсиз намоийиш этилган спектакллардан тушган қалам ҳақи экан. Пулни чангаллаб туриб, ўйланиб қолдим. Қаранг, бировлар бор, инсон деган номни ерга уриб, кўнгилни хира қилади, бировлар бор, инсон деб аталмиш шарафли унвонни кўкка кўтаради.

Миртемир ака ана шундай беназир инсон эди. У кишини ҳалоллик, поклик тимсоли десам, сира янглишмайман.

## **ХОТИМА ЁКИ ҚОДИР АКА БИЛАН ҒОЙИБОНА СЎЗЛАШУВ**

Ассалому алайкум, Қодир ака! Сиз билан икки кун гурунг қилдик. Бошингиздан ўтган савдоларни бир ипга тизиб чиқилса, юракларни ларзага солувчи расаматли қисса бўлишига иймоним комил. Эҳтимол, шундай кун ҳам келиб қолар. Камина ҳозирча ҳаётингиздаги айрим эътиборли лавҳаларни келтириш билан чекландим, холос. Ана шу жонли, жонсарак лавҳаларнинг ўзиёқ ўқувчини бефарқ қолдирмас, деб умид қиламан. Мен сизнинг киностудиядаги ўттиз йиллик самарали фаолиятингизни айтиб ўтирмадим, мактаблардаги муаллимлик меҳнатингиз, радиокомитет ва нашриётлардаги йигирма йиллик муҳаррирлик санъатингиз хусусида тўхталмадим. Сиз жаҳон классикларининг етмишдан ортиқ асарини ўзбек тилига ўгирдингиз. Улар орасида «Декамерон», «Хонадон ва жаҳон», «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Уста ва Маргарита», «Мартин Иден» сингари машҳур романлар бор. 450 га яқин кинофильм сизнинг таржимангизда томошабинларга етиб борди. Сизнинг фидойилигингиз туфайли адабиёт мухлис-

лари «Илиада», «Одиссея» каби шоҳ асарларни ўқиш имкониятига эга бўлдилар. Шу айтганларимизнинг ўзиёқ таҳсинга сазовор.

Қодир ака! Сиз хўшлашаётганда ярим ҳазил, ярим чин қабалида бир гап айтдингиз. Бу гап қулоғимга қўрғошиндай қўйилиб қолди:

– Ит йилида туғилган бўлсам-да, ҳеч кимга итлик қилмадим, – дедингиз, – нонимни ҳалол еб, болаларимни пешона терим билан боқдим. Шунинг учун виждоним тоза, бировдан тилим қисик эмас. Узоқ умрим давомида кўп асл инсонларни учратдим, уларнинг самимий ёрдамларидан баҳраманд бўлдим. Ўтганларни аллоҳ раҳматига олсин, тирик устозларимнинг умрини зиёда айлаб, барчаларига саодатли ҳаёт ато этсин.

Қодир ака! Мен сизнинг ҳузурингиздан бир олам таассурот билан бирга, ҳаётини сабоқ ҳам олиб қайтдим. Ҳар инсоннинг кўксига одамларга меҳр ва яхшилик қилишга рағбат, ҳалоллик ва иймон нури чарақлаб туриши керак экан. Сизнинг салкам тўқсон йиллик умр дафтарингизни варақлаб, ана шундай ҳулосага келдим.

Маърифатни қадрловчи элимиз бахтига, кўп миллионли адабиёт мухлислари бахтига умрингиз янада зиёда бўлсин, Қодир ака!



*Ҳамма нарсани яхши дейдиган, ҳамма нарсани ёмон деб ҳисоблайдиган, айниқса, ҳамма нарсага совуққон қарайдиган одамга ишонманг.*

**И. Лафатер.**

*Узоқ яшаш эмас, тўғри яшай билиш муҳимдир.*

**Сенека.**



## *Қорақалтоқ қизлари дафтаридан*

**Набийра ТОРЕШОВА,**  
Қорақалпоғистон халқ шоири

\* \* \*

Ўтган йилларимнинг тахламин санаб,  
Кириб чиққим келар қатига бир-бир.  
Кун, ҳафта, ойларни, йилларни силаб,  
Кутганман дам-бадам ўзингни дилгир.

Сабаби, уларнинг ҳар нафасида,  
Сенинг жон олғувчи кўзларинг турар.  
О, манов дунёнинг тор нафасида  
Умидим гуллари бирма-бир сўлар.

Қалбим-чи, сени тарк этгиси келмас,  
Ўтлуғ меҳринг ила яшаб ўтмоқчи.  
Армонли дунёда армонлар ўлмас,  
Авайлаб бағрига босиб кетмоқчи,  
Азизим!

\* \* \*

Меҳр қалқир, ноз қалқир  
Кўзингнинг қийиғида,  
Чеҳрангда баҳор балқир  
Нур ўйнаб мийиғингда.

Кинояга куч бердинг,  
Гапиртирмоқ қасдида,  
Юзга содда тус бердинг,  
Сир олмоқ-чун, аслида.

Мен сабрингни сўтарман,  
Сергаклигим билдириб,  
Қармоғингга кетарман  
Нақ тилингдан илдириб.

\* \* \*

Бир умрлик армоним ўзинг,  
Кўнглинг менда, ўзинг йироқда.  
Тошдан экан мендаги тўзим,  
Тўзғимади ҳатто фироқда.

Рух азобда, жоним азобда,  
Хаёллар йўлингга тўшалар.  
Ақл эса нақ изтиробда,  
Дард кўнгилга келиб бош урар.

Фарёдларни тингламас эрким,  
Қилич босар қадамимга лаб.  
Сабр томондан қайтади ҳар кун  
Соғичларинг қони йўргалаб.

## Зубайда ИШМАНОВА

### Ҳар кеч...

Ҳар кеч деразангдан сочганда шуъла.  
Бир ажиб туйғуга бўламан асир.  
Кўнглим навосида ишқий ашула,  
Севгидан қурарди у сенга қаср.

Не билан машғулсан бу кеч тонггида.  
Оҳу кўзларингга ё уйқу паноҳ.  
Хаёлинг денгизин балки сўнггида.  
Гўзал қиз сиймосин топдингми, ногоҳ?!

Эҳтимол, орзулар отида парвоз  
Этиб кўнглинг тушмоқда ўйин.  
Эҳтимол, рақибим қаршингда пардоз  
Билан кўрсатмоқда жилвагар бўйин.

Эҳтимол, севгига лиммо-лим юрак  
Бир ширин гўдакдек олмоқда нафас.  
Она фарзандидек у жажжи тилак,  
Эҳтимол, қалбида уйғонган ҳавас.

Оҳ, билолмам, билмасман ҳамон,  
Хонангда ўйнаган шуълалар сирина.  
Тонг нури бошгинанг силаган замон,  
Менга ташлармисан кўзларинг қирин?!

Шунда, деразангдан сочганча шуъла,  
Кўкда ой, юлдузлар куйлар ашула.



### Она юртим

Бийик остонамдан бошланган Түрткўл,  
Олгин, сеникидир жоним ҳам таним.  
Тарих саҳнасида бор бўл, омон бўл,  
Эй менинг меҳрибон она Ватаним!

Мен деб чўллар икки кўзидан тинди,  
Интилдим олдинга учиб ҳам ёниб.  
Иссиқ кучоғинга бир қушдек сингдим,  
Шу ерда улғайиб, дунёни таниб.

### Манзара

Бунчалар қаҳрли қишнинг нафаси,  
Осмонда юлдузлар нур сочар беун?  
Симларда тош қотган аёзнинг саси,  
Соғинч илинжида юраклар дилхун.

Ухлар дарахтларда кечиккан баҳор,  
Совуқ ялтирайди гулханларда қўр.  
Қиш танни титратар десалар бекор,  
Иллю, аёзнинг ҳам гашти жуда зўр.

Чексиз мовий осмон — қушнинг қафаси,  
Оёқлар остида гичирлайди қор.  
Яйратса борлиқни қишнинг нафаси,  
Гўзал юракларда бир илиқлик бор.

## Минайхон ЖУМАНАЗАРОВА

### Йўқсан

Жонимнинг ичидасан,  
Ёнимда йўқсан.  
Ҳар кун тушимдасан,  
Ўнгимда йўқсан.  
Жудаям севаман,  
Чин севолмайман.  
Жонни бергим келар,  
Бера олмайман.  
Шундаям излайман,  
Қалбимда чўғсан.  
Излайман, билмайман,  
Сен нега йўқсан?!

## Тунда тушларимда

Юраккинам сиғмас қафасига ҳеч,  
Кўкка қўл чўзаман, ойга сапчийман.  
Само қизиман, мен, тушимда ҳар кеч  
Юлдузларни бир-бир узиб олмоқчиман.

Парвоз қилдим ерга тегмай товоним,  
Улуғ умидларим боғлади қанот.  
Аллоҳ инъом этди булбул забонин,  
Дилнинг нозик торин чалдим мен бот-бот.

Чироқ ёқолмасам бирор кўнгилга,  
Зеру забар бўлдим, юм-юм йиғладим.  
Ҳув, пастда, заминлар тортди тубанга,  
Бошим тошга тегди, қумга қуладим.

Барибир, юрагим сиғмас хонага,  
Яна осмон чорлар, ойга сапчийман.  
Само қизиман, мен, ошиқ самога,  
Тунда тушларимда юлдуз санайман...

## Гулнора НУРЛЕПЕСОВА

### Қорақалпоқ қизиман

Овулдаги содда, сахий  
Қорақалпоқ қизиман,  
Кенг далада пода ҳайдаб,  
Мол боққанман чанглоқда.  
Хулқ-атворим шу овулга  
Мос келгандай чизилган,  
Асов отдай миназимни  
Ғалати деб танг қолманг.

Қайсар қизман, ниятимга  
Етмагунча тинмасман,  
Машаққатли овул мени  
Қийинликка ўргатган.  
Кенг, жазира далаларга  
Мен азалдан сирдошман,  
Тор кўчали шаҳарларни  
Табиатим олмас тан.

Мақтанмасман, кўнглим очиқ,  
Меҳмондўстман барчага,  
Лекин кўнглим қолдирганга  
Жўртга кула олмасман.  
Яширмасман ҳақиқатни —



Шудир юксак мартабам,  
Енги́л-елпи кун кўришнинг  
Кўчасидан юрмасман.

Ёбон – менинг яшил ўлкам,  
Ундан гўзал ер қайда?  
Ер тилини топа билсанг –  
Мўл хазина қўлингда.  
Ҳар қадамда мол ейилган  
Далалар жўш бағишлар,  
Не йигитлар қўшиқ айтар  
Кўзин тикиб йўлимда.

Барчасига қиё боқмай,  
Ҳалол бўлиб юрайин,  
Қўлдан келса пок кўнгилга  
Ҳеч ғулғула солмасман.  
Ёлғон нозлар, иболарни,  
Асло, севмагай жоним,  
Севиб қолсам ... севиб қолсам,  
Сўзимдан ҳеч тоймасман.

Мен севганман кенг далада  
Эркин меҳнат қилмоқни,  
Дардим, қайғум, бор бўлмишим  
Мен севган шу маконда.  
Хаёлимга келтирмасман  
Ундан бешиб кетмоқни,  
Сабаби, мен одам бўлдим  
Шу муқаддас ёбонда.

## Гулистон ДАВЛЕТОВА

### Қиз тахтим

Кўзгинангдан бир сир англаб қоларман,  
Хаёллар улоқиб, ўйга толарман,  
Жоним ловлаб, андишали туйғуда  
Кун-кундан мен Лайли бўлиб борарман.

Сезгилар, туйғулар кетманглар йироқ,  
Жонимни айролиқ ўтига қалаб.  
Мажнун бўлиб қия чўлга кетдингми,  
Кўнглим қолар сени топмай, мўлтираб?!

Қанот ёзиб келдинг, қалбим султони,  
Кўчди дилдан булутларнинг қарвони.  
Умид-отган тонгдан, сенга қўл чўздим,  
Хуш қол сен, қиз тахтим – олтин давроним.

Мажнунтол капалаб, бизни яширди,  
Муҳаббат ўт экан қизил-яшилли.  
Сезгилар бўйсунмас ипини узиб,  
Жонгинам, кўксингга қўйдим бошимни.

### Мардона аёл

Одам Ато тоқ яралиб дунёда,  
Мазмунсиз умрдан кўнгли тўлмади.  
Недир етишмасди, нима экан у,  
Ёлғизлик – ёвузлик жонин қийнади.

Оқшомлар узоқлаб, отмади тонгги,  
Нимадир етмасди – лол бўлди онгги.  
Ажойиб гўзаллик яратиш учун  
Ҳақ суғуриб олди бир қовурғани.

Ё раб, қовурғадан бир ҳур яралди,  
Меҳридан жаҳонга бир нур таралди.  
Зулмат пўстинини ечиб бу дунё,  
Олам ва одамнинг жони яралди.

Ким эди оламга ёруғлик берган,  
Бесуҳбат умрга чирой келтирган?  
Илоҳий фармонни аъло бажарган –  
Муқаддас, мардона шул аёл дерман.

### Олтингул ЎТЕНИЁЗОВА

\* \* \*

Ўйнаб ... чарчаб ... ухлаб ... яна уйғонсам,  
Отам меҳри мени эркалатарди,  
Тонгги дастурхонни ёярди онам,  
Бола кўнглим яна яйраб кетарди.

Отам қайтар эди чарчаб даладан,  
Машғул бўлиб уйнинг ташвиши дея.  
Кечки дастурхонни ёярди онам,  
Серфайз, нутилмас дамлар эди-я...

Ўша бир бегубор, тотли дамларни  
Соғиниб-соғиниб эслагим келар.  
Ўз ташвишим, уйим, юким бор энди,  
Унсиз такрорланар серфайз лаҳзалар...



## Фотийма МИРЗАБОЕВА

### Хувиллайди кўнгил саройим...

Хувиллайди кўнгил саройим,  
Сени шод айламоқ – қарорим,  
Ишқ қўлида бўлибман сойил,  
Лекин бу дунёда сен борсан.

Юрагингда яшар ўзга ёр,  
Сенинг ёлғиз сўзингга мен зор,  
Қалб кўзгуси – кўзингга такроп  
Кўзим тушса, ёндирадирсан.

Ошиқликнинг чаман гулбоғи,  
Мени ҳайрон қиладир тагин,  
Етказмассан – сен мисли сароб,  
Аро йўлда қолдирадирсан.

Мен ҳеч сендан тона олмасман,  
Ўзганики бўла олмасман,  
Муҳаббатнинг жаннатдай боғин  
Айтчи, нега сўлдирадирсан?

Кўп бемаъни кунлар ҳам ўтар,  
Муҳаббатсиз гунлар ҳам ўтар,  
Қачон сенга қўлларим етар –  
Кўзларимни толдирадирсан...

### Осмон дардин ахтариб

Осмон дардин ахтариб  
Ёмғир ёғди – сел бўлди,  
Сени яна кутавериб  
Тоқатим тоқ, кел, бўлди.

Олисларда юрсанг ҳам сен  
Нафасимни сезасан,  
Лек, қалбимга қулоқ солмай  
Бепарвосан нега сен?

Йироқдасан. Шодлик йироқ,  
Мунгли кўнглим ўртанди,  
Мен ёлвориб сўрайдирман,  
Сен тонг бўлгин эртанги.

Булутли кўк каби мен ҳам  
Дардларимни гизладим,

Энг бахтиёр дамларимни  
Эртақлардан изладим.

Гўё тиниқ кўзёшидай  
Ёмғир ҳамон томчилар,  
Мени соғинч, ҳижрон, армон  
Аямасдан қамчилар...

## **Бийбиажар НУРНАЗАРОВА**

### **Ўғлим**

Сенинг учун қурдик бу иморатни,  
Енгил бўлсин дедик мушқулинг сенинг.  
Яхши яшашингга имкон яратдик,  
Шошилдик, битсин деб ками-нуқсони.

Бироқ, айтмоқ керак бир ҳақиқатни,  
Улуши кўп бунда катта отангнинг.  
Меҳнатнинг меваси не деган тотли,  
Олдида юр энди халқнинг — қаторнинг.

Биз қийналдик десак, биздан ҳам кўпроқ  
Жонни фидо қилган инсонлар бордир.  
Сен ҳам фарзандларинг ўйлагин шундоқ,  
Фарзандин ўйлаган — чин фидокордир!..

*Қорақалпоқ тилидан  
Музаффар АҲМАД таржималари*



**Дурбек ҚЎЛДОШ**

# ШИКОР

## Ҳикоя

1494 йил қаҳратон қиши Фарғона мулкида қалин қорлари, қаттиқ совуқларию, аччиқ изғиринлари билан одамлар ёдида кўп йиллар қоладиган бўлиб ўтиб борарди.

Тонг отган ҳамоно Умар Шайх Мирзо сарой кутволи<sup>1</sup> Муҳаммад Қавчинни ёнларига олиб, бутун ҳисор ичкарасини айланиб чиқдилар... Эшик оғага муҳим ва керакли вазифаларни топширган ҳукмдор, унга ўз юмушларини бажариш учун изн берди-да, қалъанинг энг четига жойлашган отхона томон йўл олди...

Шоҳруҳия ва Ўратепа орасида Султон Аҳмад Мирзо билан бўлиб ўтган сўнги жангдаги мағлубият алами руҳи – кайфиятини анча тушириб юборгани кечагидай Умар Шайх Мирзонинг ёдида... Омад юз ўгирдими, сипоҳу навкарлар орасида жанговарлик руҳи етишмадими, не бўлганда ҳам ўша мағлубият рўй берди, ўн йилдан ўтибдики, уни ҳали-ҳануз таҳлил қилиб, гоҳо-гоҳо кўнгил ойнасидан ўтказиб туради... Хотира ёзув эмас эканки, ўчириб қутулсанг! Ҳукмдор ҳаётида аламли, изтиробли дамлар эди ўшанда. Синган кўнглини тунги базмлардаги чоғир ва маъжунлар тугул, ҳарамдаги гўзал маликалар ҳам оломай қолганди...

Салтанатни шуур ва шамшир остида бирлаштириш, бошқариш аввало хон атрофидаги кишилар аҳду садоқатига ва сипоҳу навкарларнинг жанговар руҳиятига бевосита боғлиқлигини, бунга эришмоқнинг бирдан бир йўли ҳар қандай вазиятда кишилар орасида бўлиш эканлигини янада чуқурроқ англаб, бу жабҳада шахсан ўзи масъул бўлган томонларни ўйлаб борар, оёғи остидаги қорнинг мусаффо тонг ҳавосида таратаётган вазмин ғарчиллашлари ҳам қулоқларига кирмасди...

Умар Шайх Мирзога кўзи тушган Ҳасан мирохур<sup>2</sup> дарҳол қўл қовуштириб, таъзим бажо келтирди. Чорпо оғасининг каллаи саҳарлаб ўз хизмат жойида эканини кўрган подшо сувсар телпагига инган қорни қоқиб, отхона айвонига ўтаркан:

<sup>1</sup> Қалъа бошлиғи (комендант).

<sup>2</sup> Подшоҳ отхонасининг бошлиғи.

– Мир Ҳасан! Кеча уйингга кетдингму ё отлар бирла қолдингму? – деди мийиғида кулиб.

Ҳукмдорнинг кайфияти андак баланд эканлигини сезган мирохур:

– Аълоҳазрат! Қишнинг баланд авзойи кўриниб турибдур... Қор тўхтаётган демайду, совуқ ҳам аламжон тутқон... Шундай ҳавода бир кеча, икки кеча жониворлар ёнида бўлиб турмасак бизларга мирохурлик чикора... – деди масъулият ҳисси билан.

Унинг жавобидан, бу ерда бажарилаётган батартиб ишлардан, саранжом-саришталикдан мамнун бўлган Умар Шайх Мирзо узун шоти кўйиб, баланд фарамдан эпчиллик билан беда тушираётган ахтачиларга кўз қирини ташлаб кўйди-да, фақат ўзигагина хизмат қилувчи отлар сақланадиган махсус бўлмага ўтиб борди... Ичкаридан қуритилган пичаннинг киши кўнглини яйратувчи хуш ҳиди димоққа урилди.

Қаторнинг бошида турган Қорабайир ўз эгасини таниб, “Курт-курт” қилиб, суйиб чайнаётган бедасини ҳам ташлаб, охурдан бир силтаб бошини кўтарди-да, қалин ёлларини силкитганча кишнаб юборди...

Ҳукмдор жилмайганча отнинг текис пешонасидаги оппоқ холини меҳр билан силаб кўйди... (Ахир у, олампаноҳнинг жанговар дўсти-ку! Оддий от эмас, жанг кўрган от! Тўғри, бир ғалаба нашидасини, бир мағлубият аламини бирга тоттишган...) Кейин бир оз нарида тавозеъ билан турган Ҳасан мирохурга ички қониқиш билан юзланиб:

– Эртағалик шикорга қай бирини тавсия қиласен, Мир, – деганди, у бир зум сукут сақлаб деди:

– Менга қолса, аълоҳазрат, Дўнонни миниб, захирасига Қора булутни олганингиз маъқулмикин...

– Нечун?

– Нега десангиз, аълоҳазрат, бу асовларда чопмаганингизга ҳам анча бўлибдур. Отлар юракдагиларини айта олмасалар-да, бироқ, сизнинг хизматингизни бажаришни жуда-жуда орзулашган. Аввало, сиз нима десангиз шу, қолаверса, подшоҳим, еттов отингиз ҳам тавсан отлар! Бири-биридан учқур!..

Ҳасан мирохур: “Ахир, қанча суюкли бўлмасин, бир хотинингиз билан доим бирга бўлишлик адолатдан эмас-ку”, демоқчи бўлганди, тилига чиқаришга юраги бетламай, шунчаки жилмайиб қўя қолди.

\* \* \*

Бугун тонг саҳардан Бобуржон ҳам ўз ўрнида эмас. Деразадан қорнинг кўплигини кўриб қувониб кетганидан апил-тапил бет-қўлларини ювди-да, ҳеч кимга сездирмай ташқарига отилди.

Кичик тошҳовуз бўйидаги майдончада “ҳарбий истехком” қуриш учун (ўзи ёқтирган машғулотларидан бири) қор тўплашга тушиб кетди. Файрати жўшиб ҳаш-паш дегунча бир қанча қорни думалатиб, катта-кичик тўпчаларга айлантириб кўйди. Катталардай кўзлари билан чамалаб, майдон ўртасига белги кўйди-да, тўпларни доира шаклида зич қилиб “иншоот”нинг пойдеворига ўрнатди. Ўзи ясаб олган андавага ўхшаш тахтача билан аввал тепасини, сўнг ён-атрофларини эринмай текислади. Кейин кичикроқ қор думалоқларини олиб, унинг устига ҳафсала билан тахлаб, девор тиклай бошлади.

Бобуржон икки кун тиш оғриғидан азоб чекди. Охири кеча тунда саройнинг хос ҳакими-ҳозиқ Абдумалик Боқи, энг мукаммал муолажаси ҳам фойда бермагач, Пошшо буви розилиги билан, ўша тишни олиб ташлади-ю, кўзлари ярқ этиб очилди. Иродаси мустаҳкамлиги боис табиб олдида ақалли “вой” деб кўймади. Аслида суннатга ётқизганларида ҳам чурқ этган эмас.

\* \* \*

Бобуржон ясаётган “қалъа” деворлари бўйи бир қулочга бориб қолди. Яна кўтариш керак! Бир ўзига анча оғирлик қияпти. Ишнинг залворидан терлаб-пишиб кетди. Бадани қизиби, эгнидаги қундуз ёқа калта пўстинчасини ечди, ёнига қўйиб, устига бир зум ўтирди-да, сувсар мўйна телпагини бошидан олди. Тўлқин-тўлқин бўлиб кетган қоп-қора сочлари орасидан оппоқ ҳовур кўтарилиб турибди. Бир оз сув ичгиси келганидан рўпарадаги бинонинг бўғотида осилиб турган қатор шаффоф сумалаклардан бир нечасини қор билан уриб туширди. Тиш оғриғи берган азоблар ёдига тушди-ю, уларни қўлига олмади.

“Қорни яна тўплаш керак, кўтариш керак, — деб кўнглидан ўтказди. — Бу баландликдаги девор, қалъа учун етарли эмас! Ҳеч бўлмаганда, ҳозиргига икки баробар қилиб кўтарсам, унда бир нав”. Шуларни ўйлаб, ўрнидан ирғиб турувди ҳамки, узоқдан Хонзода бегимнинг куйинчак овози эшитилди.

— Бобуржон-у, хў, Бобуржон!

Хонзода бегим тез юриб келди-да, иниси қилган ишларни кўриб, капалаги учиб кетди.

— Вой-буй! Бу кўрғонни ким қурди?!

— Мен десам ишонасизму, опажон?

— Ахир, кечқурун бетоб эдингиз-ку! Ҳеч кимга билдирмай совуққа нега чиқиб олдингиз?! Пошшо бувимлар билиб қолсалар биласизму, сизни нима қилдилар?!

— Сиз ошкор этиб қўймасангиз бас, у киши билмайдилар.

Хонзода бегим бир оз юмшаб сўйлади:

— Агар у киши билмасликларини хоҳласангиз, дарҳол олдимга тушинг!

— Хўп бўлади, опажон. Яна, ҳеч бўлмаганда, икки-уч қатор кўтариб қўяйин, сўнг...

Амирзода феъл-атворини яхши билган Хонзода бегимнинг ҳам болалиги тутиб кетдими, ё инисига кўмак бергиси келдими, у ҳам қор тўплашга киришди. Иншоот “қалъа” кўринишини олганди. Кўнгли бир оз таскин топган, амирзода шиббалаш ишларини ҳали чиқиб қиламан деб мўлжаллаб қўйди. Мўъжазгина қор кўрғонга ҳавас билан тикилганларича опа-ука ичкарига юрдилар. Муъолишга етганларида Хонзода бегим орқасига ўгирилиб:

— Бобуржон, биласизму бу қурган кўрғонингиз узоқдан нимани эслатади?

— Йўқ, опажон, айтинг-чи!

— Ахси қалъасини! — деб қўйди эгачи ички ифтихор билан жилмайиб.

\* \* \*

Чошгоҳга бормай саройнинг бош дарвозаси олдида ноғора ва карнай садолари янгради. Ўткир унли Жакбар жарчининг отда юриб:

— Олампаноҳ шикор ихтиёр этдилар! — деган жарангдор овозаси узоқ-узоқларгача эшитилиб турарди.

Бир муддат ўтиб, ҳайбатли бош дарвоза ланг очилиб, арк ичидан тавсан отларини гижинглатганларича бир гуруҳ суворийлар чиқа бошлади. Саф аввалида, кўркам араби Дўнон отида, подшо ҳазратлари — Умар Шайх Мирзо кўринди.

Олампаноҳнинг белини олтин тўға қадалган энли сарғиш чарм камар сиқиб ушлаб турганига қарамай, йўгон, дум-думалоқ қорни эгарнинг қошигача ёпган эди. Совуқдан серсоқол юзлари лоладай қизариб кетган. Ўнг тарафда садоқатли бекларидан бири, қалин ўсиқ қошларига қор иниб қолган Ширимбек борарди. Эгарнинг қошини маҳкам тутган бек сал энгашган ҳолда қандайдир қизиқарли воқеани айтиб бераётган бўлса керак, олампаноҳнинг юзида ним табассум. Бугунги шикорда қатнашишдан пинҳона бош тортганми, доимо хоннинг чап тарафини суқилиб бўлса ҳам эгаллаб юрувчи Аҳмад Танбалнинг қораси кўринмайди. Ўрни-

ни тулки мўйнасидан мўғулча қалпоқ кийиб олган, кўзлари айёрона қисик Шайх Мазидбек эгаллаганди. Ундан кейин мошгуруч соқоли ёқимтой юзига ярашиб турган Хожа Ҳусайнбек кўринди. Унинг кайфияти бир қадар баландлиги қайсидир кўшиқни паст овозда хиргойи қилиб бораётганидан ҳам билиниб турарди. Сафда Ҳасан Яъқуббекни, Қосимбек қавчинни, Вайс Лоғарий ва бошқа бир неча бекларни таниб олиш қийин эмасди.

Хайрият, Бобуржонга ҳам шикорда қатнашиш учун рухсат берилибди. Боз устига, олампахоҳнинг энг суюкли оти Қорабайир устида ўтирибди.

Ҳалига қадар Қорабайирга подшо ҳазратларидан бўлак ҳеч кимга миниш учун рухсат берилган эмасди! Буни бўлғуси тахт ворисига бўлган улуг ишончга ишора деб тушуниш керак! Бобуржоннинг ёнида икки қадрдон дўсти: кўлидаги чакас<sup>3</sup>га бир жуфт шунқор кўндириб олган, қотмадан келган чувак юзли ёш қушчи Муҳибали, лўпигина қулча юзи совуқдан қизарган, жилмайганча қизиқ-қизиқ ҳангомалар сўзлаб бораётган (саройда жидди ҳазил устаси Хурсандбек тоғийнинг ўғли) Абобақр кўзга ташланади.

Шикор режасига кўра, аввал, биринчи манзил қилиб Иламиш<sup>4</sup>нинг сўл соҳилига яқин жойдаги хон ҳазратларининг ёзги кичик чорбоғи белгиланганди. Бобуржонлар Умар Шайх Мирзо бошчилигида шохлари қалин қордан эгилиб ётган, баланд дарахтлар ўраб турган чорбоғ ҳудудига кириб келганларида атроф саранжом-сариништа қилиниб, ёзги катта айвон атрофлари, йўлаклар қордан очиб кўйилган эди. Улар билан кетма-кет баковуллар, қушбеги ва кўрчилар тасарруфидаги отличлар, кўчма ошхона анжомлари, ов қуроллари, ўқ-ёйлар солинган садоклар юкланган аравалар, кейиндан ўнга яқин зотдор този итларни етаклаб бош иторчи – Қобил совуқ кириб келди.

Подшоҳ ҳазратлари чавгон майдонига ўзи учун тикилган, салобатли тилло-ранг хос чодирга кўз қирини ташлаб кўяркан, зинбардор кўмагига ҳам эътибор бермай салобат билан отдан тушди. Нақшиндор ўрма қамчиси билан тизгинни унинг кўлига тутқазаркан:

– Қорнинг тингани хўп яхши бўлди! Бу, излар кўришиб, шикор бароридан келиши нишонаси, жаноблар! – деб кўйди. Ҳамма бир овоздан ҳукмдорнинг гапларини маъқуллагандай бўлишди... Хоннинг сўзлари сайдгарлар қалбида жанговарлик руҳини уйғотиб кўйганди...

Айрича илҳомланган Шайх Мазидбек ҳукмдорга юзланиб:

– Аълоҳазрат! Рад этмасалар, бир таклифим бор эди, – деб қолди.

Ҳукмдор шикорга алоқадор муҳимроқ бирон маслаҳат айтармикан дегандай, ўнга жиддий тикилиб:

– Хўш, бек, қандай таклиф экан? Эшитайлик-чи?– деди.

– Олампахоҳ рози бўлсалар, совуққа қарши, бир коса чоғир-у, бир бўлак яхна гўшт бирла тадбир ўткариб олсак, бахайр иш бўлурмиди дегандим...

Бу таклиф нафақат чоғир аҳлига, балки хоннинг ўзига ҳам маъқул тушиб турган бўлса ҳам, у тақводор беклардан Али Дарвешга қараб:

– Бу масалада Хуросон ўғлонининг фикри қандай экандур? Тадбир дегани, дағи, сабуҳий бўлиб қолмайдиму?! – деди. Хоннинг майин мутуйибасидан ҳаммалари мириқиб кулиб олишди.

Али Дарвеш шоша пиша хушомад қилгандай:

– Аввало, олампахоҳ қарши бўлмасалар, бу тадбир чоғир аҳли учун амри вожибдур... Иккиламчи: ҳадемай ош вақти кириб келадур, сабуҳий муддатининг ўтканига эса анча бўлибдур, – деб кўйди.

Подшоҳ ҳазратлари ҳам бир оз жилмайгандек бўлиб: “Боболаримиз, маслаҳатли тўй тарқалмабдур”, – деганлар экан, деганча Бобуржонни ёнига олиб, хос чодир томон илдам юриб кетди...

<sup>3</sup> Ов қушлари кўниб турадиган ёғоч кўноқ.

<sup>4</sup> Қорадарёнинг ўша даврлардаги номи.

Кўп ўтмай улар шоҳона либосларини улоқчиларнинг махсус кийимларига ўхшаш кийик теридан тикилган, қалин пошнаги михчўп, онтарма этик, чарм шим, майин эчки юнги солиниб, пишиқ қилиб қавилган тугмали камзул, энглар калтароқ қора чакмонга алмаштириб чиққанларида айвончадаги катта чорпоя устида дастурхонлар солиниб, ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилган эди...

Офтобачи чаққонлик билан эгила бориб, ҳукмдорнинг қўлига илиқ сув тутди. Болалар ўйинни афзал кўришиб, қор бўрон билан овундилар ва дастурхонга яқин келмадилар.

Тадбирдан кейин, аълоҳазрат бош асосий катта суворийлар сафи ўнгга, дарё бўйлаб юқорига, Бобуржонлар эса, устоз Алп Баҳодир саркорлигида, оқим бўйлаб пастга қараб йўл олдилар...

Болалар ҳеч қанча юрмасданоқ қорда қуён, кийик, яна сал нарида тўнғиз изларига дуч келишди...

Муҳибали қўлидаги ёғоч кўндоқ – чакаса ўтирган икки шунқордан бирини Бобуржоннинг билагига кўндириб, қушларнинг бошидаги қалпоқчаларни авайлаб олиб қўйганди, уларнинг ўткир кўзлари бирданига ёруғликка чиқиб, оппоқ қор қошлаб олган борлиққа мослашолмай, бир зум бир нуқтага тикилиб қолдилар... Бир оз ўтгач, ўзларига келиб жонландилар... Муҳибали қўлидаги қушни қулоғига (овчилар ирими билан) бир нималарнидир пичирлаб-тайинлаб, учуриб юборганди, у қанотларини патирлатиб, тиккасига ҳавога кўтарила бошлади...

Бир дақиқа ўтар-ўтмас Бобуржон ҳам қўлидаги шаҳбозни бир силтаб қўйиб юборди. Худди келишиб олгандай, иккала қарчиғай икки тарафга учиб кетишди.

Муҳибали қўйиб юборган қуш ҳеч қанча вақт ўтмасданоқ шиддат билан пастга шўнғиди... “Вожабо! Қандай жонзотни кўриб қолди экан”, деб қўйди Муҳибали. Қуш қанотларини икки ёнига маҳкам қимтиб олиб, шундай учқурлик билан пастлаб борардики, (кейинги суҳбатларда Абобакр: “Мен ўқ тегдимикин деб ўйлабман” деб, айтиб юрди), уч-тўрт сониядаёқ кўзга кўринмай қолди... Ҳайрон бўлган Муҳибали ва амирзода дарҳол отнинг тизгинини шунқор човут солган томонга бурди. Амирзода ҳам дарҳол Қорабайир бошини ўша тарафга тўғрилади. Не кўз билан кўришсинки, шунқор кичикроқ чуқурликда йирик бир қуённи панжалари остида маҳкам чангаллаганча қўйиб юбормай, ўлжасини тортиб олмоқчи бўлаётган тулки билан олишаётган экан... Қуш чўқиб олган бўлса керак, тулкининг тумшугидан тинмай қон оқарди... Муҳибали жиловни қўйиб юбориб, тулкига қарата ўқ узди, тегмади. Бобуржон ҳам тезда камонини олиб отди, ўчакишгандай у ҳам хато қилди. Айёр тулки ўлжадан умидини узган бўлса ҳам, бунча кўп қуролланган тарафдорлар олдида қочиб қолишни ҳам унутган эди... Шу пайт тулки биқинига ўқ санчилди. Мерган Алп Баҳодир эди.

Устоз шошилмай қуролини жойига қўйди-да, отдан сакраб тушиб, ўқ захридан мажолсиз қолган тулкини бошига чўқмор билан энгилгина уриб тинчитди... Тулки тўртала оёғини чўзганча қор устида жон берди. Шунқор, шундан кейингина кўтарилиб, воқеаларни синчковлик билан кузатаётган Муҳибалининг олдига кўнди. Муҳибали қушнинг чангалидаги қуённи бўшатиб оларкан:

– Тулкига олдирмайман деб, жонивор товушқонни шундай чангаллабдики, тирноқлари танасига кириб кетибди-я! – деб қўйди.

Ҳамма ҳозиргина рўй берган воқеа билан машғул бўлгани учун Бобуржон учирган иккинчи шунқор унутилган эди. Ўлжаларни йирик каноп иплар билан тўқилган ов халтасига ташлаб боришар экан, узоқдан, ер бағирлаб учиб келаётган шунқорни кўриб севиниб кетишди... Қарчиғай тўғри келиб, чангалида семиз қирғовул билан Бобуржон миниб олган Қорабайир устига кўнди. Ўлжани кўрган амирзода, қувончи ичига сифмай, “Офарин, шаҳбоз!”, деб қўйди.

Овда бай очилганидан кўнгиллари тўлган, кайфияти баланд сайдгарлар пастга кетаётганда, Бобуржон устозига юзланиб сўради:

– Устоз, шунча мўлжаллаб урғон бўлсак ҳам, мен ва Муҳибали отғон ўқ нега нишонга тегмайду?

Алп Баҳодир сиполик билан шогирдига қараб:

– Аввало, амирзодам, ҳар қандай вазиятда, мумкин қадар ўзни тўхтатиб, сўнг совуққонлик билан камондин ўқ узиш талаб қилинади. Эсингизда бўлса, бу тўғрида аввал ҳам сўйлағонмен. Қани, қўлингизни кўрсатингчи, – деб қолди.

Бобуржон шошиб иккала қўлини ҳам ёзиб кўрсатганди, устоз:

– Қани, камон отиш пайти бармоққа тақиб олинадиган зиҳгер? Унингсиз камонни яхши отиб бўлмайдур! Худ, нохун<sup>5</sup>сиз тамбурдан яхши куй чиқариб бўлмағондек, ҳар қанча мўлжални тўғри олғонингиз билан камондан ҳам яхши отиб бўлмайдур, – деб таъкидлаб қўйди.

Хижолат бўлиб кетган Бобуржон ҳам, Муҳибали ҳам шоша-пиша чўнтаклари билан зиҳгерларини қидириб қолишди...

Шунқорлар шу тариқа, кетма-кет тўрт-беш маротабадан овга солинди. Улар бирор марта ҳам ўлжасиз қайтмадилар... Ҳатто бир сафар ўзларидек йиртқич, абжир сассиққўзан ва йириккина каламуш ҳам тутиб келтирдилар. Кемирувчи ўлимга маҳкум қилиниб, сассиққўзан қўйиб юборилди.

Муҳибали таклифи билан энди қушлар, дам бериш учун, қафасларига солиб қўйилди.

Мана, ниҳоят ўқ-ёй билан ов қилиш пайти етиб келганди. Суворийлар шу мақсадда яна ҳам қуйроққа, қиши билан одам қадами етмаган овлоқ жойларга қараб жилиб кетдилар... Соҳилдаги юлғунзорлар орасида туёқлари билан қорни титкилаб, қуриган майсаларни еб юрган бир тўп хонгул кийиклари кўзга ташланди. Имконни қўлдан чиқармай дарҳол ширға<sup>6</sup> қилиниб, атроф мумкин қадар ўраб олинди. Кийиклар хатарни сезиб, атрофга тум-тарақай қоча бошладилар... Шу пайт, бири кутилмаганда Бобуржон ёнидан ўқдай ўтиб кетди. Бу, амирзода ҳаётидаги биринчи катта ов, йирик жонзотлар билан биринчи тўқнашув эди. Бобуржон ҳар қанча ўзини қўлга олиб отмасин, кийик биринчи ўқига чап берди. Садоғидан иккинчи ўқни олиб улгурмай кийик бўйнига ўқ санчилди. Амирзода чапдастлик билан Қорабайир бошини кийик қочган томонга буриб, жиловни бўшатди-да, пошнаси билан биқинига салгина ниқтаб қўйди... Жонивор худди шуни кутиб турганми, бамисоли қуюндай елиб кетди. Қорабайир шиддатини кўрган Алп Баҳодир таъқиб қилаётган иккинчи кийикни ташлаб, дарҳол амирзодага ёрдам бериш учун ошиқди. Бўйнидаги найза захмидан кийик қадамлари секинлай бошлаганди... Бобуржон ҳаяжонини босиб, хотиржамлик билан иккинчи ўқни узди. Ўқ тўғри нишонга тегди! Кийик тамомила ҳолсизланиб қолаётгани боис туёқларини қордан суғуриб олиши ҳам қийинлашиб борарди... Кетма-кет келаётган Алп Баҳодир, ўлжага яқин келиб қолган бўлса ҳам, олишувнинг якуний қисмини амирзоданинг ўзига қўйиб берди. Бобуржон отни тўхтатиб, эпчиллик билан сакраб тушди-да, ўзини базўр юриб бораётган кийик устига отди. Икковлари ҳам йиқилиб, ярмигача қорга ботиб кетдилар... жонивор жон талвасасида бошини силтаб юборганди, шохининг учи Бобуржоннинг пастки лабига келиб тегди. Алп Баҳодир буни кўрмай қолган бўлса ҳам:

– Амирзодам, кийик ҳеч қаёққа қочолмайдур, фақат шохларига эҳтиёт бўлсангиз бас! – деб таъкидларди. Чиндан ҳам қувонмай, ҳаяжонланмай бўладими, ахир, амирзода бундайин катта шикорларда илк бор бевосита иштирок этаётган бўлса!

Кийикни қорда босиб, бор кучи билан ушлаб турган Бобуржон, устози овози эшитилиб, кўнгли таскин топгандай бўлди... Устоз дандон сопли пичоқ билан ўлжа томоғига тиг тортиб қўйди. Шундан сўнггина кийик бир икки мажолсиз ҳаракатлар қилиб, қор устида жон берди. Амирзода устоз узатган бурғуни чалмоқчи бўлганда пастки лаби заҳм еганини билди. Бурғу овозини эшитган ёрдамчилар дарҳол ўлжа ташийдиган катта ёғоч чаналарни чаққонлик билан судрашганча чо-пиб келишди.

<sup>5</sup> Тамбур чалган пайтда кўрсаткич бармоққа тақиб олинади (медиатр).

<sup>6</sup> Ўлжани давра қилиб исқанжага олиш.

Совуқ авжи ҳар қанча баланд бўлмасин, Бобуржоннинг ғайрату шижоатига заррача таъсир қилолмай, фақат икки юзини лоладай қизартириб қўйганди, холос. Устоз Алп Баҳодир Бобуржоннинг ўзига айтмаса ҳам, отда катталардек эркин, ҳар қандай вазиятда мувозанатни йўқотмай ўтирганидан хурсанд бўлиб, ҳў ўша, Чиндан келтирилган ёғоч тўпчоғида орттирган тажрибалари қўл келаётганини эслади. Ички бир қониқиш билан шогирдига қараб, мийиғида жилмайиб қўйди...

Ҳаммалари бирин кетин, аввалги жойга келишганда ҳеч ким кўринмасди...

Бобуржон қоровул турган ёрдамчилардан Муҳибали билан Абобакрни сўради.

Ёрдамчилар улар пастга қараб, бир кийикни қувиб, от чоптириб кетишганини айтишди.

Бобуржон устозига қараганди, у кетдик деган ишора қилди. Амирзода билан Алп Баҳодир отлари бошини дарҳол ўша томонга буришди...

Бир жойда қордаги излар иккига айрилгандай кўринди... Отда чопиб бораётибоқ бирров кўз уриштириб олишди-да, Бобуржон тўғридаги, Алп Баҳодир эса чаптаги изни қоралаб кетди.

Бобуржоннинг ўнг томонида Иламишнинг ҳайҳотдек ўзани, чап тарафида эса қалин тўқайзор ястаниб ётибди. Кундузи бўлишига қарамай, бу жойларга одам боласининг бир ўзи кириб бориши хавfli эди. Чангалзор қалинлигидан ҳар ер-ҳар ерда, жонзотлар “ясаб қўйган” омбирга ўхшаш пастқам дарчаларни, тор, энсиз йўлакчаларни учратиш мумкин эди. Фикри-хаёли дўстларида бўлган амирзода шиддат билан чопиб бораётиб кичикроқ очиқ жойда бир неча бўри эндигина қўлга туширган кийикни қор устида тортқилашиб ғажишаётгани устидан чиқиб қолди, Қорабайир хатарни олдиндан сезиб қолган чоғи (тизгини тортилмай туриб), қулоқларини чимирганча таққа тўхтади.

Бобуржон вазиятни англаб, филҳол қиличини суғурди-да, ҳеч иккиланмай йиртқичлардан ҳимояланишга киришди.

Бўрилар тўртта: қалин, пахмоқ жунлари ҳурпайиб ўсиб кетган каттаси — она бўри, қолган учтаси — анча улғайиб қолган болалари экан. Она бўри ўлжасини қизгананидан қон оқиб турган ўткир тишларини кўрсатиб, хириллаганча отга яқинлаша бошлади... Баҳайбат калласини осилтириб олган йиртқич оғзини очганча рўпарадан ташланди. Буни кутган Қорабайир қаттиқ кишнаб юборди-да, бир силтаниб орқа оёқларида туриб олди.

Навбатдаги ҳамлани хушёр туриб пойлаётган Бобуржон шай қиличини ўта чаққонлик билан йиртқичнинг бўйни аралаш бошига тортиб юборди.

Ахсикентнинг дунёга донғи кетган моҳир усталари ясаб берган дамашқий пўлат шамшир бўрининг, териси билан этинигина эмас, балки бирмунча мустаҳкам устихонини ҳам қирқиб, ўнг қулоғи тагидан бўйнининг анча жойини очиб қўйган эди.

Кутилмаганда елдай учиб келган Алп Баҳодир чаққонлик билан қилич солиб, рамақи жони билан хириллаб турган бўри бўйнини узиб ташлади.

Ҳаяжонлар бир оз босилгач, Бобуржон Алп Баҳодирга юзланиб сўради:

— Устоз, вазиятдан хабар топиб келдингизму ёки тасодифан?

— Нега энди тасодифан бўларкан, амирзодам, ахир, Қорабайир сирли кишнаб, хатардан воқиф қилиб қўйди-ку! — деб хотиржам жавоб қайтарди Алп Баҳодир.

Устоз ва амирзода шогирд жанг майдонини қолдириб, бир-бирларига меҳр кўзлари билан тикилганларича ёнма-ён ҳамроҳлари томон елиб кетдилар.

Улар аравалар турган жойга етиб келганларида подшо ҳазратлари Бобуржон ва шерикларини чорлаш учун жўнатган иторчига дуч келишди... Катталар сал аввалроқ шикорни тугатиб, бир талай ўлжалар билан чорбоққа келиб бўлишган экан. Тиллоранг хос чодир рўпарасидаги очиқ жойга ёқилган катта гулхан атрофини ҳукмдор бошлиқ сайдгарлар ширға қилиб эгаллаб олишибди.

Шундайгина текислаб қўйилган қор устига айлана қилиб ёзилган нам ўтказмайдиган юпқа чарм дастурхонларда ёз меваларидан тортиб барча нозу неъматлар тўкиб ташланган...

Ўлжалар ортилган ёғоч чана дарҳол ҳукмдор қаршисига келтирилди. Хон ёшлар қўлга киритган ўлжаларни бир-бир, синчковлик билан қўздан кечирди. Ҳамма-ҳаммасини — қуёндан кийиккача, тулкидан бўрсиққача ҳавас билан кўриб чиқди. Бир пайт улар орасида ётган қирғовулга кўзи тушиб, уни дарҳол қўлига олди-да:

— Ҳў-ҳў!.. Бу ишинлар кўп ажиб бўлиптир! — деди, баланд овозда. Мамнун бориб амирзода елкасига қўлини қўйиб: — Биз кўпчилик бўлсак ҳам биронта парранда уролмадик, тўғрими, жаноблар, — деганди, барча сайдгарлар чин дилдан: — Тўғри, тўғри, аълоҳазрат! — деб таъкидлашиб, ёш овчиларни рағбатлангирдилар. Ҳукмдор қирғовулни дастурхончи қўлига тутқазаркан: — Баковулга бер! Жасталасин! — деб қўйди амирона. Сўнг энгашиб, из тушмаган қордан бир ҳовуч олди-да, аввал қафтлари, кейин сермўй билакларига ишқалади. Хизматкор хоннинг ҳовур чиқиб турган қўлига эгилиб сочиқ тутди. Чоғир сал бўлсада ўз кучини кўрсатиб, ҳукмдорнинг бутун баданини қиздириб, бағрини кенг, кўнглини эса янада юмшатиб улгурганди...

Икки ўқли узун аравада бир жуфт марал, бир неча хонгул кийиги, беўхшов боши отнинг калласидан ҳам улканроқ, сўйлоқ тиши қонга беланиб тўнғиз ва бошқа ҳайвонлар ётарди. Тўнғиз деган маҳлуқни умрида биринчи марта яқиндан кўраётган Бобуржон ҳайратланиб турганди Мир Фиёс тоғойи:

— Амирзодам! Бу тунқусни атайин жаноб Бобоқули Бобо Алибекка атаб отдук! — деди, уни ибодат қилмай юришига писанда қилиб... Бу гапдан бир неча киши пиқирлаб кулиб юборди.

Бобуржон болаларча самимият ва жиддийлик билан:

— Тоғойи! Ахир ислом кишиси учун тунқус гўшти ҳаром қилинган-ку! — деб қўйди таажжубланиб.

Ноҳуш мулоқот қўлоғига чалиниб қолди чоғи, хон Мир Фиёсга юзланиб:

— Жаноб бек! Даврада йўқ кишини ғийбат қилиш йигитга ярашмас! — деб танбех берди.

Ноўрин ҳазилидан хижолат бўлиб кетган бек, икки қўлини кўксига қўйиб, ҳукмдордан узр сўради. Вазиятни юмшатиш учун Алп Баҳодир суҳбатга қўшилиб:

— Жаноблар! Тунқус отғонинлар кўп яхши бўлибдур. Бунинг гўштини амирзодамининг палангчаларига берсак, айни муддао бўлур, — деганди, бу таклиф ҳаммага маъқул тушди. Аслида бу тўнғиз, овчи итлардан бирини, сўйлоқ тишлари билан қорнини ёриб, ўлдиргани боис, ўлимга маҳкум қилинган экан.

Шу пайт уларни ўраб турган беклардан бири луқма ташлади:

— Амирзодам, қирғовул хўп чиройлик ҳам семиз эркан! Уни лочин бирла ушладинларму ё камондан отиб олдинларму?

— Тоғойи, саволингизга бу киши жавоб бергани маъқул, чунки дўстим Муҳибали шу ишнинг устаси саналадур.

Бобуржон ийманиб турган қушбоз овчини ўртага тортди.

Катталар салобати босиб қолдими, Муҳибали зўрға:

— Албатта, қуш билан тутилди, жаноблар, — дея олди, холос.

— Лочинларингизни бир кўрайлик-чи? — қизиқишиб қолди беклар.

Муҳибали шунқорлардан бирини чакасига қўндирганча олиб келгач, улар:

— Бу лочинму ё қирғийму? — деб сўрашди.

— Жаноблар! — Муҳибали иштиёқ билан сўзга киришди. — Аввало, бу қушнинг номи сизлар айтганча лочин ҳам, қийғир ҳам, қолаверса, сор ҳам эмас! Китобларда бу қушнинг номи шунқор деб ёзилган, амалда ҳам худди шундай! Шимол тарафларда бунини яна итолғу деб ҳам аташар экан. Лочин дегани бундан ушқоқроқ бўлиб, у билан кичикроқ жонзотлар овланадур! Устозим айтишларича, қийғир ва сор бирла ов қилинган ҳали ҳеч бир жойда ёзилмаган эмиш.

— Уқоб эмасму унда? — деб сўраб қолди кимдир.

— Йўқ тақсир! Уқоб ҳам эмас! Уқобнинг жуссаси бундан кўра улканроқ бўладур!

Кимдир:

– Қалпоқ қушга нега кийдириб қўйилгон? Боши совуқ еб қолмасун дебму?  
– деб сўрагани, енгил кулги кўтарилди.

Муҳибали ўта босиқлик билан давом этаркан:

– Йўқ, жаноблар бу қуш, совуқ ўлкаларнинг қуши бўлганидан хейли маҳкам совуқларга ҳам чидайду! Қалпоғи кўзларини тўсиб туриши учун хизмат қиладу, шундай турса, қуш ҳеч нарсадан чўчимайду!

– Оёқларидаги тушови нега қўйилгон, айтиб беринг?

– Жаноблар, бу жуда йиртқич қуш! Осмонда ҳам, ерда ҳам ўлжасига бир усулда ташланади, яъни аввал оёқлари билан тепиб, зарба беради ва ағанатишга уринади. Қайиш тасма, ўлжасини тепганда, оёқлари керилиб ёки олдинмакетин бўлиб кетмасликдан сақлайду, қолаверса, зарба кучини оширадур! Мана, қаранглар, у халқа билан маҳкамланган.

Муҳибали қўли билан қушнинг зарангдай қаттиқ оёқларига боғланган юпқа темир ҳалқачаларни кўрсатиб қўйди.

– Булар учун энг катта ўлжа қандай жонзот?

– Ҳозирча қушларимиз ёш, катта бўлганларида кийик боласини ҳам бемалол овлай оладур...

Беклар хурсанд бўлишиб:

– Э-ҳе, қаранглар-а, жаноблар, қуш овининг ҳам ўзига яраша кўп хилват томонлари бисёр экану билмай юрган эканмиз, мана билиб олдик, – деганча кулук қилишди. – Умрингиз зиёда, мартабангиз баланд бўлсин, укажон. Келгусида улуғ қушбеги бўлинг!

Ё тавба! Чин юракдан қилинган дуо ижобат бўлганини... Кимдандир шоҳнафас чиқиб кетган бўлса ажаб эмас. Чунки ўша чувак юзли, қотмадан келган, оғир-босиқ йигитча – Муҳибали, бир умр Бобуржоннинг садоқатли дўсти, сунган ҳамроҳи, махсус овчиси бўлиб юрган, ҳамда вазири аъзамлик лавозимига эришган!<sup>7</sup>

\* \* \*

Болалар учун ичкарида алоҳида жой ҳозирланган эди. Сухбат тугагач, Алп Баҳодир бош бўлиб, ўт ёқиб илтиб қўйилган катта, кенг хонага кириб бордилар. Ичкарида нам тортиб кетган устки кийимларини ечиб ташлаб, қўлларини ювишганча, дид билан безатилган дастурхонга ошиқишди. Эрталабдан бери совуқда от чоптириб юравериб қоринлари очиқиб кетган бўлсалар ҳам устознинг дастурхонга қўл узатишини кутишиб турган сайдгарларга қараб Абобакр:

– Жаноблар, бировга ифшо қилмайман деб сўз берсанглар, биргина илтимосим бор эди, – деб қолди.

Ҳамма қизиқиб: “Қандай илтимос экан, айтинг, айтинг?! Ҳеч кимга айтмаймиз!”, – деб ваъда беришди.

– Ундай бўлса, жаноблар, ҳали шикор пайти, отдан йиқилганимни ҳеч кимга айтманглар, – деганича дўстларига жавдираб қарагани, ҳамма рози бўлди.

– Бўпти, бўпти, хотиржам бўлинг, гап шу ерда қолади – дея, Бобуржон ваъдани ҳаммининг номидан мустаҳкамлаб қўйди. Шундан сўнггина улар хотиржам бўлиб дастурхонга қўл узатдилар...

---

<sup>7</sup> Бобур Мирзо вафотидан кейин, буюк Бобурийлар салтанатига ҳукмдорлик қилган Акбаршоҳ, бобосининг улуғ дўсти деб билиб, Муҳибалини Деҳлининг ҳокими вазифасига тайинлаган. Бу улуғ инсоннинг ёруғ дунёда қилиб ўтган ишлари бугина эмас... Ўша Муҳибали, Низомиддин Али Халифаи Фаробий номи билан, қуш овининг сир-асрори тўғрисида, ўз даврида (XVI аср ўрталарида) дунёга машҳур “Бознома” деб номланган фундаментал рисола ҳам ёзиб қолдирган.

Ташқарида катталар базми қизигандан қизиб борарди. Атрофни ларзага солувчи шодон қаҳқаҳалар, ҳайқиреқлар, сокин, мусаффо ҳавода узоқ-узоқларга ҳам эшитилиб турарди. Айниқса, подшо ҳазратларининг кўнгиллари чоғ, кайфиятлари осмон қадар баланд эди. Қўлидаги коса тўла чоғирни кўтариб, сипқориб қўйди-да, газак учун бир бўлак кабоб гўштини оғзига солиб, қўлларини артди. Сўнг қорда ялангоёқ “чавгон майдонини юз қатла айланиб бераман” деб, беклар билан шартлашган Қосимбек қавчинни зимдан кузатаркан, мушти билан кафтига бир урганча:

– Тасарруфимда шундай азамат йигитлардан икки-уч пора бўлғонда эрди... Улуғ Бобом орзу қилгон Чинни ҳам олгон бўлур эдим! – деб қўйди гурур билан.

Подшоҳ олдига чўзиқроқ шаклдаги заррин чинни идиш келтирилди. Дастурхончи сочиқ билан авайлаб қопқоқни очганди, оппоқ буғ кўтарилиб, шарқона пазандачилик талаби бўйича юксак маҳорат билан лоларанг қилиб бутунча пиширилган ҳалиги семиз қирғовул кўринди. Антика таомдан димоғни қитиқловчи хушбўй ҳид таралиб турарди. Умар Шайх Мирзо ундан бир чимдим олиб, татиб кўраркан, дастурхончига қараб:

– Таҳсинга лойиқ! Ол буни, ҳамманинг оғзи тегсун! – деб тайинлади. Сахийлиги тутиб: – Бу иши учун баковулга бир қўчқор берилсин! – деб юборди.

Бунақанги базмларда олампаҳо меҳри дарё каби жўшиб кетар, кўнглига ёқиб қолган кишига энг қимматбаҳо, ноёб нарсаларни ҳадя этиб юборар, кейин мутлақо ачинмас эди. Сахийлик, бағрикенглик, қўли очиклик каби олижаноб хислатлар аълоҳазратга улуғ боболаридан мерос бўлиб ўтгани шубҳасиз. Шундан бўлса керак, Улуғ хон ота – Юнусхон Умар Шайх Мирзони уч куёвидан ортиқ кўрар, улар худди ота-боладай бўлиб кетишганди.

Умар Шайх Мирзо баланд ҳимматли ва эзгу ниятли подшоҳ эканлигини шундан ҳам билса бўлардики, Юнусхонга аввалига Ўш, сўнгра Марғилонни иноят қилиб юборди.

Бобуржонлар ўтирган хонага кириб-чиқиб турган хизматкорлардан бири: – Жаноблар, беклар бирла шартлашган Қосимбек тоғойи чавгон майдонини ялангоёқ кезаётир, – деб хабар берди. Қизиқарли томошани кўргани ҳаммалари ташқарига чиқдилар.

Бобуржон қорда чопаётган Қосимбек қавчинга кўзи тушиши билан устозига юзланиб:

– Устоз, йўқ демасангиз мен ҳам чопсам? – дея таклиф айтди, қоп-қора кўзларини пирпиратиб.

Алп Баҳодир шоғирдининг юзидаги ғайрат-шижоат ифодасидан завқланаркан, “майли, ўзингиз биласиз” дегандай елкаларини қисиб қўйди.

Бобуржон филҳол этикларини ечиб, пойчаларини шимарар экан, буни кўрган беклар ёқа ушлади.

Бир зум ўтиб ҳалиги хизматкор шошиб келиб, «Тоғойи, сизни олампаҳо йўқлаётган эмиш», деб қолди. Алп Баҳодир ўша заҳотиёқ тавозе билан ҳукмдор ҳузурига борди.

Умар Шайх Мирзо бир оз ташвишли оҳангда сўради:

– Сиз рухсат бердингизму, жаноб Алп Баҳодир?

– Ҳа, олампаҳо! Ташвишланишга мутлақо ўрин йўқ! Амирзодамнинг муборак таналари бундай совуқларга чиниқиб улгурган, иншоолло, қайтага яна чиниқади.

Аълоҳазрат ички қониқиш билан билинар-билинемас жилмайиб қўйди.

Бобуржон Қосимбек қавчин ёнида эндигина беш-олти давра айланганди ҳамки, мусобақа тугаб қолди.

Дастурхончилардан бири шу ернинг ўзидаёқ Қосимбек қавчин беклардан ютиб олган ўнақларни тўплашга тушди. Қаторда аълоҳазрат ҳам патнисга бир нарса ташлагандай бўлди.

Ғолиб йирик-йирик кепакийларни териб оларкан, «қолгани ўзингга», деб қўйди, хушомад билан патнисни кўтариб турган дастурхончига. Ҳазилкаш беклардан бири деди:

– Жаноб Қосимбек! Ютуқни дастурхончи билан эмас, балки амирзодамиз бирла бўлишингиз лозим эди! Нега деганда охирги давраларингизга у киши ёрдам бериб юборди-ку!

Бу ҳазилдан ҳаммалари мириқиб кулишди. Сўнг Қосимбек қавчин Бобуржонга таъзим айларкан, Умар Шайх Мирзо ўтирган тарафга маъноли бир қараб қўйиб:

– Амирзодам ҳозир ҳеч қандай моянага муҳтож эмаслар! Бу кишининг улушларини, худо хоҳласа, катта бўлганларида ҳалол хизматим билан қайтараман, – деди самимий.

Бу жавоб Умар Шайх Мирзога ҳам маъқул тушгандай бўлиб, аста бош ирғаб қўйди ва муганний ҳофиз Хожа Ҳусайнбекни суришгирди.

Хизматкорлар бир зумда Хожа Ҳусайнбекни баковуллар ёнидан топиб келишди. У таъзим билан хон қошига келаркан, кўтаринки руҳда сўз қотди:

– Олампаноҳ, амрингизга мунтазирмен!

– Биз, ахир сизни нимага ҳам тилар эрдук, тамбурингиз шу ердаму? Қани, бир кўнгилларни эритинг-чи!

Хожа Ҳусайнбек табассум билан таъзим қилди.

– Бош устига, олампаноҳ! Қўлимиздан келгонча!

– “Навои тамбурий”дан бошланг! Сафтисига «Ушшоқ»ни чаласиз!

Тамбурдан садо таралгач, атроф сув куйгандай жимиб қолди. Кетма-кет бир жуфт куй, учта мумтоз кўшиқ ижро этилди. Ширали овоз чиндан ҳам дилларни ром қилди, хусусан, хоннинг баҳор тошқини каби жўшган юрагини янада тошириб юборди.

Даврадаги хуш кайфиятни бузмаслик учун ҳаракат қилган офтобачи узоқдан от чоптириб келаётган чопар Абдулваҳоб шиғовулни таниб, рикобдорга кўзи билан имо қилиб қўйди. У даврани ташлаб, шошиб чопар истиқболга пешвоз чиқди.

Шиғовул отдан тушиб, рикобдор юзига ҳам қарамай, бир бош ирғаб, тизгинни тутқазди-да, илдам қадам ташлаб, хон ҳузури томон юриб кетди... “Муҳим хабар келтирган” деган ўй билан ҳеч ким уни тўхтатишга ботинолмади. Тўрт-беш қадам қолганда, қорга тиз чўкиб энгашиб, таъзим бажо келтирди. Сўнг ҳукмдорга найсимон қилиб ўралган муҳрли хат тутқазди.

Умар Шайх Мирзо хатни ғилофидан чиқарди, у ёқ-бу ёғига разм солгач, қошларини чимирганча, шошилмай ўқий бошлади...

Мутолаа чоғида ҳукмдор чеҳраси икки карра жиддийлашиб, икки карра ёришди. Охири хизматкорни қақриб буюрди:

– Бобуржонга етказ!

Хат Улуғ хон ота Юнусхондан эди.

Бир зум ўтгач ичкаридан болаларча шодон қийқириқ эшитилди. Чунки Улуғ хон икки набираси учун чилла чиқиши билан ўтказадиган ақиқа тўйига Бобуржонни ҳам лутфан таклиф қилганди!.. Юнусхон элга берадиган тўйлар бир-икки ҳафтасиз тугамас, катта кўпкариларсиз, дорбозларсиз, курашларсиз, қолаверса, кўзга кўринган мутриблару таниқли кўғирчоқбозларсиз ўтмас эди.

Бобуржон муҳтарам бобоси мактубидан боши кўкка етгудек севинди. Сўнг ўзи бир парча қоғозга шоша-пиша икки энлик хат ёзди: “Отажон! Рухсат этсангиз, шомга қолмай саройга етиб борсам. Бугунги сабоқларим қолиб кетишини истамасмен. Сизни суйиб ардоқлагувчи Бобур”.

Умар Шайх Мирзо хатни ўқиб жилмайди, ахир, не бахтки, бугун бир эмас, икки хат олди. Бири Тошкандан, иккинчиси Андижондан! Қисқа мулоҳазадан сўнг бирдан қиёфаси жиддийлашди.

– Йўқ! Бирга келдик, бирга қайтамиз! Қани йигитлар, бугунга етар, сафаримиз қариди... Илоҳи омин, худо омадимизни берсин!..

Шикор аҳли йўлга чиққанда кечки қора совуқ забтига ола бошлаганди.



## *Юракнинг садоси юракка қайтар*



**Насрулло ЭРГАШ**

\* \* \*

Ёлғиз шамол мудҳиш чийиллар,  
Қулоғимга инграр дарахтзор.  
Карвон шошар ёки имиллар,  
Қайга кетар ям-яшил баҳор?

Ёлвораман ўзимга келмай,  
Афсус, мени ташлаб кетар боз.  
Юрагимда жаранглар тинмай  
Олисдаги — ям-яшил овоз...

\* \* \*

Кўзларимга қора бўёқ танладим,  
Энди, мен — гадоман, менга хайр қил.  
Кўзларингдан мен ўзимни англадим,  
Сен ҳам кетма, кўзларимда сайр қил!

Кўзларингдан танладим қора бўёқ,  
Чайқалиб турибди унда тун ва қўл  
Ва, тўғри юракка ташланган сўқмоқ,  
Жоним кетма, кўзларимда сайр қил!

Кўзларим ичида чуқур бир тўлқин,  
У — сенга айтолмай қолган сўзларим.  
Меники эмасми, жоним, вужудинг,  
Меники эмасми, ахир, кўзларинг?..

Эй тангрим, кўзларга тил битсин, чунки,  
Юракнинг садоси юракка қайтар.  
Лабларим хиргойи бошлайди секин,  
Қабоқлар бир сўзни пичирлаб айтар:

Жоним кетма, кўзларимда сайр қил!..

\* \* \*

Севиб қолинг демасман мени,  
Фақат жиндай яшанг қайгуриб.  
Кўзлардаги ва юракдаги  
Севинч ҳасрат рангини кўриб.

Севиб қолинг демасман мени,  
Бу истакдан кетай мен йироқ.  
Кўзларимда ҳасрат музлари,  
Севинч ранги эмас, бу — фироқ.

Севиб қолинг демасман мени...

\* \* \*

Кўзларда мужассамлашган  
Барча оҳанглар битта оҳангдир.  
Барча сайроқи қушларнинг овози  
Ёлғиз овоздир, холос.  
Барча таъбири номаълум бўлган тушлар  
Маълум бўлган тушлардир.  
Камалакнинг барча ранглари  
Омухта бўлган.  
Менинг барча туйғуларимнинг парвози  
Бошланган ва охирига етган уларда.  
Дунёдаги барча қоронғуликлар  
Мусаффолашган.  
Сўнг, яна ўзга дунёдаги хаёллар  
Теранликдан қайта туғилган  
Хаёллардир...  
Э воҳ, мен ҳам инсон боласи  
Ва, аввало, худо яратган банда.  
Хавотирга чўка бошлайман,  
Гўё ниманидир унутаман, мен,  
Мен сўзлашни унутиб қўяман ҳозир...

\* \* \*

Тун ёришиб кетар дафъатан,  
Ой заминга ташлайди лангар.  
Кетаётган кузнинг ортидан  
Учиб кета бошлайди ранглар.

Узоқлашиб борар тобора  
Сариқ оҳанг, сўлгин хотира.  
Мени ташлаб шошасиз қайга,  
Ёш оқар кўзимдан ёқутранг?!

*Насрулло Эргаш — 1988 йил 12 сентябрда Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидаги Дашнобод қишлоғида туғилган.*

*Республика Нафис санъат лицейида, Рассомлик коллежида ўқиган. Ҳозирда, Миллий университет ўзбек филологияси факультетининг учинчи курс толиби.*



Томас МАНН

# ТАЗАРРУ

## Ҳикоя

Дуня Штегеманн билан танишган пайтимда йигирма яшар ғирт аҳмоқ йигитча эдим. Эс-хушимни йиғиб олиш учун тиришиб ҳаракат қилар эканман, бу ишни йиғиштириб қўя қолиш фикридан анча узоқлашиб кетгандим. Эҳтиросларим чек-чегараси йўқ, уларни қондириш учун эса ҳеч нарсадан тап тортмас, ҳаёт тарзимнинг ҳар нарсага қизиқувчан бузуқлигини ўша, аёл киши билан соф, маънавий – ҳа, мутлақ маънавий яқинликка дилимда ҳавас уйғотган ўша идеализм билан жуда чиройли бир тарзда бирлаштириб юборган эдим.

Штегеманнга келсак, у Москвада туғилган, ота-онаси немис бўлиб, ўша ерда ёхуд Россияда ўсиб улғайган эди. Учта – рус, фаранг ва немис тилларини билар, Германияга эса гувернантка<sup>1</sup> сифатида келганди; шу билан бирга, у артистлик қобилиятига ҳам эга эди, бироқ бир неча йилдан сўнг бу касбдан воз кечган ва энди зиёли ҳамда файласуф, озод, эркин сўққабош аёл бўлиб ҳаёт кечирар, иккинчи ёки учинчи даража мақомидаги газета учун адабий ҳамда мусиқага оид хабар ва мақолалар ёзиб турарди.

Уни Б. шаҳрига келган куним мўъжазгина меҳмонхона ошхонасида, камгина ҳўрандалар ўтирган умумий овқатланиш столи атрофида учратгандим, ўшанда у ўттиз ёшда: кўкраги кенг, сонлари текис, оч кўкимтир кўзларида уятчанлик-тортинчоқлик ифодасидан асар ҳам бўлмаган, бурни бениҳоя катта, сочлари жўнгина турмакланган, лоқайд, ҳеч нарсага қизиқмайдиган, гавдали малларанг жувон эди. Оддий, тўқ жигар ранг кўйлаги ҳам қўллари каби зеб-зийнатсиз ва пардозсиз эди. Шу пайтгача ҳали биронта аёлда бунақанги аниқ-равшан ва ўтакетган бадбашараликни кўрмаган эдим.

Ростбиф<sup>2</sup> тановул қилаётиб яқинлашиб қолдик, суҳбатимиз мавзуи умуман айтганда Вангер ҳақида, хусусан эса “Тристан” тўғрисида бўлди. Аёл руҳиятидаги

<sup>1</sup> Гувернантка – дворян ва буржуа оилаларида ёш болаларни ўқитиш учун одатда чет элдан чақирилган мураббий, тарбиячи аёл (тарж).

<sup>2</sup> Ростбиф – молнинг биқин гўшtidан қилинган қовурма (тарж).

эркинлик мени танг қолдирди. Ундаги озодлик ҳис-туйғуси шунақанги гайриихтиёрий, ҳеч қандай муболага ва таъкидсиз шундайин сокин, хотиржам ва ўз-ўзидан маълум, очиқ-ойдин эдики, бунга ҳеч ҳам ақлим бовар қилмасди. Суҳбат давомида “яланғоч эҳтирос” қабилидаги ибораларни холисона вазминлик билан қўллаши мени ларзага солди. Унинг қарашлари, ҳаракатлари, қўлимга кафтини қўйиб, дўстона муомала қилиши ҳам бунга монанд эди...

Қизгин ва теран суҳбатимиз таомдан сўнг ҳам соатлаб давом этди, бу пайтда тўрт-беш чоғли меҳмонлар тамаддихонани аллақачон тарк этган эдилар, бизлар кечки овқат чоғида ҳам кўришдик, кечқурун эса меҳмонхонадаги носоз фортепьянода мусиқа чалиб, вақтчоғлик қилдик, ўз навбатида, ўзаро фикрлар ва ҳис туйғулар алмашиб, бир-биримизни обдан ўргандик ва шу тариқа ўзаро тил топишиб олдик. Мен бундан қониқиш ҳосил қилдим. Бу хотин бутун эркакча таълим олган экан, унинг сўзлари муайян мақсадгагина хизмат қилар, ҳар қандай нозу карашмадан холи эди, шу аснода ундаги бефарқлик, ҳеч нарсадан қайтмаслик кечинмалар, кайфиятлар, шов-шув, ваҳималар алмашиш жараёнида ўша интим радикализмга имкон туғдирардики, ўшанда бу нарса менинг дарди-фикрим эди. Шу билан бирга, каминанинг талаби қондирилган: хотин ошна топилган, унинг ўтакетган бетакаллуфлиги мени хавотирга солмас, унинг олдида ўзимни хотиржам ва дадил ҳис эта олардим ва ниҳоят қалбим ҳам қандайдир ҳаракатга тушиб қолган эди; чунки бу зиёли хонимнинг жисмоний жозибадорлигига келсак, у худди супургининг ўзи эди. Ҳа, бу жиҳатдан менинг ишончилигим Дуня Штегеманникига қараганда шу қадар кучли эдики, руҳий яқинлигимиз ошиб борган сайин бу нарса шунчалик ёқимсиз туюлиб, бора-бора ахири кўнглим қола бошлади: бу қалбим тантанаси, у кутганимдан ҳам зиёда бўлган эди.

Шундай бўлса-да... шунга қарамасдан дўстлигимиз қанчалик мукамал ривожланмасин, икковлон меҳмонхонани тарк этаётганимизда ҳам, бир-биримизни кўргани борганимизда ҳам биз шунчалик ишончли, инсофли ва тўғри эдик, шунда ҳам, барибир орамизда кўпинча нимадир рўй берардики, бу ўзига хос муносабатимиздаги улугвор совуқликка қараганда уч карра ўзгача бўлиши лозим эди... Бу нарса дилларимиз айнан бир-бирларига сўнгги ва муҳим сирларини очаётган, қалбларимиз нозик жумбоқларини ечаётган ва бир-биримизга “сиз”лаб мурожаат қилишимиз баъзан бенуқсон “сен”га айланаётган пайтларда содир бўларди... Шунда бемаза васваса пайдо бўлиб, ҳавони булгар ва нафас олишимизга тўсқинлик қиларди... У эса буни мулақо сезмагандек кўринарди. Унинг кучи ва эркинлиги шу қадар зўр эди! Мен буни ҳис қилар ва бундан изтироб чекардим.

Шундай қилиб, бир куни оқшом хонамда икковлон дилдан суҳбатлашиб ўтирганимизда бу нарса ҳар қачонгидан кўра яққолроқ сезилди. Бу гал меникида овқатланганди; думалоқ стол йиғиштирилган, ича бошлаганимиз қизил мусаллас ҳам олиб қўйилган, биз сигарета чекардик ва одобсизлик ҳукм сураётган мана шу вазият муносабатларимизни белгилаб турар эди: Дуня Штегеманн стол атрофида тик ва мағрур ўтирар, мен эса у томонга қараган ҳолда шезлонг (юмшоқ узун курси)да ётардим. Эркак ва аёл муҳаббати уйғотадиган руҳий ҳолатлар ҳақидаги пармалаб, нимталаб ташлайдиган ва буткул самимий суҳбатимиз шу зайлда давом этарди. Бироқ мен эркин, хотиржам эмасдим, эҳтимол кўп ичганлигим боис фавқулудда серзарда, жиззаки бўлиб қолгандим. Ўша нимадир яна тагин ҳозир бўлаётган эди... Ўша бўлмағур васваса ҳавода муаллақ сузар ва уни шундай бир тарзда булғаётгандики, бу мен учун тобора чидаш маҳол ҳолатга айланиб борарди. Ҳозироқ деразани очиб юбориб, тўғри ва кўпол сўз билан бўлса-да, ноўрин хавотирга ниҳоят қатъиян барҳам бериш эҳтиёжи мени буткул ўз измига олди. Айтишга аҳд қилган гапимни, гарчи у орамизда айтиб ўтилган бошқа кўп нарсаларга нисбатан муҳимроқ ва тўғрироқ бўлмаса-да, бир мартага айтволишим керак эди. Э худо, хушмуомалалик ва илтифотга эътибор учун унинг миннатдор бўлиши даргумон эди...

– Менга қаранг, – дедим унга, тиззамни букиб, оёқларимни чалиштирарканман, – яна бир нимани аниқлаштириш эсимдан чиқибди. Ўзаро муносабатимиздаги энг зўр ажойиб жозиба мен учун нималигини биласанми? У қалбларимизнинг интим яқинлиги, гарчи сенга бўлган очиқ-ойдин нафратимни жисмонан ҳис қилаётган бўлсам-да, у мен учун жуда ҳам зарурдир.

Жимжитлик.

– Ҳа, ҳа, – деди у сўнгра, – бу қизиқ экан.

Унинг ана шу луқмасидан сўнг суҳбатимиз қовушиб, яна ишқ-муҳаббат мавзуига кўчди. Мен энгил нафас олдим. Дераза очилган эди. Ҳозирги ҳолатимизга, ниҳоят, тўғрилиқ, ишончлилиқ ва ойдинлиқ киритилган, бунга шубҳасиз унинг ўзи ҳам эҳтиёж сезганди. Биз чекиб, гаплаша бошладик.

– Яна бир гап, – деди у беҳосдан, – буни айтиб қўйишим керак... мен илгари бир марта ишқий алоқада бўлганимни сен ҳойнаҳой билмасанг керак.

Мен ўгирилиб қараганимча унга серрайиб тикилиб қолдим. У адл ва бутунлай хотиржам ўтирар, сигарета тутган қўли стол устида у ёқдан-бу ёққа бориб келар эди. Даҳани хиёл очиқ, оч кўкимтир кўзлари эса ҳаракатсиз тик боқарди. Шунда беихтиёр қичқириб юбордим:

– Сен?.. сиз-а?.. У маънавий муҳаббатми?

– Йўқ; жиддий.

– Қачон... қаерда... ким билан?!

– Франкфурт-Майнда, бундан бир йил муқаддам, банк хизматчиси билан, у ёш, жуда келишган йигит эди... шуни сенга айтиб қўйиш учун эҳтиёж сезаяпман... буни билиб олганингдан хурсандман. Ё сенинг назарингда паст кетибманми?

Мен кулиб қўйиб, яна чўзилдим ва бармоқларим билан ёнгинамдаги деворни черта бошладим.

– Эҳтимол! – дедим мен зўр киноя билан. Мен энди унга ортиқ қарамас, балки юзимни девор томонга бурволиб, уни чертаётган бармоқларимдан кўз узмасдим. Боягина покланган вазият бир зарб билан шунақанги кескин тус олгандики, бундан миямга қон қуйилиб, кўзларим хиралашиб кетди... Демак, бу хотин ишқ нималигини билади. Унинг бадани эркак оғушида бўлган. Девордан кўз узмай туриб, хаёлимда аёлни қип-яланғоч ҳолда тасаввур қилдим ва бу манзара менга ёқимсиз туюлди. Қизил мусаллас тўла яна бир қадаҳни – бу нечанчаси эди? – бўшатдим.

Жимжитлик.

– Ҳа, – такрорлади у яна паст овоз билан, – буни билиб олганингдан хурсандман.

Шубухасиз, маънодор урғу бериб гапираётганидан аъзои баданим дағ-дағ титрай бошлади. У мен билан бир хонада ярим кечада ёлғиз қимир этмасдан, адл, талабчан бир қиёфада ўтирарди... Менинг бадахлоқ туйғуларим эса жунбишга кела бошлаганди. Мана шу аёл билан беҳаё ва иблисона разолатга берилишим мумкинлиги йўлидаги макр-ҳийлани тасаввур қиларканман, юрагим чидаб бўлмас даражада пўкиллаб урарди.

– Буни қара-я! – дедим мен тилим аранг айланиб. – Жуда қизиқиб қолдим-ку!.. Анави банк хизматчиси вақтингни чоғ қилолдими ишқилиб?

– Бўлмасам-чи, – жавоб қайтарди у.

– Ундай бўлса, – ҳамон унга қарамасдан давом этдим мен, – шунақанги нарса яна бўлса, йўқ демасан?

– Ҳечам-да.

Мен шартта ўгирилдим, қўлимни юмшоқ жилдга тираган қўйи ҳаддан зиёд суқлиқ ва сурбетлик билан дедим:

– Икковимиз демоқчийдим?

У секин мен томон бурилиб қаради, кўзларида самимий таажжуб аломати зоҳир эди.

– О азизим, бу фикр сизга қаёқдан кела қолди? Йўқ, ахир бизнинг муносабатларимиз соф маънавий...

– Хўш... хўш... ахир бу ўз-ўзидан маълум нарса-ку! Биз одатдаги дўстлигимизга ҳеч бир зиён етказмаган ҳолда ва истисно тариқасида, бирор марта бўлса ҳам қовушишимиз мумкин-ку...

– Йўқ дедим! Йўқ деяётганимни эшитиб турибсиз-ку! – янада ажабланган-намо жавоб берди у.

Мен энди ярамас феълини ташлашга одатланмаган ишратпарастдек дарғазаб ҳолда қичқирдим:

– Нега йўқ? Нега йўқ дейсан? Таманнонгни қара сению!

Ҳозирги важоҳатимни кўрган одам кўрқиб кетиши аниқ эди.

Дуня Штегеманн аста ўрнидан турди.

– Ўзингизни қўлга олсангиз-чи. Бу нима қилиқ?! Аҳволингизни тушуниб турибман, бироқ бу иш сизга номуносиб. Сизга йўқ дедим ва бизнинг ўзаро хайрихоҳлигимиз мутлақ маънавий эканлигини ҳам айтиб эдим. Наҳотки шуни тушунмасангиз? Мен энди борай. Кеч бўлиб қолди.


Камина ҳушёр тортиб, ўзимни тутиб олдим.

– Демак йўқ, шундайми? – дедим мен кулиб. – Бу билан дўстлигимиз ҳеч бир ўзгариб қолмаса керак...

– Нега энди ўзгармас экан!

У шундай деб, қўлимни дўстона қисиб қўйди, шу аснода унинг ёқимсиз лабларида кинояомиз табассум кўринди. Сўнг у кетди. Мен хона ўртасида туриб қолдим, дилимдаги кўтаринкилик йўқолгач, ушбу ажойиб саргузаштни яна бир бор ўйлаб, хаёлимдан ўтказиш билан банд эдим. Охири пешонамга бир урдим-да, ётиб ухладим.

**Олмон тилидан  
Мирзаали Акбаров таржимаси**





## *Деразамни очибсан*



**Иброҳим ДОНИШ**

### **Шамол**

Шамол, шамол, ҳой шамол,  
Юрибсан-а, бемалол.  
Асли маконинг қайда,  
Ўрмондами, тўқайда?  
Ё тоғдан келасанми,  
Ҳар жойни биласанми?  
Деразамни очибсан,  
Хонамга чанг сочибсан.  
Китобларим титибсан,  
Дафтарларим йиртибсан.  
Ушлаганимда борми,  
Бир чиқариб хуморни  
Кулоғингдан тортардим,  
Устингга фишт ортардим.  
Шамол, шамол, ҳой шамол,  
Жойингга бор, даминг ол.

### **Соз бўлади**

— Меҳмон келса уйимизга  
Кувонаман совға олиб, —  
Мақтанади Мирзағолиб,  
Сўзни илиб кетар Толиб:  
— Бизникига меҳмон келса,  
Барчамизга соз бўлади.  
Аям билан дадамларнинг  
Жанжаллари оз бўлади.

### Ўзингдан кўр

– Вой, бир коса қаймоқни  
Туширибсан-а, паққос,  
Менга ҳам қолдирмабсан  
Озгина, Абдуваққос.  
– Бир ўзиммас, ёнимда  
Шеригим бўлди Бароқ,  
Сен эса, ўзингдан кўр,  
Келмадинг сал олдинроқ.

### Паравоз

Келаяпти паравоз  
Чиқариб қаттиқ овоз:  
– Тақа-туқ, тақа-туқ,  
Ду-дуд, йўлни оч, – дейди. –  
Вагон тўла юким бор,  
Қаршимда юрган ким бор?  
Тақа-туқ, тақа-туқ,  
Тезроқ йўлдан қоч, – дейди. –  
Одамлар кутар тайин, –  
Дер, – манзилга етайин.  
Тақа-туқ, тақа-туқ,  
Бор тахта, ёғоч, – дейди.  
Тақа-туқ, тақа-туқ...

### Қулоғим бор

Қулоғин ушлаб кўриб,  
Шерзод келди югуриб:  
– Сен қулоқсиз дедилар  
Мени бувимлар боя.  
Битта эмас, иккита  
Қулоғим бор-ку, ая?!

**Жиззах**





**Зокиржон ОРИПОВ,**  
профессор

## **СОҲИБҚИРОН РАҲНАМОЛИГИДА БЎЛГАН ОЛИМ ВА САНЪАТКОР**

Соҳибқирон Амир Темурнинг азму шижоати, заковати ва донишмандлиги туфайли Мовароуннаҳр мустақил бир давлат сифатида бирлашди, унда тинчлик ва осойишталик барпо этилиб, иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланди, илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчилик, ҳунармандчилик равнақ топди. Айниқса, пойтахт Самарқанднинг ободончилигига катта эътибор қаратилди. Турли мамлакатлардан Самарқандга ҳунармандлар, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, фозилу фузало тўпланди. Соҳибқирон Амир Темурнинг бу доно амаллари бутун Мовароуннаҳр, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари маданияти ва санъатини янада яқинлашуви ҳамда ривожига замин яратди. Соҳибқирон Амир Темур илм-фан ва санъат намояндаларига эътибор билан қарагани учун ҳам унинг даврида Самарқандда кўп уламо ва санъаткорлар етишиб чиқди.

Ўша даврнинг етук олим ва санъаткорлардан бири бўлган Хожа Абдулқодир Мароғий соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ саройида, яъни, Табризда хизмат қилаётган вақтда, бир гуноҳи сабаб Мироншоҳ ғазабига учрайди ва ҳийла билан Бағдодга қочади. 1393 йил соҳибқирон Амир Темур Бағдодни эгаллаганда, Хожа Абдулқодир Мароғий билан учрашади ва у зот тиловатининг гўзаллигига ва нафасининг ўткирлигига таҳсинлар айтиб, гуноҳини афв этади. Шундан сўнг, Хожа Абдулқодир Мароғийнинг фаолияти соҳибқирон Амир Темур раҳнамолигида ўтади. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай ёзади: “Хожанинг камолотидан бири Куръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун била Куръон ўқумоқ қилдиким, ул Ҳазратнинг ғазаби лутфқа мубаддал бўлуб, фазил ва камол аҳли сори боқиб, бу мисраъни бавақт ўқудиким:

Абдол зи бийм чанг бар музҳаф зад  
(Қаландар қўрқувдан Куръонга чанг солди).

Андин сўнгра Хожага илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар қаъриларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас”.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарбияти, маънавий ва молиявий рағбатлан-тиришлари туфайли машҳур ҳофиз, созанда, бастакор ва атоқли мусиқашунос олим даражасига кўтарилган Хожа Абдулқодир ибн Фоибий Ҳофиз Мароғий Эрон Озарбайжонининг Мароға шаҳрида 1353 йили таваллуд топган.

Хожа Абдулқодир Мароғий болалигидан Куръони каримни ёд олган, хатм этган ва жозибали овозда тиловат қилиб келган, саккиз ёшида адаб ва наҳв илмларини эгаллаган. У ўн ёшидан аллома ва фосихларнинг мажлисларида иштирок этиб, ўзининг ёқимли овози ва мураккаб мусиқий асарларни маҳорат билан ижро этиши билан ҳозир бўлганларни ҳайратга солар эди.

Хожа Абдулқодир Мароғийнинг отаси Мавлоно Ғойибий ўз даврининг таниқли кишиси бўлган. Бу хусусда, Хожа Абдулқодир Мароғий ўзининг “Мусиқа мақсадлари” асарида қуйидаги фикрларни келтиради: “Менинг отам Ғойибий турли илмларда жуда маҳоратли эди, хусусан, мусиқада. Мени билимли бўлишимда, айниқса, мусиқада билимдон бўлишимда унинг хизмати каттадир”.

Хожа Абдулқодир Мароғий мусиқашунос олим бўлишдан аввал ҳофизу-л-куръон, созанда ва хонанда сифатида шуҳрат қозонган. Хожа Абдулқодир Мароғий шоир ва ўта маҳоратли хаттот ҳам эди.

XV асрда яшаган Муҳаммад Исфизорий таъкидлашича: “Уч соҳада Мароғий истеъдоди буюк эди, бу — мусиқа, хаттотлик ва шеърият”.

Манбаларда қайд этилишича, у туркий, араб ва форс тилларини бир текис яхши билган ва бу тилларда адабий-бадий ҳамда илмий ижод қилган. Хожа Абдулқодир Мароғий туркий халқларнинг мумтоз шеъриятида лириканинг “туюқ” жанрида шеърий асарлар яратган ва омоним сўзлар воситасида сўз ўйини қилиб, шеърларининг бадий қимматини юксак даражаларга кўтарган. Хожа Абдулқодир Мароғий ўзининг шеърларини, хоссатан “туюқ” жанридаги туркий шеърларини “Сегоҳ”, “Ушшоқ”, “Наво” мақомларига қўйиб ижро этмоқни тавсия этади. Хожа Абдулқодир Мароғий мусиқашуносликка оид назарий асарларини соҳибқирон Амир Темур саройида ёза бошлаган. Сафарларда доим ўзи билан олиб юрвчи соҳибқирон Амир Темур Хожа Абдулқодир Мароғийнинг ижодий ишларига шароит яратиш мақсадида, 1398 йилнинг апрелидан то 1399 йилнинг 27 апрелигача давом этган Ҳиндистон юришида қатнашмаслигига, Самарқандда қолишлигига ижозат беради ва санъатшунос олим Оқилхон Иброҳимов таъкидлашича: “ўн икки мақом ижрочилиги ривожланган бир даврда бу масалага доир назарий асар ёзмасликни тавсия этади”.

Хожа Абдулқодир Мароғий мусиқашуносликка оид рисоаларини, ўша даврда Мовароуннаҳрда адабиёт ва илм тили бўлган форсийда ёзган, лекин уларни туркийда битган шеърлари билан тугаллаган, масалан, “Мусиқа мақсадлари” рисоласи хотимасида битилган туркий шеърий мисралар қаторида қуйидаги байтлар ҳам бор:

*Эй жони жаҳон, баҳри сафо, бизни унутма,  
Ва, эй моҳи жабин, меҳрилиқо, бизни унутма.*

*Ҳақдин дилаюр жону кўнгул умринг узоқий,  
Вардур бу дурур субҳу масо бизни унутма.*

*Ул дамки, юзунг берса, шаҳ-о, ҳусн закоти  
Кубу малия ҳозир бу гадо, бизни унутма.*

*Айрилмади жоним қилич ила эшигундин,  
Гар чархи фалак қилди жудо, бизни унутма.*

Соҳибқирон Амир Темур фармони билан Хожа Абдулқодир Мароғий 1397 йили сарой мусиқачилари бошлиғи қилиб тайинланади. Унинг ижодий камолоти учун барча имкониятлар яратилган эди.

Хожа Абдулқодир Мароғийнинг мусиқашуносликка оид қуйидаги асарлари маълум:

1. “Муסיқа мақсадлари”;
2. “Муסיқа хазиналари”;
3. “Муסיқа тўплами”;
4. “Муסיқа китоби”;
5. “Ўнта фойда”;

6. “Даврлар рисоласининг шарҳида асос даврлар” ёки “Даврлар шарҳи” аталмиш рисола;

7. “Руҳпарвар” Сафийуддин Урмавийнинг “Даврлар китоби” асарининг туркий таржимаси.

Мазкур рисолалардан иккитаси:

“Муסיқа мақсадлари” 1965 йили, “Муסיқа тўплами” 1987 йили Техронда нашр этилган.

Хожа Абдулқодир Мароғий ўзининг муסיқашуносликка оид асарларида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Мансур ибн Зайланнинг муסיқий- илмий тадқиқот услубларини давом эттириб, Сафийуддин Урмавийнинг “Даврлар китоби” асарига ижодий ёндашади. Хожа Абдулқодир Мароғийнинг 1987 йили Техронда нашр этилган “Муסיқа тўплами” асарининг таркиби билан танишишнинг ўзиёқ, муаллифнинг нақадар чуқур илмий муסיқий тафаккурга эга эканини кўрсатади. Муқаддима, ўн икки асосий боб ва хотимадан иборат бўлган мазкур асарда муסיқа, муסיқашунослик, муסיқа амалиёти масалаларидан тортиб, муסיқа асбоблари, ўн икки машҳур даврлар (мақомлар), йигирма тўрт шуъба, олти овоз тизими ўрганилади. Хожа Абдулқодир Мароғийнинг муסיқий рисолалари Шарқ муסיқа амалиёти ва назариясининг ривожига муҳим ўрин тутади, уларда “Дувоздаҳ мақом” – “Ўн икки мақом” муסיқа тизими назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган, ашула ва чолғу ижрочилигига оид амалий кўрсатмалар берилган. Хожа Абдулқодир Мароғий асарларидан кейинги давр олимлари – Зайнулобиддин Ҳусайний (XV аср), Нажмиддин Кавкабий (XVI аср), Дарвеш Али Чангий (XVII аср) каби алломалар ижодий фойдаланганлар ва Хожа Абдулқодир Мароғий муסיқа рисола-ларини юқори баҳолаганлар.

Соҳибқирон Амир Темурнинг марҳамати туфайли шуҳрат топган, юқори даражаларга эришган миннатдор олимлар, санъаткорлардан бири Хожа Абдулқодир Мароғий соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг темурийзодаларнинг саройларида, хусусан, Шохруҳ мирзо саройида хизмат қилди ва 1435 йили Ҳирот шаҳрида вафот этди.

Хожа Абдулқодир Мароғийнинг ижрочилик ва бастакорликдаги юксак маҳорати Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий асарларида ва 1404 – 1406 йиллар Самарқандда бўлган Испания элчиси Гонзалес де Клавихо кундаликларида таъкидлаб ўтилади.

Хожа Абдулқодир Мароғийнинг ўғил ва набиралари ҳам таниқли муסיқашунос бўлиб етишганлар. Бу сирада унинг кенжа ўғли Абдулазизнинг муסיқа назариясига оид “Покиза даврлар” ва набираси Муҳаммаднинг “Даврлар мақсади” асарлари маълумдир.

1393 йилдан 1435 йил – умрининг охиригача соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалар раҳнамолигида бўлиб, Шарқ муסיқаси, хусусан, туркий муסיқа ривожига улкан ҳисса қўшган, “Шашмақом”нинг ўқ илдизи бўлган “Дувоздаҳ мақом” – “Ўн икки мақом” муסיқа тизимини назарий жиҳатдан биринчилардан бўлиб ишлаб чиққан ҳофиз, созанда, бастакор ва атоқли муסיқашунос олим Хожа Абдулқодир Мароғий хизматлари ўзбек миллий муסיқаси ривожига катта аҳамиятга моликдир.



Маъруф ЖАЛИЛ

## *Соғинч нафаси*

\* \* \*

Деразамнинг ортида тун  
Қора сочин ёзганда,  
Тинч хонада хаёл билан  
Қолганимда бир ўзим,  
Ҳар бир сўзни қалам чертиб  
Муҳр қилиб босганда,  
Энг аввало, ўз олдимда  
Ёруғ бўлар деб юзим —  
Қоғоз узра аста-аста  
Қанотимни кергайман,  
Бургут каби юксакларга  
Ҳаётимни бергайман.

\* \* \*

Совиб борар кундан-кун ҳаво,  
Мени дардга қилиб мубтало,  
Тоғиб кетдинг дардимга даво,  
Боғлар сенсиз ҳувиллаб қолди.

Қушлар кетди сен билан бирга,  
Бебош шамол барг сочар ерга,  
Ой ҳам чиқмас тунлар сайрга,  
Боғлар сенсиз ҳувиллаб қолди.

Сен қайларда юрибсан ҳозир,  
Мен бу ерда занжирсиз, асир,  
Қайдан олай тоқатни, ахир,  
Боғлар сенсиз ҳувиллаб қолди.

Булбул каби сайраб ирмоқлар,  
Жилоланиб рангин чироқлар,  
Гавжум эди сен юрган чоқлар,  
Боғлар сенсиз ҳувиллаб қолди.

\* \* \*

Мен мард рақибларни ҳайратга солиб,  
Номард дўстларимга аччиқма-аччиқ —  
Ташвиш юklarини елкамга олиб,  
Шундай яшайпман очикдан-очик.

Ҳаёт улғайтирган сизни эркалаб,  
Йўқ, менинг бошимни силамаган у.  
Йўл бошига чиқиб ҳар кун эрталаб,  
Кулиб, менга омад тиламаган у.

Қўлига мўлтираб қарайман унинг,  
Меҳнатдан топганман, нимаки топсам.  
Мен уни лаънатлаб ташлаб кетмасман,  
Юрагимга ҳар кун ғамлар ортса ҳам.

Роҳат кўрган бўлсам дунёда агар  
Унинг азобини чекканман олдин.  
Сизга тутун бўлиб кўринса қадар  
Мен учун ғамларим кўринар ёлқин.

Тушса бошингизга тирноқча ташвиш,  
Довдираб қоласиз, ҳаётдан тўйиб.  
Ўзгадан нолийсиз тинмай эрта-кеч,  
Кулфат сабабчисин бир ёққа қўйиб.

Сиз дарахт кўрсангиз, шуни ўйлайсиз,  
Зинҳор эсингизга келмас илдизи.  
Шу сабаб, бировдан ўгирганда юз  
Чақилмай қолади моҳият сўзи.

Разил ва оқилнинг борми матлаби,  
Бўларми тун, кунни ёнма-ён қўйиб?  
Фурури чертилган олифта каби  
Олмасман тўнимни тескари кийиб.

Қалбим масканига ҳасад битмасман,  
Гарчи ҳаёт менга кўп қилмас карам.  
Мен уни лаънатлаб, ташлаб кетмасман,  
Унинг дардларига топарман малҳам.

\* \* \*

Сен осмон сингари узоқ эмассан,  
Яқин ҳам эмассан дастурхон каби.  
Шу нотинч дунёда борми демассан,  
Қачондир мен турган хонадон каби.



Бахтиёр қиласан баъзан тушимда,  
Сирли юрагингни бир менга очиб,  
Гоҳ мадад берасан оғир ишимда,  
Қўл етмас жойга сўнг кетасан қочиб.

\* \* \*

Айланолмай нимадир сўзга,  
Эшитилар мазмундор саси.  
Далалардан уфурар юзга  
Иссиқ-иссиқ соғинч нафаси.

Томоғимга тиқилар недир,  
Қўзларимда айланади ёш.  
Шохи билан оҳишта елпир  
Кўчаларда толлар эгиб бош.

Хиёбонлар соғинч уфурар,  
Ариқларда жилдирар соғинч.  
Юрагимда соғинч ўқирар,  
Мезон бўлиб ҳилпирар соғинч.

Бир пайт орзу ортидан қувиб,  
Кетган эдим бу ердан олис.  
Энди ушбу далаларда мен  
Соғинчимни кўраман ёлғиз.

\* \* \*

Олис манзилларда юрганимда ҳам,  
Бир ишга банд бўлиб турганимда ҳам,  
Бошимни ҳар томон урганимда ҳам,  
Дўсту душманларни кўрганимда ҳам  
Сени ўйлайман.

Сени ўйламасдан ўтган дамим йўқ,  
Фикринг билан бойман, зарра камим йўқ,  
Дардим бору лекин бир малҳамим йўқ,  
Чунки сендан ўзга дилда ғамим йўқ.  
Сени ўйлайман.

Билмадим, ўзимни ўйлайман қачон,  
Умримни совуриб ўтмоқда замон,  
Дилимда меҳрингту қўлимда армон,  
Ватан қадри билан тер тўкиб ҳар он  
Сени ўйлайман.

Кошки, не ғам билан юрганим билсанг,  
Хаёлим яратган боғларга келсанг,  
Йиллар нени олди, сен қайтиб берсанг,  
Ёлғиз ҳаётимга бахт бўлиб кирсанг.  
Сени ўйлайман.



**Раҳматилла БАРАКАЕВ,**  
филология фанлари номзоди

## **ЁШ ҚАҲРАМОН ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?**

Истиқлол даврида халқимиз кенг маънода, ўзлигини қайта идрок этди, минг йиллик қадриятларига, эътиқодларига қайтди. Ушбу жараёнда ўзбек болалар шеър-иятининг ҳам қайсидир жиҳатдан ўрни ва хизмати бор.

Зеро, шеър-ият — она қадар покиза хилқат, она қадар беғубор гўзаллик, она қадар меҳрибон ва талабчан мураббийдир. Шу боисдан ҳам шеър-иятга ошно қалблар гўзалликни ҳис қилади, гўзалликдан завқ олади, бундай қалбнинг ўзи ҳам гўзал бўлади. Ана шу маънода, истиқлол даври ўзбек болалар шеър-иятининг энг яхши намуналари ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёш авлоднинг пок қалбини гўзаллик нури билан мунаввар қилади, бу беғубор қалбларга эзгулик уруғини сочади, уларни муқаддас Ватанимизнинг порлоқ келажagini яратувчи том маънодаги гўзал инсонлар қилиб тарбиялашдек масъулиятли ишга ўзининг холис ҳиссасини қўшади.

Маълумки, болалар табиатан ҳамма нарсага қизиқувчан, ҳар бир нарсанинг қандай пайдо бўлганини аниқлашга, масаланинг моҳиятини англашга интилувчан бўладилар. Шу боисдан ҳам ёш китобхонга мўлжаллаб яратилган энг яхши шеърларда болаларнинг ушбу хусусиятлари турли жиҳатлари билан намоённи топади. Бундан ташқари, ижодкор асарларини болаларга мўлжаллаб яратар экан, унинг асосий қаҳрамонлари болалар бўлиши ҳам табиий. Чунки китобни ўқиётган бола асардан, аввало, ўзини, шунингдек, ўй-фикри, дунёқараши, изланиш-интилишлари ўзига монанд келадиган тенгдошларини қидиради.

Бугунги болалар шеър-иятининг етакчи намоёндаларидан бўлмиш Турсунбой Адашбоев шеърларида ана шундай ёш қаҳрамонлар образи алоҳида ўрин тутди. Бу шеърларда асар марказида лирик қаҳрамон сифатида ҳар бири ўзига хос олам бўлган болалар образлари туради, асар сюжети улар мисолида тасвирланади.

Ижодкор болалар характерини яратар экан, яратувчилик ишқи билан ёнган: «Келажакда ким бўлсам экан?» деб, эртага умид кўзларини тиккан, орзу-ҳаваслар оғушида яшаётган болалар образи унинг диққат марказида бўлиши, табиий. Зеро, шоирнинг ана шундай шеърлари кўплаб тенгдошлари орасидан ёш қаҳра-

монларни ажратиб олади, уларни фикрлашга, тинглашга, назар ташлашга ўргатади. Фикрлаш эҳтиёжи эса шахснинг камол топишига олиб келади. Турсунбой Адашбоевнинг «Тунда учган юлдуз» шеърининг қаҳрамонлари ана шундай улкан умидлар билан яшаётган Нодир ва Носир исмли болалар:

*Нодир: – Космонавт бўлсам, ойга  
Каптар расмин ўярдим.*

*Носир: – Ер куррасин байроқдек,  
Алвон рангга бўярдим.*

*Нодир: – Она-Ватан меҳрига  
Кўкдан боқиб тўярдим.*

*Носир: – Марсга экиб ҳандалак,  
Дўстлар келса сўярдим.*

*Нодир: – Тунда учган юлдуз  
Ўз ўрнига қўярдим.*

*Эҳ, аттанг, – дейди Носир, –  
Ёшимиз-да, ҳали, ахир!*

Космонавт бўлиб, осмонларда учиб, кўкларни кучиб, ойу марсларни ўзлаштириш, тунда учган юлдуз ўрнига қайтариб қўйишдек улкан орзу-умидлар қуршовида яшаётган болаларнинг ниятлари пок: Нодир ойга каптар расмини ўймоқчи, каптар эса тинчлик рамзи, демак, болакайнинг орзуси бутун оламда тинчлик барқарор бўлишига эришиш; Носир марсга ҳандалак экиб, дўстлари келса ҳандалак сўйиб, уларни меҳмон қилмоқчи, демак, унинг нияти ҳам эзгулик. Диалогик нутқ услубига асосланган ушбу шеърда болаларнинг ўзбекона бағрикенглик, меҳмондўстлик табиати ишонарли, самимий сатрларда тасвирланган. Шеър хулосаси болалар ҳали ёшликларидан озгина афсуслансалар-да, беғубор орзу-истаклари, ниятлари поклигига, қатъийлигига китобхонни ишонтира олиши билан эътиборга лойиқ.

Шоирнинг «Космонавт» шеъри қаҳрамони Акмалжон ҳам Нодир ва Носир сингари бепоян самоларда парвоз этишдек эзгу орзу-умидлар билан яшайди. Унинг «скафандр ва кета» кийиб, ракетада космос бағрига учиб кетиши тасвири ёш боланинг чек-чегара билмас хаёлот олами маҳсули сифатида диққатга сазовор. Аслида, космонавт бўлишни орзу қилмайдиган бола борми ўзи?! Акмалжоннинг тушидаги коинотга парвози эса, ҳар бир хаёлпараст боланики сингари ғаройиботларга тўла – осмону фалақдан туриб эртақларда, китобларда ўқиган машҳур қаҳрамонларини ўз юртларида кўриши, уларнинг барчасини ҳайрону лол қолдириши тасвирлари ниҳоятда рангин. Шоир туш эпизодини ўринли қўллаб, Акмалжоннинг коинотга парвози ва ғаройиб сайру саёҳати ҳақида қизиқарли ва ишонарли, асосийси, хаёлпараст ёш бола характерини табиий акс эттирадиган шеър яратади.

Ижодкорнинг «Менинг саволим» шеъридаги уйғониб улгурмасидан, кўрпасидан чиқмасидан: «Тун не учун қоронғи, Кундуз нега ёп-ёруғ?», «Нега қуш парвоз этади-ю, менинг бошимдаги қалпоғим учмайди, ёки мени ташлаб кетишга кўзи қиймайдими?» деб ўйлайдиган, боши жумбоқлар билан тўлиб-тошган, барча нарсага қизиқувчан, ҳамма нарсанинг моҳиятини билишга интилувчи бола ва «Латифжоннинг лофлари» шеъридаги Латифжон ҳам Нодир, Носир, Акмалжон сингари ўйчан, фикрловчи болалар тимсолидир. Латифжон табиатан озгина лофчироқ бўлса-да, аслини олганда, унинг лофлари одамларнинг оғирини енгил қилишга йўналтирилганлиги билан ҳаётбахш, ишонарли. Чунки у кўзи хираллашиб қолган саксон ёшли бувиси учун игнага ип ўтказувчи асбоб ўйлаб топгиси

келади, онасига гуручнинг курмаги ва тошини ажратиб берадиган махсус магнит яратмоқчи бўлади, одамлар силлиқ, дум-думалоқ тарвузни кўтаришда қийналмасинлар деб тарвузнинг махсус тутқич-сопли турини кашф этмоқни ўйлайди. Масаланинг моҳиятига янада чуқурроқ кирадиган бўлсақ, лоф жанрининг замонавийлаштирилган шакли бўлган ушбу шеър қаҳрамони Латифжоннинг лофларида, шоир қайд этганидек, «анча-мунча асос бор», яъни, бу «кашфиёт»лар бувисининг игнасига ип ўтказавериш, онасига гуручнинг тоши ва курмагини тозалаб бериш, бозордан қийналиб тарвуз кўтариб келишдан безор бўлган боланинг ўз юкини енгиллатиш мақсадидаги ўй-фикрлари сифатида ёш китобхонлар хаёлот оламига ҳамоҳанг.

«Менинг саволим» шеърида эса, барча нарсага қизиқувчан, барча нарсанинг моҳиятини билишга интилувчи ана шундай болақайлардан яна бирининг жонли образи яратилган:

*Ўйлаб қолдим кўрпадан  
Туриб-турмай уйғониб.  
Тун не учун қоронғи,  
Кундуз нега ёп-ёруғ?  
Онам, бувим қаёқдан —  
Яралганим сўрасам,  
Қотиб-қотиб кулишар,  
Ўйлаб ҳайрон бўласан.*

*Парвоз этар нега қуш,  
Бу савол ҳам қийнайди?  
Нечун учмас қалпоғим,  
Мени кўзи қиймайди?  
Туриб-турмай кўрпадан  
Шунча савол қошимда.  
Тўлиб-тошган жумбоқлар  
Юрар менинг бошимда.*

Дарҳақиқат, ҳаётда дуч келаётган ҳар бир янгилиги ёш бола учун мўъжиза. У табиат ва жамиятдаги ҳар бир нарса ва ҳодисанинг моҳиятини тушунишга, англашга ҳаракат қилади ва: «Нима учун?» деган кўплаб саволлари билан бобобувиси, ота-онаси, ака-опаларига тиним бермайди. Ростдан ҳам, нега тун қоронғи-ю, кундуз ёп-ёруғ? Нега қуш парвоз қила олади-ю, боланинг қалпоғи учмайди? Бинобарин, ёш бола мактаб ёшига етгунга қадар табиат ва жамиятнинг ўз назаридаги ҳар бир ҳодисасини мўъжиза деб ҳисоблаши ҳамда унинг сир-асрорини дастлаб ўзи ечишга уриниши, ўзи уддасидан чиқа олмаганида ҳаёт тажрибаси каттароқ одамлардан ёрдам сўраши у кишилиқ оламига кириб келишининг дастлабки босқичлари эканлиги шеърда ишонарли ҳамда самимий тасвирланган.

Кейинги давр болалар шеърияти қаҳрамонлари ҳақида гап кетар экан, улар сафи ранг-баранглигини ҳам қайд этиш керак. Бу жиҳатдан раҳматли Ҳамза Имонбердиевнинг «Ўжарлар» туркуми қаҳрамони Фанича ва «Ғалати Омон» туркумидаги Омонни алоҳида тилга олиш жоиз. Фанининг исмига жуссаси кичиклиги, заифлиги учун кичрайтирувчи «ча» қўшимчаси қўшилган. Бироқ шуниси қизиқки, қишлоқ болалари зўравон, «қишлоқнинг шефи» деб ном чиқарган Санжарни кўришлари билан тумтарақай бўлиб кетишса, ўжар Фанича тап тортмай тураверади, Санжар уни ҳар қанча калтакласа ҳам, сувга пишса ҳам чўмиладиган жойдан кетмайди. Чунки у чўмиладиган жой биргина зўравон Санжарга эмас, барча болаларга тегишли деб ҳисоблайди. Қўй боқишга чиққанларида болаларнинг барчаси навбатма-навбат Санжарнинг қўйларини боқишса-да, ушоққина Фанича Санжарга хизматкор бўлишни истамайди ва ўжарлиги учун яна Санжардан калтак ейди. Ҳамқишлоқлари ҳар қанча, «бу йўлингдан қайт, бўлмаса калтак тагида майиб бўлиб кетасан» дейишса-да, у йўлидан қайтмайди, ҳақиқат йўлида, инсоний қадрқиммат йўлида ўзидан кучли рақиб билан ҳам тинмай муштлашаверади:

*Навбатдаги ҳақорат  
Тоши отилган пайти,  
Фанидаги жасорат  
Изига кетди қайтиб.  
Фани бир дам тош қотди,  
Борлиқ рангин йўқотди.  
Оёқ-қўли бўшашиб,  
Туриб қолди карахтдай.  
Қалқиб кетди, кесилиб  
Қулаётган дарахтдай.  
Бирдан ҳайқирди: — Йўқ! Йўқ!  
Ва Санжарга ташланди.  
Яна мушту яна дўқ,  
Яна ур-сур бошланди.  
Ҳа, бу гал ҳам қочмоқни  
Эп билмади Фанича.  
Қўп-хўп еди калтакни,  
Солишди тўйганича.  
Ҳар ён кетди рақиблар  
Бир-бирига демай сўз.  
Барча бола жим боқар,  
Фаничадан узмай кўз.*

Назаримизда, ушбу шеърда ҳаётга жиддий боқадиган, ўз ўрни, инсоний қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўядиган, қадри учун ҳатто нотенг курашдан ҳам қайтмайдиган қахрамон характери, феъл-атвори анча жонли яратилган. Шунча воқеалар бўлиб ўтганида Фаничага «ўжарлигингни қўй, калтак еб майиб бўлиб кетасан» деб «маслаҳат» беришгагина яраган, ҳақиқатнинг ёнини олишга ярамаган, жони кўзига азиз кўринган болалар охирида Фаничага ҳеч сўз демай тикилиб қоладилар. Аслида ҳам сўзга ўрин йўқ. Чунки ҳақиқат эгилиши, букилиши, ҳақоратланиши мумкин, бироқ синиб, йўқ бўлиб кетмайди. Шу боисдан ушоққина ҳақиқатнинг охир-оқибат фолиб чиқиши табиий ва у, аслида, катта ҳақиқатга йўл очади. Шу маънода, бу шеър катта ижтимоий-маърифий аҳамият касб этади.

Болалар адабиётимизнинг эртаси сифатида бўй кўрсатаётган умидли қалам-кашлардан Содиқжон Иноятовнинг шеърларидаги ўзига хослик у топган кутилмаган тасвирда, бақувват, пишиқ хулосаларда акс этади. Мана, ёш шоирнинг «Янги бола» шеъри:

*У сузонғич таканинг  
Ушлолмади шохидан.  
Нок ўғирлай олмади  
Носир ака боғидан.*

*Дедим: — Қўрқоқ бўлмасанг,  
Олапарни битта сол!  
Эплоймайсанми? Қани,  
Бу ердан тез жўнаб кол!*

*Хуллас, бизнинг «синов»дан  
Ўта олмади сира.*

*Маҳаллада йўқ унга  
Битта ҳам ўртоқ, жўра.*

*Аммо қўшни болакай  
Чўкаётган пайт сувга,  
Ўзини сойга отиб  
Тик боқди у қўрқувга!*

Болалар шоирларининг аксарият шеърлари қаҳрамонлари кўпинча шўх-шаддод, топқир, озгина қувроғу озгина соддароқ болакайлар. Бироқ бу шеър қаҳрамони уларнинг аксича, бўш-баёвгина бола. Шеърнинг муваффақияти эса, эҳтимол, ана шу кутилмаган хулосада, яъни, ташқи кўриниш, жисмоний куч ҳали ҳеч нарсани ҳал қилмаслигининг ёрқин ва асосли акс эттирилганида, «синовчи»ларнинг тан олишларидадир. «Шеър одатда ҳайратдан туғилади», деган гап ҳам бор. «Янги бола»ни ёш китобхонга манзур қиладиган сифат бориб-бориб ўша ҳайратга, тан олишга тақалса ҳам, ажаб эмас.

Ҳозир болалар ҳам ёппасига шеър ёзаётган бир пайтда, шеърнинг вазн ва қофиясини келиштириш билан ҳеч кимни ҳайратга солиб бўлмайди. Фақат самимият, қалб кўридан чиққан ёғду ва дард билангина китобхонни ўйлатиб қўйиш мумкин.

Адабиётшунослар аксар ҳолларда, болалар учун ёзилган шеърларда очиқ тарбиявий хулоса, қиссадан ҳисса бўлмагани тузук, чунки у шеърни бўшаштириб юборади, дейдилар. Бироқ, бизнингча, бу фикр доим ҳам тўғри эмасга ўхшайди, чунки асосий гап маҳоратга, самимиятга, ҳароратга, тасвирга боғлиқ.

Биз юқорида мулоҳаза сифатида мисол келтирган шеърлар ёш авлод маънавий камолотига беминнат хизмат қиляпти. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, бугунги кунда бадиий адабиётни мактаб адабиёт дарсликларига киритилган намуналар даражасидагина биладиган, бадиий асар ўқишдан кўра, тест ёдлайдиган амалиётчи авлод ҳам пайдо бўлди. Бу авлоднинг фазилати шундаки, у компьютер билан тиллашишга уста, хорижий тилларни ҳам яхши билади. Лекин, уларнинг китобнинг қоғози ҳиди қандайлигини билишига гумоним бор. Чунки улар телевизорда хорижнинг зўравонлик тарғибига асосланган мультфильмларини кўриб улғайишмоқда. Бинобарин, ёш авлод маънавий камолотига масъул ҳар бир кишининг зиммасида фарзандларимизни бадиий адабиёт ўқиш, улар қалбида асар қаҳрамонлари тақдирига эш бўла олиш, хурсандчилигини ўз хурсандчилиги, хафалигини ўз хафалиги сифатида қабул қила олиш кўникмасини ҳосил қилишдек масъулиятли вазифа турибди.

Болалар шеърятимиз эса, юқорида қайд этилганидек: «Ёш қаҳрамон қандай бўлиши керак?» деган саволга жавоб топиш йўлида, ёш қаҳрамоннинг ўзига хос бадиий оламини кашф этиш борасида тинимсиз интилиш-изланишда эканлигини тасдиқлашга, бу адабиётнинг эътиборга сазовор ўзига хосликлари мавжудлигини кўрсатишга, унинг келажагидан умидбахш қилишга хизмат қиладиган мисоллар етарли.

## «КАТАРСИС» СЎЗИНИНГ МАЪНОЛАРИ ТАВСИФИ

Буюк олмон мутаффакири Витторио Маджи: “Трагедия инсонни гуноҳлардан поклайди”, деган ахлоқий назарияни илгари сурган. Мазкур назария Лессинг томонидан “Ҳамбург драматургияси” номли эсдаликларида янаям батафсилроқ шарҳланган.

Лессинг “Ҳамбург драматургияси”да Франсуа Вольтернинг “Заира”, Пьер Корнельнинг “Родогюна” асарларини Арастуниинг “Поэтика”си талабларидан келиб чиқиб, жуда муфассал ва теран таҳлил этади. Антик давр мумтоз санъат-классицизм руҳида ёзилган бу асарларни муаллифлар ҳам, адабиётшунослар ҳам, санъатшунослар ҳам кўкка кўтариб мақтаганлар. Лекин, Лессинг бу драмаларнинг жуда кўп камчиликлари борлигини бадиий ва мантиқий ҳамда руҳий таҳлил билан далиллаб кўрсатади. Лессинг Вольтернинг ўз драмасини нокамтарлик билан мақтаган сўзларини келтиради. Вольтер айтишича, аслзода хонимлар унга драмаларингизда севги йўқ, деб гина, таъна қилибдилар. Вольтер уларга: “Трагедия севгининг унчалик яхши ўрни эмас”, дебди. “Лекин, агар жуда севгини хоҳлаётган бўлсангиз, мана сизларга севги, деб “Заира”ни 18 кунда ёзиб тугатдим ва у катта муваффақият қозонди. Парижда уни христианлар трагедияси дейдилар ва уни кўпинча “Полиэвкт” (Софокл) ўрнига қўядилар”.

Лессинг ёзишича: “Бир одобли санъатшунос, танқидчи Вольтернинг асарини мақтаб, Вольтерга “Заира”ни муҳаббатнинг ўзи ёздирган!” деб хитоб қилади. Лекин, мен (Лессинг) муҳаббат ўзи ёздирган биргина асарни – Шекспирнинг “Ромео ва Юлия”сини биламан. Тўғри, (Вольтер асарида) Заира ўз туйғуларини нозиклик ва одоб билан намоиш этади. Лекин, Заира тилидаги туйғулар қаёқдаю, Шекспир тасвиридаги туйғуларнинг чексиз товланишлари қаёқда? (Г.Э.Лессинг. Изобранные произведения. Москва. ГИХЛ. 1953. стр 525-529). Лессинг яна нозик киноя билан: “Эҳтимол, Вольтер жаноблари севги моҳиятини Шекспирчалик билар, лекин одоб сақлаб, кўп нарсаларини яширгани учун, асар муаллифга сира муносиб бўлмай қолган”лигини айтади. Лессинг фикрича, баъзи санъатшунослар Вольтерни мақтаб, у Шекспирнинг оловидан машъалини ёқиб, олдинга бораётгани ҳақида ёзганларида ҳақ эмаслар. “Заира” трагедиясига қараб баҳоланса, Вольтернинг қўлидаги ёниқ машъал эмас, балки Шекспирнинг ўчоғидан олинган бир чўғдир. Яна шуниси борки, бу чўғ ёнишдан кўра туташга мойилроқдир. Вольтер “Заира”нинг ошиғи турк султони Оросман (Ўрхон – Усмон)ни рашкчи сифатида Шекспирнинг Отеллосига қиёслайди (яъни, ўзини мақтайди). Лессинг бу ошиқ билан Отелло орасида ер билан осмонча фарқ борлигини айтади. Вольтер асарни инглизчага таржима қилган Хиллга ҳам хушомадгўйлик қилади,

уни мақтайди, шу аснода, ўзини улуғлайди. Лессинг умуман француз халқининг енгилтаклиги ва мақтанчоғлиги устидан кулади. Улар ўз камчиликларини билмай, ўзини улуғлайвергани учун ижодий ўсмайдилар. (Бу фикр Бальзак даврига оид эмас – М.М).

Целлернинг *ахлоқий-эстетик назарияси*. Бу назарияга кўра, трагедия қаҳрамонлар тақдири орқали умуминсоний қисмат ва, айнаи вақтда, адабий адолат қонунини намойиш қилади. Целлер (ҳаяжонли туйғуларни ритм ва гармония билан тинчлантирувчи) музыка таъсирини санъатнинг умумий қонунларига боғлайди. Унинг фикрича, трагедия қўрқув ва ачиниш аффектларини – дардларини, аввало, санъат асари сифатида ўзига хос воситалар билан, иккинчи томондан, умумбашарий ахлоқ қонунлари асосида тинчлантиради. Целлер бу фикрларни Арастуга нисбат беради.

Бернайс томонидан илгари сурилган “қўзғалиш” тиббий назариясига кўра, қўрқинч ва ачиниш дардларидан фожиали томоша орқали покланиш томошабин қалбида сунъий кучайтирилган ва гўё трагедиянинг ўзлаштирилиши билан қиздирилган (ёки шунга яқин) тегишли ҳислар оқибати сифатида пайдо бўлган табиий жунбишдир. Шу билан бирга, бу жунбиш мазкур дардларни аритади ва қўзёшлар орқали гамдан халос бўлган ҳолатдагидек муайян лаззат туйғусини беради. Шундай қилиб, Бернайс ва унинг фикрдошлари “катарсис” терминини дардлардан енгиллашишни билдирувчи “куфасис” сўзининг синоними деб ҳисоблайдилар.

*Диний назариялар*. Уларга Ф.А.Петровский фикрича, С. Гауптнинг соф *интеллектуал (ақлий) назарияси* ва В. Иванов *назарияси* киради. Иккала тадқиқотчи Арастунинг покланиш тўғрисидаги таълимотини дин билан, грекларнинг мистериялари билан боғлайдилар ва “катарсис” термини трагедияга алоқадор Диониснинг шахсига сиғинишдан келиб чиққан, деб ҳисоблайдилар. Аммо, биз айтамикки, “катарсис” – “покланиш”нинг диний назарияси Афлотунчи Платин ва унинг издоши А. Боэций асарларида теран талқин этилган.

Бу ерда санаб ўтилган назариялардан энг кўп тарқалгани Бернайс назариясидир. А.А.Грушка бу назарияни: “кўпроқ табиий, содда, тажриба орқали текшириш мумкин бўлган ва шу билан бирга, ҳужжатлар орқали исботланган, бинобарин, ҳамма нуқтаи назарлар жиҳатидан ҳақиқатга кўпроқ яқин”, деб атайди. Лекин Ф.А.Петровский фикрича, бу назария яхши асосланган ва ҳақиқатга яқин бўлиб кўринишига қарамасдан, айниқса, Арасту “Поэтика”сининг 6-боби бошида кўзда туган “катарсис” масаласини ҳал этолмайди: “Арасту трагедияга берган таърифида, “покланиш” тўғрисидаги сўзларда трагедия қанақа бўлиши лозимлиги ҳақида ўз шахсий нуқтаи назарини келтирмайди”, балки мавжуд трагедия қандай эканлиги хусусида гапиради. “Катарсис” терминини “куфасис” термини билан алмаштиришининг ўзи ҳам Бернайс назариясини тутруқсиз қилиб қўяди”.

“Трагик покланиш”нинг асосий талқинлари билан бир қаторда, “катарсис” сўзини тушунтиришга, Арасту “Поэтика”сидаги шу билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга сон-саноксиз уринишлар бўлган. Шунга қарамай, бу тушунтиришлар кўп ҳолларда Арастунинг сўзларининг мазмунини жуда эркин изоҳлашга асосланган. Бундан ташқари, шарҳловчиларда, Арасту таълимотини аксарият ҳозирги адабиётшуносликка, ҳозирги замон санъатига, ёки бу шарҳловчига мослашга уриниш сезилади.

Бу назариялар ҳақида тўхталишдан аввал, Арасту “Поэтика”сининг уйғониш даври матафаккирлари ва санъаткорлари ижодига ҳаяжонли таъсир кўрсатганлигини айтиш керак бўлади. Уйғониш жараёни Европада, энг аввал, Италияда (Венеция, Флоренцияда) бошланганига сабаблардан бири ҳам Арасту “Поэтика”сининг бу жойлар санъат ва ҳаёт, санъатдаги ҳаёт, антик даврга хос инсоншунослик муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда асос қилиб олинганидир. Уйғониш даврининг етук шоир ва драматурглари ўз асарларига Эсхил, Софокл, Эврипид мавзуларини танлаб, уларни қайта ишлаб, ўзгача тус беришда ҳам Арасту “Поэтика”-

сининг у талқин этган асарларининг таъсири кучли эди. Жан Расин ва В.Альфие-рининг антик мавзудаги, озодликни куйловчи драмалари Байронни ҳам руҳлан-тирган.

Арасту “Поэтика”си лотин халқлари тилига араблардан анча кейин таржима қилинган эди. “Поэтика” V асрда юнончадан сурёний тилига, сўнг, араб тилига таржима қилинган. X асрда Ал-Киндий, Фаробий, Ибн Сино “Поэтика”ни ўз талқинларида баён қиладилар. XII асрда – Ибн Рушд “Поэтика”ни арабчага эркин таржима қилди. Унинг замондоши Голландия олими Генрих Алеманн мана шу таржимадан фойдаланиб, “Поэтика”ни лотин тилига ўгирди. Италия уйғониш даври гуманисти Георгий Валла 1498 йилда лотинчага ўгирилган тўлароқ матнни эълон қилди. Шу матн XVI асрда Венеция ва Базелда (Германия) етти марта, Парижда беш марта, Флоренцияда уч марта, Вена ва Женевада бир марта нашр этилди.

Арасту “Поэтика”сининг шарҳ ва талқинлари орасида Франсиск Робертелло, Витторио Маджи асарлари кенг шуҳрат қозонди. Никкола Буало ҳам ўз “Поэтика”сида Арастунинг кўпчилик қоидаларини асос қилиб олган. Лекин у юнон му-тафаккирининг жонли фикрларини ўзича қайта ишлаб, француз классицизмга мослаштирган.

Асрлар давомида жуда кўп баҳс-мунозаралар Арасту кашф этган “мимесис” ва, хусусан, “катарсис” терминлари устида бўлиб, бу сўзларнинг турлича талқин-лари вужудга келди.

Робертелло ва Маджи шарҳларида Арасту “Поэтика”сида тилга олинган “катарсис” терминига жиддий эътибор берилди. Бунда улар санъат асарининг инсон руҳига таъсири, руҳни поклаши, ёвузликдан тозалаб, эзулик, яхши-лик томон йўллаши, яъни, ахлоқий ижтимоий, тарбиявий аҳамиятига доир қимматли фикрларини билдирдилар. Жумладан, Робертелло бундай ёзади: “Шеърятни ўқиш ва ҳар қандай тақлидий (яъни, ҳаётнинг ўхшашини тасвир-ловчи – М.М.) асарлар одамларга фойда келтиради. Машҳур қаҳрамон жасо-ратлари тасвирланган асар ўқувчилар (томошабинлар)ни мардликка ўргатади. Агар бадий асарда иллатлар, тубанликлар тасвирланса, одамларда бу иллат-ларга, тубанликларга нафрат уйғонади, буларни кўрганлар ёмон ишлардан узоқ юришга ҳаракат қиладилар. Агар саҳнада кўрқинчли, даҳшатли воқеалар тас-вирланса, бу фожеаларга учраган қаҳрамонлар (томошабинларда) ачиниш ва ҳамдардлик уйғотади. Ҳар қандай тақлидий (яъни, ҳаётга ўхшаш) поэтик асар (у шеър ёки роман ё драма бўлса ҳам) инсон кўнглини юмшатади, ҳаяжонга, қайғуга солади ёки ёндиради”.

Арастунинг “катарсис” назариясини Маджи ҳам шунга яқин талқин қилади: “Саҳна асарини кўраётган, тинглаётганлар ҳаётга ўхшаш воқеадан таъсирланиб, яхшиларга ҳамдардликни, даҳшатлардан кўрқинчли, изтироб чекишни ўрганади-лар. Уларнинг ўзлари шундай ҳолатларга тушиб қолсалар қайғу ва изтиробларга чидамлироқ бўлиб қоладилар”.

Маджининг “катарсис”га доир фикрлари Лессингнинг “Ҳамбург драматургия-си” асарида кенгроқ талқин этилган.

Арасту “Поэтика”сини теран тадқиқ этган атоқли санъатшунос Ф.А. Петровс-кий ўз шарҳида фожеа ва покланишга доир уринишлар шарҳига чек қўймоқчи бўлиб, Гётенинг “катарсис” масаласига оид, шубҳасиз, қизиқарли бир изоҳига тўхталди. Бу масала Гётенинг 1827 йилда ёзилган “Арасту “Поэтика”сига оид изоҳлари”да кўриб чиқилган. Гёте ноаниқликлардан қочиб, “Поэтика”нинг 6-боби бошланишининг ҳақиқатан ҳам гоят эркин таржимасини таклиф этади. Гёте сўзлари С.В.Герье томонидан рус тилига қилинган аниқ таржимада бундай ифо-даланади: “Трагедия муайян узунликка эга бўлган ва ёқимли услуб билан, шу билан бирга, бир шахс томонидан баён қилиш шаклида эмас, балки ҳар бири ўз ролини ўйнайдиган бир қанча шахслар томонидан ижро этилган муҳим ва тугал ҳаракатни акс эттиришдир: у ўз таъсирини фақат кўрқинч ва ҳамдардликнинг

узоқ алмашинувлари, бу эҳтиросларнинг тинчланиши давомида тугаллайди”. Ва давом этиб ёзади:

“Шундай таржима ёрдамида мен бу ўриндаги ноаниқликка барҳам беришни умид қиламан ва унга қуйидаги фикрнигина қўшаман. Доимо аниқ сўзлаган, айниқса, трагедиянинг тузилиши тўғрисида махсус изоҳ бераётган ўринда Арасту қандай қилиб трагедиянинг томошабинга шу қадар йироқдан таъсир кўрсатишини назарда тутиши мумкин? Бўлмаган гап! У бу ерда бутунлай равшан ва тўғри сўзлайди: трагедия кўрқув ва ачинишни кўзгатувчи воситаларни сарфлаб бўлгач, бу эҳтиросларнинг уйғун ҳолда тотувлашуви билан ўз ишини тугаллаши лозим. У “катарсис” деганда, драматик санъатнинг ҳар қандай кўринишидан, аслида, поэтик асарларнинг баридан ҳам талаб қилинадиган худди шундай таскин берувчи тугалликни тушунади”. (И.В.Гёте. Собрание сочинений в тринадцати томах, М., Гос-политиздат, т. X., 1937, стр. 686.).

“Катарсис” ёки “покланиш” терминининг маъноси Арастунинг санъатнинг теран ижтимоий аҳамияти ҳақидаги қарашлари билан, ўз идеал давлатида ҳатто биргина Гомердан бошқа шоирларга жой топмаган Платоннинг фикрларидан тубдан ажралиб турувчи қарашлари билан узвий тарзда боғланган, — деб ёзади Ф.А.-Петровский. Шоирларга ва, энг аввало, граждандарнинг ижтимоий ҳаётида шу қадар улкан ўрин туган бадиий асарлар — трагедияларнинг муаллифларига Арасту қандай талаблар қўйганини тушунганимиздагина, “катарсис” терминининг моҳиятини шарҳлаш мумкин”. Арасту фақат айрим жумлаларни ва сўзларни эмас, балки унинг поэзия санъати тўғрисидаги бутун таълимотидан кўриб турганидек, шоир воқеликни ҳужжатлар каби акс эттирмаслиги, аксинча, алоҳида ҳодисаларни таҳлил этиш йўли билан уларни умумлаштириши ва уларнинг моҳиятини очиши лозим.

Арастунинг фалсафий қарашларини яхлитлигича эътиборга олганимиздагина, “трагик покланиш” моҳиятини ойдинлаштириш имкониятига эга бўла оламиз. Агар қандайдир ҳодиса ачиниш, ҳамдардлик (“элэос”) ё кўрқув (“фобос”) кўзгаторолса, бу ҳодисанинг моҳиятини идрок этиш асосида, шу ҳислар ёки аффектлар (патия)дан, уларнинг бошланғич онгсиз, патологик (ғайритабиий, нормал ҳолатдан чиқиш) ҳолатидан покланиш (“катарсис”) мумкин. Идрок этилган ҳодиса инсонни ҳаёт қонунлари борасида жиддий ўйлашга мажбур этиб, унга воқелик ҳодисаларининг теран илдизларини очиб бериши керак. Шунинг учун Арасту трагедиянинг вазифаси воқеаларнинг асосларини очишда, деб билади. Эсхил оқилона таъкидлаганидек: “жафо чеккандагина ҳодисаларнинг моҳиятини билиш мумкин”. Пушкиннинг “Мен фикрлаш ва жафо чекиш учун яшамоқ истайман”, деган сўзлари ҳам шунга мос келади. Лекин бу жафо чекиш онгни оғриқ, кўрқув ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар орқали қийнамаслиги, балки одамларнинг фикр-туйғуларини мусаффолаштириши керак. Ҳақиқий шоир у қайси замонда яшамасин, ана шундай инсонлар учун ижод қилади.

Шухрат РИЗО

## «ҚИЙНОҚ, СЕНГА БЎЛСИН ШАРАФ!»

*(Усмон Азим ижодий портретига чизгилар)*

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг шеъриятида ўқтамлик ва тетик руҳ мавжуд. Шоирнинг жўшқин эҳтиросларга йўғрилган:

*Тонг титрайди кеч кузакнинг қучоғида,  
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ,  
Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...  
Замин — тилсим, осмон — тилсим... шеър — бешафқат —*

сатрлари билан бошланувчи салгина рус «шестидесятник»ларига эргашиб, аммо тамомила ўзига хос бир шиддатда ёзилган шеъри уни, шубҳасиз, долғали шоир сифатида эътироф топдирди. Ўша шеърдаги: «Қийноқ, сенга бўлсин шараф!» сатри ва энг сўнгги: «Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак, Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини!» мисралари унинг ҳаёт аъмоли, шеъриятининг бош маъғидек тасаввурни барқарор қилди.

Ҳақиқатан ҳам, кеч кузак — кўҳна адабиётимиз, шеъриятимиз бағрида отаётган тонг мисол ўнгу сўлга аланглаб янги, навқирон шеърий нафас пайдо бўлаётган эди. Табиатда кўрилганидек чароғон юлдуз, яъни, шеър устозлари фонусларидан ёруғроқ, уларни ўчирмоққа, ўзиникини тасдиқ этмоққа қодир саркаш руҳ ял-ял ёниб пайдо бўлаётган шафақ каби қизгин, оташ нафаси ила кириб келаётган эди. Унинг шиори қийноқ, яъни, ўзни излаш, «қалбга пичоқ санчиб» — уни беаёв титиб, ўзликни ифода этмоқ, муттасил ҳайратлар уйғотиб, дунёни сиру синоатга кўмиб яшамоқ эди.

Шунданмикан, назаримда, Усмон Азимда доим ёшлик уфуриб туради. Бинобарин, мен таниган чамаси ўттиз йиллардан бери Усмон Азимни ҳамиша навқирон бир алпозда тасаввур этаман. Гарчи бир оз сергаплиги ошиб бораётган бўлса-да, қилиқлари ўша-ўша, ёниб-куйиши ўша, эҳтирослари ўша, сабрсизлиги, «мақтанчоқ»лиги, ёқимтой «жинни»ликлари ўша. Шу санаганим ва яна санаганим хислатлари ичра Усмон Азим ҳамиша шоир, файласуф шоир, катта шоир. У ҳамма нарсани шеър қила олади, ҳамма нарсдан шеър ясай олади. Йўқ, шеър деганда, туроғу қофиянигина назарда тутаётганим йўқ. Бу-ку ўз-ўзидан. Унинг шеър дегани ҳамиша фикр, одам, тийнат ва табиат...

Усмон Азим гарчи шеър дунёсидаги бепоён кенгликларда руҳий парвознинг авж даражаларига кўтарила олган эса-да, у ёйилиброқ сўз айтишга, очиқроқ фикр, муносабат билдиришга мойил бўла бошлади. Шу тариқа унинг прозаси ва драмалари яралди.

Усмон Азимнинг драматургиядаги илк тажрибаси «Бир қадам йўл» бўлди. Олдинга кетиб айтай (бунинг учун Усмон Азим мендан ранжимас) унинг шу кунгача ёзган ўндан ортиқ пьесалари шоирлигичалик эмас. Аммо, яна бир ҳақиқат шуки, улар ҳам истеъдодли ижодкор қаламидан тўкилган битиклар.

## I

Бир қадам йўл — умр йўли, туғилмоқ ва ўлмоқ ораси. Инсоннинг ҳам қавми қалбидан жой олмоғи учун ҳам унинг истиқболига ташланган бир қадам кифоя. Ана шу бир қадам йўлни босиб, умр поёнига етиб қолган чол, кўрингки, бир қадам наридаги Самарқандни кўрмабди. Умр бўйи орзу қилибди, интилибди-ю, аммо сира фурсат топмабди. Мана, энди ниятини амалга оширмоқ илинжида. Шаҳардан келган бойвачча ўғил Шокир отасини муаззам шаҳар томошасига олиб бормоқчи. Лекин ният амалга ошгунча ўтадиган икки-уч кунлик фурсат шунчалар тигиз, шунчалар серташвишки, охир-оқибат яна сафарни кейинроққа суришга тўғри келиб қолади. Шу кунлар адоғида эса паймонаси тўлиб юрган чолнинг армони ушалмай, умри ҳам адоғига етади...

Усмон Азимнинг тўқсонинчи йилларда ёзилган «Бир қадам йўл» номли илк пьесасининг фабуласи ана шундан иборат. Аммо шу бир неча сатрда баёнини топган фабула таркиби зиддиятларга, эҳтиросларга, поэтик монолог ва диалогларга ниҳоятда бой. Муҳими, драматургнинг айни ўзи ҳаво олиб турган муҳит ҳақидаги фикрлари, мушоҳадалари, айтадиган дарду изтироблари кўп. Шунчалар кўпки, гоҳи уларнинг орасида қолиб, бош мақсаддан чалғиб ҳам кетишингиз мумкин. Булар чолнинг кенжа ўғли Қосим тақдирига аянчли муҳр босган Афғонистон воқеалари, катта ўғил Жўра билан хотини Саодатнинг ишу юмушлар гирдобига гарқ бўлаёзган меҳру муҳаббати, ўртанча ўғил Шокирнинг наркомания дунёсидаги хатарли ҳаётию хотини Беғамнинг адоқсиз ғамга кўмилган азобли турмуши, хорижлик Муҳаммад Чагананинг Ватан соғинчи, Салиманинг Қосимга боғланган армонли севги изҳорлари... ва ҳоказо, ва ҳоказо. Бу чалкаш, мураккаб тақдирлар аро яна воқе турмуш, жамият ҳаёти ва инсон табиати билан боғлиқ қанчадан-қанча дардлар, муаммолар, ишоралар. Пьесанинг бош қаҳрамони — чолнинг «ичдаги дард сўзга айланавермас экан» деган фикрини ҳам эътиборга оладиган бўлсак, асарни бошдан-охир инсон дардлари, армонлари ҳақида дея таърифлаш мумкин.

Дард — ҳар қандай бадий ижоднинг қони. Инсон танасида қон айланмас экан, у яшамайди. Бадий асар таркибида ҳам қон янглиғ дард бўлмаса, бундай асар жондан, жонлиқдан маҳрум. Демак, ҳақиқий бадий асар дардсиз бўлмайди. Аммо унинг намоён бўлиши ҳар хил. Бинобарин, салмоғи, даражаси ҳам турфа хилдир. Туси, табиати, аҳамияти ҳам турлича. Бадий ижодда дард гарчи хусусий ҳолатда, индивидуаллашган воқеа-ҳодисалар, образлар тасвири орқали намоён бўлса-да, у ҳамиша ижтимоий аҳамият касб этади. Чунки бадий асар оммалаштирилар экан, демак, ундаги дард ҳам кўпчиликнинг қалбида акс-садо бермоғи керак бўлади. Айни чоғда, қайд этиш жоизки, дард намоён бўлишидан қатъи назар, хусусий ҳолатга тааллуқли бўлиши ёки ижтимоий воқелик билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Усмон Азим драмаларида ижтимоий дард салмоғи ниҳоятда кучли. Хусусан, юқорида зикр этилган илк пьеса — «Бир қадам йўл»дан бошлаб худди шундай замонавий мавзулардаги «Бозор», «Жазава» асарларида ёки, айниқса, «Кундузсиз кечалар», «Адибнинг умри», «Абдулла Қаҳҳор» ижтимоий-тарихий драмаларида ва ҳатто энгилроқ ҳазмдаги «Ўтган замон ҳангомалари», «Бахт қуши»

комедияларида ҳам дард даражаси залворли, дардмандлик миқёслари кенг. Булар қаторига драматургнинг ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари асосидаги «Алпомишнинг қайтиши», «Тоҳир ва Зухра» асарларини ҳам қўйиш мумкин. Албатта, уларда ижодкорнинг дарди турли воқеа-ҳодисалар, турфа образлар мисолида турлича намоён бўлади. Аммо барча асарлар негизидаги дард, тасвирдаги замону маконидан қатъи назар, бугунги ижтимоий воқеликка муносабат бўлиб, айнан шу давр жамият тараққиётига хизмат қиладиган ҳодиса ўлароқ жаранглайди, моҳият касб этади.

«Бозор» пьесаси яқин ўн йиллар аввал воқе бўлган ижтимоий кайфият маҳсули.

Асардаги воқеалар бир кунда, бир ерда бўлиб ўтади. Бир вақтлар обком (област партия комитети)нинг катталаридан бўлиб, замон ўзгаргач, «янги ўзбек»ка айланган Абдураҳмон Қосимов таниқли адиб, ростгўй, ҳамиятли инсон Эркин Равшаннинг иқтисодий ночорлигидан фойдаланиб, ўзи ҳақида китоб ёзишга кўндирган, уни ҳашаматли далаҳовлисига олиб келиб, бўлган-бўлмаган «саргузаштлар»ини ўз фойдасига мослаб ҳикоя қилиб беради. Шу жараёнда баҳс кўзгалиб, кун давоми кечган воқеалар, саҳнада пайдо бўладиган персонажлар ўша бир-бири билан табиатан мутлақо чоғишолмайдиган икки хил тушунча ва дунёқарашдаги шахснинг тўқнашувлари моҳиятини намоён этишга хизмат қилади. Бу моҳият шуки, буқаламунсифат мослашувчан одамлар қўли баланд келган жамиятда ҳар қандай олий тилаклар, юксак маслак, ҳақиқат, ҳалоллик горат этилади, керакисиз нарсадек четга улоқтирилади. Нафс, таъма, манфаат, риё сираси томир отади.

Ана шу сирасига суяниб Абдураҳмон Қосимов ўзини чексиз имконият эгаси деб билади. Пул, давлат бўлса дунёда сотилмайдиган нарса йўқ деб ҳисоблайди. Ва, шу йўл билан барча ўзига керак одамларни бўйсундиришга интилади. Қарангки, машҳур кинорежиссёр, таниқли ҳофиз унинг измига юрибди-ю, ёзувчи Эркин Равшан гоҳ у, гоҳ бу бўлиб турибди. Абдураҳмон Қосимов билан Эркин Равшан диалоглари, Мавлон ва Мустафо ҳақиқатчи саҳналаридаги фикрлар ёзувчинини «бозордаги мол» бўлиб қолишдан асранишга, ёлланиб, ўзи истамаган «китобни ёзиш» ниятидан қайтишга даъват қилса, хотини Сайёра яна ўша мардикорликка мажбурлайверади. Йўқ, унинг мақсади ёмонлик ёки эри билан ёқимсиз кечган турмуши учун аламзадалигини қондириш эмас, балки чорасизлик, азбаройи фарзанди бахти учун куйиниш, оналик ҳаққи... Эркин Равшан аёлини тушунади, фарзанди учун ўз ақидаларидан бир оз чекинишга ҳам рози. Аммо Мавлон мисолида тўғрилиқ, ҳалолликка содиқ инсоннинг самимиятини туйгач, чекиниш бутун умр сиғинган этиқодига хиёнат эканини англайди. Муросасиз туйғулар исканжасида ўлимни ягона чора деб топади. Бу ўртада уни севган гўзал санъаткор қиз Ойдиннинг аламли этирофлари ҳам асосий қаҳрамоннинг фожеий йўл тутишига туртки беради.

...Саҳна, албатта, томошавийликни, ҳаракатни тақозо этади. «Бозор» пьесасида бу талаблар тўла сақланган дейиш қийин. Аммо ижтимоий драманинг жанр табиати шундайки, бунда интеллектуалликка, мушоҳадага ундайдиган жиҳатлар устуворлик қилади. Характерлардан кўра қарашлар зиддияти, фикрлар қарама-қаршилиги, кескин баҳс-мунозара конфликтни белгилайди. Ўқувчи қарама-қарши дунёқарашлар курашида ўша қарашлар тажассумига айланган образларнинг фикрлар силсиласига эргашади. Муҳими, фикр динамикасини сақлай билишда. Ижтимоий драманинг томошавийлигини таъминлайдиган мазкур омил жаҳон драматургиясининг Кристофер Марлодан то маърифатпарварлик адабиёти намуналарида, XX асрда эса Л.Леонов, М.Шатров, А.Гельман каби рус драматурглари ижодида яққол мисолларини берди. Ўзбек драматургиясида Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Комил Яшин, Асқад Мухтор, Машраб Бобоевнинг айрим пьесаларида қарашлар тўқнашувининг силсилавийлиги, динамикаси кузатилади.

«Бозор» драмасида муаллиф асосан Абдурахмон Қосимов ва Эркин Равшан диалогларида мурасиз, қарама-қарши фикрлар давомийлигини сақлашга интилади. Айни чоғда, бу давомийлик шунчаки бир хил салмоқ ва залвордаги фикрлар кетма-кетлиги эмас, балки айнан ривожланишдаги, ўзига хос динамикадаги жараён бўлиб, ўқувчи диққатини ушлаб туради. Асар сўнггидаги фожий яқун дунёқарашлар зидлигидаги мунозаранинг давомийлиги, динамикасидир. Усмон Азимнинг истеъдод қирраси яққолроқ кўринган асосий нуқта ҳам ана шу ердадир...

## II

Усмон Азимнинг умр кузагидаги барча асарларига, назаримда, шеърий эскизлар бордек туюлади. Вақт жиҳатидан энг сўнгги «Фонус» шеърлар тўплами ана шу охириги ўн йилликда яралган шеърлардан тартибланган.

Шоир Усмон Азим савол қўймоқни яхши кўради. Аммо кўп салафу сафдошларидан фарқли у ўз саволларига ўзи жавоб қилмоқни ҳам хуш кўради. Чунки айрим шоирларда савол жавоб билан бирга тугилади. Шоирлар, одатда, кўпроқ жавоб топганларида хапrikaдилар, ўзларига сиғмай қоладилар. Тезроқ уни айтиб-ифодалаб, кўнгилни, тафаккурни бўшатиб оладилар. Усмон Азим худди шундай, саволларни жавоби билан яратадиган шоир. Шунинг учун ўзига ишониб, гоҳи ҳаволаниб айтаётгандек туюлса-да, уни қабул қиласан:

*Ёлғизлигимнинг  
юксаклиги бор —  
чиқолмайсан.  
Ёлғизлигимнинг  
теранлиги бор —  
тушолмайсан.  
Ёлғизлигимнинг  
кенлиги бор —  
фақат сенга  
тордир.  
Ёлғизлигимнинг  
ҳеч кими йўқ —  
фақат парвардигори бордир.*

Истеъдоднинг даражаю миқёслари бўлгани каби, савол қўя биладиган шоирларнинг ҳам сўроғу жавоб миқёслари ҳар хил, теранлиги, қамровлари турлича, ифодаси, бадиияти ўзига ярашадир. Шу маънода Усмон Азим миқёсли саволлар қўя биладиган ва миқёсли жавоблар топиб, айта биладиган нуктабин ҳассос шоир. Унинг саволу жавоблари ҳеч қачон сийқа бўлмайди. Содда бўлар-у, аммо сира майда бўлмайди — қалбдаги сувайдодан, онгдаги, онг остидаги гоҳи ғалат зидликлардан то курраи заминдаги, Арши муаллодаги тилсиму мўъжизотларгача, кўнгил эпкинларидан то ўлиму абадият нисбатларигача, Бойсун тоғларидан Ватан — Ўзбекистон кенгликлари, ўтмишию бугуни, дарду армонларигача — бари унинг саволлари ва жавоблари:

*Албатта,  
шаҳзода, сенга  
Ҳамлетни ҳикоя қиламан.  
Фақат жавоб бер:  
«Дониё...» — нима эди?  
Энг муҳими шу:  
Дониёнинг нима эканлигини билиш.*

*Қолгани — кураш, интиқом, «ўлиш ва қолиш»,  
ақлдан озиш ва ақлдан тошишлар, —*

Дониёнинг нималигини англаганидан сўнг рўй беражак.

Бадиий ижод дунёсида инсонга беадад тилсим, гўзаллик ва жозоба бағишлайдиган илоҳий неъмат — мажоз дунёси бор. Бу дунёдан баҳраварлик — қалби уйғоқ, фикри югуриқ, тасаввур олами бепоён зотларга насиб. Шулар мажозий маъноларни уқувчилардир. Уқиб, сўнгра уни оддий кўзларга аён этгувчилар ҳам шулар. «Мажоз тариқида» не-не дунё — хилқатларни дараклаган Навоий:

*Гап Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема,*

*Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз,* — деганида пок ният ва назар билан оламу одамни идрок этган инсон буларда илоҳий жилваларни кўраркан, заррада, унинг тўкис моҳиятида аллоҳнинг ўзини ҳис этади, унинг яратгувчилигига, мукамаллигига имон келтиради.

Гап шундаки, Усмон Азим бераётган савол ҳам мажоз тариқида айтилган. Дониё, Ҳамлет, «ўлиш ва қолиш», ақлдан озиш — барчаси метафора, шоирнинг ўз юрти ва унда кечаётган воқелик ҳақидаги ўйларига ишора. Жавоб ҳам худди шундай метафора:

*Демак, гап — Дониёда.*

*Хуллас,*

*Шаҳзода, ҳикояни бошладим:*

*«...Ҳамлетлигимда*

*мен учун*

*ўзга фожиа йўқ эди асли —*

*Дониёнинг зиндонлигидан бошқа...»*

Асли бу жавобнинг ўзи ҳам мантиқан англашиладиган савол: Ҳамлетлик нима? Дониё-чи, зиндонга айланиб, асл ўғлонларини фожиага маҳкум этган қай бир замон, қай макон эди?! Шеърнинг барча саволу жавобларидан кейин келган якуний хулоса:

*Бахт эса Ҳамлетликда*

*мангу қолишдир,* — сатрлари қатидаги мажоз нима?

Ҳарқалай, Шекспирнинг «Ҳамлет»ини ўқиган одам бу саволларга айнан ўша асарнинг ўзидан келиб чиқиб жавоб бера олар:

*Ҳаммамизни қўрқоқ қилиб қўяр тафаккур.*

*Ноқис ақл сочган ўша хира шуъладан*

*Азму қарор ранги ўчиб, бўзрайиб қолур.*

*Кўлами ва залвори зўр ниятлар ҳам то*

*Тўғри йўлдан чиқиб мақсад остонасида*

*Тўзон бўлиб кетар, тамом топар таназзул.*

(Бу ва бошқа ўринлардаги мисоллар “Ҳамлет”нинг шоир Жамол Камол томонидан амалга оширилган таржималаридан олинди. Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик. Т. Фан. 2007. 1-жилд. 282-бет).

Ҳа, Дониё шаҳзодаси барча қўрқоқ, тубан, бадқирдор замондошларини лаънатлаб, само чорлаб турган интиқом ҳисси билан: «Уйғон, менинг идроким, уйғон!» дея ҳайқирганида, бир оз ўтиб шундай шафқатсиз ҳақиқатни идрок этишга мажбур бўлишини билмагандир:

*Кун ўтаркан, ёлғиз ишинг, ёлғиз хоҳишинг —  
Уйқу билан овқат эса, баҳойинг нима?  
Баҳойинг шу: ҳайвондирсан, одам эмассан.  
Зеро, бизга ақл ато этган худованд,  
Ўтмиш билан истиқболдан тушунча бериб,  
Бизнинг шуур, шу нодиру ноёб тафаккур  
Беҳудага чирисин, деб ато этмаган.  
Бас, асосий айб нимадир, иллат қаёнда?  
Ҳайвон фаромушлигимиз ёки инсоннинг  
Икир-чикиргача бўлган майдакашлиги?  
Ҳар нарсани майда таҳлил этиб қараши —  
Бунинг чорак қисми — фикр, қолгани қўрқув. (327-328 бетлар).*

Жамиятнинг, одамларнинг бу қадар мавжудлик ботқоғига кўмилиб яшаётганини кузатаркан, туйқус, исён тўфонларига юз тутуди Ҳамлет:

*О, идроким, қонларга тўл, қонга тўл чанқоқ,  
Даҳшат солиб яша ёки яшама мутлоқ! (328-бет).*

Усмон Азим қаҳрамонининг Ҳамлетликда мангу қолишни бахт деб билиши шу эмасмикан, асли?!

Драма, хусусан, шоир драматургиясини таҳлил этишга чоғланган одам шеър дунёсига кириб, саркаш бир руҳ ҳақидаги манзум чизгиларга берилиб кетар экан, бу асло чалғиш ё кўнгил эпкинларига мойиллик эмас. Албатта, муносабат, робита бўлмағи тайин. Жиллакурса, тасаввурда, фикратда...

Усмон Азим Миллий академик драма театрининг адабий эмакдоши сифатида шу труппа учун ва, албатта, воқелик талаби, эҳтиёжи билан қай бир маънода «адабий учлик» — «трилогия» деб атаса бўладиган уч пьеса ёзди: Чўлпон ҳақида «Кундузсиз кечалар», Ойбекка бағишлаб «Адибнинг умри» ва «Абдулла Қаҳҳор» номли ижтимоий-тарихий-биографик асар. Уларни асосий қаҳрамонлари ҳаётига оид воқеабандлик жиҳатидан изчил бир-бирини давом эттирувчи трилогия деб бўлмайди, аммо бошқа талай хусусиятларига кўра, бу уч асар бир-бирини тўлдиради. Аввало, давр, пьесаларда акс этган ижтимоий воқелик бир — Ўзбекистонда шўролар салтанати қурилиб, ҳукмронлик қилган йиллардан қарийб эллик йили оралиғида кечган воқеалар акс этади уч асарда. Табиийки, давр бир экан, ижтимоий муҳит, муносабатлар, турмуш манзараларида ҳам муштараклик бўлиши аниқ. Иккинчидан, пьесаларнинг адабий-жанрий мансублиги ҳам бир хил — ижтимоий-тарихий-биографик драмалар. Учунчидан, ҳар учала пьесанинг қаҳрамонлари ҳам реал тарихий шахслар, қаламга олинган ҳодисалар ҳам айни тарихий воқелик. Тўртинчидан, пьесалар бош қаҳрамонларининг касб-коридан ташқари, муаллиф тасвирлаганидек, уларнинг кечмишлари, дунёқараши, тақдирлари ҳам ўхшаш. Чўлпон ҳам, Ойбек ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам даврига сиғмаган, хурфиқрлилиги, миллатпарварлиги, ҳақпарварлиги, муросасизлиги учун жабр кўрган, таъқиб ва тазйиқларга учраган. Истеъдоди, обрў-эътибори боис ҳасадгўйларнинг тухматларига дучор бўлган. Шуларга қарамай, иродаси букилмаган, жисмоний азобларга дош бериб, руҳан синмаган. Бошқа катта-кичик ҳолатлар, деталлардаги умумийликни санамаганда ҳам, қайд этилган муштаракликларга суяниб уч пьесани ижтимоий-тарихий-биографик трилогия деб дадил айтишга асос етарли. Дарвоқе, гарчи жуда муҳим бўлмаса-да, муштаракликка оид оддийгина бир фактни ҳам эслатиб кетиш ўринли. Ҳар уч пьеса бош тарихий қаҳрамонлар — уч адибнинг истиқлол шарофати билан юртимизда нишонланган 100 йиллик таваллуд саналари муносабати билан ижтимоий буюртма сифатида ёзилган.

Учликнинг биринчиси — Чўлпон қисмати ҳақидаги «Кундузсиз кечалар»нинг илк саҳифалари Чўлпоннинг ўз уйида бир қанча дўстлари билан давра қуриб,

суҳбатлашаётганидан бошланади. Даврига хос оддийгина маърифий суҳбат асносида Чўлпон ўз олий ниятларини изҳор этади. «Ўзлимиз бойиши ва улканлашмоғи учун, албатта, жаҳон маданияти ҳамиша кўз олдимизда турмоғи керак. Ўзбекининг руҳи дунё маданиятининг энг юксаклардаги оҳангларига жўр бўлмоғи лозим». Англияптики, Чўлпон келажак фаолияти учун ўзига катта режалар мўлжаллаб ўлтирибди. Ўзбек адабиёти ва санъатини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, умуминсоний қадриятларга қўшилиб кетадиган миллий руҳдаги асарлар яратиш орзуси билан ёнмоқда. Демак, шундай фикрдаги одам жаҳон адабиёти, маданияти нима эканини яхши билади, унинг маънавий бойликларидан баҳраманд, айни чоғда, дунё маданияти юксакликларига жўр бўла оладиган асарлар яратмоққа ҳам юрак қўри, ақлий салоҳияти етади. Ҳақиқатан ҳам, адабий қаҳрамон эмас, реал ҳаётдаги Абдулҳамид Чўлпон Шарқу Фарб маданиятини ўз замондошларига нисбатан анчагина тугал ўрганган, билган ва ижодий ўзлаштира олган эди. Чўлпон ўз билими, ижоди билан бедодликларга қарши тура олиши, элу юрти кўзини очиши мумкин эди. Халқини жаҳолатга, истибодга қарши оёқлантира олиши, ўзликка қайтариб, онгу қалбларга гурур, исён руҳини синдириши мумкин эди. Шунинг учун уни жамиятдан ихота этмоққа, ёлғизлантирмоққа уринадилар. Чўлпоннинг ўзи ҳам пьесанинг бешинчи кўринишида барча қўлёзмаларини гулханга ёқаётган бир алпозда намоён бўлади. Чунки у билади: ёвузлик салтанати ҳукмрон экан, унинг асарлари бекор, яъни, чоп этилмайди, тарқатилмайди, ўзи каби улар-да фаолиятсизликка маҳкум. «Қўлёзмалар ёнади! Шундай ёнадики!.. Бу дунёнинг адалсиз ёнғинлари қанчадан-қанча қўлёзмаларни ямлаб юборган... Бу Туркистон тупроғида қандай буюк даҳолар юрагию ақл қўри қоришган қўлёзмаларнинг куллари соврилиб ётибди... Ёвуз куч борки, биринчи галда, аввало, ақлли ва юракли одамларга ҳужум қилади. Чунки ақл топган мантиқ юрак қўри билан тобланса, уни енгиб бўлмаслигини ёвузлик яхши тушунади... Китобларнинг бахтиқаролиги шу сабабдан...» Хўп, Чўлпон-ку билимлари, тафаккури фаолиятсизликка маҳкумлигини билиб, қўлёзмаларини ёқибди, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг шахс ва ижодкор сифатидаги фожеалари қандай кечди?

Ойбек ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам зоҳиран қарашда ўз даврининг адиблари ўлароқ, шу давр ғояларини қабул қилдилар. Шўро тузумига дилдан ишониб, унга хизмат қилдилар. Ўша адибларнинг ҳаёти ва ижодидан бохабар китобхон Усмон Азим пьесаларини ўқигач, шубҳага бориши ва саволлар бериши аниқ. Драматургни бирёқламаликда, тарих ҳақиқатини бузганликда айблаши ҳам мумкин. Ҳамонки, мақсад ўзбекининг XX асрдаги буюклари ҳақида маърифий асар яратиб, бугунги авлодларни шундай зотлар ўтганидан ва уларнинг ҳаёти осон кечмаганидан, сабр, матонат, эзгуликка ишонч, интилиш туфайли халқнинг ёруғ хотирасига муносиб эканликларидан нақл қилиш экан, айрим ноқерак тафсилотлардан кўз юмиш, улуғларимиз ҳақида ойдин тасаввур уйғотадиган тарихий далилларнинг бадиийлаштиришга уриниш нотўғри йўл эмас. Айниқса, халқимизда Ойбек ҳақидаги нурли таассуротни мустаҳкамлаш, ҳақиқатан ҳам фариштамисол пок, боладай содда, беғубор ва, айни чоғда, тафаккур-ҳофизаси, билим дунёси ниҳоятда чўнг, туйғулари инжа бир зотни «ҳеч кимдан кам эмасмиз» деган ақида билан улғаяётган ёшлар дунёсида шундай акслантириш эътирофга муносиб. Шу боис драматург «Адибнинг умри»да ҳам, «Абдулла Қаҳҳор» пьесасида ҳам ҳар икки шахсни қарийб қирқ йиллик вақт силсилаларида, қатағон мошинаси авжи ишга тушган машғум паллаларда синовлардан ўтказиш орқали ўша эзгу ижодий мақсадни амалга оширишга уринади. Мақсадига қай бир даражада эришади ҳам. Ўқувчи Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор ҳақида айнан муаллифнинг ижодий ниятига ва юз йиллик таваллуд тантаналарига мувофиқ идеаллаштирилган таассуротни олади. Маърифати ошади, тасаввурлари кенгайди, албатта. Бироқ бундай маърифий-тафсилий йўл чинакам драматургик миқёслар нуқтаи назаридан олиб қараганда, катта шоир номига бир оз соя солиб қўймасмикан деб, иккиланиб қолади киши. Қолаверса, муаллиф қўл остида замонасининг Ҳамлетлигига даъвогар бўла олади-

ган мавзу-материал бор эди. Бунда бўйсунмаган руҳ, риёкор жамият, хиёнаткор оломон бор эди. Клавдийдек муқаддас туйғулардан маҳрум зўравон, Полонийдек иккиюзламачи, Розенкранц, Гильденстерндек сотқин «дўстлар» салтанати ҳукм сурган яқин ўтмиш тажрибаси бор эди. Юқорироқда келтирилган шеърдаги каби, «Дониёнинг нималигини англаш», «гап — Дониёда» эканини билиб, замона «Ҳамлетини ҳикоя қилмоққа» интилиш зарур эди. Шундагина, ўқувчи-китобхон ҳам «Ҳамлетликда мангу қолиш — бахт» эканини ҳис этарди, англарди, гўзал ва жозиб мажозни тушунарди.

Орий рост, барининг ибтидою интиҳоси сўз бўлгани билан шеър бошқа, драма бўлак экан.

Усмон Азимнинг драматик трилогияси шу усул ва йўлдаги дастлабки қадам эмас, албатта. Ўзбек миллий драматургиясида ижтимоий-тарихий драманинг эталони бор, бу — Мақсуд Шайхзоданинг то ҳануз беназир «Мирзо Улуғбек» трагедияси. Озод домла мазкур асарни шекспирона ўлчовларда таҳлил ва таъриф этишни васият қилган эди. Камина бу фикрни янада аниқлаштириб, «Мирзо Улуғбек»ни асосан «Ҳамлет» билан қиёсий-типологик йўсинда ўрганиш тарафдориман. Гап шундаки, трагедияда — хоҳ у қаҳрамонлар феъли-атвори, хоҳ тасвирланаётган воқелик, аниқ вазият, диалог ва монологлардаги муносабат, юксак эркин поэтик тилда ифодасини топган кучли мантиқ ҳамда ҳаракатдаги фикр-тафаккур оқими каби адабий-ғоявий унсурларда мужассам бўладиган трагик пафос бўлмоғи шарт. Фожейлик залворини китобхон ё томошабинга ҳис қилдирадиган энг муҳим унсур ана шу — фожей пафосдир.

«Адибнинг умри»да ҳам, «Абдулла Қаҳҳор» пьесасида ҳам фожей пафос учун хамиртуруш бор. Бу, аввало, ҳар икки асар бош қаҳрамонларининг оддий андозаларга сивавермайдиган «мен»и ва ҳаётида юз берган ларзалар, ларзали вазиятлар, ҳақсизликлар, чеклашлар, беаёв ҳаётий ва ҳаёлий зиддиятлар, тўқнашувлар. Хусусан, Ойбекни дор остига олиб келаётган ҳолатлар якуни унинг тузалмас хасталикка йўлиқиб, сўзлаш, ёзиш имкониятидан маҳрум бўлиши билан ечим топади. Абдулла Қаҳҳор эса, муросасизлиги учун Московнинг оддийгина касалхонасида, машъум олтинчи палатада таҳқиру хўрликлар ичра жисмоний ва руҳий азобларда ўлимга дучор этилади. Билгич —огоҳларни фаолиятсизликка маҳкум этиш шўро тузуми сиёсати ўлароқ, умумжамият миқёсидаги фожеа эди. Буқаламунликнинг илдиз отиши ва оммавий ҳодисага — меъёрга айланиши жамият таназулининг яна бир фожей кўриниши эди. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби ўзини таниган шахслар учун ҳақиқатни айтмаслик, адолатсизликларга бепарво бўлиш, инсонийликка, ахлоқий ақидаларга зид иш тутиш ва, ҳатто, бундан-да ўтиб, сотқинлик қилиш янада оғирроқ фожеа эди. Ана шундай кўламли фоже вазият ва ҳолатлар, фожей қаҳрамонлар бўлгани ҳолда фожевийлик пафосининг авж пардаларга кўтарилма олимаслиги ажабланарли, албатта.

Ҳамлет «Дониё — қамоқ» дея ҳайқирганида, ҳеч ким нима учун «Бу йигит отасининг ўлими, онасининг хиёнатидан алам-оташда, Алининг аламини Валидан оляпти ёки «Бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирыпти?» дея савол қўймайди «Ҳамлет қалбининг ларзага келиши унинг тафаккурини ёритади. Шахсий изтироблар даврнинг талотўпларини англаш йўлидаги дастлабки босқичдир» (Г.Н.Бояджиев. «Вечно прекрасный театр эпохи Возрождения». М.Искусства. 1973г. 424-стр). Таҳлилга тортилган пьесаларда ва, ҳатто, айтиш мумкинки, маълум даражада бутун трилогияда пафос хусусий доирадан чиқолмайди, умумижтимоий орбитага кўтарилмайди. Фожеа қаҳрамоннинг ёки унинг оиласи кўргуликларининг драматик таассурот қолдиради.

Тўғри, эътироз тугилиши мумкин: «Кундузсиз кечалар»да Фитрат, Файзулла Хўжаев, Боту ва бошқаларнинг ёки «Адибнинг умри»да Абдулла Қодирий, Саидносир Миржалилов, Чўлпон, «Абдулла Қаҳҳор»да Миркарим Осим, Шўхрат, Саид Аҳмад ва бошқа реал тарихий шахслар орқали ҳамда талайгина тўқима персонажлар (айниқса, «Абдулла Қаҳҳор»да палатадошлар)нинг қатагон қили-

ниши, ўлдирилиши, таъқибу тазйиқларга учраши айтилади, гоҳо кўрсатилади ҳам. Аммо бу ҳали хусусий воқеа-тафсилотларни умумижтимоий ҳодиса даражасида қабул қилиш, ижтимоий оғриқ туюш учун етарли эмас. Бу фаҳмли ижодкорнинг зоҳиран адабий схемага мослашиши, тафаккурдаги андозаларга эргашishi натижасидир. Рост-да, Чўлпон ҳам, Ойбегу Абдулла Қаҳҳор ва бошқа қатағону тазйиққа учраган ижодкорлар ҳам тоталитар давр туфайли шу аҳволга тушдилар. Бу барчага аён ҳақиқат. Бироқ шу ҳақиқатни қандайдир воқеий тафсилот, эслатма ва ё бирор персонажнинг китобий сўзлари, монолог-диалоглари орасига қистириб, ифодалаб қўйиш мумкин, деб ёндашадиган бўлсак, ўша ерда схема, саёзлик, бетасирлик бўй кўрсатаверади. Хўш, нима қилмоқ керак? Назаримда, бу тахлит асарларда умумназарий йўл битта – шекспирона, аниқроғи, ҳамлетона йўл. Шахсий кечинмалар туфайли тафаккурнинг уйғониши, уйғоқ тафаккур эса оддийдан мураккабга (агар шунга асос берса, зеро, қатағонлар даври ва шахслари бунга тўла имкон берар эди) босқичма-босқич англаш, бадий идрок этиш орқали ўсиб бориши, пировардида, умумижтимоий бадий-фалсафий умумлашма даражасига кўтарилмоғидир. Воқелик, шахс ва жамият муносабатлари чиройли, образли ибораларга ўралган қайдларга айланиб қолмаслиги, қалбда, онгда ва атроф муҳитда кечаётган жараёнлар тафаккур элақларидан ўтиб, бадий тадқиқот даражасидаги таҳлил, ифода ва динамикасини кашф этиши лозим. Бунда бирор лавҳа, тафсилот, детал, персонаж, шартли-шартсиз унсур асар таркибига аниқ идрок этилмасдан киритилмаслиги керак. Ва, уларнинг барчаси вазифадор бўлиши ҳамда асосий ғояга йўналтирилиши шарт, албатта. Бу, энг аввало, айнан мумтоз драма – классик трагедиянинг талаби. Буюк Шайхзода «Мирзо Улуғбек» мисолида бунинг уддасидан чиқа олган эди. Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби шахслар эса, муболағасиз, шундай асарларнинг қаҳрамонлари бўлишга лойиқдирлар. Ижодий қийноқни шараф деб билган шоиримиз Усмон Азим ҳам бунга шубҳа қилмаса керак.



Зухра МАМАДАЛИЕВА,  
аспирант

## «ЛИСОН УТ-ТАЙР» ДОСТОНИДА ТАСАВВУФИЙ ОБРАЗЛАР ТАЛҚИНИ

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги ҳикоятларда баъзи бир образлар муаллифнинг тасаввуфий дунёқарашини намоён этади.

Шундай образлардан бири гўзал ва эҳтиёжсиз, шу билан бирга бепарво ва золим Подшоҳ — Маъшуқ образидир. Унинг ошиғи эса хаста ва муҳтож Гадо бўлиб, бу Маъшуқнинг эҳтиёжсиз ва олий мартабали бўлиши кераклиги ҳақидаги тасаввуф адабиёти талабига мувофиқ яратилган образлардан саналади. Бу ҳақда Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳ ва Гадо” достони мавжуд бўлиб, уни шоир Огаҳий ўзбек тилига таржима қилган.

Бу образлар Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонидан олинган ҳуснини намойиш қилишга кўзгуни восита қилган Шоҳ ҳақидаги (LXXVI бўлим), Шоҳга совға тайёрловчи ошиқлар ҳақидаги (CXLVI бўлим), Шоҳга ошиқ бўлиб зиндонда ётишга ва итбоқарликка тайёр ошиқлар ҳақидаги (CL бўлим) ва ўзини ошиқ қилиб кўрсатган ва гулханда ёнган Дарвеш ҳақидаги (XLI бўлим) бир қанча ҳикоятларда кўринади.

Алишер Навоий ўз қаҳрамонларини, асосан, ёш шаҳзодалар, деб таърифлайди ва Аттор ҳамда Ҳилолийдан фарқли равишда уларнинг ахлоқига ҳам алоҳида эътибор беради.

Жумладан, ўзига тайёрланган совғаларни кўриш учун чиққан ёш Подшоҳ ғариб Ошиқнинг нолаю фигонини эшитиб, унга раҳми келиб эмас, таъсирланиб, қалбида меҳр жўш урган ҳолда, унинг вайрона ҳужрасига ташриф буюради:

*Шоҳ кўргач бу ғариб аҳволни,  
Бу ғариби зорға бу ҳолни.  
Кўнглига айлаб асар меҳр этди фош,  
Кирди ул вайронаға андоққим қуёш.*

(Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. (Насрий баёни билан) Тошкент. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 йил. 188-бет. Бундан кейинги мисоллар мазкур китобдан олинади ).

Бу унинг табиатида одамийлик хислати борлигидан далолатдир. Ҳуснини намойиш қилишга кўзгуни восита қилган Шоҳ ҳикоятидаги Подшоҳ ўз ҳуснининг халққа офат бўлаётганлигини билиб, бунинг олдини олиш мақсадида, қасрига кўзгу ясашларини амр қилади:

*Халқ беҳад қатлидин топти малол,  
Элга юз кўргузмагин қилди хаёл...  
... Ўзи ҳуснига назар солур эди,  
Баҳра эл ҳам аксидин олур эди. (Ўша китоб. 85-бет).*

Ўзини ошиқ қилиб кўрсатган ва гулханда ёнган Дарвеш ҳақида келтирилган ҳикоятдаги Подшоҳ ошиқни синамоқчи бўлиб, уни қатлга ҳукм этади, агар у қатлни мамнуният билан кутиб олса, Дарвешни ўзига мулозим қилиб олмоқчи бўлган Шоҳ сиймосида унинг нафақат ақлан камолотга етганини, балки адолатли ҳукмдор эканлигини ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳуснини намоёиш қилишга кўзгуни восита қилган Шоҳ ҳикоятида ошиқлар ҳақида аниқ маълумот берилмаган бўлса-да, уларнинг кўплиги тўғрисида, аллақанчасининг бу ҳаддан ташқари гўзалликдан қурбон бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

Ўзига тайёрланган совғаларни кўриш учун чиққан ёш Подшоҳнинг ошиқларидан бири, айтиш мумкинки, энг садоқатлиси ғариб ва хаста. У шу ҳолида ҳам ўзини эмас, эртага Шоҳга нима совға қилиш кераклигини ўйлайди ва шунга муносиб тўхфаси йўқлигидан изтироб чекади. Бу ҳолатни кўрган шоҳ унинг вайрона ҳужрасига ташриф буюради ва такаллуф билан кўнглини кўтаради:

*Лутф кўргуздию кўнглин овлади,  
Балки руҳин жисм уйидин ковлади. (Ўша китоб. 188-бет).*

Шоҳга ошиқ бўлиб зиндонда ётишга ва итбоқарликка тайёр ошиқлар ҳикоятидагилар ҳам чин ошиқлар бўлиб, Подшоҳнинг нурли жамолига шайдои кўнгул соҳиблари ўлароқ, ўзларининг аҳволидан шу даражада беҳабарлик ҳолатидадирларки, улар зиндонда ётганликларини ва итбоқарлик қилганликларини саодат деб билишади:

*Бу деди: “Меҳнат деган қайси бўлур,  
Кому роҳатдур, машаққат не бўлур?  
Менки ишқим кўнглим ичра тўлғали —  
Рози эрдим кўйида ит бўлғали...”  
Ул дедиким: “Ишқ этиб кўнглимга зўр,  
Рози эрдимким мақомим эрди гўр.  
Гарчи ҳоло банд аромен устувор,  
Васлидин кўнглум эрур уммедвор.” (Ўша китоб. 193-бет).*

Ўзини ошиқ қилиб кўрсатган ва гулханда ёнган Дарвеш ҳақидаги ҳикоятда донишманд Подшоҳ синовидан ўтолмаган сохта ошиқнинг эл аро шарманда бўлгани ва, оқибат, жонидан ҳам ажралганлиги тасвирланади:

*Қатл ҳукмин қилди Шоҳи бахтиёр,  
Ваҳмдин қочди Гадо беихтиёр...  
Шоҳга бу уммидким ошиқ эса,  
Ишқ даввоси аро содиқ эса...  
Узр ила дилхоҳликлар айлағай,  
Ҳолидин огоҳлиғлар айлағай. (Ўша китоб. 60-бет).*

Мазкур образларнинг тасаввуфий маъноси ҳақида гапирганимизда, шоҳнинг ҳукмронлиги ва эҳтиёжсизлиги, ҳаддан зиёд гўзаллиги ва камолоти бевосита худонинг рамзий образи эканлигидан далолат беради. Бу тасаввуф адабиётининг асосий образларидан бири бўлиб, Алишер Навоидан олдин Аттор, Румий, Жомий каби сўфий шоирларнинг асарларида ҳам кўп қўлланилгандир.

“Лисон ут-тайр”нинг бир неча ўринларида Шоҳ ва Гадо қиёфасидан ташқари Ошиқ ва Маъшуқ образига ҳам эътибор берилган. Алишер Навоий бу ўринда Атторнинг “Илоҳийнома”сидаги “Ошиқ бўлган сўфий ҳикоят”, “Гўзал бир ўспирин ва дарвеш ҳикояти” (Шайх Фариддудин Аттор Нишопурий. Илоҳийнома. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2007 йил 113-115 бетлар), “Мантиқ ут-тайр”даги “Ошиқнинг ўлим ҳолатида йиғлагани” (Шайх Фариддудин Аттор Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2006 йил. 263-бет) каби ҳикоятлардан таъсирланган ҳамда уларни ўз ижодкорлиги билан бойитганлиги кўзга ташланади.

Жумладан, “Ҳайрат тариқи адоси”га бағишланган тамсилда айтилишича, бир “бедилу зору ҳақир” киши “бадмеҳр сарву хурзод” ишқиға асир бўлибди. Ишқининг зўридан жони чиқишга етибди. Шунда бечора Ошиқ сўнгги марта Маъшуқини кўришни, унга бир-икки оғиз сўз айтишни орзу қилибди. Унинг бу ҳолини кўрган халқ Маъшуқини мажбур қилиб бечора Ошиқнинг қошига келтирибдилар. Лекин:

*Ҳайрат этди зойил ондин ақлу ҳуш,  
Дарду ҳолин дер киши бўлди хамўш.*

Ошиқ ўзига келганида эса Маъшуқ аллақачон кетиб қолганди. Шундай қилиб бечора Ошиқ ҳайратдан бир сўз айта олмай ўз жонидан жудо бўлибди. Бу ҳикоятда Ошиқ образи фаол ва тасаввуфий ишқининг талаби бўйича ўз жонини фидо этиб, муҳаббатини исбот этади. Маъшуқ образи эса анча нофаол ва ушбу ҳикоятда биз унинг шахсияти ҳақида тасаввурга умуман эга бўлмаймиз. Билганимиз, у ошиғига шу даражада бефарқки, одамларнинг қийин-қистови билан уни кўргани келади, лекин уни ўз ишқида беҳудлик ҳолига тушганини кўрса ҳам парво қилмайди балки кетиб қолади. Бу ўринда, Алишер Навоий тасаввуф адабиётидаги бераҳм ва беэътибор гўзал Маъшуқ образидан фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. Достоннинг “Ўз адоси қусури узрига тамсил” (239-240-бетлар) бўлимида келтирилган ҳикоятда “бир паришон” Ошиқ ва унинг “даврон офати” бўлган Маъшуқи ҳақида сўзлайди. Ҳикоятда айтилишича, Ошиқ Маъшуқининг юзини гулга, қоматини сарвга ўхшатади. Бундай қиёслашни эшитиб, Маъшуқ:

*Деди: “Таърифинг кинояидир манга,  
Ор ондин бениҳоядир манга.  
Қоматингким сарв деб сурдинг калом,  
Сарвға қаддим каби борму хиром.  
Оразим гул деб қилдинг элга фош,  
Гулда борму юз балолиғ кўзу қош”. (Ўша китоб. 240-бет).*

Ушбу ҳақли эътироздан Ошиқ ҳайратда қолади ва:

*Неки мен дедим муҳаббатдин эди,  
Барча ихлосу мувуддатдин эди.  
Йўқ эди онда шикоятдин асар,  
Таъну ташнебу киноятдин асар. (Ўша асар. 241-бет) —*

деб сўрайди. Ушбу ҳикоятда Ошиқни зору шикаста ҳолда кўрсак, Маъшуқ эса унга нисбатан анча фаол ва ақли образ қиёфасида намоён бўлади.

Яна бир ҳикоятда тасвирланишича, тилшунос олим Асмаъий ҳажга кетишида йўлдаги тошда бир ёзувни ўқийди. Унда ишқнинг давоси нима эканилиги сўралади. Асмаъий тошга: “Бундай ишқнинг давоси ўлим!” деб ёзиб кўяди. Яна бир кун ўша жойга бориб қараса, унда боши мажақлаган бир киши ётган бўлади. Бу ҳикоят билан Алишер Навоий ишққа қурбон бўлган Ошиқнинг матонатини — фано

йўлини танлаганини улуғлайди. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёвий адабиётдан фарқли равишда, жонни жононга фидо қилиш тасаввуф адабиётидаги одатий мотивлардан ҳисобланади.

Бундан ташқари дostonда машҳур Ошиқ ва Маъшуклар образи – Лайли ва Мажнунга икки марта – CLXVIII бўлимда (234-235-бетлар) ва CLXXVIII бўлимда (250-251-бетлар) мурожаат қилади. Ҳар иккала ҳикоятда ҳам фақат Мажнун, яъни, Ошиқ иштирок этади ва ҳикоятлар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин ҳисобланади. Биринчи ҳикоятда Мажнуннинг ўзича сўзлашаётганини кўрган бир киши: “Ким билан гаплашаяпсан?” деб сўрайди. Мажнун: “Лайли билан!” деб жавоб беради. Шунда:

*Деди: “Ондин то сенгадур хейли йўл!”*

*Деди: “Эй гофил, эрур ёнимда ул.*

*Улки онинг зикридур жонимда қут,*

*Йўл йироқ бўлғонда бўлғайму унут!”* (Ўша китоб. 235-бет) – дейди.

Муаллиф ушбу ҳикоят билан ишқ йўлида масофа аҳамият касб этмаслигини таъкидлайди. Иккинчи ўринда эса Мажнун: “Отинг недур?” деб сўраганларга: “Лайли!” деб жавоб беради. Бунда Алишер Навоий Мажнуннинг ўзлигини унутиб, ўзини Лайли деб ҳисоблаётганлигини, яъни, Лайли зотига фоний бўлганлигини ишқида камололга етган деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимдир:

1. Шоҳ ва Гадо – Ошиқ ва Маъшук образлари “Лисон ут-тайр” дostonидаги энг аҳамиятли образлардан бўлиб, буларни яратишда Алишер Навоий Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома”сидаги шу мавзуга оид ҳикоятлардан таъсирланган бўлса ҳам, ушбу образларга ўзининг аҳамиятли тасвир ва фикрларини киритган. Бу ҳолат подшоҳларнинг нафақат гўзал, балки баркамол шахс тарзида тасвирланганлигида кўринади.

2. Бошқа дostonларидан фарқли равишда Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”да илоҳий ишқни мажоз тариқи бирла эмас, балки соф ҳолда кўрсатишга ҳаракат қилади. Натижада, биз ушбу дostonда Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Баҳром ва Дилором каби анъанавий Ошиқ-Маъшукларни эмас, балки илоҳий ҳусн ва баркамоллик эгаси бўлмиш Аллоҳни Подшоҳ образида, унинг ҳусни ва камолига ошиқ(лар)ни эса хокисор ва эҳтиёжманд – Дарвеш, Гадо, образларида кўраимиз.

3. Дostonдаги Ишқ, Ошиқ ва Маъшук образларнинг тасаввуфий йўсинда маҳорат билан тасвирлангани буюк шоир дунёқарашидаги янги саҳифа бўлиб хизмат қилади.



**Наим КАРИМОВ,**  
филология фанлари доктори,  
профессор

## УСТОЗ

Ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида талайгина ажойиб замондошлар билан учрашиб, улар билими, маданияти ва руҳий оламидан баҳраманд бўлиб яшайди. Биз шундай кишилар билан учрашиш, улар билан мулоқотда бўлиш, улардан ибрат олиш жараёнида шахс сифатида, бирор соҳанинг мутахассиси сифатида шаклланиб борамиз. Ўйлайманки, ўтган асрнинг эллигинчи-олтмишинчи йилларида адабиёт майдонига кириб келган бир гуруҳ ёшлар учун атоқли адабиётшунос олим ва драматург Иззат Султон ана шундай сиймолардан бири эди.

Камина 1958 йилнинг сўнгги ойларида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳозир Алишер Навоий номи билан аталган Тил ва адабиёт институтига ишга келганимда, Ҳомил Ёқубов замонавий ўзбек адабиёти бўлими мудири, Иззат Султон эса адабиёт назарияси бўлими мудири бўлиб хизмат қилишарди. Ўша йилларда Абдулла Қодирий номи эндигина тилга олина бошлаган, адибнинг “Ўткан кунлар” романи эса (Иззат Султоннинг сўзбошиси билан) узоқ танаффусдан сўнг китобхонлар қўлига етиб борган ва шу тарихий воқеа туфайли жамият ҳаётида умидбахш шабадалар эсаётганди. Иззат Султон ўзбек адабиётшунос олимларининг пешқадами бўлганлиги учун жабрдийда ёзувчиларимиз номидан “халқ душмани” тамғасини олиб ташлашдек хайрли ишга бош қўшган, ҳатто Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини диссертант сифатида ўрганишга шоғирди Аҳмад Алиевни жалб этган эди. Кунларнинг бирида институтнинг ҳозир Ўзбекистон телевидениесига қарашли биносидаги каттагина залида мазкур диссертациянинг муҳокамаси бўлди. Сталинча қатағон сиёсати қораланган бўлса-да, ҳали сталинизмнинг машғум қўланкалари фан ва маданият майдонларини тарк этмаган пайт. Абдулла Қодирий сингари ижодкорларнинг оқланиши бу қўланкалар учун тасодифий ҳодиса бўлиб, уларни “шўро адабиёти”нинг “покиза майдони”га киритиш, улар ижоди ҳақида диссертациялар ёзиш сиёсий хатодан бўлак нарса эмас эди. Хуллас, икки кун давом этган ва, асосан, Ҳомил Ёқубов билан Иззат Султон ўртасида кечган кескин “жанг”да устоз рақибини “нокаут” қилибгина қолмай, Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш ишига катта ва машаққатли йўлни очиб ҳам берди.

Камина ўша икки кунлик муҳокамада Иззат Султон деган улкан олимни илк бор кашф этдим. У кейинчалик ҳар икки бўлим томонидан тайёрланган икки жилдлик “Ўзбек шўро адабиёти тарихи очерклари” учун Абдулла Қодирийнинг

ижодий портретини ёзиб берди. Тўрт жилдлик “Ўзбек шўро адабиёти тарихи” яратилаётган кунларда эса, Абдулла Қодирийнинг адабий портретини ёзишни ҳали катта тажрибага эга бўлмаган Иброҳим Мирзаевга ҳавола этди. Биз устоздан бундай қарорга келишни кутмаган эдик. Кўп ўтмай, бизнинг шубҳамиз асоссиз эмаслиги маълум бўлди: янги муаллиф устоз мақоласидаги фикрларни айнан такрорлашдан нари ўтмаган эди. Шунга қарамай, Иззат Султон ёш олим ёзган адабий портретни ҳимоя қилди. Кейин ўйлаб кўрсам, у, биринчидан, Абдулла Қодирий ижодини ўрганишга ёш адабиётшуносларни жалб этиб, қодирийшунослар сафини кенгайтиришни ният қилган, иккинчидан эса, фанда монополия ҳодисасига ўз ибрати билан чек қўймоқчи бўлган экан.

Иззат Султоннинг бундай ҳислатли ишлари оз эмас. Эллигинчи йилларда катагон қиличи яна яланғочланиб, яна “халқ душманлари”ни фош этиш талвасаси бошланганда, айрим кимсалар гўё “Ойбек Покистонга бориб келганидан сўнг: “Агар мен Покистонда туғилиб, ўша ерда яшаб ижод қилганимда, улуғ адиб даражасига эришган бўлардим”, деган ва, ҳатто, Покистонда сиёсий бошпана сўраб қолмоқчи ҳам бўлган”, деган машъум гапни тарқатганлар. Уларнинг фикрларича, бу “факт”ни гўё Иззат Султон ҳам тасдиқлаши мумкин эди. Аммо тегишли идорага чақирилган Иззат Султон: “Бу Ойбек бошига Абдулла Қодирийлар қисмати келишини истаган кишиларнинг навбатдаги тухматидир”, деб адибни мардона ҳимоя қилган. Олтмишинчи йилларда эса, Абдулла Қаҳҳорнинг эллик йиллигига бағишланган юбилей кечасида маъруза қилиб: “Адиб асарларини она тилида ўқиган китобхон рус тилида ўқиган китобхонга қараганда, катта завқ-шавқ олади. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган руслар ва русзабон миллат вакиллари Абдулла Қаҳҳор асарларидан шундай завқ олиш учун ҳам ўзбек тилини ўрганишлари лозим”, деган сўзларни айтган. Бу, барвақт айтилган сўзлар бўлганлиги туфайли устоз анча вақт сояда яшашга мажбур бўлган.

Шўро даврида яшаган фан ва маданият намояндаларининг ҳақ гапни айтишлари осон бўлмади. Шу боис, мустақил фикрли ижод аҳли кўпроқ тарихий ўтмишга ёки бошқа халқлар ҳаётига мурожаат этишга мажбур бўлди.

Юқорида баён қилинган сўзлардан Иззат Султон ҳар доим ҳам ҳақиқат учун курашган олим ва ижодкор бўлган экан, деган таассурот келиб чиқмаслиги лозим. Негаки, ҳар бир инсон, аввало, ўз даврининг фарзанди. Мустабид шўро тузуми даврида яшаган аксар давлат, жамоат, фан ва маданият арбоблари большевикларнинг халқ ва мамлакатни, Уйғун ифодаси билан айтсак, “коммунизмнинг гул боғлари” сари бошлаб бораётганига астойдил ишонганлар ёки ўзларини шунга ишонтирмоқчи бўлганлар. Иззат Султон ҳам бу борада истисно бўлмаган. Акс ҳолда, “Алишер Навоий” пьесаси муаллифларидан бири Туркистонда шўро ҳокимиятини ўрнатишда фаол қатнашган Фрунзе ҳақидаги “Бургутнинг парвози” драмасини ёзмаган бўларди.

Иззат Султон 1910 йили Ўш шаҳрида дунёга келган. Унинг бобоси Сартой Султон сариқдан келгани ёки рус тилида бемалол “чуғурлашган”и учунми, ҳам-шаҳарлари “Султон сариқ” деб аташган. Ана шу Султон сариқ асли туркистонлик бўлиб, чорвадорлик билан машғул бўлган. Туркистон XIX асрнинг олтмишинчи йилларида истило этила бошлаганида, мустамлакачи зобитларидан бири унга рус қўшинини гўшт билан таъминлаб туриш вазифасини топширган. Шу тарзда Сартой Султон рус қўшинлари Хитой чегараларига етиб боргунига қадар ўн икки йил давомида уларни гўшт билан таъминлаб борган. Ниҳоят, Ўш шаҳрида муқим яшаб қолиб, Ўш ҳокимига мирзалик ва тилмочлик қилган. Шу ерда унинг фарзанди Отахондан Иззатулла исмли бўлажак ўзбек олими ва драматурги дунёга келган.

Иззатулладан аввал Раҳматулла, Ҳабибулла ва Файзулла исмли уч акаси, кейин эса Саодат исмли синглиси туғилган. Сартой Султон тўнғич неварасини рус-тузем мактабига ўқишга берган. Раҳматулла шу мактабни битиргач, Тошкентга келиб, ўзбек билим юртида ўқишни давом эттирган. Аммо у тарғибот ишларини олиб бориш учун бизга номаълум кишилар томонидан Фарғона водийсида

шўроларга қарши курашаётган “босмачилар” орасига юборилган. “Босмачилар” дастлаб Раҳматулланинг оқил ва ориф киши эканлигини кўриб, унга нисбатан ҳурмат кўрсатишган, сўнгра, уни жадид ҳисоблаб, калласини олганлар. Бу даҳшатли воқеа Фарғонанинг Равот қишлоғида содир бўлган. Яқин дўстининг 24 ёшида дунёни фожиали равишда тарк этиши Чўлпонни ларзага келтирган ва у дўстига бағишлаб кўзёшларини тўка-тўка бундай марсия ёзган:

*Йўлдошим, замзама бўлдинг-да, кетдинг,  
Бор эдинг, йўқолдинг, ўлдинг-да, кетдинг,  
Гул эдинг, очилмай сўлдинг-да, кетдинг,  
Йўқлик денгизига тўлдинг-да, кетдинг.*

*Қичқириб, орқангдан югурдим, чопдим,  
Ғариблар мазорин истадим, топдим,  
Кўрай деб сўнг чоғда термулиб боқдим,  
Сен эсанг юзингни бурдинг-да, кетдинг.*

*Элингнинг тилаги етимми қолди?  
Бошига қайғуни ўлимми солди?  
Жонингни тангриси севибми қолди?  
Айтмадинг, оғзингни юмдинг-да, кетдинг.*

*Боғчанга ёш қўллар экарлар гуллар,  
Очилмоқ истайлар лола-сунбуллар,  
Фироқ куйларини куйлар булбуллар,  
Сен бўлсанг йўқликка урдинг-да, кетдинг,  
Кўкармай, яшармай, кўрдинг-да, кетдинг.*

(Камина Раҳматулла Султонов ҳақида мақола ёзиб, шу шеърни қайта эълон қилганимда, Иззат Султон, жароҳати янгиланганига қарамай, мендан мамнун бўлиб, ҳатто акасининг суратини топиб беришга ваъда қилган эди, аммо топа олмаган).

Устознинг кичик акаси Файзулла Андижонда маълум вақт муаллимлик қилиб, ҳатто драматург Комил Яшинга илк адабий сабоқ берган, аммо, аксар андижонлик зиёлилар қатори, 1937 йил тегирмонидан омон чиқмаган. Этикдўзга шогирд тушиб, турмуш ташвишлари билан яшаган Ҳабибулла эса сил касаллигига йўлиқиб, онаси билан синглиси Саодатни доғда қолдириб кетган.

Иззат Султон ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларидан ўтиш асносида шахс сифатида шаклланиб борди.

1924 йилда “развёрстка” деган сўз пайдо бўлган. Бу “развёрстка”га кўра, ҳар бир вилоят фалончадан болаларни йирик шаҳарларга ўқишга юбориши лозим эди. Ана шу “развёрстка” сабаб бўлиб, Иззатулла дастлаб Қўқонга, сўнгра Тошкентга ўқишга юборилди. У 1927 йилга қадар Бешоғочдаги Ўзбек эрлар билим юртида ўқиди. Шу йили билим юрти билан Ўқчи кўчасидаги техникумнинг битирувчи гуруҳлари қўшиб юборилди. Иззатулла шу ўқув юртини тугатганидан сўнг, 1939 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтига ишга келгунига қадар яна бир қанча жойларда ҳам ишлаб, ҳам ўқиди.

1939 йил 4 январда Фанлар Комитети ёшлар ташкилотининг котиби Йўлдошев имзолаган маълумотномага қараганда, Иззат Султон мазкур илмий даргоҳга “жойлашиб олган душманларга нисбатан ҳушёрлик кўрсатмагани ва “Қизил Ўзбекистон” газетасидаги мақолаларида халқ душманларини кескин фош этмагани ва қўпол хатоларга йўл қўйгани учун” ёшлар ташкилоти аъзолигидан ўчирилган ва ишдан бўшатишган. (У шу вақтда Фанлар Комитети аспирантурасида ўқиб, айна пайтда, “Қизил Ўзбекистон” газетаси таҳририятида хизмат қилаётган эди).

Иззат Султоннинг ҳаёт йўлини шу тарзда кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, унинг рус тили ва рус маданиятини яхши ўзлаштиргани сабаблари билан ҳам, алғов-далғов йилларнинг қурбонлари бўлган акалари тақдирдан маълум хулоса чиқаргани билан ҳам, очлик йилларида қийналган ўсмирнинг Қўқондаги болалар уйида – етимхонада, сўнгра, асосан, етим-есирлар ўқиган Алмай номлидаги билим юртида тарбиялангани сингари турфа воқеалар билан ҳам танишамиз. Шундай ҳаёт йўлини босиб ўтган кишининг дунёқараши ҳам, албатта, мураккаб жараёнда ўзгариб-шаклланиб борган.

Тақдир Иззат Султонга турмушнинг қайси кўчаларида юриш ва яшашни раво кўрган бўлса, унинг кўнглида доим адабиётга бўлган меҳр яшади, шу адабиётнинг улуғ сиймоси Алишер Навоийга бўлган ҳурмат ва эътиқод яшади. Буни қарангки, бўлажак олимнинг 1931 йил 16 сентябрда “Ёш ленинчи” газетасида босилган дастлабки мақоласи ўзбек мумтоз адабиётининг шу буюк асосчисига бағишланган ва «Мир Алишер Навоий» деб аталган эди. Шундан кейин ёш олимнинг “Фарҳод ва Ширин”нинг янгича қўйилиши”, “Адабий меросимизни ўрганайлик” (1937), “Руставели ва Навоий” (1938), “Макорим ул-ахлоқ” ҳақида”, “Навоийнинг тадқиқотчилари” (1941), “Макорим ул-ахлоқ” ва унинг муаллифи” (1945), “Навоийга замондош шоирлар тўғрисида” (1948) сингари қатор мақолалари эълон қилинди. Унинг 1942 йили ёзган “Буюк Алишер” киносценарийси эса Уйғун ва В.Шкловский билан ҳамкорликда ёзилган “Алишер Навоий” киносценарийси ҳамда Уйғун билан ҳаммуаллифликда ёзилган шу номдаги машҳур драманинг майдонга келишида пойдевор бўлиб хизмат қилди. Комил Ёрматов экранлаштирган фильм ҳам, Маннон Уйғур саҳналаштирган спектакль ҳам ўзбек кино ва театр санъатларининг шоҳ асарларидан бири бўлиб қолди. Олим 1946 йилда “Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари ва унинг танқидий матни” мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу тарзда Алишер Навоий мавзуи Иззат Султон илмий ва ижодий фаолиятининг асосий қон томири бўлиб қолди. Унинг олтинчи йиллардан бошлаб ҳаётининг сўнгги кунига қадар Тил ва адабиёт институтидаги анъанавий Навоийхонлик анжуманларига раислик қилгани бежиз эмас.

Агар ижодкор севимли мавзуга ҳам олим, ҳам ёзувчи сифатида ёндашса, мавзу унинг қалбидан чуқур ўрин олибгина қолмай, яширин қирраларини ҳам дафъатан намоён этиб юборади. Навоий ҳаёти ва ижоди билан олим сифатида шуғуллана бошлаган Иззат Султон буюк шоирнинг руҳига кириб яшади. XV асрда Ҳиротда рўй берган воқеаларни Навоийнинг кўзи билан кўриш ва унинг қалби билан ҳис қилишга уринди.

Шубҳасиз, Навоий ҳақида роман ёки саҳна асарини ёзиш учун, аввало, у ҳақдаги бирламчи тарихий манбалар билан танишиш зарур эди. Ҳамид Олимжон ва Уйғун билан ҳамкорликда ёзишга аҳдлашилган “Алишер Навоий” драмасининг ижодий тарихи тўғрисида сўзлаб, Иззат Султон шогирди Нўъмон Раҳимжоновга бундай деган эди:

“...Драма яратишга келишиб олдик. Биринчи галда қиладиган ишимиз Алишер Навоий ёзган асарларни, у яшаган давр илмий ва бадиий адабиётларини синчиклаб ўқиб-ўрганишдан иборат бўлди. “Хамса” дostonлари туркумининг ўзини бир ой ўқидик. Ҳам катта ҳажмдаги асар, ҳам тилини тушуниш, ўзлаштириш қийинчиликлари бор эди. Йиғилишган маҳалимиз Ҳамид Олимжон: “Алишер Навоий буюк талант эгаси экан. Бетимсол бир даҳо санъаткор. Форс адабиётининг таржимони, дея унинг юлдузига соя ташламоқчи бўлишган экан, аслида”, – деди...

Иш йўсинимиз шу тахлитда кечдики, Ҳамид билан мен Алишер Навоий асарларини бирма-бир ўқиб, маъно-мазмунини чақиб борамиз. Ҳамид билан икковимиз Навоийни ҳижжалаб ўқиб, тушунишга интилиб қунт ва ихлос билан ўтирардик. Абдулла Тўқай кўчасидаги Тил ва адабиёт институтининг биносига қўлёзмаларни олиб, аввал, “Равзат ус-сафо”, “Ҳабиб ус-сияр”, Хондамирнинг

Навоийга бағишланган машҳур асарини мароқ ва шавқ билан ўргандик. Шунда бир нарса эсимга тушди. Ўрганадиган, ўзлаштирадиган материал жуда кўп. Ҳаммасини ололмаймиз. Муҳимларини ажратиб олайлик, дедим.

Асосан, Ҳусайн Бойқаро, Мажиддин, Гули атрофида кечадиган воқеаларни ажратиб оладиган бўлдик...”

Шундан кейин Ҳамид Олимжон, Уйғун ва Иззат Султон Оқтош қишлоғига чиқиб, асарнинг сюжет чизигини белгилаб олмақчи бўлишди. Шу орада Ҳамид Олимжонни Москвага чақириб, уни Латвия ёзувчиларининг биринчи қурултойига юборишди. Бу воқеа 1941 йилнинг июнь ойида – Иккинчи жаҳон уруши бошланажак кунлар арафасида рўй берди. Ҳамид Олимжон Москвадан қайтиб келгач, пьесанинг пардама-парда ишланган сюжети билан танишиб: “Бир ой ичида жуда кўп иш қилиб қўйибсизлар. Мен чиқдим”, – деди.

“Алишер Навоий” пьесаси шу тарзда майдонга келди.

Буюк шоирнинг 500 йиллик юбилеи Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши муносабати билан кечиктирилиб, 1948 йилда ўтказилди. Шунинг учун ўтган асрнинг олтинчи йилларида олим ва ёзувчилар Навоийнинг 525 йиллигини ўз вақтида ва муносиб нишонлаш учун жиддий тайёргарлик кўра бошладилар. Иззат Султон адабиётимизнинг ана шу улкан байрамини янги асар билан кутиб олишга аҳд қилди. У ўша кезларда Тил ва адабиёт институтида катта маърака сифатида ўтадиган йиллик Навоийхонлик анжуманларида шоир ҳаёти ва ижодининг номаълум саҳифалари ҳақида маърузалар ўқиди ва шу жараёнда унда “Навоийнинг қалб дафтари” китобини яратиш ғояси пайдо бўлди.

“Навоийнинг қалб дафтари”, – деб ёзган эди олим, – 1969 йилда босилиб чиқди. Аммо унинг устида мен 1939 йилдан бери ишламоқдаман. Навоий ҳаёти ва ижоди билан яқиндан таниша бошлаганимдан бошлабоқ, унинг ҳаётини тўла акс эттирадиган бир китоб ёзиш нияти менда туғилган эди. Шу вақтгача ёзилган ва, шу жумладан, мен томондан ёзилган ишлар мени бир жиҳатдан қаноатлантормас эди: уларда фактлар муаллиф талқинига дучор этилади, бу талқин эса маълум даражада субъектив, бир ёқлама бўлади. Вақт ўтган сари бу бир ёқламалик яққолроқ аён бўлиб қолади. Албатта, маълум талқинсиз асар ёзиш мумкин эмас, аммо: “Муаллиф талқинидан кечмаган ҳолда, фактларнинг нуқул ўзини ёритиб бериш ва шу йўл билан талқиндаги бир ёқламаликни жуда кам даражага келтириш мумкин эмасмикан?” деган фикр мени қийнар эди. Бунинг учун китобнинг шаклини топиш керак эди. Бу шакл “тез келавермади”, мен кунма-кун, ойма-ой, йилмайил йиққан материал жавонда тўпланиб, вақт ўтган сари кўпайиб кетаверди. Ахийри, шакл “келди” – Навоийнинг ўз тили билан айтилгандек, бир қисса тузилди”.

Иззат Султоннинг бу асари адабиётшунослар томонидан ҳам, Навоий ижоди мухлислари томонидан ҳам самимий қарши олинди. Унга матбуотда биринчи бўлиб муносабат билдирган улкан навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов “Шарқ юлдузи” журналининг 1971 йилдаги 5 сонидан бундай деб ёзган эди:

“Иззат Султон Навоий ҳаётини янгича нуқтаи назардан, аниқроғи, шоирнинг ўз асарларидаги мавжуд иқдорлари асосида, уларни замондошлари талқинига таққослаган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилади. Бу, албатта, асарнинг фазилатидир. Шу вақтга қадар ҳеч бир тадқиқотчи улуғ шоир биографиясини ёритишда унинг ўз сўзлари, шеърий иқдорларига бунчалик катта аҳамият бермаган эди”.

Навоийшунос олимнинг бу сўзларига қўшилган ҳолда яна айтиш жоизки, Иззат Султон Навоийнинг машҳур замондошлари Султон Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола”, Бобурнинг “Бобурнома”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” ва “Макорим ул-ахлоқ”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаъ ус-саъдаи” ва бошқа асарларда Навоий ҳаёти ва ижодига оид ҳар бир лавҳа, ҳар бир ибора ва ҳар бир ишорага алоҳида аҳамият бериб, улар ёрдамида мураккаб тарихий даврда яшаган буюк шоир қалбига назар ташлаш ва биз, китобхонлар эътиборини шу лавҳа, шу ибора ва шу имо-ишораларга қаратишга интилан.

Агар “Навоийнинг қалб дафтари” олимнинг сўнгги илмий асари бўлса, биринчи йirik илмий иши, шубҳасиз, 1939 йилда ёруғ дунё юзини кўрган “Адабиёт назарияси”дир. Ана шу икки асар ўртасида кечган вақтда Иззат Султон ўзбек адабиётининг муҳим масалаларига бағишланган ўнлаб илмий мақолалар эълон қилиш билан бирга, бадиий ижод соҳасида ҳам ғоят самарали меҳнат қилди. Бадиий диди ва нафосат туйғуси кучли олим ижод завқидан ҳам бебаҳра қолишни истамади. Унинг назарида, бадиий ижод бирламчи, адабиётшунослик эса иккиламчи ҳодисалар эди. Инсоний сажияси пешқадамликка мойил бўлган устоз иккиламчи соҳанинг аччиқ нонини тотишдан кўра, бирламчи соҳанинг кайфу жафосини суришга кўпроқ мойил бўлди. У машҳур “Алишер Навоий”дан кейин “Имон” (1960), “Номалум киши” (1963), “Кўрмайин босдим тиканни” (1974), “Истеҳком” (1979), “Донишманднинг ёшлиги” (1979), “Оилавий сир” (1982), “Кумуш шаҳар маликаси” (1983), “Олов” (1984), “Абдулла Қодирийнинг ўткан кунлари” (1988), “Қақнус” (1994), “Ойдин кеча асирлигида” (1998), “Янги одамлар” (2001) пьесаларини ёзди ва уларнинг аксари саҳна юзини кўрди. Бундан ташқари, унинг “Шоир қалби” (1962), “Тонг олдида” (1972) опера либреттолари ҳамда “Алишер Навоий” (ҳамкорликда, 1948), “Имон” (1960), “Фидойи” (1963), “Сенга интиламан” (1973) сингари киносценарийлари майдонга келди.

Олимнинг адабиётшунослик фани уфқларини ёриб, бадиий ижоднинг бепоян майдонларига ўтгани ва шу майдонларда кўпроқ жавлон ургани тасодифий эмас. Иззат Султондек катта ҳаётий тажриба ва бой билимга эга бўлган, театр ва кино санъатларининг нозик билимдони ва серқирра истеъдод соҳибини учун адабиётшунослик фани торлик қилиб қолган эди. У бутун умри давомида устози Фитратга ўхшашга, у сингари адабиёт ва санъат, фан ва маданиятнинг турли соҳаларида қалам тебратиб, шу соҳаларда из қолдиришга интилди.

Ўйлайманки, устоз қолдирган из узоқ вақт ўчмайди. Шогирдлар ўзларининг илмий ва ижодий йўлларини шу издан бошлаб, кейин ўз йўлларини топиб оладилар. Устознинг энг яхши илмий ва ижодий анъаналари шогирдлар томонидан, албатта, давом эттирилади.



**Қўлдош ПАРДАЕВ,**  
филология фанлари номзоди

## ЎТГАН АСР МУНОЗАРАЛАРИ

Жамиятнинг ўзлиги ва алоҳида миллат бирлигини таъмин этган ҳодисалардан бири — тил масаласи борасидаги мунозаралар жадид маърифатпарварларининг назарида турган. Бинобарин, улар миллий тилнинг софлиги учун кўп қайғурганлар.

Ўтган аср бошларида ўзбек адабий тилининг қандай ривожланмоғи кераклиги ва бунинг учун қандай йўللardan бориши хусусида мулоҳазалар билдирилди. Бу борада, энг тўғри йўл сифатида халқ жонли тили имкониятларидан кенг фойдаланиш, ўзбек тилини бошқа тиллар таъсирига тушиб қолишдан асраш масаласи кун тартибига қўйилди.

Айни пайтда, мунозараларда ғоявий ижодий принциплар учун кураш ҳам борди. Жадид маърифатпарварлар миллий тилимизнинг бошқа бегона тиллар таъсирида бузилишига қаршилик кўрсатишди. Мактаб ва мадрасаларда ўқитилаётган дарсликлар ва матбуотда чоп этилаётган мақолаларнинг соф ўзбек тилида бўлиши учун ҳаракат қилишди. Тил масаласига оид бундай сирадаги мақолалар вақтли матбуотда мунтазам ёритилиб борилди.

Жумладан, Иброҳим Тоҳирийнинг “Ал-Ислоҳ” журналида чоп қилинган “Матбуот ва ислоҳ” сарлавҳали мақоласи бу жиҳатдан характерлидир. Муаллиф мақолада Туркистонда нашр қилинаётган асарлар ва газета, журналлар тили ҳақида тўхталади. У матбуот хусусида фикр юритиб, уни ахлоқий — маънавий озуқа берувчи омил сифатида талқин этади: “Бир халқнинг матбуоти ўшал халқнинг кўнглида ёширинғон, кўкрагида сақланган тилакларини, орзуларини энг очиқ суратда кўрсатадурғон ойнасидур. Бир халқнинг матбуоти ўшал халқнинг ўтганини, келажагини ва андо ўлғон ва ўлажақ умидларини, фарзларини, йўлларини, қайғуларини сўзлайдурғон бир тилдур...” (“Ал-Ислоҳ”, 1915 йил, 5 сон, 141-бет).

Миллат эртасини ўйлаб жон куйдираётган жадид маърифатпарварларининг барчаси жаҳолатдан чиқиш йўлларини излашди ва бундай нуқсонларни бартараф этишга уринишади. Иброҳим Тоҳирий Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш”, Нусратулла Қудратулла ва Ҳожи Муин ҳаммуаллифлигида ёзилган “Тўй” драмаларининг тил хусусиятларига эътибор қаратиб, кескин танқид қилади. Ушбу асарларни ҳатто мактаб болаларининг иншо ва имлоларига менгзайди. “... “Падар-

куш”, “Тўй” рисолачаларина қарангиз, — деб ёзади муаллиф, — туркистонлиларнинг ўз шеваларина ёзув нашр этгон асарларинда тил жиҳати ила дурустлик ва поклик йўқдир...” (“Ал-Ислоҳ”, 1915 йил, 6 сон, 178-бет).

Тўғри, мазкур асарлар ўз даврида кенг муҳокама қилинди. Ҳатто “Тўй” драматининг муаллифларидан Ҳожи Муин бу камчиликларни тан олиб, “Танбеҳга ташаккур” сарлавҳаси билан иқрорнома тарзида мақола ёзди. “Тўй” пьесаси ўзбек драматургияси тарихида “Падаркуш”дан кейин яратилган иккинчи асар ҳисобланади. Асарнинг босилиб чиқиши адабиёт оламида катта қувонч билан кутиб олинди. “Тўй” чоп этилганлиги ҳақида қисқача тақриз берган “Ойна” асарни “ибратомуз” деб таърифлайди. (“Ойна”, 1914 йил, 2 сон). “Садои Туркистон” муаллиф шаънига: “яшасун бундай ёш фикрли зотларимиз”, дея хитоб қилди. “...Тил тўғрисидаги, баъзи камчиликларни истисно қилганда, ўз турмушимиз дурустгина тасвир қилинган”, деб ёзди. (“Садои Туркистон”, 1914 йил, 5 ноябрь). “Ал-Ислоҳ” эса асар тилидаги нуқсонларни танқид қилди.

“Ойна” журналидаги кейинги тақризда эса асарнинг тил хусусиятлари анча кенг таҳлил этилган. (“Ойна”, 1914 йил, 3 сон). Муаллиф асарнинг лаҳжа ва имлода нуқсонлари борлигини таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, “Ал-Ислоҳ”дан бошқа нашрларда ҳам “Тўй” драматининг камчилик томонлари кўрсатилган. Бироқ, бу масалада ҳам муайян мунозаралар бўлиб ўтган. Жумладан, Иброҳим Тоҳирийнинг “Ал-Ислоҳ” журналидаги “Матбуот ва ислоҳ” номли мақоласига зид равишда “Ойна” журналининг 1915 йил 12 сонидан имзосиз “Лоф” сарлавҳали мақола босилган. Мақолада Иброҳим Тоҳирий фикрларига зид мулоҳазалар учрайди. Мақола муаллифи Иброҳим Тоҳирийга мурожаат қилиб: “Падаркуш” асарининг камчилик жиҳатини кўрсатинг?” деган саволни қўяди. Шундан сўнг эса “Падаркуш” драматини айрим русча сўзлар борлигига иқрор бўлиб, бу ҳол асарнинг қимматини туширмаслигини таъкидлайди. Тожик тилига дахлдор сўзлар аралашувини эса ота — боболар ёзган диний ва ахлоқий китоблар ва мадраса тили таъсири сифатида изоҳлайди. Шу билан бирга, “Ал-Ислоҳ” журналидаги Иброҳим Тоҳирий мақоласига таъна қилиб, бундай ёзади: “Бурунги замонда турк шевасини тожик тилидан тозалаб, соддалиғина ва поклиғина қайтарув ул қадар қийин бўлмаса керак, Тоҳирий бу икки хатлик жумласида ўн уч калима туркий, тўққиз калима арабий — форсий ёзибдурки, ўз сўзиға ўзи амал қилмайдур...” (“Ойна”, 1914 йил, 2-сон).

Тил ҳақида “Ойна” журналида ҳам танқидий мақолалар чоп этилган. Жумладан, 1914 йил 11 сонидан имзосиз муаллиф томонидан “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар” номли мақола босилиб чиққан. Мақолада худди юқоридаги фикрларга мутаносиб мулоҳазалар бор. Муаллиф таассуф қилиб: “Қайси миллат ўз она тилини ташлаб, бошқа бегона тиллардан сўз олади?” дея нолийди. Мисол қилиб, русча калималарнинг халқ тилида тез — тез тилга олинуви, ҳатто драма, вақтли матбуот тилида ҳам русча, арабча ва тожикча сўзларнинг аралашувини танқид қилади: “Ушбу Туркистонимизда қайси бир рус ё қайси бир арман ўз тилини қўйиб, бир — бирови ила туркча сўйлайдур. Аммо, бизнинг сўзлашганимиз вақтда ҳар бир жумлада бир калима рус сўзи эшитилур. Масалан: “Манго бир оз помогат қилинг”, “Они мунча иштараф қилдилар”, “Фалон одамнинг дўкони печат қилинди”. Ваҳоланки, бул сўзлар ҳаммаси мусулмонча адо бўлина олур. Масалан, помогат — ёрдам, иштараф — жарима, печат — муҳр... Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўшаберсак, бир оз замонда тил ва миллатимизни йўқотурмиз. Миллатимизни йўқотганда, диёнатимиз ўз — ўзи ила, албатта, йўқолур”. (“Ойна”, 1914 йил, 11 сон).

Бу масалада, Ашурали Зоҳирийнинг “Садои Фарғона” газетаси 1914 йил 13 апрель сонидан “Она тили” номли мақоласи диққатга моликдир. Мақола “Она тили” деб номланган бўлса-да, унда миллий адабиётнинг ўша даврдаги аҳволи, миллий адабий тил тўғрисида фикр юритилган.

Зиёлилар, уламолар, умуман, ўқимишли ёшлар муқаддас она тилимизни ривожлантирмоқ у ёқда турсин, балки йўқотмоқликка сабаб бўлаётганларини кўриб афсусланади, ўзбек тилини менсимай, форс, араб, татар тилларида ҳужжат ишларини юритаётган, бир-бирларига хатлар ёзаётган туркистонликларни қаттиқ қоралайди. Юқорида қайд этилган мақолада у шундай ёзади: “Нечунки, уламоларимиздин бири бирор ерға хат ёзса ёки бировға берган нарсасини хотира дафтариға ёзса, ўз она тилини қўйиб форс тилида ёзадурлар.... ёш ўсмурларимиз бўлсалар ўз ерликларидан бирини зиёфатға чақируб хат ёзсалар ҳам усмонлича ёки татарча ёзадурлар, нега, она тилиға ҳурмат шуму?”

Аслида, Ашурали Зоҳирий ўзга миллат тилларини ўрганишга қарши бўлган эмас. Таъкидланган мақолада келтирилган унинг: “Дуруст, форсча, арабча, ўрусча ва бошқаларни ҳам билайлик, билайликкина эмас, яхши билайлик, лекин ўз она тилимизни ҳаммасидан ортиқ ва зиёда билайлик”, деган фикрлари ҳам буни тасдиқлайди. Миллий уйғониш маърифатпарварлари адабий танқид, тил софлиги бадиий адабиёт ривожининг муҳим шартларидан эканлиги хусусида шу тариқа мунозара юритдилар, ҳақиқатни юзага чиқаришга интилдилар. Қайси адиб ўз асаридида бошқа тилдан кирган сўзларни кўп ишлатса, у беаёв танқид қилинди. Ҳатто, ўша даврнинг энг пешқадам адиблари ҳам аяб ўтирилмади. Бу жиҳатдан кўқонлик Расулийнинг “Ойна” журналининг 1915 йил 9 сонидида босилган “Шоир ва миллий шеърларимиз” номли мақоласи муҳимдир. Мақолада муаллиф ўзбек шоирлари шеърларининг таъсирчан эмаслиги сабабини: “...муҳтарам шоирларимизни(нг) ўз шевасида шеър ёзмасдан шеърларини(нг) ярмидан кўпроғи усмонлича ва татарчадан қўшилганлигидандур...”, дея изоҳлайди. Шу ўринда, муаллиф ўз фикрини исботлаш учун Абдулла Авлоний ижодидан мисол келтиради:

*Чужуқлар тарбиятсиз, илмдан бегонайи сархуш,  
Авомуннос гийбат ҳосили афсонайи сархуш.*

Расулий мақолани шоирларга қарата: “...эмди ёзадурғон шеърингизни ўз шевамизда эзингиз.... миллат шеърингизни ўқиб фойдалансин”, деган фикр билан яқунлайди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Ҳожи Муиннинг тилга оид қарашлари бу борадаги мунозаралар моҳиятини тушунишда, айниқса, аҳамиятлидир. Ҳожи Муин 1913 йилнинг охирларига келиб, адабий танқид бўйича мақоласини эълон қилди. Шу пайтдан эътиборан, “Ойна” журналида унинг бирорта ҳам форсийда ёзилган мақоласи кўзга чалинмайди. Ваҳоланки, 1914 йилнинг баҳор ва ёз ойларида Маҳмудхўжа Беҳбудий Самарқандда бўлмаган даврда “Ойна”нинг тақдири муҳаррир сифатида Ҳожи Муин ихтиёрига берилган эди. Ҳожи Муин анча тадбиркор бўлгани сабабли, икки ҳафтадаёқ, журналнинг техник ва таҳририй жиҳатлари анча яхшиланди. Ҳожи Муин Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг истагидан бир оз чекиниб, “Ойна”ни соф туркий журналга айлантириб қўйди.

“Ал-Ислоҳ” журналида тил хусусида бўлган мунозаралар, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мутахассисларга аён, бу даврда Фитрат бошчилигидаги “Чигатой гурунги” бу масалани янада кенгроқ миқёсда кун тартибига қўйган эди. Буни Мўъминжон Муҳаммаджонов ўзининг “Турмуш уринишлари” номли китобида қўйидаги тарзда изоҳлаган: “Бу гурунг”нинг мақсади: ўз тилимизни тузатиш, орасидан арабий, форсий тилларни имкони борича қувлаб чиқариб уларнинг ўрниға ўз тилимиздан топиб қўйиш, бойитиш эски имлони ташлаб, мактаб болаларини янги имлога ўргатиш эди...”

Ҳақиқатан ҳам, жамият фаолиятида тил масалалари алоҳида ўрин тутган.

Миллий адабиёт ва миллий тил ривожини бир-биридан айри тасаввур этиш маҳол. Бу жиҳатдан, адабиёт ва тил ҳақидаги мунозаралар муштарак бир ҳодисанинг ўзига хос талқини эканини таъкидлаш лозим.



Обиджон МАҲМУДОВ

## БОР ЭТАЙЛИК МИНГТЕПАНИ...

*Андижон тупроғи неча асрлик маданият ва тарраққиёт намуналарини ўз бағрида асраб келаётган Далварзинтепа ва Эйлатон, Мингтепа ва Шўраба-шот каби тарихий жойлар, кўҳна ёдгорликларнинг борлиги бу заминнинг юртимиздаги қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлганини эслатади.*

**Ислом КАРИМОВ.**

Истиқлол халқимиз қалбида шукроналик, азиз тупроққа муҳаббат, муқаддас Ватанга бўлган садоқат туйғуларини ўстиради, ёшларимиз онгу-шуурида келажакка ишонч, аждодларимизга муносиб ворислик ҳиссини юксалтирди. Албатта, бундай умрбоқий қадриятлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Юртбошимиз раҳнамолигида, кўп миллатли, бағрикенг, тинчликсевар халқимиз эришган муваффақиятлар истиқлол туйғули қўлга киритилгани инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз-келажак йўқ», «Келажак буюк давлатни юксак маънавиятли халқгина барпо этади», «Юксак маънавият — энгилмас куч» каби доно фикрлари мавжуд тарихий ва маданий ёдгорликларимиз, осори-атиқаларимиз, табаррук қадамжоларимизни ўрганиш ва тиклашда, уларни халқимиз ва келажакимиз эгалари бўлган ёш авлодга етказишда бизларга ҳам маънан, ҳам руҳан куч бағишлаётганлигини янаям теранроқ англаб етмоқдамиз.

Тарихдан яхши маълумки, қадимги Хитой ёзма манбалари, рус тарихчи-археологлари ҳамда замонавий Интернет маълумотларига асосланадиган бўлсак, милоддан аввалги III-I асрларда қад кўтарган, қадимги Довон (Фарғона) давлатининг бош шаҳри дея эътироф этилган, Эрши шаҳрининг вайронаси бўлган Мингтепа қалъаси ҳозирги Марҳамат тумани марказида жойлашган. Қарийб 2-2,5

минг йиллик тарихга эга бўлган ушбу ноёб археологик ёдгорлик олис мозийдан сўз очмоққа қодир бебаҳо осори-атиқадири.

Хитой манбаларидаги маълумотларда таъкидланишича «Довон» хитойча «Даван» шаклида талаффуз қилиниб, «Даван» сўзи «коса» маъносини англатади. Шунингдек, **Давань (Паркан, аниқроқ қилиб айтганда, Даюань,** хитойча 大宛, **пиньинь Даюань;** форсча Сўғд, Фарғона)Хитой манбаларига кўра, Фарғона давлати *Даюань* деб аталган бўлиб, қадимги турк тилидаги маъноси: «жуда чиройли, хушманзара жой»дир. Форслар бу давлатни «Сўғд», хитойликлар эса «Пўлўна» деб аташган.

«Эрши» сўзи ўзбекча топонимда «эр» — катта, «ши» — тош, яъни, катта шаҳар деганидир. Кўҳна еримиз табиий-географик жойлашувига кўра, шарқ ва жанубдан қўшни Қирғизистоннинг «Улуғ тоғ» ва «Чилустун» тоғлари ҳамда шимолдан Андижон адирлари ва ғарбдан Полвонтош, Кува адирликлари билан ўралган. Шу боис, Эршини «Водий ичидаги водийча» десак, ҳақиқатта янада яқинроқ бўларди. Сабаби, ўша даврларда Фарғона давлатининг худуди шимолий Тянь-Шан тоғлари ён бағирларигача, жануби Туркистон — Олой яйловларигача бўлган ерларни қамраб олганди-да!

Даван, хусусан, унинг водий қисми «Буюк ипак йўли»нинг Иссиққўлдан икки тармоққа ажралган қисми йўналишидаги энг муҳим шаҳар, вилоятларни ўзида бирлаштирган. Яъни, етмишдан ортиқ қалъали шаҳар ва қалин деворлар билан ўраб олинган йирик қишлоқлар Даванга тегишли бўлиб, Эршида яшаган ҳукмдор шу давлатни бошқарар эди. Милоддан олдинги I аср бошларида, Хитой империяси қўшинлари билан бўлиб ўтган жангу жадалларда Эрши шаҳри қамал қилиниб, вайронага айлантирилади. Ана шу шаҳар вайронаси «Мингтепа» номида сақланиб келинган. Ушбу «Мингтепа» қалъаси қарийб 38 гектар бўлиб, у Эрши шаҳрининг ички худудини, «Қоровултепа», «Бандитепа», «Тоштепа», «Жунғортепа», «Мунчоқтепа», «Далавойтепа», «Йиғлоқтепа», «Йўлбарстепа», «Шаҳидтепа», «Бўронтепа», «Алитепа», «Давкар ота», «Оқтўнли ота», «Норкитепа», «Чангалтепа», «Жийдамозортепа», «Шўртепа», «Дўнгтепа», «Қизилоёқтепа», «Тепамозор», «Қашқартепа», «Чағиртепа», «Чорбоғтепа», «Жаннаттепа», «Мўминбойтепа», «Шомирзатепа», «Ёрматтепа», «Мустафоттепа», «Фортепа», «Қораттепа», «Лўмбитепа», «Тупроққўрғон», «Кўрғонтепа», «Жунлитепа», «Фортепа», «Отмозор», «Гўзал ота», «Оқмозор ота», «Тейиттепа», «Тўрткўл», «Кўштепа», «Оқбоштепа», «Лўлитепа», «Хўжабосмон ота», «Миришкор ота», «Кўктўнли ота», «Оқтепа»сингари юзлаб тепаликлар эса, унинг ташқи қалъалари бўлиб, булар икки юз ўттиз гектардан ортиқ майдонни эгаллайди.

Афсуски, шундай улкан шаҳар харобалари тўғрисида халқимиз, ҳатто маҳаллий аҳоли ҳам жуда кам биларди. Устига-устак йиллар ўтгани сайин, ёдгорлик аста-секин емирилиб, нураб борар, айрим нодон кишилар ушбу археологик ёдгорликнинг у ер — бу ерини бузиб, гишт хона, оҳақ пишириш, асфальт ва тандир цехлари, дала шийпони ва пахта қуритиш учун хирмон қуриб олишгани ачинарли ҳолат эди. Энг оғриқли томони шундаки, собиқ тоталитар тузум даврида Мингтепа қалъаси атрофи (юзлаб тепаликлар) ва унинг ички қисмидаги тепаликлар (бинолар), яъни, «Зиндонтепа», кулолчилик, темирчилик устахонлари, отхоналар, озиқ-овқат, қурол-яроғ сақланадиган омборлар, аскар-қўриқчилар яшайдиган иморатлар, обидўз, тошҳовуз ва бошқа маданий қатламлар бузилиб, ҳайдалиб, текисланиб суғориладиган пахта майдонларига айлантирилган. Қалъанинг шимоли-ғарбий қисмида чўчқачилик фермаси қурилгани, ундан бадбўй ҳид «таралиб» тургани яқин ўтмишнинг аччиқ қисмати эди. Сабаби, Марҳамат шаҳри (собиқ Рус қишлоғи) ўрамада жойлашган собиқ Куйбишев номли колхоз давлатга чўчқа гўшти етиштириб берар эди-да!

Мана, тарихимизга, аждоларимиз мероси ва очик осмон остидаги тарихий қўриқхонага бўлган муносабат! Ана шу 38 гектарлик ички шаҳар ва 230 гектардан зиёд ташқи шаҳар майдони дунё археологияси тарихида рўй бермаган таназулга,

зулматга, ҳақоратга юз тутиб келган эди. Чунки шўроларнинг мақсади ойдек равшан, яъни, бизгача етиб келган осори-атиқаларни йўқотиш, маҳаллий халқ хотирасидан ўчириш, тарихда Фарғона музофотига қарашли бўлган, Мингтепа номи билан аталиб келинган туманимиз номини ўзгартириб, «Оқ подшо»нинг «марҳамати»ни сақлаб қолмоқ эди. (Обиджон Маҳмудов «Зулматга қарши исён», Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти. 2003. 103-бет).

Хўш, 2-2,5 минг йиллик тарихга эга бўлган қадим шаҳар Эрши вайронаси бўлмиш Мингтепа номи билан аталиб келинган бу улус қандай қилиб «Марҳамат» номини олди? Келинг, яқинда, аниқроғи чор Россияси босқинчилиги даврида юз берган воқеалар, тарихнинг аччиқ қисматларига эътибор қаратайлик.


Барчамизга ойдек равшанки, қаерда босқинчилик, зулм, истибдод бор экан, у ерда ҳақиқат, адолат, миллий озодлик учун кураш бўлади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниш учун, ўз она тупроғини озод кўриш учун халқ ҳаракати бўлиши табиий ҳол, албатта. Тарих саҳифаларида «Андижон кўзғалони» номини олган халқ миллий озодлик ҳаракати мингтепалик Муҳаммадали Собир халфа ўғли – Дукчи эшон раҳнамолигида 1898 йили 17 майдан 18 майга ўтар кечаси амалга оширилган эди. Минг афсус, бобомизнинг орзу-умидлари оч-юпун халқнинг курашдаги тажрибасизлиги, ўқотар қуроолларнинг озлиги, ташкилотчиликнинг етарли олиб борилмаганлиги, қолаверса, аҳоли орасидан чиққан баъзи бир сотқин кишиларнинг «Оқ подшо» малайига айланганлиги боис, аёвсиз бостирилади. Шундан сўнг, қутурган чор маъмурлари ва ҳарбийлари ўша йили 13 июнь кунини кечки пайт Мингтепага замбарак ва милтиқлар билан қуроолланган батальон аскарларини қишлоққа кираверишга ўрнаштириб, эртаси кунини тонг саҳарда қишлоқни жануб томондан тўпга тутта бошлади. Талвасага тушган халқ ёруғ тушмасдан ғира-ширадаёқ уйларини ташлаб ҳар томонга – бировлари Намангонга, бировлари Марғилонга, яна бировлари Аравон томонларга қочадилар. Ўрис аскарлари қишлоқни уч кун муттасил ўққа тутиб, Мингтепада изғиб юришади ва кўзга кўринганки одамни отаверади, чунки буйруқ шундай бўлган эди. Ҳатто «машқ» деб, уй паррандалари, итларгача отиб ташлайдилар. Милтиқ осганлар уйма-уй юришиб, кўрпа-тўшагу бутун уй-рузғор анжомларини тўплаб, қишлоқнинг «Ийдгоҳ» масжидига келтиришади ва, сўнгра, ўт кўйиб, бутунлай куйдириб ташлайдилар. Яна бир махсус буйруқ билан атрофдаги узоқроқ қишлоқлардан ҳар бир мингбоши қўл остига икки мингтадан мардикор тўплаттирилиб, уларнинг кучи билан Мингтепанинг бор иморатлари буздириб ташланди ва нимаики қўлга кирса ўша мардикорларники, деб буйруқ берадилар. Қишлоқликлар кўрқиб, ўз уйларига бормас, борганлари ҳам мардикорлар қаторида ишлаб қайтар эдилар. Шу алпозда, 15 кун одамларни мажбурий ишлатиб Мингтепа қишлоғи, унда яшовчи 780 оила уй-жойлари теп-текис қилинди. Дукчи эшон ҳовлиси бўлса тамоман йўқ қилинди. Ўрис босқинчилари «Эшоннинг кўмилган хазинаси бор», деб гумон қилишиб, бузилган уйнинг ва меҳмонхонанинг остини бир неча еридан ковлашди. Бироқ ҳеч нарса топилмагач, уларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, умидлари чиппакка чиқди.

Теп-текис, қилинган, аҳолиси «қатлиом»га дучор бўлган Мингтепа қишлоғининг майдони Марғилон ва Андижон уездларидан чақирилган муҳандису ер ўлчайдиганлар томонидан 8 кун мобайнида тўлиғинча қайтадан режалаштирилиб, янги кўчаларнинг тархи олинди. Кўчаларнинг икки томонида 450 хонадонга мўлжалланган ўрисча уй-жойлар режаси тузилди. Бу ишлар 15 июль кунига кам-кўстсиз тайёр бўлди.

Дукчи эшон масжиди хонақосининг ўрнида Христиан черкови қуришга қарор қилинди. Бу иш атайлаб шундай режалаштирилган эди. Черковни, айнан, хонақо ўрнида бино қилишдан мақсад – мусулмонларни ҳам маънан, ҳам руҳан эзиш эди. Деярли ёз бўйи қилинган тайёргарлик ишлари ниҳоясига етгач, Россиянинг ичкарасидан кўплаб мужикларни оиласи билан кўчириб келтириш бош-

ланди. Иморатлар битгунча, аτροφ қишлоқлардан маҳаллий деҳқонларни навбатма-навбат олиб келиб, текинга мажбуран ишлатдилар.

Шу тарзда, қисқа муддатда Мингтепа ва Тожиққишлоқ ўрнида 450 хонадонга мўлжалланган янги ўрисча посёлка қуриб битказилди ва унга «Марҳамат» деган ном берилди. Россиянинг Саратов ва Самара губерналаридан оилалар кўчириб келтирилиб, ўрнаштирилди.



Тарихчи олим Сайфиддин ҳожи Жалиловнинг «Салтанатни титратган кунлар» рисоласида таъкидланганидек, ушбу ном икки жиҳатдан кинояли маънога эга эди. **Биринчидан**, кўзғалон арафасида, юқорида айтилганидек, аτροφ шаҳар ва вилоятлардаги айрим нуфузли шахслар номига Дукчи эшон томонидан ёзилган хатларда улар бўлажак кўзғалон режаси ҳақида маслаҳатлашиб олмоқ учун Мингтепага таклиф қилинган эдилар. Ушбу таклиф хат охирида шундай деб ёзилган эди: «Марҳамат қилиб, Мингтепага – бизнинг фақирхонамизга шаввол ойининг 15-сигача ташриф қилсалар...» Юқорида эслатилганидек, ушбу хатлардан бири андижонлик Муҳаммадали бойга ёзилганини Эшоннинг сандигидан топишганди. Шунингдек, Кўгарт водийсидаги қирғизларнинг сардори Чибелни (собик волост бошлиғи «Чибел бўлис» номи билан машҳур эди) Андижон уезди губернатори ва ҳарбий суд раиси сўроқ қилганида, у: «Бизга қарашли биродарларга чаршанба куни хабар қилиб, Мингтепадаги хонақоҳга юборинг, кор-хайр ишимиз бор. Марҳамат қилиб ўзингиз ҳам бир келсангиз, зиёда хурсанд бўлур эдик», деб хат қилгон эди», деб кўрсатма берган (таъкид бизники О.М). Хуллас, ана шундай хатлардан Маҳмудали бойга ёзилганини Эшон ҳовлисида тинтув ўтказилиб, унинг сандигидан топишиб, уни таржима қилдиришган. Кейин, Мингтепа қишлоғи замбараклардан ўққа тутилаётган пайтда, хатдаги «марҳамат» сўзини эслашиб, «Мана сенга, Марҳамат!» деб қишлоқнинг кулини кўкка совуришган.

**Иккинчидан**, Мингтепа ва Тожиққишлоқлари аҳолисини Андижон шаҳри аҳолиси билан бирга тамоман қириб ташлаш ёки Сибирга сургун қилиш ҳақида-

ги гаплар қўзғалон кунлари рус одамларининг оғзидан тушмас эди. Қўзғалон бостирилиб, унинг иштирокчилари жазолангач эса: «Подшоҳ ҳазратлари му-жикларга Мингтепа қишлоғини марҳамат қилдилар», деган гап тарқатдилар. Мана шу иккала кинояли маънога кўра, янги посёлка номи «Марҳамат» деб аталди.

Шундай қилиб, қўзғалон бошланган қишлоқ тамоман текисланиб, ундан ном-нишон қолдирилмади. Йил охиригача Саратов ва Самара томонлардан 450 (баъзи ҳужжатларда 200) рус хўжалиги кўчириб келтирилиб, тартибли равишда янги ҳовлилар қуриш бошланди. Бўлажак «Русское село»га умумий бинолар — ибодатхона, касалхона ва бошқа қурилишлар учун ўрис давлати хазинасидан 46 минг сўм ажратилди. Кўчиб келган ҳар бир ўрис оиласига уй қуриб олиш учун 100 сўмдан «ёрдам пули» берилди. Шунингдек, ҳар бир оилага ҳовли учун бир ботмондан, деҳқончилик қилиш учун олти ботмондан ер ажратилди. (Бир ботмон бир гектарга яқин).

Юқорида таъкидланганидек, уй-жойлари текисланиб юборилган 780 та хо-надон эса, Мингтепадан икки чақирим жанубдаги, яъни, «Улуғ тоғ» этаклари-даги сувсиз адирликка кўчириб юборилди. «Оқ подшо» исёнкор Мингтепа аҳоли-сини Туркистондан бадарға қилмай марҳамат кўрсатганлиги учун янги қурила-диган қишлоққа «Марҳамат» деб ном қўйишди. Шу тариқа, ўтмишда Фарғона музофотининг Маргилон уездига қарашли бўлган Мингтепа бўлиси тарихий манбалардагина қолди. Ҳозирда «Оқ терак» адирликлари этагида жойлашган ушбу қишлоқда Мингтепадан кўчирилган аҳоли яшайдиган маҳаллани «Эшон-тўпи», «Эшон маҳалла» деб аташади. 1926 йил 29 сентябрда туманимиз ташкил топди. Таассуфки, ушбу «Марҳамат» қишлоғи номи туманга ҳам кўчди.

Надоматлар бўлсинким, тарихдан беҳабар баъзи бир зиёли ҳамюртлари-миз ўз мақолаларида: «Бу ерлар эрамиздан аввал Фарғона водийсининг Да-вань давлати бўлган, сўнг, Эрон шоҳи Кайхусрав босиб олган, ўғли номига «Эрши» шаҳрини қурдирган, шаҳар йўқолиб, ўрнида Мингтепа бўлган. Қола-верса, «Марҳамат» сўзи ҳеч қандай четдан келган эмас, ҳатто бу сўз орқали исмлар, жойларнинг номи, илтифотлар акс эттирилади», дейишгача бориб етганини қандай тушунмоқ керак? Наҳотки, истиқлол учун курашда халқи-миз бошига тушган азоб-уқубатлар, мусибатлар, қирғину талончиликлар қал-бимизни ларзага солмаса?

Афсуски, тарихий адолатни тиклаш борасида мустақиллигимизнинг даст-лабки кунларидан бошлабоқ, таклифлар қилишимизга қарамай, бу муаммо ҳали-хануз ўз ечимини топганича йўқ!

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги 383-сонли «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий — ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топономик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида «хал-қимизнинг қадимий ўтмиши ва қадриятлари билан боғлиқ жойларнинг тарихий номларини муҳофаза этиш, уларнинг асосиз равишда ўзгартирилишининг ол-дини олиш» қайд этилган. Ва, шунингдек, ушбу қарорнинг 8-бандида «Вилоят-лар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳузурда ташкил этилган ҳудудий комиссия-ларга 2004 йилнинг охирига қадар шу ҳудудлардаги топономик объектлар ном-ларини қайта кўриб чиқиш, эски тузум давридан сақланиб қолган, халқимиз тарихи ва анъаналари билан боғлиқ бўлмаган жой номларини ўзгартириш юза-сидан Республика комиссиясига таклифлар киритиш вазифаси топширилсин» дейилишига қарамай, бу ишга масъул вилоят ва туман ҳудудий комиссиялари ҳамда унинг қошидаги ишчи гуруҳлари (Марҳамат туманига Андижон Давлат университети бириктирилган) зарур таклифларни шу кунга қадар тақдим этма-ганликларини қандай изоҳлаш мумкин?

Тарихий жойларнинг номларини тиклаш биз учун муқаддас вазифа. Энг муҳими, узоқ тарихга эга бўлган жой номини келажагимиз ворислари бўлган

азиз фарзандларимизга қолдириш ватанпарварлик бурчимиз эканлигини зинҳор унутмаслигимиз керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қайсики, қадимги Хитой ёзма манбалари, собиқ СССР Марказий Давлат ҳарбий-тарихий архиви ҳужжатлари (МДХТА), Ўзбекистон Давлат архивининг 1-фондидаги нусхалари, шунингдек, Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи эшон воқеаси» («Фарғонада истибдод жаллодлари». Самарқанд. 1927 йил, араб имлосида. «Чўлпон» нашриёти, 1992 йил, крилл имлосида), Қ.Қосимбековнинг «XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғонадаги халқ ҳаракатлари тарихидан» (Тошкент. «Фан» нашриёти, 1978 йил. Рус тилида), Манноб Эгамбердиевнинг «Сариқ аждар ҳамласи» (Москва, 1984 йил), Алиназар Эгамназаровнинг «Сиз билган Дукчи эшон» («Шарқ» нашриёти, 1994 йил), Сайфиддин ҳожи Жалиловнинг «Салтанатни титратган кунлар» (Тошкент. «Фан» нашриёти, 1998 йил) ҳамда каминанинг «Зулматга қарши исён» (Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти 2003 йил, крилл ва лотин имлосида) асарлари билан танишган ҳамюртларимизда юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимизнинг қанчалик асосли эканига шубҳа қолмайди, деб умид қиламиз.

Эндиги вазифа, тарихий адолатни қарор топдирмоқни, бу борада, «Топономик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи» туман, вилоят ва республика комиссияларидан амалий ҳаракатларни кутиб қоламиз. Сабаби, биргина туманимиз ҳудудида ҳам туман, ҳам туман маркази ва бир қишлоқни «Марҳамат» номи билан аталиши юқоридаги Қарор ва тегишли Низом талабларига тўғри келмайди.





Муҳаммад ОЧИЛ

## СЕРКАЕВ СИМ ҚОҚДИ...

### Ҳажвий ҳикоя

Султон Серкаев нафақага чиқди-ю, зерикиб қолди! Кунни кўнгилдагидек ўтказишда ҳартугул ишхонасидан айланиб ўргилса арзиркан. Кичикроқ идоранинг бўлса-да, каттакон бошлиғи саналарди. Керилибгина беминнат темир отда хизматга йўл оларди. Иззат-икром ва навозишлар остона ҳатлар-ҳатламай бошланарди: “Саломатмисиз, Султон Серкаевич!”, “Соғинтириб кўйдингиз-ку, ака!”, “Кеча тушимда десангиз...”

Султон Серкаевич эса серсаломларга алиқ олавериб, бош силкийвериб, охир-оқибат ияғи толиқиб, бўйни оғриб қолганча хонаи хосига етиб борар ва айланма оромкурсида ястаниб роҳатланар эди. Сўнг столи қиррасидаги майиздеккина қора тугмачани ҳафсала билан босарди:

– Жир-р-р! Жир-ринг...

Лаҳза ўтмай бўсағада сочининг бир тутами қизғиш, бир бўлағи кўкиш, қолган қисми яна алламбало тусга бўялган, атир-упа чапланган ёноғидан табассум таралиб турган котиба қад ростлар, хоҳишига қараб қайноққина қаҳвами, буғи кўкка ўрлаган чойми тайёрлаб берарди. Қолган иш фурсатлари янада мароқли ўтарди: қоғозларга имзо чекиш, сўнг меҳр билан муҳр босиш, ходимларни мақташ ёки лозим топса танбеҳ дегандай...

Мажлису машваратлар айниқса жон-дили эди. Ўзига ажратилган тўрдаги ўриндиқда хоҳласа ширингина мудрар, таъби тортса томоқ қириб нутқ ирод қилар, истаса кекирдагига зўр берганча минбар муштларди...

Лекин нима бўлганда ҳам суйган машғулоти сим қоқиш эди. Тўғри-да, ўтирган ўрнингда қўл етмас масофадаги киши билан шакарғуфторлик қилиш, ёхуд кўзини кўрмай, юзини хотир қилмай сўкиш, маслаҳат бериш, ақл ўргатиш зўр эмасми? Энг муҳими, суҳбатдош ёқмаяптими, исталган маҳалда “гурунг”га болта уриш имкониятига эгасан. Баъзан ўзига ўзи савол бериб кўяди: “Бу телефони тушмагур кашф этилгунга қадар инсон қандай кун кечирди экан-а?!”

Шу тобда Султон Серкаев меҳмонхонасида мунғайибгина ёлғиз ўтираркан, ўша бахтиёр кунларни эслаб, беихтиёр чуқур хўрсинди ва ён-теграсига кўз югуртирди: хайрият, сўнги буйруғи ...ҳа, илтимоси инобатга олиниб, айланма ўриндиқ, майиз тугмачали иш столи ва телефони ҳада этилди. Ана, меҳмонхона тўрида ўрнатилган ўриндиққа чўкди ва бармоқлари беихтиёр стол қиррасидаги тугмачани қидириб топди.

– Жир-р-р! Жир-ринг...

Анча муддатдан кейин, хона эшиги шашт билан очилиб, гулгун чеҳрали котиба ўрнига, хотинининг хўмрайган қиёфаси кўринди:

– Бу нима қилиқ? От бўлсангиз ҳам тойнинг қилиғини қилиб, неваларингиз, ҳамсоя-ҳаққа кулги бўлмақчимисиз?! Йиғиштиринг, иккинчи эшитмай бу зормандангиз товущини.

Тамом, тугмачанинг ҳам куни битди ҳисоб. Яна хуноби ошди. Ҳовури-ни босиш учун, елкада чопон, шиппақда ҳовлига тушди. Рўпарасига пешвоз чиққан ит эгасини, бошда шляпа, бўйинда бўйинбоғ, қўлтиқда портфелда кўришга кўниқиб қолган эмасми, бу сафар танимай жойида қотди, сўнг ҳадиксираганча ҳар эҳтимолга қарши четга қараб хунук ҳуриб кўйди.

Серкаев сесканиб изига бурилди, меҳмонхонага қайтиб кириб, яна креслосига чўкди. Оббо, нима қилса энди зерикиши барҳам топади?! Телевизор кўриш ... мудроқ бостиради! Китоб ўқишни жини суймайди! Ҳа-а, топди. Чойхонага чиқади! Маъкулку-я ... Аммо, хизматчилик билан андармон бўлиб, кўни-кўшни, маҳалладагилар билан тузук-қуруқ танишишга ҳам фурсат тополмаган, турган гапки, танимасни-сийламас! Шундай экан, шамаси ўлган чойни ичиб зарил келибдими?

Серкаев бу сафар узун уф тортди. Илинж истагида яна атрофга кўз югуртирди. Ногаҳон нигоҳи дераза рахидан жой олган телефонга тушди. Чиройи очилди. Ия, нега шу маҳалгача ёдига келмабди?! Ахир, дили чигали, тили тушовини ёзадиган энг беминнат дастёри муштоқ ва мунтазирку!..

Серкаев илкис кўтарилди. Лўкидондан гўшакни олиш учун тараддуд кўраркан, қалби хаприқди, ширин луқма ютишга ҳозирлангандек тамшанди. Хўш, дастлаб кимга кўнғироқ қилади?! Ҳар доимгидек ўринбосари Ўроқовга-да! Тфу, ўринбосари қолибдими! Шу тобда у кишим ўтиргандир ўрнимда керилибми, кекирибми?! Сим қоқса албатта мазах қилади, нишини санчади: “Ҳа, Серкаевич! Жойингизни хумори тутяптими? Етти йил эмдингиз, етар! Энди эгилавериб беланги бўлган жойларимизни силашга бизга ҳам рухсат беринг!” Йўқ, ўринбосарни афти қурсин. Яхшиси, кун-кунора котибалар ҳақида латифалар айтишадиган дўстлари, кўшни идоралар бошлиқларига... Ҳмм, қандоқ бўларкан?! Ҳозирги кайфиятда кулгиси сохта-совуқ чиқар-ов! Қолаверса, “собик” бўлгани учун суҳбат қуришни мансабдагилар ўзларига эп кўришармикин?! Яхшиси, ҳозирча уларнинг ҳам нафақага чиқишларини пойлагани тузук... Унда кимга сим қоқади?!

Серкаев гўшакни қайтариб кўйди. Чайнамоқчи бўлган луқмасидан тош чиққандай афтини буруштирди. Атрофга аланглади: хона тўрида тахмон, диван-кресло, телевизор, музлатгич... Анави жавонда турган қалин муқовадаги расм альбомми? Яхши бўлди, ўтган дамларини эслаб, сурат томоша қилади. Йўқ, бу қадрдон дафтарча-ку! Бир пайтлар унга ошна-оғайни, таниш-билиш, қариндош-уруғларнинг телефон рақамларини эринмасдан ёзиб борарди. Қаранг-а, ёдидан кўтарилиб...

Серкаев суюниб кетди. Дафтар муқовасига инган чанг-чунгни енги билан артган бўлди. Сўнг бармоғини тупуклаб, варақлашга тутинди. Ана буни

кўнгилли машғулот деса бўлади! Энди зерикиш йўқ... Хўш, дастлаб кимни танлайди. Биринчи варақда ёзилгани 01, 02, 03, 04... йўғ-е, туф, туф-е. Бу рақам эгаларидан эгамнинг ўзи асрасин! Ишқилиб иш тушгулик қилмасин. Яхшиси А ҳарфидан бошлайди. Мана биринчиси Атаев Асқар. Ким бўлди бу Атаеви?. Ата-а-а... а-ҳа, бўлди, ёдига тушди: синфдоши. Фақат исми-шарифи Отаев Асқар эди. Бироқ ким билан танишса “Паспорт бўйича Атаевман! Исмин эса Оскар!” дерди. Боёқиш шу исмга орзуманд ҳолда: “Артист бўламан, зўр томошалар кўрсатиб, Оскарни оламан”, деб ичи куйиб юрарди. Аммо артист тайёрлайдиган институтга киролмади. Кейин эса, хотинини икки боласи билан ҳайдаб, вилоят театри директорининг тўрт болали қизига уйлангани ва зўр томоша кўрсатгани кўпчиликнинг эсида... Ўша Асқар-Оскар... бир учрашиб қолишганда ҳашамдор “визитка”-сини тақдим этганча мақтанганди: “Мана, жўра, ҳозир театр эгасиман! Қайнотам (директор)га шафёр, қайнонам (кассир)га тансоқчи, спектаклларда эса суфлёрман... Хуллас,.. тўй-пўй қилсанг, стол-стул, дангур-дунгури билан артисти биздан!” Бу валломат ҳозир нима иш қилаётган бўлса?! Телефон рақами ўзгармадимикин!? Йўқ, шошмаслик керак. Кимнинг қандай мансаб ёки лавозимдалигини аниқлаб, сўнг сим қоққани маъқул! Ундан кейингиси Арслонов Қўзи! Ҳе, Қўзи бўлмай кетсин! “Султон суягини хўрламас! Эна жамоат қариндошингиз бўламан. Ёғлироқ жойни берин!” – деб бир пайтлар орқасидан кўзичоқдай мунғайиб юрарди. Хўжалик мудирлигини олди-ю, арслонга айланди-қўйди! Ўринбосари Ўроқовнинг ҳимоясида, ҳатто унга ҳам ҳамла қилишга ботинди. Баттолни бўшатгунча она сути бўғзига келганди. Шундай нонкўрнинг телефони нега ҳалигача... Мана, устидан чизиқ тортилди. Хўш, навбатдагиси “Ақиқ плюс С!” Бу нима дегани? Қизиқ, нега бундай тарзда ёзиб қўйибди?!.. Серкаев бошини саланглатганча ўйга ботди ва, ниҳоят, манглайига шапатилади.

Юракка санчилган тиф сурати барини ёдига туширди. Курортга борганда кўҳликкина жувон билан танишиб қолганди. Ўша офатижон, оғзи қолиб, кўпроқ кўзи билан гапирарди. Исми Ақиқамиди? Буниси ёдида йўғ-у, аммо, эсдалик сифатида ақиқ кўзли узук совға қилгани аниқ эсида... Хуллас, хотинидан сир сақлаш учун унинг телефонини шунақа синоатда ёзган бўлса эҳтимол. Ҳозир ўша эски жазманига сим қоқиб, дил чигалини бир ёзади. Ие, нималар деяпти?! Нафақадаги одамнинг бегона аёлга сим қоқиши... Бу соғ бошга мих қоқиш билан баробар эмасми?! Шундай экан, бошқасига...

Хўш-ш, Бўриев Бегимқул. Бу ҳам бир партада оёқ тепишиб, катта бўлишган мактабдош оғайниси. Бегимқул бекликни ҳам, қулликни ҳам эпларди. Синф раҳбарининг мотоциклини ювиб-артиб, синфбоши бўлиб олганди. Бойваччатоб болалар портфелини орқалаб юришдан ҳам ор қилмасди. Севишганлар ўртасида изҳори ишқ мактубларини таширди. Имтиҳонларга пул йиғарди, яхши ва аъло баҳолар учун ўқитувчи ва ўқувчи орасида даллолликни қойиллатарди. Хуллас, ўзини эплаб, қорнини тўқлаб, киссасини қаппайтириб юрарди. Шу удабуронлиги иш бердими, ҳозирда катта тадбиркор. Хусусий бозорчаси, автостоянкаси, пуллик ҳожатхонаси бор... Ишқилиб тиниб-тинчимайди! Шундай экан, ўзи эсламаса, бу шоввозни тутиш мушкул. Яхшиси, бошқасини кўрсин...

Хўш-ш, Вали Али Хумдоний... Ҳашакироқ шоир, Али бахшининг маҳмадона ўғли. Бахши бобо қачон қарама, дўмбирасини тингиллатиб, бир уй одамни оғзига қаратиб ўтирарди. Отасига тортганми, ўғли ҳам бошқага гап бермайди... Ҳатто телефонда ҳам. Кошки шоир, артист деганларнинг

гапига бундайроқ одам фаҳми етса, мағзини чақаман десанг миянгга чарчоқ киради. Тахаллуси ажабтовурлиги сабабики, туғилган қишлоғи шунақа – Хумдон. Шу боис овози ҳам хумдан чиққандай. Демак, шоирга ҳам сим қоқиш шарт эмас.

Хў-ўп... Гадовев Фариб. Бу кишим энди қайноға. Яъниким, энг яқин қариндош. Тили асал-у, аммо чўнтаги доим касал. Поччажон, почча деб пойчангдан тутса бўлди. Сўнг қутилиб бўпсан. Унга сим қоқиб зарил кептими?! Ўзига керак бўлса шумғиядай дарҳол бўй тортади.

Хў-ўш, унда навбатдаги – Дулта Донаевич! 3-зў-ў-р одам эди! Каттаю кичик креслоларни кети кўп искаган. Жуда эҳтиёткор ва пишиқ. Амали бўлса-да, гап-сўздан чўчиб “дом”да турарди. Ҳеч ким билан қўл бериб соломлашмасди, бош иргаш билан кифояланарди, холос. У пайтларда, Серкаев билан ён қўшни, оралиқ масофа икки қадам бўлса-да, телефон орқали ҳасратлашарди. Умуман, феъл-атвори ўзига хос эди. Хизмат машинасининг фақат орқа ўриндиғида ўтирарди. Хотинини “сиз”лаб гапирарди. Аммо, бирга ишласа-да, уни ишхонасига олиб кетмасди. Ёнида доим чарм қутичада дори-дармон, термосда қайноқ гиёҳли чой... Шундай эҳтиёткор бўлса ҳам барибир кунларнинг бирида ўтирган ўриндиғи ўнғайсиз, нобопроқ эканми... йиқилиб тушди. Ўшандан буён... тилдан қолган. Телефонда имо-ишора қилиб гапириб бўлмаса?! Шундай экан, навбатдаги Етимов... Ҳм-м, куни “етим”га қолгани йўқ. Яна варақлашда давом этсин-чи...

Султон Серкаев шу тариқа алламаҳалгача дафтар варақлаш билан андармон бўлди. Бироқ, сим қоқишга арзийдиган бирорта маъқул “номзод” тополмади.

Дафтарни ёпишга тараддудланаракан, тўсатдан сўнгги саҳифада кўринарли тарзда ёзиб қўйилган “С. С.” ҳарфларига кўзи тушди.

Тавба, буниси энди яна ким бўлди? Ис ... ис... Нега алоҳида ва чиройли шаклда ёзилган? Телефон рақами ҳам таниш... Э-э, эси қурсин! Ахир бу ўзининг рақами-ку! Бўлди, ёқадиган одам топилди. Тўғриси ҳам шу эмасми?! Бу дунёда инсон, энг аввало, ўзини яхши кўриши ва иззат-икромини ўз ўрнига қўйиши керак. Шундай экан, хў-ўш, ҳурмат юзасидан ўзига-ўзи телефон қилса қандай бўларкан? Киши ўзи билан ўзи суҳбат қурса қандай маза! Агар ўзига-ўзи кўнғироқлашса яна ҳам яхшироқдир. Бўлди, ҳозир гўшакни олиб...

Султон Серкаев жиддий ишга ҳозирланаётгандай кафтини бир-бирига ишқалади, лабларини тишлаганча тез-тез рақам терди. Лаҳза ўтмай гўшакдан алоқа бандлигини англаувчи қисқа-қисқа сас янгради:

– Ду-у-ут! Ду-у-т, дутт!

Султон Серкаевич ўпкаси зардобга тўлган куйи гўшакни жаҳл билан лукидонига ташлади.

– Ана шунақа! Керак пайти гаплашишга арзийдиган одам тополмайсан. Топганда эса, у сен билан суҳбатлашишни истамайди!..

## **«Шарқ юлдузи» журнали 2010 йил сонларининг умумий мундарижаси**

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини  
ташқил этиш тўғрисида ..... 2 – 3

### **ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ**

**Акмал Саидов.** Демократия ва маънавият ..... 2 – 5

### **НИГОҲ**

**Султонмурод Олим.** Халқ, мерос ва маънавият ..... 3 – 3

**Абдуҳалил Маврулов.** Маънавият – эҳтиёж маҳсули ..... 4 – 3

### **ДОЛЗАРБ МАСАЛА**

**Сирожиддин Саййид.** Оққан дарё оқадими?.. ..... 6 – 3

### **НАСР**

**Хуршид Дўстмуҳаммад.** Куза... Қисса ..... 1 – 3

**Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон.** Этакдаги кулба. Ҳикоя ..... 1 – 63

**Ҳасан Манзур.** Ўгай она. Ҳикоя ..... 1 – 97

**Собир Ўнар.** Бибисора. Қисса ..... 2 – 13

**Нуруллоҳ Аббосхон.** Шўрқишлоқ. Роман ..... 2 – 38, 3 – 56

**Исажон Султон.** Қисмат. Ҳикоя ..... 2 – 95

**Қамчибек Кенжа.** Тошқин. Қисса ..... 3 – 13

**Омон Мухтор.** Муҳаббат – ўлимдан кучли. Роман ..... 4 – 12, 5 – 7

**Абдунаби Абдиев.** Муаллақ одам. Қисса ..... 4 – 53

**Абдуқайом Йўлдош.** “Энди нима қиламан?”. Ҳикоя ..... 4 – 71

**Рисолат Ҳайдарова.** Учинчи башорат. Тарихий ҳикоя ..... 4 – 104

**Ҳабибулло Ҳайдар.** Қор элаган кун. Ҳикоя ..... 4 – 114

**Каримабегим.** Номалардаги нолалар. Ҳикоя ..... 5 – 89

**Шомирза Турдимов.** Сиртлон. Ҳикоя ..... 5 – 115

**Салим Абдурахмон.** Қайтиш. Ҳикоя ..... 5 – 122

**Исажон Султон.** Боқий дарбадар. Роман ..... 6 – 15

**Дурбек Қўлдошев.** Шикор. Ҳикоя ..... 6 – 120

## ЖАҲОН ҲИКОЯЛАР ХАЗИНАСИДАН

Оноре де Бальзак. Даҳрийнинг ибодати. Ҳикоя .....	2 – 80
Дино Буцатти. Ҳикоялар .....	4 – 84
Ёқуб Умар ўғли. Ўн доллар. Ҳикоя .....	5 – 82
Томас Манн. Тазарру. Ҳикоя .....	6 – 133

## ДЕДЕКТИВ

Олланазар Абдиев. Тузоқ. Қисса .....	2 – 149
--------------------------------------	---------

## ДРАМАТУРГИЯ

Жуманиёз Жабборов. Уйқусиз кеча. Икки пардали драма .....	1 – 46
---	--------

## СЎЗ ЖАВҲАРИ

Алишер Навоий. Фазал .....	1 – 3
----------------------------	-------

## ШЕЪРИЯТ

Омон Матжон. Дийдорга инондим .....	1 – 39
Қутлибека. Сўз туморим сиз мани... ..	1 – 43
Хусниддин Шарипов. «Шоҳмот достони» китобидан .....	1 – 66
Ойгул Суюндиқова. Хаёлимда гуллар экаман .....	1 – 70
Ҳалим Карим. Дунёнинг сиридан ўйга толаман .....	1 – 74
Садриддин Салим Бухорий. Дунё гўё улкан бир куртак .....	2 – 9
Йўлдош Эшбек. Кўнглимда қайнайди бир булоқ.....	2 – 33
Турсун Али. Қуёш оҳанглари сочар борлиққа .....	2 – 35
Зулфия Мўминова. Дилимдан сўз очсам .....	2 – 75
Фулом Мирзо. Зарра-зарра томади толе .....	2 – 78
Ўткир Раҳмат. Қутлуғ кун шарафи .....	3 – 52
Чоршамъ. Висолинг соғиниб .....	3 – 104
Хуршида. Бахтнинг ранглари кўра бошладим .....	3 – 120
Сирождин Рауф. Кўксидан ўзликни чўғдек асраган .....	3 – 123
Гулчеҳра Жўраева. Юракка сиғмайди чексиз муҳаббат .....	4 – 8
Зикрилла Неъмат. Нурли келажакка йўл олган қарвон .....	4 – 67
Мухтасар Тожимамадова. Энди фақат юрагимдасиз... ..	4 – 79
Шермурод Субҳон. Сени изладим... ..	4 – 82
Сафар Оллоёр. Орзулар қанот бўлар ўйимга .....	4 – 97
Фурқат Мели. Уйғоқ кутиб олгин тонгни .....	4 – 101

## НАЗМ

Саъдулла Ҳаким. Бир ҳайрат ичида .....	5 – 3
Энаҳон Сиддиқова. Суюнчилар сочинг кунларга .....	5 – 64
Кўчқор Норқобил. Тонг шамоли .....	5 – 76
Гавҳар Ибодуллоева. Соғинч кафт ёзади япроқларимда .....	5 – 79

<b>Насиба Юсупова.</b> Нур қадар дилингга туташа туриб .....	5 – 93
<b>Носиржон Жўраев.</b> ... Орзу тўларкан дилга .....	5 – 96
<b>Тошпўлат Аҳмад.</b> Шабнам қатрасида қуёш ёлқини .....	6 – 11
<b>Тўлан Низом.</b> Умр қасидаси .....	6 – 68
<b>Зиёвиддин Мансур.</b> Шахмат қаъридаги ҳикматлар .....	6 – 72
<b>Хосият Рустомова.</b> Бир манзара бахш этди чирой .....	6 – 83
<b>Гўзал Бегим.</b> Келаётган сабо .....	6 – 86
<b>Абдумажид Азим.</b> Истиқлолдан ёнган чироғим .....	6 – 99
<b>Шойим Шерназар.</b> Майсалар тинглайди дилимни .....	6 – 102

## УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

<b>Саида Зуннунова.</b> Ранглар жилвалана қалбингни ёқиб .....	1 – 137
<b>Шавкат Раҳмон.</b> Юрагингда аллақандай мунг .....	2 – 90
<b>Асқад Мухтор.</b> Бир ёруғ нуқта .....	4 – 91
<b>Замира Эгамбердиева.</b> Йўлингизга... қараб турган кўздирман .....	5 – 174
<b>Маъруф Жалил.</b> Соғинч нафаси .....	6 – 142

## БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

<b>Бобур Элмуродов.</b> Нимадир айтмоқчи бўлувдим сизга. Шеърлар .....	2 – 140
<b>Малика Ибодуллева.</b> Кўзларимдан сени ахтарар йўллар. Шеърлар .....	3 – 160
<b>Хурсандбек Тўлибоев.</b> Хаёлингга яшайман сенинг. Шеърлар .....	4 – 28
<b>Барногул.</b> Дунёни уйғотгим келяпти. Шеърлар .....	5 – 119
<b>Насрулло Эргаш.</b> Юракнинг садоси юракка қайтар Шеърлар .....	6 – 131

## БИР ДАРАХТ НОВАЛАРИ

<b>Тўлибой Қобулов.</b> Дунё бўлсин сенга садақа. Шеърлар .....	1 – 11
<b>Халилла Давлатназаров.</b> Ҳаётимда борсан... Шеърлар .....	5 – 111
<b>Қорақалпоқ қизлари</b> дафтарида. Шеърлар .....	6 – 112

## НАЗМ БЎСТОНИ

<b>Япон шеърятидан</b> намуналар .....	1 – 88
<b>Роберт Бёрнс.</b> Сенсиз йўлим ёритмас қуёш. Шеърлар .....	2 – 136
<b>Ойша Турол.</b> Ҳаётимнинг оташидир борлигинг. Шеърлар .....	3 – 148

## НАЗМ ГУЛШАНИ

<b>Николай Ильин.</b> Қуёшли қадамлар тафти. Шеърлар .....	4 – 117
--	---------

## ТУТАШ ТОМИРЛАР

<b>Мулланафас.</b> Ишқ ўтига жоним ёқа билмадим. Шеърлар .....	1 – 104
--	---------

## БУ БЎСТОН САҲНИДА

Комил Аваз. Мухаммаслар ..... 4 – 49

## ҒАЗАЛҲОНЛИК

Маҳмуджон Нурматов. Хуррият ҳимматидин хурланурман. Ғазаллар ..... 5 – 86

## МУШОИРА

**Шудринглар сочган тонг.** С. Умарова, О. Хушназарзода, Шаҳрибону,  
Х. Алишев, С.М.Термизий, Ф. Хусаинова, Э. Мустафоев,  
З. Нарзуллаева шеърлари ..... 2 – 125  
**Кенглик оламга хосдир.** Г. Мардон қизи, Ҳ. Раҳим, Ж. Исмоилов,  
Н. Умарова, З. Ёринов, К. Мажид шеърлари ..... 4 – 144  
**Меҳрин сочди ёниқ туйғулар.** М. Қайнаров, М. Аҳмедова, М. Абдулла, Б. Бекматов,  
М. Абдулхайров, С. Шодиев, Б. Эрқоров шеърлари ..... 5 – 126

## НАВОИЙ САБОҒИ

Олимжон Давлатов. Бир байт синоати ..... 2 – 133

## ДИЛЛАРДАН - ДИЛЛАРГА

Зулхумор Мирзаева. Чўлпон шеърлари таржимасининг қиёсий таҳлили .... 1 – 146  
Баҳодир Раҳмонов. Тоғлар юртининг тоғдек шоири ..... 2 – 182  
Дилшода Муборакова. Тасвир қирралари ..... 3 – 178  
Бегойим Холбекова. Ўзбек тилидан инглиз тилига  
таржималар тарихидан ..... 4 – 157

## ТАФАККУР МИНТАҚАЛАРИ

**Иброҳим Ғафуров, Йўлдош Солижонов.**  
«Улисс» дунёсидаги эврилишлар. Суҳбат ..... 1 – 116  
**Жалолиддин Румий.** “Маснавийи маънавий”дан ..... 2 – 101  
**Артур Шопенгауэр.** Ҳаёт, инсон, изтироб ..... 3 – 126

## ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

Сўз – бу сеҳрли дунё. Ўткир Ҳошимов билан суҳбат ..... 1 – 132  
“Шеърнинг икки қаноти”. Ўзбекистон халқ шоираси  
Ойдин Ҳожиёва билан суҳбат ..... 2 – 72  
Наим Каримов, Улугбек Ҳамдам.  
Асар юрак қони билан ёзилади. Суҳбат ..... 3 – 107  
Сўз хизматида кечаётган умр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист  
Маҳмуд Саъдий билан суҳбат ..... 4 – 138  
Ҳақиқат оғриқлар заминида туғилур.  
Ёзувчи Асад Дилмурод билан суҳбат ..... 6 – 89

## МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Аъзам Қозихўжа. Мулоқот мақоми .....	1 – 141
Отабек Жўрабоев. Лирикада тарих тасвири .....	3 – 150
Дилнавоз Юсупова. Фурқатнинг “Илми шеър қоидаи авзонини баёни” дастхати .....	4 – 184
Дилдора Ҳошимова. “Рости бул эрдиким, мастур бўлди...” .....	5 – 77

## ЁДНОМА

Жўра Фозил. “Бухорони таниган куним” .....	1 – 152
Шодмон Отабек. Сўнги дарвеш .....	3 – 181
Баҳодир Каримов. Аъзам шоирнинг ўқтам овози .....	5 – 165

## ҚУТЛОВ

Марғуба Мирқосимова. Истеъдод ва матонат .....	2 – 138
Абдуғафур Расулов. Жасур қалам соҳиби .....	5 – 68

## БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Рустам Назар. Ўзлигиндан тонма ҳеч. Шеърлар .....	1 – 130
Анвар Обиджон. Кезаргон бойчечак. Қисса .....	2 – 104
Хуррам Райимов. Тойчоққинам бирам шўх. Шеърлар .....	3 – 138
Иброҳим Дониш. Деразамни очибсан. Шеърлар .....	6 – 137

## БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Тўхтамурод Зуфаров. Мақом зарбларига йўғрилган юрак. Эссе .....	2 – 142
Умарали Норматов. Бедорликда ўтган умр .....	3 – 140
Охунжон Сафаров. “Эътиқод – ҳаётининг мазмуни эди” .....	4 – 120
Абдулла Шер. “Мажнунтол тагига ўтқазинг мени...” .....	5 – 100
Олимжон Холдор. “Новвотнинг дури...” .....	5 – 106
Наим Каримов. Устоз .....	6 – 167

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қозоқбой Йўлдошев. Моҳиятни англатиш йўли .....	1 – 156
Узоқ Жўракул. «Телбага йўқтур қалам...» .....	1 – 166
Аҳмад Абдуллаев. «Шеъримда узоқ бир ишқнинг шарҳи бор» .....	1 – 172
Нўъмон Раҳимжонов. Танқидий тафаккур ва эстетика мезонларининг янгиланиши .....	2 – 164
Абдурахим Солиев. Сатирик характер ва маҳорат .....	2 – 173
Абдулла Улугов. «Хур гулсан, ҳаёт» .....	2 – 177
Ҳакимжон Каримов. Бугунги насрнинг хусусияти ва тамойиллари .....	3 – 162
Муқаддас Тожибоева. “Ҳаёти жовидон миллат” .....	3 – 170
Саъдулло Қурунов. Шеърятда геометрик изланишлар .....	3 – 173
Сувон Мели. “Янги танқид” (Ғарб адабиётшунослигидаги бир оқим ҳақида) .....	4 – 161
Дилмурад Қурунов. Портретдаги мусаввир сийрати .....	4 – 173
Исломжон Ёқубов. Адиб соғинган манзил-маъволар .....	4 – 177

<b>Нурбой Абдулҳаким.</b> “Фирдавсу-л-иқбол”нинг адабий-эстетик қиймати .....	5 – 150
<b>Гулчеҳра Имомова.</b> Анъаналар сатҳидаги бадиий синтез .....	5 – 160
<b>Раҳматулла Баракаев.</b> Ёш қаҳрамон қандай бўлиши керак? .....	6 – 145
<b>Маҳкам Маҳмудов.</b> “Катарсис” сўзининг маънолари тавсифи .....	6 – 150
<b>Шухрат Ризо.</b> “Қийноқ, сенга бўлсин шараф!” .....	6 – 154
<b>Зухра Мамадалиева.</b> “Лисон ут-тайр” достонидаги тасаввуфий образлар талқини .....	6 – 163

## ИЗЛАНИШ

<b>Сирдарёхон Ўтанова.</b> Ёш тилшунос ва адабиётшунослар анжумани .....	5 – 136
<b>Ўткир Исломов.</b> “Бил, ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз” .....	5 – 135
<b>Наима Аликулова.</b> Мажзуб Намангоний “Соқийнома”сининг ўзига хос хусусиятлари .....	5 – 140

## ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИРЛАР

<b>Улуғбек Долимов.</b> Абадий зиё маскани .....	1 – 183
<b>Шерали Турдиев.</b> Маърифат ва истиқлол фидойиси .....	4 – 187
<b>Обиджон Маҳмудов.</b> Бор этайлик Мингтепани... ..	6 –

## МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА, МУСОҲАБА

<b>Ҳаким Сатторий.</b> Инсон феъл-атвори сиралари .....	1 – 107
---	---------

## МУТОЛАА, МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА

<b>Шермуҳаммад Амонов.</b> Ҳамза шеъриятида матн таҳрири масаласи... ..	4 – 151
<b>Рашид Зоҳидов.</b> Тарбия ва гўзаллик илми .....	5 – 145
<b>Қўлдош Пардаев.</b> Ўтган аср мунозаралари .....	6 – 173

## САНЪАТ

<b>Йўлдош Норбўтаев.</b> Ўзбек миллий чолғулари тарихидан .....	5 – 170
<b>Зокиржон Орипов.</b> Соҳибқирон раҳномолигида бўлган олим ва санъаткор ...	6 – 139

## ИХЛОС

<b>Нодир Жонузоқ.</b> Қалб қадрдони .....	2 – 92
---	--------

<b>Абдулахат Қаҳҳоров.</b> Маърифат осмонидаги юлдуз .....	1 – 178
--	---------

## БАДИА

<b>Фулом Каримий.</b> Пайғамбарнинг хирқаси. Эссе .....	4 – 131
---	---------

## **НУҚТАИ НАЗАР**

**Муаттархон Жўраева.** Фаолият ва масъулият ..... 4 – 94

## **ЭҲТИРОМ**

**Саъдулла Сиёев.** Пайваста диллар меъмори. Эссе ..... 6 – 105

## **ЛУҚМА**

**Наим Каримов.** “Мардикорлар ашуласи”ни ким ёзган? ..... 5 – 182

## **ГУЛҚАЙЧИ**

**Ўктам Мирзаёр.** Ямоқ. Ҳажвий ҳикоя ..... 1 – 189

**Иброҳим Чориев.** Дадамнинг иши. Ҳажвий ҳикоя ..... 2 – 188

**Турсунбой Адашбоев.** Пародиялар ..... 3 – 188

**Абдураззоқ Обрўй.** Ҳазиллар ..... 4 – 191

**Аҳмаджон Мелибоев.** Эркин Сиддиқ нима дейди? ..... 5 – 187

**Муҳаммад Очил.** Серкаев сим қоқди. Ҳажвий ҳикоя ..... 6 – 182